

**ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

---

**А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ  
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

# ҲАМЗА

ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

А С А Р Л А Р

ИККИ ТОМЛИК



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1960

# ҲАМЗА

ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

А С А Р Л А Р

ИККИНЧИ ТОМ

ПЪЕСАЛАР



ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1960

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг  
корреспондент аъзоси


**КОМИЛ ЯШИН**  
таҳрири остида

Нашрга тайёрловчи  
**Ю. СУЛТОНОВ**

Редактор  
**Рустам КОМИЛОВ**



ЗАҲАРЛИ ҲАЁТ  
ЁХУД ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ



4 ПАРДАЛИ ФОЖИА

1916 йил

*Туркистоннинг ўз маишатидан олинган қиз, куйёв фожиаси.*

- Мирзо Ҳамдамбой.** Урта бўйлик, мош-биринч соқол, қизил юзли, ўртача кийинган, 55 ёшда, рўз-давлатлик бўлса ҳам, илм-маърифатдан ироқ киши.
- Абдиқодирбой.** Мирзо Ҳамдамбойнинг ошнаси, Маҳмудхонга муҳаббатлик, бир озгина замондан хабардор киши. Узун бўйлик, қора соқол, расмий кийинган.
- Маҳмудхон.** Хипча бўйлик, хуш мўйлаб, соқолсиз, сочлик, кўзида ойнак бор, бутун оврупоча кийинган, хусусий муаллим олиб ўқимиш, тарбия кўрмиш. Мирзо Ҳамдамбойнинг ёлғиз ўғли, 18 ёшдадир.
- Марямхоним.** Эски мактабларда ўқимиш эса ҳам Маҳмудхонга муҳаббат қўймоқ муносабати ила роман, газета, журнал каби маориф таъсиротиндан қалби уйғонмиш, Маҳмудхоннинг ҳақиқий ошиқидир, 17 ёшда бўлиб, бир фақиргина қосибнинг қизи.
- Эшон.** Узун тун ва катта саллали.
- Сора.** Марямхоннинг онаси, 35 ёшларда.
- Зайнаб.** Марямхоним билан Маҳмудхон орасинда хат юритувчи кампир, 60 ёшда.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Маҳмудхон ҳужраси, оврупоча зийнатланган, бир тарафда ишкоф, ичида китоблар, хариталар; рамкада картиналар. Бир тарафда темир каравот, бир тарафда бир дона стол, уч-тўрт дона табуретка, бир деворий соат.

**М** а ҳ м у д х о н (*тўнини ечиб, чўнтагидан бир мактубни олиб, тўнини қозиққа илиб, курсига ўтириб, хатни ўпиб очиб*). Бугун нима хабар? Нима сўзлар ёзилиб мактуб келган экан!

Энди ўқиб турган ҳолда эшикдан Абдиқодирбой кириб келур.

Абдиқодирбой. Ассалом алайкўм!

Маҳмудхон (*хатни қўйнига солиб, югуриб туриб*). Ассалом алайкўм, бой почча, келсинлар, қани, марҳамат (*жой кўрсатиб*), қани ўтирсинлар, менам ҳозир жанобингизни кутиб турувдим. (*Курсига ўтиришур.*)

Абдиқодирбой (*фотиҳа ўқир*). Хайр, зиёдан давлат...

Маҳмудхон (*туриб*). Хуш кўрдик.

Абдиқодирбой. Хўш, саломат. Янги хабарлар йўқми?

Маҳмудхон. Хуш хабарлар мана энди жанобингиздан бўлада-да, бой почча.

Абдиқодирбой. Биз келтирган хабар уқадар хуш бўлмаса ҳамки, амонат бир жавоб-да, ҳар нима бўлган-да ҳам биздан бир айтиб ўтмак-да. Айб қилмайсиз.

Маҳмудхон. Йўқ, тақсир! Нимага айб қилар эдим. Қани эшитайлик!

Абдиқодирбой. Энди, кеча мен бу ердан чиқиб,

тўғри конторга борувдим, бой афанди ўзлари ёлғиз эканлар, ўтирувдим чой буюрдилар, ағдан-бағдан сўзлашиб, гапни муддаога олиб келдим-да, қўлимдан келган қадар сўзларни айтиб, агар бу ишлар вуқуъга келмаса Маҳмудхон аччиқ устида бирор тарафларга кетиб қолиш эҳтимоли ҳам бор. Битта фарзандингизни хурсанд қиламан десангиз, ўша Марямхонни олиб берасиз-да, хотиржам қиласиз, бўлмаса, охирида бирор дилсиёҳлик бўладирган даражаларга ҳам эҳтимоли бор, деб хуллас, нима била тарғиб бўлса қилиб ўтдим. Аммо бой афанди, ўзингиз феълларини биласиз, ҳеч бир хоҳиш қилмадилар.

Маҳмудхон (*бир оз ўзгариброқ*). Ахийри нима дедилар?

Абдиқодирбой. Энди бой афандининг гаплари шуки, мен эл-халқ ичида хўб яхши обрў, шуҳрат топган киши, бир Қўқангагина эмас, Бухоро, Самарқанд, бу тарафи Қашқар дегандек, ҳамма жойга овозамиз кетган. Энди биттагина ўғил бўлса, мана ўзини тўй қилганимга ўн-ўн беш йил бўлиб қолди. Мана бу иккинчи тўйи, ахир, бир дурустроқ, ўзимиздан юқори бўлмаса ҳамки, баробарроқ жойдан уйлантирайликки, ҳам орзумиз ушалсин, ҳам атрофдан келган ёр-дўстларга маъқул бўлсин-да! Энди мен шундай обрў билан бориб бир бечора косибди қизини олиб бераман! Халқ мени нима дейди! Ахир унинг катакдек кўҳна ҳовлиси бор, тўй қаерда бўлади? Хўш, келган ёр-дўстлар қаерда ўтиради? Шарманда бўламиз-ку! Энди ўғлимизни хурсанд қилайлик деб шунча мардумдан таънага қолиб, ҳайфсан эшитиб ўтирсак тузукми? Мана ахир, ўқийман, деди, хабарингиз бор, олти йилдан баққа қанча пуллар сарф қилдим,, энди мулла бўлиб, қилиб берган фойдасими бу? (*Қўли била ишора қилиб.*) Асло, асло бу сўзни иккинчи айтманг, мен сиздан хафа бўламан. Мана, сиздек яқин дўстларимдан чиққан сўз шулми? Айб гап, дедилар.

Маҳмудхон. Ахир ўз-ўзини бир балога гирифтор қилади, демадингизми?

Абдиқодирбой. Айтдим, ҳеч гап қолмай ҳаммасини айтдим. «Онаси ҳам унамайди, қариндош, уруғлари ҳам унамайди. Бу бир хаёл гап, ҳар кимга мақбул бўлмайдиган гап. У ўзи шундақадир. Мен ундан юз баробар ортиқ қиз топиб бераман» дедилар. Икки соат сўзлашиб, энди бир оз мулоим қилган вақтда ҳазрат эшоннинг Қосимжон деган халфалари келиб қолди. Хайр.



у ҳам зораинки менга қўшилса, деб тагин ўтирувдим, халфанинг ўзи ҳам сўраб қолди, бой афанди ўзлари гапириб қолдилар. Халфа гап тамом бўлгандан кейин: «Энди, бой афанди, жанобингизники маъқул, сизга ҳеч муносибмас, ва ҳам буниси борки, қиз ҳазрат эшонга назр бўлган, энди ҳазрат эшон мурид овидан қайтсалар, эҳтимол, шу ой ичида тўй ҳам бўлса», деб юборди. Бой афанди: «Ана холос, агар мен Сизнинг сўзингизга кирсам, тоза шарманда бўлар эканмиз», деб баъзи гапларни гапириб, мени хижолат қилдилар. Энди ўзингиздан ўтар гап йўқ, ҳазрат эшонга бўлгандан кейин гап тамом.

Маҳмудхон (*хайрон бўлиб*). Ҳазрат эшоннинг хотинлари бор эди-ку?

Абдиқодирбой. Бор, битта эмас олтита, ҳозир олтиариқлик оймлар ўлдилар, бешта бор.

Маҳмудхон. Олтита экан, буни нима қиладилар?

Абдиқодирбой. Эй бойбаччахон! Сиз ёш-да ҳали, текин назр бўлгандан кейин, ким олмайди дейсиз! Аввал шундай ҳазрат эшонлардан иш кетган-да! Бўлмаса, бир оёғлари гўр оғзига бориб қолган бу кишига ким қўйди яна мунча ёш хотинни!

Маҳмудхон ўрнидан турар.

Қаёққа борасиз?

Маҳмудхон. Гап била бўлиб қолдик, чой қўяй.

Абдуқодирбой. Йўқ, афандим, чойга фурсатим йўқ. Бошқа яна келаман. (*Турар.*)

Маҳмудхон (*ночорроқ*). Ахир, чой ичиб борар эдингиз-да!

Абдиқодирбой. Ахир, чой ичмаган жойимизми, хайр. (*Чиқар.*)

Маҳмудхон (*узатиб*). Хайр бўлмаса.

Абдиқодир кетар. Маҳмудхон ўртада бир оз ўйланиб келур-да, курсини стол ёнига олиб саҳнага қаратиб қўйиб ўтирар. Оҳ уриб, яна туриб юриб, келиб ўтирар. Қўлин тиззасига уриб.

Оҳ, жаҳолат, маорифсиз давлат! (*Хатни олиб, очиб қараб, туриб бориб, звонок бериб, яна келиб ўтирур. Эшикдан мулозим келур, Маҳмудхон анга қараб.*) Бирорта эркак одам келса, мени йўқ дегин. (*Хўб, деб кетар. Маҳмудхон ҳамон тиззасига уриб.*) Эй, жоҳил оталар, жоҳила оналар. Мен орзу-ҳавасни нима қилай? Орзу-ҳавас ўзимнинг истаганимдан бошқа нимарса эмас.

Бир оз сукут қилиб турар. Бу орада М а р я м х о н и м келиб,  
эшикни қия қилиб қараб турар. М а ҳ м у д х о н хабарсиз.

Мен орзу-ҳавасни нима қилай, суйганим бўлмагандан кейин менга минг орзу — бир қора чақа, балки менга заҳар, ўлим! (*Бир озгина тўхтаб.*) Мен бой қизини нима қилай! Ҳа, ўзимни эндигина жаҳолатдан қутқазган вақтда яна бир жоҳилага, рўдапога умрдош бўламанми? Менга ҳаёт керак. Ҳаёт учун энг кўнглим истамиш мақсад керак, у мақсад эса (*бош қимирлатиб*) Марямхонимдан бошқа эмас, бошқа эмас.

Маслакда, фикрда, илмда энг биринчи ҳаётдош бўлиб турган Марямхонимдек ҳақиқий бир кўнглим жононаси турганда, менга дунёнинг ҳар бир орзусини, ҳар бири пари каби бойлар қизини ҳавас қилмоқ ҳаром! Ҳаром! Оҳ, анинг менга ширин-ширин ёзмиш мактублари (*югуриб туриб стол ғалладонидан бир дона мактубни келтуриб очиб*). Мана-мана буни ёзмиш, мактубларига қара, биринчиси бу (*биринчи мактубни ўқир*): «Ғунчаи муҳаббатим, суюкли Маҳмудхон! Мен Сизга нақадар муҳаббатни даъвосиндан ёзмайки,.. вақтингиз мусонда ўлмасин учун сўзни қисқартуб, мақсадгагина қалам юрутдим. Дуруст, мен фақира эски мактабдагина таҳсил этдим, лекин ҳар бир инсоният ҳаёт масалаларин Сизнинг марҳаматингиз ва маънавий ёрдамингиз орқали танидим.. Иккинчи муддао, афандим, эмди тездан ижтиҳод этингизки, икковимиз элимизни, Сиз қуёши бўлганда, мен моҳтоби бўлиб, қоронғу ватанни ёритайлик, Сиз-да эрларимизнинг ҳолидан, мен мазлума оилаларимизнинг ҳолидан газеталарга ёзишиб, бир-биримизни огоҳлантирайлик. Гарчи Сиз тижоратда бўлсангиз-да, чин мақсудингиз бўлган қизлар мактаби очайлик: мен маънавий, Сиз моддий хизматда бўлинг, қадрсиз ҳамшираларимизни илм нақди била кўтаришайлик, чин яшайлик, келажакдаги авлодларимизни мазоримизга бориб, эрлари Сизга, қизлари бизнинг қабримиз узасина, оқ, қизил гуллар сочиб руҳларимиз олқишларлик даражада бир хизматларни майдонга қўяйлик...» (*Маҳмудхон тиззасига қўлин уриб.*) Оҳ, мана бу мактуб қандай лазиз ҳаёт беради. Мен қайси виждоним била мундин юзимни ўгирайин. Бу мактубни ҳар бири менга минг бой қизидан суюклимасми?.. (*Маҳмудхон биринчи мактубни қўйинга солиб, иккинчи мактубни очиб кўриб, чўчиб туриб.*) Марямхоним кутмакчи экан, мен тўхтаб қолибман-ку! (*Хатларни қўйни-*

га ошиқиб солиб орқасига қарамоқ баробар, Марямхоним эшикни очиб, боқиб турар. Маҳмудхон югуриб бориб салом ила қўлин ўпиб.) Буюринг, хоним! (Олиб келиб, курсига ўтқазур-да.) Хоним мен чиқиб, эшикни киши қўйиб пойлатиб келай.

Марямхоним (Маҳмудхон қўлиндан ўпиб). Менинг келганимга узоқ вақт бўлди, тез қайтаман.

Маҳмудхон. Хўб, жоним! Мабодо бир киши хабарсиз келмасун. (Чиқиб кетар.)

Марямхоним (китобларни кўрсатиб). Оҳ, ширин ҳаёт, чин йўлдош бундай ҳар бир жаҳатда комил, фозил инсон бўлса. Афсус фақири бечорамен. (Юриб турар.)

Маҳмудхон келур.

Маҳмудхон (курсига таклиф қилиб). Нечук, хоним, таклифсизгина ташриф этдингиз?

Марямхоним (ўтириб). Ҳеч таклифга эҳтиёжсиз, муҳаббатми, бошқами. Яқинлардан бери қўрқинчилик бир туш кўраман. Хавфланиб, бир фурсат қилдим-да, кўргим келди. Азият кўрмасангиз ҳеч гап йўқ.

Маҳмудхон (туриб). Бош устина, хоним. На азият, марҳамат эмасми?! Тушнинг, менингча, эътибори йўқ, лекин... (сукут.)

Марямхоним (қўрқиброқ). Афандим! Сукут этдингиз?!

Маҳмудхон (рўмолчасини олиб, кўз ёшин артиб). Хоним... Иккимизга бир уқубат борга-да ўхшайди!

Марямхоним (чўчиб, Маҳмудхон қўлини тутиб, ошиқиб). Нима, нима? Уқубат!

Маҳмудхон (қўлини тутиб). Қани тил, они Сизга айтмакка, жоним!

Марямхоним (ҳамон ялиниб). Мен эшитиб турган сўзларимдангина эмас, дедим-ку! Кўрган тушларимдан-да хавфланган эдим. Айтинг нима хабар экан!? Нима сўз?!

Маҳмудхон. Энди ўзим ҳам айтмоққа мажбурман, лекин кўнглим бўлмайти.

Марямхоним (йиғламсираб). Ўйўқ, айтинг!

Маҳмудхон. Мен кеча бир кишини отамга юборган эдим. Ул киши сўзича, отам қабул қилмаган эмиш. Майли энди ул қабул қилмаса, қийинлик бир тарафдә экан, иложи осон эди. Энди Сизнинг тарафда бир мушкул борки, ҳар бир нарсадан у масала оғир!

Марямхоним. Хайр, нима экан?

Маҳмудхон. Сизнинг ота-онангиз ҳазрат эшонга назр қилмиш эканлар (*Марям чўчур*), эҳтимол шу ойлар орасинда тўй булур эмиш. (*Марям яна чўчиб тушар, манглайин тутар.*) Энди мен эса, бу тўғрида кўп оғир ўйга қолдим. (*Тухтар.*)

Марямхоним (*бир оздан кейин*). Афандим, мен сизсиз дунёда бир кун турмоғимдан менга ўлим яхши-масми! Мен (*йиғлаб*) ҳеч бир вақт қабул қилмасман, қўлимдан келган қадар ўзимни ул золим қўлидан қутқаза олурман. Жоним, гап Сизда, Сиз-да ўз ваъдангизда қарор этсангиз, албатта, мен жон борица ҳаракатда бўлурман. (*Йиғлар.*)

Маҳмудхон. Жоним, мен сиздан-да ортиқ даражада дунёда сизсиз тура олмом. Бугун сиздан ажралмоқ маълум бўлур экан, бу куннинг ўзидагина ўзимни ҳалок этармен. Жоним, менга Сизсиз ҳаёт — заҳар. Мендан амин бўлингизки бугундан бошлаб мен ҳаракатда бўлурмен. Сиз-да, албатта, у тарафдан мене бўлиб турсангиз кифоя.

Марямхоним (*Маҳмудхон қўлин тутиб, яқинроқ келиб*). Жуда бўлмас эса, бир бошқа мамлакатга қочмоқ мумкин эмасми?

Маҳмудхон. Албатта мумкин, жоним, иш бўлмагач ноилож қиламиз. (*Бу орада «Хўжайин келдилар» деган овоз келур, Маҳмудхон сачраб туриб.*) Энди... (*Марям турар*) айбга буюрмайсиз, хабарсиз келганингиз вақтсиз бўлди.

Марямхоним (*Маҳмудхон қўлин тутиб, кўксина қўйиб*). Яна мени фақир деб ташламангиз, жоним. Мен ўзимча фақир бўлмадим.

Маҳмудхон. Оҳ, жоним! Менга ўт ёқмангиз! Мен у виждонсиздан эмас. (*Қўлин олиб ўпар.*)

Марямхоним (*паранжисини ёпиниб*). Мени унутманг! Менга увол қилманг. (*Йиғлар.*)

Маҳмудхон. Жоним, ҳеч унутмасман! Сиз хотиржам. (*Пешонасин силар.*)

Марямхоним (*эшик остина бориб*). Жоним, мен ҳар доим умидда тураман. Аввалги марҳамат, ваъдадагина бўлинг, дунёга алданманг...

Маҳмудхон (*қўлини ўпиб*). Жоним, Сиз унутсангиз ҳам, мен ҳаргиз унутмасман.

Биргалашиб чиқар. Парда тушар.

تورکستان معیشتندین آلمش قنز و کویا و -  
فاجعه سیدور .

زہرا لی حیاتا

یا خود

عشق قربانلری

۴ پرده لک فاجعه

«Захарли ҳаёт» пьесасининг муқоваси.



## ИККИНЧИ ПАРДА

Марямхонимни зўр била ҳазрат эшонга никоҳланиб уч-тўрт кундан кейинги кун. Ҳазрат эшон уйи ичкарида бўлиб, кўриниш жой унинг қазноқидан иборат, уртадан ичкарига — Марямхоним уйина эшик бор.

Марямхоним (*бир оз ясанган, оёқ яланг эшикдан қочиб чиқиб, ошиқиб*). Ё, раббий! (*Эшикка қараб.*) Маҳмудхон, қайдасан жоним! Менинг ҳолимни кўр! Қани ваъдаларинг! Эй, олло, паноҳ бер. (*Йиғлаб.*) Нажот бер!

Эшон (*берироқ келиб*). Марямхоним! Сизга нима бўлди? Мендан қочиб мундақа қиласиз?

Марямхоним (*қазноқнинг бир чеккасига қочиб*). Йўқолинг, йўқолинг! Хоин, диёнатсиз, раҳмсиз, золим! Кўзимга кўрунманг!

Эшон (*бир фурсат соқолини тараб туриб, бошини лиқиллатиб*). Бир балойи жон-ку! (*Яқинроқ келиб.*) Ахир, нимага мундоқ қиласиз? (*Қўли бирла кўрсатиб.*) Менам одам-ку! Юхо, ё одам ёввойисмас-ку!? Менга нима қилипти ахир, мендан қочасиз! Туринг! Уйга киринг! Мундақа қилманг, мен хафа бўламан.

Марямхоним (*ўзин олиб қочиброқ*). Кирмийман, кирмийман! (*Қичқириб йиғлар.*) Раҳмсиз! Инсофсизлик юхоликдан камми?

Эшон (*ҳайрон бўлиб туриб, яна ялиниб*). Туринг! Уйга киринг! Мен чиқиб кетаман, бу ерда турманг, ёмон бўлади!

Марямхоним (*жаҳл била*). Чиқиб кета беринг, кирмийман, дедим-ку!

Эшон (*аччиғланиб, ёнига келиб, энгашиб қўлин силкиб*). Ҳа, тур дейман! Ҳали замон дуои бад қилиб юбораман!

Марямхоним (*аччиқ била қичқириб, йиғламсираб*). Турмийман! Кўп яқинимга келманг! Дуои бад қилсангиз қилинг, мен ўлай, ўлимимга розиман. Менга бундан ўлим яхши, ўлим! Оҳ, ажал! Кошки, ҳозирда жоним чиқса, шундоқ бетавфиқ қўлидан халос топсам! Ўлим. (*Йиғлар.*)

Эшон. Эр бўлса, мана мен! Бошқа муддаонг нима! Ё бўлак дард-мардинг борми?

Марямхоним (*қичқириб йиғлаб*). Бор, бор! Муддаом бор, сен чолди мен эр қилмийман, дейман-ку, тағин нима?

Эшон (*бармоғин тишлаб, оҳиста пешонасига қўлин уриб, яна аччиғ била*). Ким у муддаонг, айт!

Марямхоним. Бор дедим, бор! Айтиб нима қиламан, бор!

Эшон. Хотирингни жам қил, энди муддаонгдан умидингни уз!

Марямхоним (*йиғлаб*). Ноумид шайтон!.. Мен умидимни узмийман!

Эшон (*жаҳл ила бошига бориб, энгашиб, қўлин силкиб*). Сенинг мендан халос топаман деган умидинг ҳам борми?

Марямхоним. Бор, албатта, ҳар тарафдан бор!

Эшон. Қандоқ халос бўласан?

Марямхоним. Иншоолло, бўламан! Ҳозир бўлмаса ҳам ахийри бир кун бўламан!

Эшон. Мени сен нима деб ўйлайсан ҳали?

Марямхоним. Бир бетавфиқ, худо беҳабар, бир чолсан-да! Нимасан?

Эшон. Астағфурулло! Мен сени осонликча қўлга туширдимми? (*Яқинроқ келиб.*) Тур дейман, яхшиликча! (*Қўлидан тортар.*)

Марямхоним (*қўлин силкиб ташлаб, қичқириб йиғлаб*). Ол қўлингни, нарироқ тур! Бетавфиқ! Ёнимга келма, инсофсиз, уятсиз! (*Йиғлар.*)

Эшон (*жаҳл била*). Нима қиласан бу ерда?

Марямхоним. Ўзимни ўлдираман, биласанми! Сенинг қўлингга асир бўлгунча, ўлганим минг маротаба яхши! Шу ерда ўламан, кирмийман!



Эшон (*ҳамон аччиғланиб*). Бадбахт, мардуд бўласан!

Марямхоним. Худо хоҳласа, ҳеч нимарса бўлмасман. Ҳар нима қўлингдан келадирган бўлса қил, даринг тутма! (*Йиғлар.*)

Эшон. Сен ҳали гумроҳ экансан. Сени ўқиган деб эдилар, балони ҳам билмаган экансан. Мени биласанми? (*Қўлин силкиб аччиғ била титраб.*) Мени биласанми? Мен ҳазрат эшон-а! Каттадан кичик, бойдан камбағалгача мени кўрса ўрнидан туради-ю, менинг кавшларимни кўзларига суркаб табаррук қилишади-ю, сен мени ҳурмат қилмоқдан ортиқ, гапимни қайтарасан, сансирайсан! Ёш, ёш деб афв қилсам, осий бўласан!

Марямхоним. Эй, бемаърифат эшон! Эшон бўлмай қол, авф қилмоқ худога, осий бўлмоқ бандага хос. Бандага ким қўйди афв қилмоқди! Мен хўп яхши ўқиган, ўзимга яраша дин, диёнатни сендан яхши биламан.

Эшон. Гапирма, э безот! Тағин қайтаради-я! Менинг уйдаги бешов хотинимнинг қайси бири сендан хунук? Улар сендан бойроқ одамларди қизи. Сен бир галсй косибди қизи-ку! Шу бечора ҳолингга мунча ноз қиласан! Менинг берган ёғ, биричим била ота-онанг ош кўрди-ку! (*Бўйинини кўрсатиб.*) Менинг пулим била бўйнинг маржон кўрди-ку! Тағин нимага ноз қиласан?

Марямхоним (*аччиғ ила маржонни узиб отиб, ерга уриб*). Ол, бисотингни, менинг гавҳарим бор, қувватим бор, менинг кўзимга кўринмийди мундақа нарсалар! Сен айтгон дунёпараст манинг отам билан онам жоҳил, сенинг каби золим, раҳмсиз. Мен безор мундоғ заҳарлик давлатдан, матлабсиз ҳаётдан, сендек уятсиз, шариатсиз, мунофиқ чол била қилган зиндалиқдан менга ўлим яхши, ўлим! Қора тупроқ ости яхши! Мен нима қилай сенинг эшонлигингни, аҳволинг шуми? Тириклик керакмас, ўлдир! (*Қўлин юқори қилиб, титраб, йиғлар.*) Оҳ, золим фалак!

Эшон (*ғазаб била*). Шариат буюрса нима қиласан?

Марямхоним. Шариат мендек бир мазлумани сен каби бугун, эрта ўлим эгаси бўлган ноинсоф чолга ҳаргиз буюрмас... Шариат ҳам аввал мени қабул қилмоғим била буюради... Никоҳ тарафайннинг ижоб қабули била никоҳ ҳалол бўлур. Мен қабул қилмасам никоҳ ҳаром Шариат узасидан мен қабул қилмасам. (*Қичқириб: Дод!*)

Эшон. Ота-онанг берган. Азрўйи шарият, имом никоҳ қилган. Улар санчалик билмайдими?

Марямхоним. Дедим-ку, отам, онам жоҳил, дунёпараст. Имомлар ҳам шул. Шарият бошинда турувчиларга ақча бўлса бўлур. Бир соҳиб тақвойи зоҳид эшон сенми, сенми? Бошқаси нима бўлади энди!..

Эшон (*ниҳоятда ғазаб била*). Мен сен била масала талашгани олганим йўқ, тур дейман!

Марямхоним (*жаҳл била*). Мен ҳам сен била ҳаёт этгани келганим йўқ. Турмийман.

Эшон (*жаҳл била*). Нима учун келдинг?

Марямхоним (*ийғлаб*). Мажбурият келтирди мени, жаҳолат келтирди, зулм, зулм келтирди.

Эшон (*қўлидан тортиб*). Тур дейман, бадбахт!

Марямхоним (*қўлин силкиб, уй бурчиға қочиб қичқириб*). Дод, золимни дастидан!

Эшон (*эшик остина бориб, бир оз тўхтаб*). Ҳа бадбахт!

Марямхоним. Рост, мен бадбахт, мен бадбахт! Бадбахт бўлмасам сендек золим қўлиға тушармидим! (*Осмонға қараб*.) Ё раббим, золим дастидан нажот бер, (*ийғлаб*) ё ажал бер!

Эшон (*соқолини силаб*). Мен эшикни тинчитиб келиб, сўнгра сени тузукча жазонгни бермасам бўлмас экан. (*Чиқиб кетар*.)

Марямхоним (*орқасидан қичқириб*). Бер, бер жазомни! Ўлдир, ўлдир, пичоқ олиб келиб шаҳид қил!.. Ё, олло, мен мазлума, мен муштипар қанот қўйруғим синган, ота-онаси тарафидан малъун дунёға сотилган... Йиртқич ҳайвонға асирман... Хоинлар дастидан дод! (*Яна бир оз туриб*.) Маҳмудхон, қайдасан! Ҳолимни кўрсанг. Раҳмсизлик қилдинг, вафосизлик қилдинг. Ваъдаларинг нима эди! Бу золимға асир қилдинг! (*Бир оз ўйланиб туриб*.) Йўқ, унда ҳам айб йўқ. (*Қўли бирла кўрсатиб*.) Мени, меними? Бу шум бахтимда айб... Йўқ, энди мени бу мунофиқ, бу бетавфиқ қўймас экан. Энди ҳамон бундин халос топганим била аввалда олиб бермаган Маҳмудхоннинг отаси энди икки бошдан ҳам олиб бермайди. Энди бир илож била бу золимдан ўзимни қутқазмоқ учун ўзимни ўлдирмоқдан бошқа чора йўқ! Бу заҳарли ҳаётдан ўлим яхши! (*Ўйланиб*.) Энди бу ерда ҳеч чора йўқ, уйимға қочмоқ керак-да, бир пиёла... ича-

ман, икки, уч кун ётаман-да ўламан қўяман, шояд қутулсам, ҳозир кечаси бўлса ҳам қочмоқ керак.

Эшон кирар, қўлида қамчи, аччиқ била узасига келиб,  
югуриб.

Эшон. Юр, кир ичкарига, бадбахт!

Марямхоним. Қамчи била тез ўлмасман. Шунча қийнаганинг бас! Осонроқ, болта, теша олиб келиб чопиб ташла, бир йўла ўла қолай!

Эшон. Мен қассобмас, мен хунхўрмас!

Марямхоним. Мундин хунхўрлик яхшидир.

Эшон. Мен кимни ўлдирдим, сени ўлдираман?

Марямхоним. Бир қилмишинг одам ўлдириш эди, ани ҳам қил энди!

Эшон (*қамчи собини бошига тебратиб, жаҳл билла*). Мен Эшон-а, Эшон! Мен босмачи эмас!

Марямхоним. Босмачи сендан ортиқ эмас...

Эшон. Астаффурулло! Астаффурулло! Ҳали замон аъзойи баданини ёриб юбораман-у!

Марямхоним. Қил билганингни!

Эшон. Ёш жонинга раҳминг келса-чи?

Марямхоним. Сендек зоҳид эшон, мушфиқ отам, онам раҳм қилмаган ёш жонга мен нима деб раҳм қилай!

Эшон (*ғазаб била қўлидан ушлаб тортиб*). Кир яхшиликча!

Марямхоним (*қўлин тишлаб ажратиб, итариб юбориб*). Дод, золимдан! (*Қочар.*)

Эшон (*бир йиқилиб туриб, орқасидан қичқириб*). Тўхта, малъун, бадбахт, тўхта!

Қувиб чиқиб кетар. Парда тушар.

### УЧИНЧИ ПАРДА

Фақирона маишатда зийнатланган бир уй. Унинг бир тарафида зўр сандиқ, унинг устида сандиқча, ёнида беш-тўрт адад китоб терилган. Уйнинг бир тарафида оддий каравот, устида Марямхоним йиғлаб, оғир ҳолда ётир

Бу уй Марямхонимники бўлиб, оғу ичкан охириги кунни, ёнида Сора йиғлаб ўтирувида парда очилур.

Марямхоним (*бетоқатланиб Сорага*). Отажон, бас, кўп йиғламанг! Қулоғимга ёқмайди. Ҳамма ишга ўзингиз сабаб бўлдингиз. Дунёни суйдингиз, аммо жонингиздан ортиқ фарзандингизни суймадингиз, мендан кўз юмдингиз, бу кунги ҳолларимни фикр қилмадингиз... Энди нима учун йиғлайсиз...

Сора (*бошларидан силаб йиғлаб*). Жоним болам, менда нима ихтиёр бор эди, отанг сабаб бўлди, мени ўз ҳолимга қўймади, мен қандоқ қилай? Мени ризолигим бормиди сени шундоқ ҳолларга қолмоғингга, жон қизим. Бувинг ўргулсин! (*Сочларини ҳар тарафга ташлаб, силаб*). Аввали шуки, худони иродаси, тақдири. Иккинчиси отангни яқровлиги, мен, сенда нима ихтиёр бор.

Марямхоним. Албатта, Сиз кўпроқ сабаб бўлдингиз, чунки билар эдингизки, оила дунёсинда шундоқ хатарли кунлар, машаққатли ҳоллар бор, балки ўзингизни бошингиздан ўтган, андиша, хайёл қилмадингиз-ку! Сиз йўқ деб турсангиз отам ҳам бир оз қабул қилар эди. Ҳолбуки, сиз кўпроқ ҳазрат эшонни давлатига мағрур бўлиб ҳаракат қилдингиз-да, ҳақиқий давлатингиздан ажралмоқ бир мартабадаги бир ҳолга қолдингиз.

Энди давлатми, бошқами, мана мундан бу тарафида яхшироқ кўрасиз.

С о р а (*йиғлаб*). Рост, жоним қизим. Ҳарна бўлдики, биз сабаб бўлдик. Энди кўнглингга кўп солма. Тузалиб қолсанг, ахир, бир гап қилармиз. (*Пешонасини силар*).

М а р я м х о н и м. Туринг, кўп йиғламанг. Юрагим ўт олиб кетяпти, бир оз музлик сув топтириб келинг! Ундан кейин, Зайнаб холамни ҳам чақиринг, аллақандақа бўлиб кетяпман, бир оз бошимда турсин.

С о р а йиғлаб чиқиб кетади. Марям устидан кўрпани кўксигача очиб, кокилларини кўкрагига ташлаб, юраги, бошини ушлаб, бошини бир оз қимирлатиб, лабларин ялаб, ҳансираброқ.

Оҳ, оҳ, одам бўлмийман. Оҳ, фарзанд қадрини билмаган оталар! (*Соқларини кўрсатиб*.) Ўз мавсум баҳорини адо қилолмаган бу қаро сумбулларимни эрта тупроққа кўмасиз. (*Қўлларини кўрсатиб*.) Ўзим каби жаҳолатда қолмиш ҳамшираларима эндигина қалам била хизмат қилай деган нозик қўлларимни боғлаб, ёруғ дунёга тўймаган юз, кўзларимни кафанга ўрайсиз-да, қора ерга кўмасиз. Оҳ, фалак! Золим фалак! Мен не гуноҳ қилдим! Дунёда энг ширин вақтимдан маҳрум қилдинг. Оҳ,... (*Йиқилур*.)

З а й н а б кирар.

З а й н а б (*Марямхоним ёнига келиб, юзидан ўпиб, кўришиб*). Марямхон, жоним болам! Мен келдим-а, айналсун холанг, кўзингни оч, қалайсан?

М а р я м х о н и м (*юзини қаратиб, йиғлаб*). Келинг, онажон. Тез келиб турмайсизки, мен сизни кўрган-да суюкли Маҳмудхонимни кўргандек бўлиб турсам, чунки сиздан Маҳмудхон, марҳаматсиз Маҳмудхонни бўйи келиб туради. Нима бўладики, бир озгина соатлик умрим қолганда, Маҳмудхон вафосиз бўлмаганга яраша, сиз ёнимда турсангиз... Сизга қараб туриб, жон берганимни шояд билмай қолсам эди. Холажон! (*Юзларин кўли била силаб*.) Жон хола, мenden ҳазар қилманг! Мени дардим одамларга юқадирган дардлардан эмас, бори муҳаббат, муҳаббат. Вафосиз, раҳмсиз Маҳмудхонни ишқидан бўлак ҳазар қиладирган дардим йўқ, холажон! Ўзингиз ҳаммасидан воқиф.

З а й н а б (*юзидан, қўлларидан ўпиб, пешонасидан силаб*). Вой, болам Марямхон, наҳот мен ҳазар қилсам, болам. Сизга нима бўлди? Андоқ умидсиз сўзларни айтманг, жоним болам. (*Марямнинг кўз ёшларини артиб.*) Кечагидан бугун чиройингиз очиқ, ҳадемай тузалиб қоласиз, жон болам.

М а р я м х о н и м (*бошин кўтариб*). Онажон, мендан умиди ҳаёт йўқ, (*Оёғини кўрсатиб.*) Мана оёғимни ушлаб кўринг, соб бўлган. Бори жон кўкрагимда тўхтаган. (*Бошин қимирлатиб.*) Зарра, зарра қимирламоққа мажолим йўқ, лекин шафқатсиз Маҳмудхон кўзимга кўринадидан, жон ваҳимада зўрлаб тураман. Энди... дунёда биргина армон бор бўлса — ёлғиз Маҳмудхонни бир кўрмақ, энг оғир вақтимда алвидо қилиб ризолиқ сўрамоқ, сўрамоқ ҳамда ўз қулоғига икки оғизгина амонат сўзим бор, айтиб қолмоқ, токи армон бўлмасун, холажон! (*Юзидан ўпиб, силаб.*) Бу золим, бевафо фалакдан ўзимни ҳам кўп кўнглим совиди. Холажон!.. Маҳмудхонни кўриб қолмоққа ҳеч чора бормикин?

З а й н а б (*йиғлаб, пешонасини силаб*). Жоним болам. Маҳмудхон Сиздан ҳам бадтар юраклари эзилган. Ҳар кун беш-тўрт маротиба келиб, мендан сўраб кетади. Олдингизга келмоққа ота-онангиздан андиша қилади. Мана, ҳозир ҳам келган эди. (*Қўйнидан икки дона анор, бир хат олиб бериб.*) Мана буни Сизга олиб бориб беринг, деб турувди, бувингиз чақириб қолди.

М а р я м х о н и м (*туртиниб туриб олиб, жон-дил билла кўкрагига босиб, кўзига суркаб*). Оҳ, Маҳмудхон, раҳминг бор экан, шафқатинг бор экан! Мени йуқлар экансан, хаёлингдан бор эканман, хайрият, хайрият. Менку, дунёдан ўни, ўн беш минутлик умрим қолди, лекин минг йиллик умри бордек умидим бор-а!.. (*Ўзини ташлаб юборур, анорлар юмалаб кетар.*)

З а й н а б (*анор, хатни олиб, ёстиғи остини қўйиб, Марямхоним бошин ушлаб*). Жон болам, майли, бувингизга айтиб, мен олдириб келай бўлмаса, шояд кўриб бир оз қутлансангиз.

М а р я м х о н и м (*бир оздан кейин Зайнабнинг қўлларин ўпиб, ялиниб*). Жон холажон! Кошки, мен ҳозир сизга ва ҳам Маҳмудхонга, отам, онамга ярим соатлик қадрли меҳмонман. Фариб бу фарзандингизи бир хурсанд қилиб, дунёдан армонсиз кеткирсангиз қиёмаглик валидам бўлур эдингиз...

З а й н а б (*ўрнидан туриб*). Мен Сорага айтай, бўл-  
маса.

М а р я м х о н и м (*қўли бирла кўрсатиб*). Аввал  
ана у сандиқчада уч-тўртта Маҳмудхон юборган хатлар,  
ундан кейин икки-уч дона китоблар бор. Бошимга қў-  
йинг. Келса ўзига берай.

З а й н а б олиб келиб, бошининг остига қўйиб, чиқиб кетар.

Оҳ, ё раббий! Қошки куриб қолсам...

З а й н а б била С о р а кирар, Соранинг қўлида музлик сув.

С о р а (*сувни олиб бориб*). Мана, жоним қизим.

М а р я м х о н и м (*бошини қимирлатиб*). Ичмийман.

С о р а (*йиғлаб косани ерга қўйиб*). Марямхон, эн-  
ди холанг Маҳмудхонни айтиб келсинми?

М а р я м х о н и м (*ёлбориб*). Жон, қошки, раҳм  
қилсангиз...

С о р а (*Зайнабга қараб*). Бўлмаса тезроқ айтиб  
келинг, отаси келиб қолмасин.

З а й н а б чиқиб кетар.

(*Кўрпаларни тузатиб қўйиб*.) Мен бўлмаса, нон-пон  
тузатиб қўяй, қизим. (*Чиқиб кетар*.)

М а р я м х о н и м (*ўзини кўтарай деб, кўтарол-  
мас, бошини ўнга буриб*). Вой кўкракдан ҳам қувват  
кетди. Охири қимирлаганим шул шекиллик. Кўриб қол-  
сам гўрга эди. (*Бўйин тугмаларин ечай деб, ечолмай*.)  
Вой, ана, ана қўлим ҳаракатдан қолди. Ё раббий... (*Бир-  
дан хатни қўйнига босиб*.) Кўзим хиралашяпти, Маҳ-  
мудхон, тезроқ кел! Кўролмай қоламан шекиллик,  
таниёлмай қоламан шекиллик. Оҳ... (*Лабларин ялаб,  
ҳансираб*.) Оҳ, дадажон, раҳмсиз дадажоним,... кўрол-  
май қоламан шекиллик.

Эшик очилиб М а ҳ м у д х о н кирар.

М а ҳ м у д х о н (*Марямхонни бу ҳолда кўрмак  
баробар, ўзини келиб устина ташлаб*). Оҳ, Марямхоним,  
суюкли жоним! (*Салла, тўнини отиб ташлаб, келиб бо-  
шини кўтариб, қучоғига олиб*.) Марямхоним, суюкли жо-  
ним! (*Юзларин силаб*.) Золимнинг келди, Марямхоним,  
ҳақиқий ибдошим. Марямхон!

М а р я м х о н (*Маҳмудхоннинг бўйнига қўл солиб*).  
Шукур, шукур!.. Кўрдим, кўриб қолдим, Маҳмудхон.

Худо хайр берсин, қадамингга рози бўл, рози бўл!  
(Ишорат қилиб.) Бошимни юқорироқ кўтар. (Юқори  
кўтарур.) Кўзим хиралашиб қолди...

Маҳмудхон (қўлларин тугиб, ўпиб). Жоним,  
мен, мен. Сени бу ҳолларга солган, ҳамиятсиз инсон —  
мен! (Йиғлар.)

Марямхоним. Мен сиздан рози, Маҳмудхон.  
Сизда ҳеч камчилик йўқ... Эмди мендан рози бўл!..  
Ўз қулоғим била сени розилигингни эшитиб қолмак,  
ҳам бир амонат сўзимни ўз оғзим билан айтиб қолмак  
эди.

Маҳмудхон. Марямхон, мундоғ умидсиз сўзлар  
айтиб, юрагимни ёндирма, жоним. Мен сенсиз дунёда  
турмам, турмам, жоним!

Марямхоним (лаб буриб, бошин қимирлатиб).  
Оҳ, меҳмоним, Маҳмудхон! Мендан умид қилма, бу  
энг охирги кўришув, жоним! Мени сендан бор уни-  
дим, аввало, мени дунёдан ўтди деб унутма. (Қўлидач  
узугини олиб, Маҳмудхон қўлига солиб туриб.) Жоним,  
мана бу қўлингга доим турсин, мени шояд унутмассан,  
гоҳ-гоҳ мазоримга бор, қадаминг била руҳимни хурсанд  
қилиб қайт... (Хатларни кўрсатиб.) Буларни ол, табрик  
хатларинг эди, ўлганимдан кейин бир тариқча ҳолимни  
ёз, ёдгор қолсин... Мени деб ўзингни бир ҳалокатга сол-  
ма. Дунёдан мен ёш кетдим, сен узоқ яша... Мени унут-  
ма... хайр, хайр, рози бўл! Оҳ, жаҳолат, заҳарли ҳаёт!  
(Йиқилур.)

Маҳмудхон (қичқириб, бўйнига сорилиб, кўта-  
риб). Марям, Марям! Марям! (Гарғара келиб қо-  
лур. Бир тарафдан Сора, Зайнаб югуриб, ўзларин таш-  
лар.)

Сора (Марям бўйнидан қучоқлаб.) Дод, Марямхон!  
Онанг ўлсин.

Парда тушар.



## ТҮҮРТИНЧИ ПАРДА

Қабристоннинг бир бурчи бўлиб, Марямхоннинг  
қабридангина иборатдир<sup>1</sup>.

Парда очилур, бир тарафдан Маҳмудхон кирар, бошида кук  
салла, қўлида пальто, бир қўлида гулу райҳонлар, телбароқ  
бир ҳолда.

Маҳмудхон (*лаҳадга қараб, таъзим қилиб*).  
Ассалом алайкўм! Ё руҳ, Марям. (*Гулларни кўрсатиб*.)  
Мана, бу Сизнинг мазорингиз туҳфаси учун, жоним!  
(*Тўнни бир тарафга қўйиб, гулнинг боғларин ечиб*). Ма-  
зорингизга сочмоқ ун келтирдим-а! Жоним Марямхон.  
(*Қабр устина сочиб*.) Ҳе, ҳе, суюкли Марям! (*Бир оз  
тўхтаб, кулиб юриб*.) Қандай ярашди, жоним Марям.  
(*Орқароқда қўл қовиштириб туриб, яна олдинроқ келиб,  
йиғламсираб*.) Жоним, Марям, золимнинг келди. Ширин  
дунёдан ёш ўлмоғингга энг биринчи сабабчи вафосизинг  
келди. Кўргали чиқмайсанми? Мен соғиндим, сен соғин-  
мадингми? (*Бир оз туриб, яна кулиб тиззасига уриб*.)  
Чиқмайди-я! Чиқмайди, араз. (*Чўчиб қочиб*.) Ё оллоҳ...  
(*Марям қабрина қараб, йиғлаб, ёлбориб*.) Жоним  
Марям, суюкли Марям! Сенга зулм қилувчи бир менми?  
(*Қўлин санаб*.) Йўқ, менинг жоҳил отам, сенинг жоҳил  
ота-онанг, мени жоҳила онам сабаб бўлган, тўрт киши-я!  
Мен ҳар нарса дединг қабул қилдим. Ўзингни ота-

---

<sup>1</sup> Бу парда (Қабристон манзараси)да мумкин ўлурса саҳна  
(уйналадирган жой) қабоғиндаги электр (чирой) лар ҳам ўчирилиб,  
бори саҳнанинг икки ёки бир ёнидан оддий чиройни яширин туриб  
турмоқлари ўтинилур. Демак, саҳна нақадар қаронғироқ бўлиб тур-  
са, у қадар бир ҳис беражакки, эҳтиромлик артистларимиз андида  
очиқ бир сўз бўлса керак!— Ҳ. Ҳ.

оналаринг сабаб бўлди-ку! Менда у қадар гуноҳ йўқ-ку!.. Йўқ, йўқ, жоним йўқ, афв қил, гуноҳ бир ота-оналарда ҳам эмас. (*Жаҳл ила қўл силтаб.*) Ҳақиқатда бу ишлар жаҳолатдан, жаҳолатдэн, ғафлатдан, илмсизликдан!..

Бу қандай жаҳолат замон, қандай ваҳшат замон!.. (*Қўлин санаб.*) Инсониятни, виждонни, адолатни, меҳри-шафқатни, жондан ортиқ... фарзандни, ақчага сотадирган замон! Сотадиган!.. Мен яшамам, сенсиз дунёда бир кун турмам, деган эдим.

Мен инсон, ваъдага вафо қиламан. (*Чўчиб, саросималаниб чўнтагидан тўппончани олиб.*) Марямхоним, мана мен ҳозир ёнингга кираман, амин бўл, қиёмат кун иккимиз қўл тутишиб, жаноби ҳақ ва расул қошида бу шариат хоинларига баробар даъво қилишамиз. Жоним, Марям! (*Тўппончани ўқлаб, шошилиб, кўкрагига тираб.*) Мен сенсиз яшамам, ўз суюклигим бўлмагач, дунё ҳаром...


Оҳ, жаҳолат!.. Дод, ғафлат! Фарёд, заҳарли ҳаёт!

Отар. Йиқилур. Бир тарафдан фонус ила Маҳмудхон онаси Мавсум келиб, дод деб ўзин ташлар.

Парда тушар



# БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ



4 ПАРДАЛИК ДРАМА

1918 йил

*И Ш Т И Р О К Э Т У В Ч И Л А Р*

- Ғ о ф и р — бойнинг хизматкори, 30 ёшларда.  
Ж а м и л а — Ғофирнинг хотини, 16 ёшларда.  
С о л и ҳ б о й — 50—60 ёшларда.  
Х о л м а т — бойнинг хизматкори, 30—35 ёшларда.  
Ҳ о ж и о н а — бойнинг онаси.  
П о ш ш о о й и м  
Х о н з о д а х о н } Бойнинг хотинлари.  
Г у л б а ҳ о р  
Қ о д и р қ у л — мингбоши.  
Р а ҳ и м а х о л а — Жамиланинг онаси.  
О й х о н — Гулбаҳорнинг онаси.  
Ҳ а с а н — элликбоши.  
С и ф а т б у в и.  
И м о м.  
Т ў р а.  
Г р и с т а в.  
Қ о з и в а бошқалар.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Солиҳбойнинг ичкари ҳовлиси. Рўпарада эшикларига ўймакорлик билан гуллар чекилган, бир-бирига ямаштириб солинган учта нақшли данғиллама уй. Бу уйларнинг олдида ёзда очилиб, қишда ёпиладиган нақшинкор, ойнабанд ровонлар. Ровонга асл туркман гиламлари, бахмал кўрпалар, ипак поёндозлар тўшалган. Шипга чинни қалпоқли зўр қандил осилган. Ҳовлининг саҳнига хилма-хил гуллар экилган. Унг ёки чап томонда катта куча дарвозаси. Пошшойим ровонда ўтиради. Раҳима хола унга кинна салади.

**Р**аҳима хола (*ора-чора эснаб*). Менинг қўлим Эмас, Луқмони ҳақимнинг қўли! Чиқ! Чиқ! Тениганники-ю тентиганники бўлсанг чиқ! Кўзлаганнинг кўзига бор, сўзлаганнинг сўзига бор! Қорни катта бойларга бор! (*Узоқ эснаб.*) Қаттиққина кинна кирипти, айланай Пошшам! Кишининг назари ёмон бўлади-да.

Пошшойим. Қуриб кетсин, ҳали кўчадан келаётсам домла поччамиз то уйга кириб кетгунимча кўзини мендан узмаса-я!

Раҳима хола. Сизни ўша домланинг киннаси йиқитипти, айланай! Ҳали менинг қизим Жамилага: «Кўзга яқинсан, кўчага кўп чиқа кўрма!» дейишим ҳам бежиз эмас-да, ўргулай.

Пошшойим. Ҳа, ҳа, ҳа! Гапингиз ўринсиз, холажон! Қизингиз Жамила ким ўзи! Хизматкоримиз Гофир сўтакнинг хотини! Шу кунларда-у келинчак эмасми, ясан-тусан жойида. Уч тўрт кун турсин, кўмирхона, ошхонадан бери келмай қолади. Иннайкин ким ҳам қайрилиб қарайди, дейсиз? Гап ҳуснида эмас, ясан-тусач, зеб-зийнатда. Мапа менинг чиройим ўртача, ёшим ҳам

ўтинқираб қолган... Лекин ҳамиша кинна киргани-кирган. Нимага десангиз, мана бу хитой товари кўйнак, хинали қўлларда ялтираган билагузуклар, пошнаси паст амиркон этикча, ғарч қўйилган қошиқдай кавшлар ер юзидаги бор киннани ўзига чақириб олади, холажон!

Раҳима хола. Қизим Жамиланинг боши оғримасин. (*Ўзила.*) Бутун дарди-фалокатлар ўз бошларингдан бери келмасин. Айтганча, Пошшоҳон, кундошингиз Хонзодахонни кўрмайман?

Пошшооёйим. Хонзодангиз дардини ичига ют-япти... Ҳимм...

Раҳима хола. Ҳали унинг дарди кучли денг?

Пошшооёйим Ҳиммм... Мен ҳам телба тўнимни тескари кийиб олиб, ажаб қилдим, шайландим. Устимга келиб мени куйдириб эди, мен ҳам уни куйдириб кул-парча қилдим. Қайинонам Ҳожiona билан тилни битта қилиб, эримга бултур кузак Хонзоданинг устига қирқ кокиллик бир чевар қизни олиб бердим. Мана энди куя-куя жингаги чиқяпти. Емайди ҳам, ичмайди ҳам. Дори дунёси қоп-қоронғи бўлиб, уйида гумдон бўлиб ётипти. Ҳиммм...

Раҳима хола. Кундошингиз Хонзодахон юзи қора, шаддот хотин! Унга худонинг ўзи бас келмаса, бандаси невлайди! Ўзини ҳам андак чакки босар дейишадими? Ростмикин шу гап?

Пошшооёйим. Бўлмасачи! Сиз Хонзодани сундан оқ, мусичадан увол деб ўйладингизми? Унинг ёмон номи етти иқлимга кетган! Бошимга не-не кунларни солмади бу! Мен куя-куя куймай қўйдим... Энди ўзининг ирғишлаганини кўриб «ўла» дейман!..

Раҳима хола. Боласи йўғ-а, шу хотиннинг?

Пошшооёйим. Тирноққа зор! Гулбаҳор бўлса, ҳадемай ўғил туғиб берди. Шундан кейин яна тепа сочи тикка бўлиб кетди, яшшамагурнинг. Ул, ўл, бадтар бўл! Ҳа, ҳа, ҳа... Ҳа, ҳа, ҳа. Бас холажон. (*Қўллари билан баданларини сийпалаб, ирим қилиб, Хонзодага ирғитади.*) Ҳамма дарду фалокатларимни шу ер юткур олсин!

Рубарўдаги эшиклардан бири аста очилади. Бошидаги ҳисобсиз кокиллар атрофига сочилган, товар кўйлак, бухоро кундалидан қирғоқларига олтин уқа тутилган енгсиз желатка кийган, олтин, марваридларга ғарқ бўлган, пешонасига пат қўйган гажжакдор Хонзода кайфсиз — тажанг бир қисфада кўринар. Эшикка суялганича Пошшооёйимга хўмрайиб тикилар. Буни пайқаган Пошшооёйим қўрқиб безовталанар.

Хонзода (*тўсатдан бақириб*). Мاستон! Чилим!  
(*Пауза*.) Ер юткур, Мастон!

Мастон (*югуриб кириб*). Лаббай, аяжон!

Хонзода. Қулоғингга ун босдингми, етимча, етти кулча! Чилим!

Мастон. Ҳозир, аяжон.

Мастон чилим келтириб найини тутади. Хонзода газаб билан чекади.

Хонзода. Нимага мени ҳадеб эрмак қиляпсан? Нимага қийшиқ оғзингни ирвайтириб куляпсан? Сўйлоқ!

Мастон (*титраб-қақшаб*). Қани кулганим, аяжон!

Хонзода. Қулма дейман сенга! Ҳу ўша ажин босган, қаримсиқ юзларингга зиндалак чиқсин!

Пошшоойим. Кўрдингизми, ёмонлигини, хола! Мени қарғаяпти!

Раҳима хола. Вой, гапга қўшилмай ҳали ўлай! Бир балога гирифтор бўлмай туриб, қоча қолай!

Пошшоойим. Бунга сир бериб ўтираманми? Ҳой, Мастон, ўлгур, чилимни олиб кел! Сен нимага кеккайяпсан, Мастон!

Хонзода. Қаримай адо бўлгур, Мастон! Арслонни кесак отиб енгмоқчимисан? Ҳу музлаб, ғужанак бўлиб қолган чигирткага, ўхшамай ўлгур!

Мастон (*йиғлаб*). Аяжонларим! Ахир, мен сизларга нима гуноҳ қилдим?

Хонзода. Гапирма, шаллақи!

Раҳима хола (*Пошшоойимга*). Ҳой болам, шайтонга хай беринг!

Пошшоойим. Ўл! Қуйиб ўл!

Хонзода. Тур ит, кўзимдан йўқол! (*Чилимни отади.*)

Мастон йиғлаб чиқиб кетади.

Раҳима хола. Айланай, Хонзоданинг феълидан қўрққулик! (*Хонзодага*.) Ҳой Хонзодахон, ўша ёш қиз билан тенг бўлиб ўзингизни койитмасангизчи, болам! (*Чиқади.*)

Пошшоойим (*қўрққанидан мунофиқона кулиб*). Ҳой ўртоқ, ўша аҳмоқ қиз билан айтишманг! Қани бу ёққа келинг! Гаплашамиз...

Хонзода (*Ўзини босиб олиб, секин Пошшоойим ёнига келади*). Яхши ўтирибсизми, ўртоқ! Кўрмайсизми, адо бўлгур шумни!

Пошшоойим. Қўйинг, ёш қиз билан айтишманг!.. Нима бало, эрингиз хафа қилиб қўйдими дейман?

Хонзода. Сиз ҳам санамасдан саккиз деманг, ўртоқ! Ўлсин, ўша хасис эрингиз!

Пошшоойим. Эй тавба-ей, нолиб қопсиз? Мунча керишяпсиз? Ё жазманларни қўмсаёпсизми?

Хонзода. Шундай бўшашяпманки... Қани энди, бир дилдор кишинг бўлса-ю, кўнглинг ёзилса... Боя бир эркак кишининг товуши эшитилгандай бўлди-ми?

Пошшоойим. Холматжон деган киши... Юракларингиз шув этиб кетгандир...

Хонзода. Домла поччамиз қуръон тиловат қилганларида сиз нима бўлсангиз мен ҳам шу-да, айланай! (*Иккови кулишади.*) Ҳой, ўртоқ, сиқинтидан дод дегим келади. Келинг энди, бирпас тотув бўлиб, маҳрам гаплардан гапиришиб, кўнгилдаги кудуратларни ёзайлик.

Пошшоойим. Нима гаплардан гаплашайлик?

Хонзода. Нимадан бўларди, япоқ соқол, пахмоқ соқол, эчки соқоллардан гаплашамиз-да!

Пошшоойим. Бесоқоллардан-чи!

Хонзода. Улардан ҳам гаплашамиз. Қани, эчки соқолингиз билан кўришиб турибсизми?

Пошшоойим. Аввал кичикдан...

Хонзода. Вой товба-ей... Аввал каттадан-да! Домла поччамиз қандай?

Пошшоойим. Ҳа, ҳа, ҳа... Домла поччангиз шотидай салангламай ўлсин! Мени бир кун кўрмаса жинни бўлиб қолади.

Хонзода. Бизнинг Холмат ҳам дуторни шундай эшиб чаладиган бўптики, айниқса, «ас бўламан бул кеча, маст бўламан шул кеча»ни чалиб, мени ўйнатгани-ўйнатган. Жонимни беришгача бораман шу йигитга!

Пошшоойим. Латифжон, несоқолингизчи? Еки унинг лав-лунжи шалвираганми?

Хонзода. Латифжон бўлса ундан ҳам дўндиқ, ундан ҳам соз!

Пошшоойим. Ўртада битта бойнинг ўзи ошиқча денг, айланай!



Хонзода. Қайинноангизнинг хуш овозлари келмай қолдимми?

Пошшоойим. Пирлариникига кетганлар. Ҳализамон келиб қоладилар. У ёқ-бу ёқни йиғиштириб қўяй, тагин оғзи эски қопдай очилиб кетмасин!

Хонзода. Бир жаҳли чиққандан кейин пешоналари саначдай тиришиб кетади, жодугарнинг!

Пошшоойим. Чарви еган мушукдай кўзлари йилтилламай ўлсин, ялмоғизнинг! (*Пошшоойим ўз ўйига кириб кетади.*)

Холмат (*йўлакдан туриб чақирар*). Ҳо... Ким бор? Аяжонларим!

Хонзода (*йўлакка яқин борар... Юзини рўмол билан ярим бекитиб*). Кимсиз?

Холмат. Мен — Холмат! Вой, аяжон, сизмисиз? Истаганимнинг ўзи-я! Дил тўғрида, дил.

Хонзода. Келинг, Холматжон ака! Қадамингизга ҳасанот!

Холмат. Мунча қочасиз... Мундай жамолингизни кўрсатинг... Занг босган диллар ялтираб кетсин, аяжон!

Хонзода (*юзини очиб*). Ҳеч тўймас экансиз-да?

Холмат. Ўзим тўйсам ҳам кўзим тўймайди, кўзим!

Хонзода. Гапира қолинг! Бой отангиз юборгандирлар...

Холмат. Ҳе, бой отангизни қўйиб туринг, аяжон! Васлингиздан жудо бўлганимга расо уч кун бўлди-я! Илондек тўлғониб чиқяпман, мундай ғариб, бенаво қулингизга адолат қилаверинг, хоним, подшоҳим!

Хонзода. Бир оз тобим йўқ, опаси жонидан!

Холмат. Ўша сизга келган дарди фалокатларга Холмат балогардон бўлсин. Ёмон нафас қилманг!

Хонзода. Соғиндингизми?

Холмат. Соғинганда қандай дейсиз? Хуллас гап, шу кеча сиз билан бир отамлашмасам, жинни бўлиб қоламан, тасаддуқ.

Хонзода. Букун эмас-да!

Холмат. Келинг энди шу кеча бир қирмизак олмадак бўлиб, ёқамдан тушиб, енгимдан, қўйнимга кириб, қўлтиғимдан чиқинг! Маст-аласт бўлиб, бир мурод ҳосил қилайлик...

Хонзода. Ўлинг, гапингиз қурсин!

Холмат. Ахир, сизни дастлаб кўргандаёқ, ошиқи беқарор бўлиб, кўкрагимиздан бир тийри жуволдиз хадангги паррон ўтиб кетган-да, пошшам! Ўзингиз ҳам шундай соз, шундай қулинг ўргилсин бўлсизки, агар юзингизда етмиш қават парда бўлса-ю, бир қаватини очиб қўйсангиз ҳам ҳусни-жамолингизга ўттиз икки касава чироғ ёқмасдан иш қилаверади-я!

Хонзода. Ҳа, ҳа, ҳа... Ҳа, ҳа, ҳа... Жуда мақтаб юбордингиз... Холматжон... Хўп... Майли... Мен ҳам соғиндим... Агарда бой отангиз кирмаса, шу кеча сиз бой бўласиз, тузукми?

Холмат. Аяжон, бой бу кеча сизнинг ёнингизга кирди нимаю, кирмади нима? Билган билан итингизни овоқта, мушугингизни турма қилармиди? Ана-мана дегунча, кампир шафтолини данагидан айириб егунча бой ухлайди қолади!

Хонзода. Бўлмади! Қайинонам бор. У, юзи қора кампир! Пайқаб қолади.

Холмат. Э... У кампирнинг пешонаси буришган, худо билан уришган, оғзида битта тиши йўқ, бу уйдаги кирди-чиқдилар билан иши йўқ! Қўяверинг, жонгинам!

Хонзода. Хўп, унадим... Лекин... Янги ҳикоя топиб қўйдингизми?

Холмат. Бир ажойиб эртагим бор, уч кечага етади:

Тарақа-туруқ, омоч-бўйинтуруқ,  
Шомирзаю қоқ-қуруқ,  
Ҳайҳот, оғзинга новвот!  
Сийнани сийнага қўйиб,  
Жимгина, хап ёт!  
Офтобда шайтон кўндаланг,  
Ўрикда маймун типпатик...

Аммо, лекин томга бекин. Замонларнинг замонида Солиҳбой деган

Хонзода шарақлаб кулади.

бир бой ўтган экан, унинг Хонзода деган моҳипайкар бир хотини ва Холмат деган бир одами бўларкан...

Хонзода. Бўлди, бўлди... (Кулади.)

Холмат. Уша бой, уша Холмат деган одамни уйига юбориб тайинлаптики: «Меҳмон боради, Хонзодахонга айткин, муборак қўллари билан қазилик палов пиширсин» депти.

Хонзода. Боринг билдим, ичакларимни уздингиз!

Холмат. Аяжон! Бу кеча, бизга қиладиган адо-  
латингиз эсингиздан чиқмасин... Хайр... Эсон бўлинг-  
лар, аяжонларим! *(Кетар.)*

Сифат буви *(кириб)*. Омонмисиз-эсонмисиз, ай-  
лантай! *(Кўришади.)*

Хонзода. Қани нима қилдинг? Тез гапир!

Сифат буви. Нуриллахон эшон деганингиз ўткир  
азайимхон экан, дуоларни ёздиргунча нах ўзини ака,  
эчкисини така деб ўлиб бўлдим. *(Игна, тумор, эзиб  
ички, тутатқи ва ҳар хил латта-путталарни бериб.)*  
Мана бу, дам солинган игналар! Кундошингиз Гулба-  
ҳорнинг остонасига қоқиб ташлайсиз! Бу эса Гулбаҳор-  
нинг тўкилган сочлари, буни зах бир ерга кўмдирасиз!  
Шундан кейин бой, кундошингиздан совуниб, сизга исир  
экан!

Хонзода. Ишқилиб амал қилсин-да!

Сифат буви. Айлантай эшон домланинг каромат-  
ларидан, эллик сўмни оёсиндилар.

Хонзода *(пул бериб)*. Ма, бу пулни Абдисаттор-  
га олиб бор! У, сенга дори беради, олиб келасан.

Сифат буви. Бу қанақа дори, айлантай? Вой  
ўлай... Тағин ҳалиги...

Хонзода. Кейин биласан... Тилингни тий... Туя  
кўрдингми? Йўқ! *(Пул бериб.)* Ўзингга! Хизматинг  
учун! Қани туёғингни шиқиллат!

Сифат буви. Йўлоҳим мақсадингизга етинг, болам!  
Хайр... Яхши қолинг... *(Кетади.)*

Хонзода *(ўзи ёлғиз)*. Мени Хонзода пошшо дей-  
дилар! Сен гадонинг қизи, мен билан тенг бўлмоқчи-  
мисан? Бошингга шундай маймун ўйинлари солайки,  
ўзинг туриб балли дегин! Бир ҳароми бола билан бой-  
ни ўзингга ром қилиб олдинг? Бола баҳонасида унинг  
молу дунёсига эга бўлмоқчисан! Хўш... Мен бу дарғоҳ-  
да нимага овуниб юрибман? Бойнинг ҳуснигами? Ши-  
рин сўзларигами?.. Бутун вужудим билан жирканаман у  
пўрдоқ, зихна бойдан! Менга унинг молу дунёси керак!  
Лекин нима қилайки, фарзанд йўқ. Ҳаммасига, ҳамма-  
сига сен чанг солмоқчисан! Сен! Йўқ! Мен бу ишга йўл  
қўймайман. Меросга узатилган ўша панжаларингни  
жоди билан қирқаман! Болангнинг бир кун эмас, бир  
кун бошини чайнайман. Зеб-зийнатимни сотаман!  
Қошимни қоқаман! Сени йўқ қиламан!

Ташқаридан Ҳожинанинг йўғон овози эшитилади.

Ҳожиона. Ҳой, ким бор?  
Пошшоойим (*шошилиб уйдан чиқар*). Ҳожионам... Вой ўлай...

Мастон. Ҳожиона!

Хонзода. Ҳожиона, Ҳожиона ўлмади, биз қутулмадик...

Ҳамма Ҳожиона қаршисига чиқади. Бир қанчалар қўлаб, қўлтиқлаган ҳолда, қўлида ҳасса, Ҳожиона кирар. Атрофга ғазаб сочар.  
Хонзода ва бошқалар унга хоксорлик билан эгилиб салом берадилар.

Ҳожиона. Нега ҳамманг иш қилмай бекор ўтирибсанлар? Сулаймон ўлиб, девлар қутулибди-да? Мастон! Чиқарган пахталарингни, чувиган ғўзаларингни кўрсат! Раҳима, сеп жувариларни туйиб бўлдингми? Гофир ўлгир қани? Нимага ҳалигача қоплар бўшатилмабди, ўтинлар ёрилмабди?

Мастон. Мана, Ҳожиона. (*Чувиган ғўзаларини кўрсатар.*)

Ҳожиона. Яшшамагур, бу оз! Ҳалол ишласанг ўласанми? Бугун ҳеч кимга уйқу йўқ. Эртагача шу ўн қоп ғўзани чувиш лозим! Хонзодахон, хоннинг қизи, кавишимни тозаланг! (*Ўтириб оёғини чўзади.*)

Хонзода. Жоним билан, онажон! (*Ҳожионанинг кавишини артади.*)

Ҳожиона. Ҳой, биттанг менга исиріқ солиб юбор. Кўзикканга ўхшайман!

Раҳима хола. Ҳасад қилишади-да, Ҳожиона! (*Исиріқ солади.*)

Ҳожиона (*ҳаммани бир-бир кўздан кечириб*). Яна биттанг қани? Ҳалиги севиқлиги кўринмайди?

Хонзода. У киши ҳали ноз уйқудалар, кечаси билан эрларига дутор чалиб, ўйнаб бериб, чарчаб қолганлар-да!

Ҳожиона. Нима. нима? Ноз уйқудалар? Гулбахор-а? Вой, хоннинг қизи бўлмай ўлсин у киши. Менинг даргоҳим қасалхонами? Эри билан ётибдими?

Хонзода. Ўглингиз аллақачон пахта саройига кетганлар...

Ҳожиона. Вой, касофатинг ўзингга урсин, ювуқсиз! Ҳамма айб ўғлимда: гўл, бўшанг. Эркак киши деган хотинни гах дегалда қўлга қўнадиган қилмас экан, у эркак эмас. Ойпошшо, Раҳима! Чақиринглар бу ёққа!

Ирғитиб ташланглар кўрпасини, жувонмаргни! Дуторини ҳам олиб чиқинглар.

Пошшоойим, Раҳима Гулбаҳорнинг уйи томон кетадилар.

Вой белим... Эшон пиримникига маъракага бораман деб итдай чарчадим... Худо... Узинг бандам дегил!

Гулбаҳор югуриб чиқиб, ўзини Ҳожинанинг оёғига ташлар.

Гулбаҳор. Тавба қилдим, онажон! Билмабман... Айб менда.

Ҳожиона (*юз ўгириб*). Қараманглар юзига! Гуноҳга ботасизлар! Бор, юз-қўлингни ювиб чиқ, хазон бўлгур! Ҳали шуми қайинионангга ҳурмат, эрга ҳурмат! Ёки ўғлимнинг ёғ-гўштлари қутуртиряптими сани? Гапир, Аҳмад коскининг қизи! Шундай казо-казоларнинг қизлари — Пошшоойимлар, Хонзодахонлар **қоқ** саҳар туриб хизматимга ҳозир бўлса-ю, сен бенасаб, исқирт, атлас кўрпада мени писанд қилмай, хуррак отиб ётсанг! Ёинки севикли эрингиз кечаси билан ухлатмай чиқдимиз? А?! А?! Жонингизга тегдимиз?.. Гапиринг?.. Ухлаб қобсиз-да?.. А? Эрсирамай кўзларинг оқиб тушсин!

Гулбаҳор. Ойижон!

Ҳожиона. Гап қайтарма! Фариштаси йўқ, бетовфиқ! Дуторинг **қани**? Ҳали эримниям бузяпман дегин? (*Дуторини отиб синдирар.*)

Гулбаҳор. Ойижон! Болам касал... Туни билан йиғлади... Мен бешик қучоқлаб, асти киприк қоқмай чиқдим. Тавба қилдим...

Ҳожиона. Йиғлама, беор! Товшингни ташқаридаги номаҳрамлар эшитади. Гуноҳга ботаман, гуноҳга! Мен икки йўл ҳаж қилган батовфиқ, художўй хотинман-а!

Хонзода. Онаси Ойхон хола ҳам келувди... Уйғотмай кетиб қопти...

Ҳожиона. А? Ҳали онанг ҳам келганми? Менинг йўғимни пойлаб-а? Нималарини бериб юбординг! Ҳар бир гадойга берсам, ўзим ҳам гадой бўлиб қоламан, жувонмарг? Тўхта, кечаси келган йигит ким эди у?

Гулбаҳор. Акам.

Ҳожиона. Ҳалигни ўгай акамми? Нимага унда қочмадинг?

Гулбаҳор. Нега акамдан қочай?

Ҳожиона. Угай ака, ака бўладими? Бу уй икки йўл ҳаж қилган Ҳожионанинг уйи-я! Бу уйда номоз ўқиганлар, рўза тутганлар, кўчага товуши чиқмайдиган мастуралар туради. Аканг келмасин! Ундан қочасан! Узинг бандам дегил, худо!..

Гулбаҳор (*этагини ўпиб*). Тавба қилдим, онажон!

Ҳожиона. Тур! Тавбангни қабул қилдим. Сенга эринг нима совға келтирди?

Гулбаҳор. А?.. Ҳалиги... Ҳа... бир жўра атлас.

Ҳожиона. Олиб чиқ!

Гулбаҳор кириб, атласни олиб чиқиб, Ҳожионага берар

Бор, таҳорат ол... Номозингни ўқи! (*Хонзодани кўрсатиб*.) Хонзодани қара, жойномозга қандай ярашали! Уҳ... ҳордим, номоз қазо бўлмасин. Қўлтиғимдан олинглар.

Келин, хизматчилар қўлтиғидан тутарлар, бири кавишини тўғрилаб, ҳассасини қўлига тутқазар.

Ҳа, анави Ғофирнинг хотини иш қилмаяптими, ё ҳалиям у ойимтилла чимилдиқдаларми?

Пошшоойим. Ҳали янги келинчак эмасми?

Ҳожиона. Менинг уйимда текин овқат йўқ. Ғофирга айтинглар, хотини чиқсин, ишласин! Қаллиқбозлик ҳам икки-уч кун бўлади-да, худо урди-кетди! Бўлмаса кўч-кўронини онасининг уйига жўнатсин... Оллоҳи карим, мўминларга товфиқ бер. Кўпнинг қаторида имонимни басаломат сақла! (*Секин-секин кириб кетади*.)

Пошшоойим. Уҳ... Хайрият, гумдон бўлди. Менинг титраганимни қаранг!

Хонзода. Юрагим тарс ажралиб кетаёзди-я, ўртоқ!

Бой (*ташқаридан*). Ғофир! Отга қара!

«Хўп» деган товуш. Совлат билан кирар. Пошшоойим бориб, салла-чопонга қўл чўзар.

Бўлак ишинга бор!

Хонзодани ҳам қайтарар.

Асқаржон!

Гулбаҳор келиб, салла-чопонини олиб, ўз уйига олиб кирар.

Асқаржон, чўт келтир! (*Бой ровонга чиқиб қават-қават кўрпачаларга ўтирар-да, нималарнидир ҳисоб қилиб, чўтга солар, қоғоз текширар*.) Асқар, чарчадим, оёғимни эзи!

Гулбаҳор бойнинг оёқларини уқаларкан, ора-сира чой қуйиб турар.

Мунча қўлинг дармонсиз, ҳой, сен ҳам кел!

Хонзода ҳам бир оёғини уқалар. Бойнинг диққати кўпроқ Гулбаҳорда. Хонзода билдирмай Гулбаҳорга ғазаб сочар. Гулбаҳор икки ўт ўртасида азобланар.

Б о й. Кўзларинг қизарган?

Г у л б а ҳ о р. Шундай, ўзим...

Б о й. Йиғладингми?

Г у л б а ҳ о р. Йўқ. (*Кўзига жиқ ёш олади.*)

Х о н з о д а. Ҳожионам бир оз койиб бердилар.

Б о й. Нима деб койиди, онам?

Г у л б а ҳ о р. Йўқ! Ҳожионам койисалар ахир, онам... Ҳақи бор...

Ҳ о ж и о н а олисдан шовқин қилиб келар.

Ҳ о ж и о н а. Ҳожиона! Ҳожиона! Ҳожиона ўлмадики, сенлар қутулмадинг! Чақ! Чақавер! Ҳалиям боламнинг кўнглини мenden совутдиларинг! Хўш, бой, хотинчангизга раҳмингиз келдими? Она хўрланса, она ўлса майлими? Ўғлим Шокирбойнинг ёнида бўлсам, бу хилда мени келинларга хўрлатиб қўярдими?

Б о й. Онажон! Қулоқ беринг.

Ҳ о ж и о н а. Буларга шариатдан, тариқатдан гапирсам ёқмасам! Тергасам ёқмасам! Наҳотки бир оз койиб уришсам-у, эри келиши биланоқ чақа солса-я! Булар ўғлимни мenden совутмоқчилар, мусулмонлар!

Б о й. Онажон, гапимга қулоқ солинг!

Ҳ о ж и о н а. Йўқ, пичоқ бориб суякка тақалди. Шокиржоннинг ёнига кетаман! (*Ҳўнграб йиғлаб.*) Мени жўнатиб юбор! Келинлардан қўрқаман, менга дори бериб, ўлдириб қўйишади булар! (*Йиғлайди.*)

Б о й. Она, койиманг! Буларни сизнинг тирноғингизга олмайман! Ахир, хотин пулга келадими? Пулим бор, хотин ола бераман, аммо она топилмайди. Ҳай, мен сизларга айтаман, Ҳожиона менинг онам бўлади! Кимки онамнинг сўзига қулоқ қоқса, хафа қилса, ундай хотин менга — талоқ!

П о ш ш о о й и м. Вой... шўрим, вой ўлай!..

Х о н з о д а. Вой... ўлмасам... (*Ҳангу-манг бўлиб қоладилар.*)

Ҳожиона (*хурсанд илжайиб*). Балли, болам, асл ота ўғил экансан! Худо умрингга, молингга барака берсин. (*Уйига кириб кетади.*)

Бой. Мاستон! Ғофир акангни чақир!

Мастон. Хўп бўлади!

Бой. Сизлар ичкарига киришлар!

Хонзода. Тайинлаган нарсангизни ҳозирлаб қўйдим, бугун кирасизми?

Бой. Буқун эмас. (*Гулбаҳорга илжайиб.*) Сен болаангни эртароқ ухлат!

Гулбаҳор. Тузук.

Хонзода газабли, Гулбаҳор ғамгин кириб кетади.

Ғофир (*кириб*). Чақирдингизми, бой ота?

Бой. Қани, Ғофир, кел ўғлим, ўтир! Гапир-чи, қаллиқдан вақтинг чоғми?

Ғофир. Чоғ бўлганда қандай! Энди ўла ўлгунча қулингизман-да, бой ота!

Бой. Ҳа, ҳа, ҳа... Яхши гап. Қиз ҳам тайёр турган экан-да, Ғофирвой!

Ғофир. Ешлигимизда ҳалигидай...

Бой. Бутун шаҳарда дув-дув гап! Нима дейсан: «Солиқбой хизматкорини тўй-тамошо билан уйлантириб қўйипти. Бой бўлса шунақанги камбағалга қайишадиган олий ҳиммат, сахий бой бўлса экан» деган гаплар.

Ғофир. Ҳаммадан ҳам ўзим сиғари етимларнинг севинганини айтмайсизми, бой ота!

Бой. Баракалла ўғлим! Камбағалга мен бирни берсам, худо менга ўнни беради... Ҳалол меҳнат қилсанг, ҳамиша бахтинг олчи-да! Ҳамиша пешонангни силайман! Хўш, энди ўғлим, ҳисоблик дўст айрилмас, деган гап бор.

Ғофир. Ҳақ гап, бой ота!

Бой. Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга чақиб, орани очиқ қилиб қўйсак деган эдим.

Ғофир. Маъқул гап, бой ота!

Бой. Мана, мусовидаси ҳам тайёр! Икки юз сўм нақд пул. Беш пут гуруч, икки чорак ун, битта бўрдоқи қўй! Хўш деганингиздан билсак, ҳалиги энг яхши қандак ўрикдан уч пут, каттақўрғон магизидан беш пут; магиз билан ўрикни бир оз қурт еган бўлса ҳам пок-покиза уриб кетишипти, азаматлар! Имом, қозиларга кийдирил•





«Бой ила кичикчи» спектаклиниг биринчи пардаси. Гофур (СССР халк артисти Шукр Бурқомов)  
Солиқбой (ЎзССР халқ артисти Обид Жалилов)



ган ўн бешта аъло-овсат чопонлар. Хўш, Ҳожiona-нинг устига ўз қўлинг билан ёпган ипак мурсак, тўй куни аяларинг ҳам биттадан атлас кийдилар. Оталик қилганим учун мана бу чакмонни менга ўзинг кийдирдинг, тўғрими?

Ғофир. Тўғри, бой ота, тўғри!!

Бой. Мана шуларнинг борки ҳаммаси бўлиб бир минг етти юз сўм пул бўлар экан...

Ғофир (*чўчиб*). Шунча қарзим бор эканми? Мен буни қандай узаман, бой ота? Менинг чўтимда ҳаммаси бўлиб, беш юз сўмдан ошмас эди-ку? Ёки адашдингизми экан, а бой ота?

Бой. Бу қандай гап? Нон тепкилик қилма! Шу соқолим билан ёлгон гапираманми? Юлсам сендай гадодан юламанми? Сенларга яхшилик қилганинг ўзи аҳмоқ! Кўрнамак, ит феъл!

Ғофир. Тавба қилдим, бой ота!

Бой. Бир минг етти юз сўм ҳам пул бўлдими? Узарсан! Узолмасанг яна беш-ўн йил ишлаб берарсан! У эмас, бу эмас, хотинлик бўлиб қолганингга шукур қилсанг-чи, баччағар!

Ғофир. Қуллуқ, бой ота, қуллуқ!

Бой. Ҳа, гап мана бундай бўпти-да, ўғлим. Қани бармоғингни бос, кел қўй, маҳкамада тўғрилаб олармиз! Боравер! (*Ғофир туради.*) Дарвоқи, Ғофир, келинга айт, хизмат-пизмат қилиб турсин. Сен ўғлимсан, хотининг келиним, айтгандай, унга кўрмана ҳам бериш керак! (*Пул бериб.*) Ма, рўмол олиб бер!

Ғофир. Қуллуқ, бой ота, қуллуқ! (*Ўз уйи томэн кетади.*)

Бой. Асқар, салла-чопонини келтир!

Гулбаҳор салла-чопонни кийдириб қўйиб, ўзи кетар.

Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди. Ғофирни энди бутунлай ипсиз тузоққа илинтирдим. Мендан кетган етти юз сўм, бир минг сўмни етаклаб ҳамёнга киради. Бир минг етти юз деган савил шундай зўровонки, унинг панжасидан Ғофирнинг ўзигина эмас, авлоди-аждоди ҳам қутула олмайди! Ҳа, ҳа, ҳа. (*Кета бошлайди.*)

Ғофир (*чиқиб*). Бой ота, келинингиз...

Бой. Ҳа, майли, юз кўришиб қўя қолайлик!

Ясанган юзига оқ дока тутган келинчак Ж а м и л а чиқади,  
бойга эгилиб салом беради.

Б о й. Ҳа, баракалла, қизим... Баракалла! Қани  
юзингни очиб юбор, қизим!

Жамила юзини очади.

Б о й.. Баракалла... Бар-а-кал-ла қизим-м-м-м...  
(Жамиланинг хусни-жамолини кўрган бойнинг ҳуши бо-  
шидан учади. Қўлидан тасбиҳи ерга тушади. Унга ти-  
килганча жим қолади, сўнг ўзини тутиб.) Гофиржон,  
бахтинг бор, ўғлим! Юз минг харжласанг ҳам арзийди!  
Энди отасимиз, хизматга буюра берамиз-да. Қани, бир  
чилим чектириб юборинг-чи, қизим...

Жамила кетади.

Гофиржон, Холматга айтгин, аравани тайёрласин, яши  
йигит!

Г о ф и р. Хўп, хўжайин! (Хурсанд чиқади.)

Б о й. Во ажабо! Бу ким бўлди? Чўрими, ёки бир  
офатижон фариштами? Юзлари худди олмадай таранг.  
Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора, бир қя-  
раши биланоқ юрагимни така-пука қилиб ташлади. Ана  
қадду, ана қомат! Ана ҳусну, ана малоҳат! Ҳисобсиз ко-  
кил, қўнғир сочларига нима дейсан? Тақимини ўпади-я,  
тақимини! Сени туққан онангга раҳмат!

Жамила чилим келтиради. Бой атрофга олазарақ қараб.

Баракалла... оплоқ қизим, ширмон қизим. Дўндиқ қизим!

Жамила уялиб, чилимни чектириб кетади. Бой унинг изидан  
кўзини олмай.

Ҳе, аттанг! Гулни гулга қўшмай, гулни сассиқ алаф-  
га қўшиб қўйибман! Ҳе, пишмаган, хомкалла! (Пешо-  
насига уриб.) Бу нозанин увол! Чўриликка эмас, бекач-  
ликка арзийди-я!

Г о ф и р (кириб.) Бой ота! Тайёр!

Б о й. Қани, юр... ўғлим! (Чиқадилар.)

Г у л б а ҳ о р (уйдан чиқади. Айвонга жомашовни  
қўйиб, болани чўмилтириши учун ҳозирлик кўрар). Қани,  
қайдасиз, ёшлигимда, кўзимга уйқу бермаган ширин  
хаёллар? Қанисен, эй бевафо йигит! Қани йиғлаб ту-  
риб бир-биримизга қилган арз-муҳаббатларимиз? Ҳам-  
маси, ҳаммаси ҳам ерга кўмилди, хазон бўлди... Икки-

мизнинг орамизга қилич солиб, жудо этдилар. Э худо, сенга нима гуноҳ қилган эдимки, ёлғиз бошимга бу хилда жабру кулфатларни солдинг?

Хонзода. Ҳой, мени нега қаргайсан? Арпангни! хом ўрдимми?

Гулбаҳор. Сизни нега қарғай, аяжон!

Хонзода. Ўзим эшитдим! Гадонинг қизи!

Гулбаҳор. Аяжон, андишанинг отини қўрқоқ қўйманг!

Хонзода. Вой! Вой!.. Ҳали андишани ҳам биласизми? Сен ниманга бино қўясан? Ҳуснинггами? Ойнакка қара! Лабинг дўрдоқ, кўзларинг ғилай, ажина қошиқдек юзларинг бор! Чиройликмисан? Ҳа, ҳа, хунуксан! Бедавосан! Бўйнингга ол, хунукман де!

Гулбаҳор. Хунукман, аяжон, хунукман!

Хонзода. Бўлмаса, бой сени нимага яхши кўради?! Илм-амал билан тил-жағини боғлаб олгансанки, яхши кўради-да, хазон бўлгур!

Гулбаҳор. Мен илм-амалларингизни билмайман! Ундай ишларни сиз қиласиз!

Хонзода. Мен амалларингни топдим! Мана! Мана! Мана!!! *(Латта-путталарни Гулбаҳорга иргитади.)* Ҳой, сенга айтаман, бойга бу кеча касалман деб важикорсон қил! Агар бой бугун ҳам сенинг ёнингга кирса, мен сени соғ қўймайман, фар! *(Эшикни қаттиқ ёпиб, кириб кетади.)*

Гулбаҳор *(боласини бағрига босиб)*. Бебахт болам, хор-зор бўлган болам! Нима қилар эдинг шундай шафқатсиз одамлар ичида туғилиб? Ёлғиз онангнинг бахтига сен омон бўлгил, қўзим. *(Чўмилтиришга ҳозирланар.)*

Хонзода Гулбаҳорнинг ҳаракатини кўздан кечирар, унинг бошига бир фикр келар. Дарров ўзини бир сўқча олар.

Ҳожиона *(уй ичидан)*. Гулбаҳор! Ҳо, Гулбаҳор!

Гулбаҳор. Мана ҳозир!

Ҳожиона. Тез кел!

Гулбаҳор. Боламни ҳам чўмилтиргани қўймайди, жодугар! *(Эрининг «талоқ» сўзи эсига тушади.)* Вой ўлмасам. *(Югурганича кетади.)*

Хонзода шошиб келади, тоғарадаги қайноқ сувга болани иргитиб, ўзини четга олади, дод солади.

Хонзода Дод, вой дод! Қутқаринг! Бола ўлди!  
Ҳай Гулбаҳор, вой, дод. (*Ҳаяжон, ғовур кўтарилади, ки-  
шилар тўпланадилар.*)

Гулбаҳор (*талваса ичида ўзини болага ташлар.  
Бағрига босар*). Вой!.. Болам!.. Болам!.. (*Ўлганини се-  
зиб.*) Болам! (*Беҳуш йиқилар.*)

«Вой шўрим!» «Энди нима қилдик!» «Эсиз бола!» «Онасига  
қаранглар» деган товушлар.

Ҳожиона. Нима бўлди? Нима гап? Ўлдими? Уҳ...  
Уҳ... Эсизгина бола!

Хонзода. Айб онасида! Болани ҳам қайноқ сув  
ёнига қўйиб кетадими? Бола тоғорага йиқилиб тушди!  
Узоқдан кўриб қолдим, бақирдим, етолмадим!

Ҳожиона. Онасининг касофати боласига урибди!  
Яна намоз ўқима! Пешингача ухлаб ёт!

Гулбаҳор. Болам... Сен куйгунча, онанг куйиб ўл-  
са бўлмасмиди, болам?!

Хонзода. Ўзи боласидан қутулолмай юрган экан-  
да! Боринг! (*Ғофирга.*) Бойга хабар қилинг!

Жамила. Вой, борманг, ўлдириб қўяди!!! Айтсанг-  
из-чи, онажон!

Раҳима хола. Қўрқма, қизим, қўрқма! Ўлдир-  
майди!

Ҳожиона. Бор, айтиб кел! Бундай хотинни от-  
нинг думига боғлаб ўлдириш керак!

Жамила. Гулбаҳор, аяжон, туринг! (*Суяб турғи-  
зади.*) Бу Хонзода аямнинг иши! Ўзим кўрдим. Она-  
жон!

Раҳима хола. Билмасдан гапирма! Балоба қо-  
ласан, қизим!

Бой (*кириб*). Нима гап? Қани бола? Қани? (*Болани  
кўриб.*) Ўлдими?

Раҳима хола. Ўлди.

Ҳожиона. Мана ардоқлаган, севган хотининг! Бо-  
ла ўлдиришдан мақсади — сендан қутулиб, суйганига  
қўшилиш экан!

Хонзода (*ёлғон йиғи билан*). Нинни қўлларингдан  
ўргилай, шундай болани худойим менга бермайдими?

Бой (*Гулбаҳорга яқин бориб*). Сен ит, нима учун  
болани ёлғиз қолдириб кетдинг?

Гулбаҳор (*титраб-қақшаб*). Мен... мен... айбим  
йўқ... билмадим...

Б о й. Сенга ким айтди болани ўлдирсин деб? (*Қо-  
зиқдан қамчини олар.*)

Г у л б а ҳ о р (*ўзини бойнинг оёғига ташлаб*). Чў-  
рингизман... эзилдим... дард билан адо бўлдим... Менга  
тегманг, урманг... Қўрқитманг... Ялинаман!

Б о й. Жавоб бер! Нимага ўлдирдинг!

Г у л б а ҳ о р. Мен ғурбат тортиб, бағри эзилган бир  
нотавонман, раҳм қилинг!

Б о й. Уйнаш деб ўз болангни ўлдирдингми? Гапир,  
шариат ургур! (*Шапалоқлаб урар, Гулбаҳор ерга юз-  
тубан йиқилар.*)

Ж а м и л а. Вой бечора... Вой мен ўлай... Йўқ, чи-  
долмайман! Айтаман, онажон!

Р а ҳ и м а х о л а. Хонзода ёмон хотин, ётиғи билан  
айтамиз, қизим!

О й ҳ о н (*ҳарсиллаб кириб, паранжисини ирғитиб*).  
Ҳой куёв! Она ҳам ўз боласини ўлдирар эканми?! Бўл-  
маган гап! Қани болам! (*Болани бағрига босар.*) Энанг  
ўлсин болам...

Б о й. Куёв? Куёв? Ҳамма айб сенда! Бузуқ тарбия  
бергансан!

О й х о н. Нега ундай дейсиз? Онангизман-а? Уялмай-  
сизми?

Г у л б а ҳ о р. Онажон, тенг бўлманг!

Б о й. Оналикка эмас, чўриликка арзимайсан, кет  
уйимдан!

О й х о н. Вой болам... Ҳали шуми онанинг ҳурмати?  
(*Йиғламосираб.*) Баракалла... Отангизга раҳмат, бой!  
Қиз боқиб сизга берганим учун менга бундай мурувват-  
ларни қилдингиз! Қуллуқ... бой... Қуллуқ...

Г у л б а ҳ о р. Йиғламанг, онажон! Майли, кетинг!  
Ярашиб қолармиз! Қўркманг!

О й х о н. Кетаман... Ҳали ҳам турмайман! Лекин се-  
ни олиб кетаман, онанг ўргулсин, ўлдиришиб қўйишади!

Ҳ о ж и о н а. Олиб кетаман! Қаёққа? Ҳа, ҳа, ҳа!  
Қизингизни икки юз тиллага олганман! Қизда ҳақингиз  
йўқ! Қизингизнинг хўжаси ана эри, қолаверса мен бўла-  
ман! Ўлим берсин сендай сассиқ такага! Кет, менинг  
даргоҳимдан!

О й х о н. Ёмонларнинг жазосини худойим берсин...  
Бечора қизим! Шўрлик қизим!

Г у л б а ҳ о р. Онажон! (*Бир-бири билан қучоқлашиб  
хайрлашар. Ойхон йиғлаб чиқиб кетар.*)

Бой. Гапир, сочи юлуқ! Нимага ўлдирдинг!  
Гулбаҳор. Айтолмайман! Қўрқаман!  
Бой. Кимдан? Уйнашданми? (*Қўлини қайириб, со-  
чини тортар.*)

Гулбаҳор. Вой сочим!.. Вой дод!  
Гофир (*чидолмасдан*). Ахир, шафқатингиз борми?  
Ўлдириб қўясиз бечорани, бой ота! (*Қутқазмоқчи бў-  
лади.*)

Бой. Гофир, чиқ! Беадаб! Номахрамсан!  
Гофир. Тавба қилдим, хўжайин! (*Маънос чиқади.*)  
Бой. Бундай беномуснинг сочларини юлмоқ керак.  
Гулбаҳор. Вой сочим! Вой дод! (*Шиддатли бир  
ҳаракат билан бойнинг қўлидан чиқар ва жасорат би-  
лан.*) Бой, қолмади тоқатим! Бир йўла ўлдир, бўғиб  
ташла, мен бахти қарони! Қутулайин шу ортиқча жон-  
дан! Халос бўлай шу ит азоби кунлардан!.. Ўлдир ноин-  
соф, бераҳм бой!

Хонзода ўзига зеб-зийнат, пардоз-андоз бериш билан овора.

Бой. Ўлдираман! Бўғаман! Янчаман!!! (*Ваҳшиётна  
қийфатда Гулбаҳорга ташланар, уни ўз сочлари билан  
бўға бошлар.*)

Жамила фарёд билан буларнинг орасига киради.

Жамила. Бой ота! Тўхтанг! Тегманг бу кишига!  
Жон бой ота! Болани ўлдирган анави имонсиз Хонзо-  
да... Уша!.. Уша!.. Бой ота, ўша!

Бой Жамиланинг кўзига қарар, Жамила қўрқиб,  
тисарилар.

Гулбаҳор. Хонзода!.. Оҳ... (*Ганграр.*)  
Хонзода (*ўзини бойнинг оёғига ташлаб*). Манз  
ўлдирилинг! Бу менга туҳмат!  
Бой (*кўзини Жамиладан узмай*). Қандай оташи  
жон? Қандай малак бу? (*Хотинларга.*) Йўқолинг!

Ҳамма аста-секин қўрқув ичида тарқалар.

(*Бой Жамиладан кўзини узмас ва амирона буюрар*)  
Чилим келтир!

Жамила кетади.



Бу нима гап, яна шуни кўрдиму, ўтдай ёниб турган одам мулойим бўлдим, қолдим. Қара, қандай соз, қандай тиниқ нарса бу? Ҳе, бу дунё беш кун.... Бешови ҳам қора кун. Ўйнаш керак, кулиш керак... Қандай келишган нозанин бу?

Ж а м и л а киради, чилим чектиради.

Тўхта, гапим бор! Сендан бир нарсани сўрасам нима жавоб қиласан?

Буларнинг гапи орасида Гулбаҳорнинг хазин йиғиси эшитилиб турар.

Ж а м и л а. Нима жавоб лозим бўлса, шуни-да... бой ота!

Б о й. Сен менга ким бўласан?

Ж а м и л а. Мен сизнинг хизматкорингизнинг хотини бўламан, ўзим уй ичингизга чўриман.

Б о й. Чўриман? Ҳе тентак... Сен уй ичининг чўриси бўлма, гули бўл, гули! Сени кўрдиму, роҳатим бузилди. Эс-ҳушимдан бегона бўлдим.

Ж а м и л а. Бўлмаса мен бу кундан бошлаб сизга кўринмасликка ҳаракат қиламан, бой ота!

Б о й. Ҳай! Ҳай! Энди сени бир кун кўрмасам, менга тирикчилик ҳаром!

Ж а м и л а. Тушунмадим, бой ота!

Б о й. Ҳа, ҳа. Тушунмадим эмиш... Давлатим сенга қолсин дейман! Хоҳласанг, эртагаёқ Гулбаҳорнинг хатини қўлига тутқазаман! Истасанг, Хонзоданинг букун жавобини бераман! Сени оламан! Ўйласанг-чи, келиб-келиб шундай таги паст бир хизматкорга хотин бўлдингми? Қорни тўйиб нон емаган бир гадо сени нимадан ялчитсин! Эрингдан чиқиб менга тегасан, еганинг олдингда, емаганинг кетингда. Хоннинг хотинидай кун кўрасан, тушундингми энди, Жамилахон?

Ж а м и л а (оғир). Бой ота! Бу гапни бир айтдингиз, яна қайтиб гапирманг! Ўша қаролингизни яхши кўриб текканман, бошимдан зар қуйсангиз ҳам ундан айрилмайман!

Б о й. Вой эси йўқ! Бахтингнинг очилгани шуки, мен сени яхши кўриб қолдим-да!

Ж а м и л а. Бунақа бахт керак эмас менга!

Б о й. Афтидан қари дейсан шекилли! Энди қирчиллаб, навқирон йигит бўлган вақтим!

Ж а м и л а. Жағингизни чарчатманг, бой ота!  
Б о й. Гап битта, иккита бұлмайди. Бу ишда ұлиш бор, лекин қайтиш йўқ!

Ж а м и л а. Биз бу даргоҳдан кетамиз!

Б о й. Кетамиз... **Ҳо-ҳо...** Қаёққа?

Ж а м и л а. Мен тоғ чўққисида туриб, ўзимни дарёга ташлайман!!! Сочларимни юламан! Еғамни йиртаман! Қўлингизда тилка-тилка бұламан! Аммо ўзимни сизга топширмайман! Эримга бевафолик қилмайман!

Б о й. Ҳали шундайми? **Ҳо-ҳо...** Кўрамиз... Ким зўр экан? Сендаги севги билан вафоларми, ёки менинг чўнтагимдаги олтинларми? Шунини эшитиб қўй ки, ҳеч бир жон Солиҳбойнинг орзусига кўндаланг келолмаган! Бир нарсани қиламан дедимми — қиламан! Сен-ку энди ризо бўлмадинг, бу ишни сендан сўрамасдан қиламан. Менинг олтинларим шундай зийрак жосус, шундай чаққон ўғри, шундай забардаст эшон, улуғ бир ҳакимки, ерга кирсанг қулоғингдан, осмонга чиқсанг оёғингдан тортиб, менинг қўйнимга олмадай қилиб солиб қўяди! Мен сендай бир парипайкарни ўша гадо Ғофирга бериб қараб ўтирмайман! Гапнинг пўскаллеси шу! *(Зарда билан чиқар. Жамиланинг сурати тортилиб, дарахтга суялганча қолар. Бир оздан кейин йўлакда бой билан учрашган Сифат буви кириб, Жамиланинг ёнига борар.)*

С и ф а т б у в и. Айланай қизим, наҳотки бошингга давлат қуши қўнса-ю, уни калтак олиб, ўзинг қувласанг! Бойнинг севикли хотини бўлиб даври-даврон сурмайсанми? Нима қиласан ўша гадога хотин бўлиб? Мана, хамирнинг учидан патир дегандай бой поччам олтин билакузук совға қилдилар. Қара, қандай чиройлик? Еш умрингни хазон қилма, айланай! Кел, ҳу ўша дўндиқ қўлларингдан ўргилай! *(Билакузукни қўлига солишга уринар.)* Ҳа, де... Рози бўл, қизим!

Ж а м и л а *(ўзига келиб кескин)*. Йўқ! Билакузуклари бошидан ордона қолсин! *(Отиб юбориб.)* Йўқол, кўзимдан! Ҳали шармандангни чиқараман! Жодугар!

С и ф а т б у в и *(ғазаб билан)*. Вой нозга тегинмай ўла қол, шўр пешона! Хап, қараб тур! Шу деганингга мен сени бойнинг қўйнига ўз қўлим билан солиб қўйиб, пешонангга тақиллатиб битта урмасам, етти дўзахга кунда бўлай!

Ж а м и л а. Дўзахлар сендан ҳазар қилади, дўзахи.

С и ф а т б у в и чиқади. Гулбаҳор сочлари парниюн, сўлғин ҳолда кўринади. «Наво»нинг ҳазин даромади чалинади.

Г у л б а ҳ о р (*куйлаб*).

Узуи-узуи арғамчи  
Ерда ётса майлими?  
Эсизгина Гулбаҳор  
Гўрда ётса майлими?

Ҳа нотавон юрагим, мунча титрайсан? Ҳе дунё, ғариб, ёш бошимга шунча кулфатларни солдингми? Атроф баҳор, гул... япроқ... Лекин ёлғиз менинг баҳорим тугади!.. Чечакларим хазон бўлди. Онажон! Меҳрибоним онажон! Белинг бу ҳасратли, надоматли умрнинг малоли билан букилди, кўзларинг шам каби заволга юз тутди. Болалик қарзимни узолмадим, қариганингда сенга мадор бўл-лолмадим. Онажон! Қарғама, бечора қизингни, бебахт қизингни, онажон!!

Узуи-узуи арғамчи  
Йўлда ётса майлими?  
Эсизгина Гулбаҳор  
Гўрда ётса майлими?

Ҳовлига чиқиб кетади.

Ж а м и л а. Бечора Гулбаҳор, карвондан ажралган бўтадай бўзлайди, шўрлик... Бир кундаёқ сарғайиб сўлипти, шундай хафа... шундай хафа... Бераҳм бой, тоқайгача ғарибларни хун-бийрон йиғлатасан, бу тўкилган ёшлар, қусилган қонлар, бу тўрт деворлардан кўтарилган бу оҳу-зорлар сени ёқангдан тутмай қўймас. Мени олар эмиш. Ҳо-ҳо. Мен сендай қорин бойларни тахти-бахтинг билан ўзимнинг камбағал эримнинг ҳаром тукига олмасман!

Г о ф и р (*кирар. Елкасидаги юкни бир четга қўяр, Жамилага яқин бориб*). Нега чеҳранг сўлғин! Кўзинг намли?

Ж а м и л а. Қаерда қолдингиз! (*Елкасига осилиб йиғлар.*)

Г о ф и р (*ҳайрон*). Гапир, жоним!

Ж а м и л а. Тез бўлинг, бу уйдан кетамиз!

Г о ф и р. Кетамиз? Қаёққа? Бўлак бошпанамиз йўқ!

Ж а м и л а. Кетамиз! Бир парча куюк кулча, бир култум шулон-шурвани ҳар жойдан ҳам топиб ичамиз! Гулбаҳорнинг оҳу-зори юрагимни эзиб ташлади!

Ғ о ф и р. Э, бу... кунда бўладиган бир савдо... Шунга хафамисан... Кўниб қоласан.

Ж а м и л а. Кетамиз, бўлак гап йўқ!

Ғ о ф и р. Қизиқсан, кетолмайман, ҳақим йўқ. Бунга бой гўрда кўнадими? Мен ундан қарздорман-ку?

Ж а м и л а. Шунақами ҳали? Сизга бой керакми, мен керакми? Қани шуни айтинг?

Ғ о ф и р. Жамила!

М а с т о н ранги бўзарган, бақириб киради.

М а с т о н. Одам борми!

Ғ о в у р-ғ о в у р, ҳамма тўпланади.

Ғ о ф и р. Гапир!

Б и р о в. Нима гап, нима бўлди!

М а с т о н. Аям... аям... Гулбаҳор... аям ўзини олмурутга осиб қўйипти.

Ҳ а м м а бирдан ҳовлига чопади.

Ғ о ф и р. А? Қани?

Ж а м и л а. Вой дод! Вой ўлай! Онажон!

Р а ҳ и м а х о л а. Сен қўрқма қизим, қўрқма!

П о ш ш о о й и м. Вой ўлмасам, ҳой Хонзода! Уртоқ! Югуринг!

Р а ҳ и м а х о л а. Ҳожиона! Чиқа қолинг тезроқ!

П о ш ш о о й и м. Вой ўлай, энди нима қилдик?

Х о н з о д а. Яхши кўриш ўлсин, шундақа бўлса? Бу ўша йигитнинг дардида ўзини ўлдирган-да, айланай!

Ҳ о ж и о н а (*беғам, бўшанг югуриб чиқади*). Нима бўпти, келин?

Х о н з о д а. Гулбаҳор ўзини осиб қўйипти, тез юринг, онажон!

Ҳ о ж и о н а Улипtimi?

Х о н з о д а. Ҳа ўлипти.

Ҳ о ж и о н а. Вой ўлмай ўлсин, энди бу ташвиш ҳам бормиди, менга? (*Ҳовлига қараб юра бошлар, бирдан йўлда тўхтар.*) Йўқ! Китобда ўз жонига қасд қилган киши беймон кетади деган. Ургилай китобдан! Яна унинг ўлигини кўраман деб икки йўл ҳаж қилиб топган

савобларимдан ажралиб қолмай... Тириги ҳам қурсин,  
ўлиги ҳам. Эй худо, жамолингдан мени бенасиб қилма,  
имонимни басаломат сақла! (*Беғам, ўз уйига кириб кетади.*)

Ярим товуш билан йиғлаб Гулбаҳорнинг ўлигини кўтаришиб,  
ўз уйига киритадилар.

Хонзода шодлигини сездирмасликка уринади, бир оздан сунг  
Ғоғир чиқади. Уйга чўмиб тик қолади. Жамила ҳам чиқади.  
Аста-секин Ғоғирга яқин келади. Бир-бирига қарайдилар. Бир-бирининг  
кўзларидан аллақандай қайғули маънони ўқийдилар. Жамила  
Ғоғирга тўймай тикилар, тоқат қилолмай ўзини Ғоғирга отади.  
Ғоғир Жамилани бағрига чаққон олади. Жамила сўзсиз тўлиб-  
тўлиб йиғлайди.

**ПАРДА.**

## ИККИНЧИ ПАРДА

Бойнинг ташқариси. Бой меҳмонхонада хафақон, тумшугини солиб ўтиради. Пошшоойим бойни уқалар.

Пошшоойим. Кеча Сулаймонқул мингбошининг тўйида бир қиз кўриб келдим... Энди нимасини айтасиз! Қора кўз, қора қош. Ашула билан ўйинга шундақангги ҳам уста эканки...

Бой. Кимнинг қизи экан?

Пошшоойим. Тўйчи домла деганнинг қизи экан.

Бой. Отаси ярамас одам... бўлмайди!

Пошоойим. Ҳожiona ҳам аллакимнинг қизини кўриб келдим деятувдилар.

Бой. Кўп бошимни қотирма!

Ҳожiona (*кириб*). Ҳа! Пошшоойим, сиз ҳам шу ердამисиз? (*Четга қараб*.) Улим берсин сенга! Сиз уйга кириб, она-болани холи қўйинг!

Пошшоойим. Гапингиз кечаги қиз тўғрисидами, Ҳожiona? Тўйнинг бошида ўзим тураман. Гапиравринг!..

Ҳожiona. Пошшоойим, қиз кўргани икковимиз бирга борамиз. Бу бошқа гап.

Пошшоойим. Хўп, онажон! (*Қулоғига*.) Иш қилиб, ўғлингизни ўша қизга унатиб-да! Қўлдан чиқмасин. (*Чиқади*.)

Ҳожiona. Ҳа, мунча! Отанг ўлганда ҳам бу хилда аза тутганинг йўқ эди-ку? Худо урди кетди!

Бой. Ўзим уч-тўрт кундан бери ланжман.

Ҳожiona. Онанга ҳам шунчалар куярмикансан? Гулбаҳорнинг йигирмаси ҳам яқинлашиб қолди, ота-

онаси қилсин. Пул деб келса, берма! Қизининг борида босиб олганларини чиқарсин! Ҳа, яна бир гап, кеча Раҳима отининг маъракасига борувдим, шу ерда эшитдимки, Лутфулла эшоннинг кичик қизи ўн учдан ўн тўртга қадам қўйиб, пах оқи оққа, қизили қизилга ажралиб, бир чиройлик қиз бўлган эмиш... Шу қиз Гулбаҳорнинг ўрнини босиб қолармикан дейман, болам!

Бой (*ҳовлиқиб*). Сөз эканми-а, ўзингиз кўрдингизми?

Ҳожина. Йўқ, кўрмадим! Лекин сочи товонига тегади, дейишади... Совчиликка борсам деган эдим...

Бой. Сабр қилинг! Жиндек жанжаллик ишим бор. Шундан кейин...

Ҳожина. Ҳа, иннайкин, анави Жамила уззукун йиғлагани йиғлаган! Жонимга тегди! Уйига жўнатиб юборай деб турибман.

Бой. Онажон! Гофир йигирма йиллик қадрдонимиз-а! Хафа бўлади! Тегманг, юпаниб қолар...

Ҳожина. Хонзодага ихлосим ошиб кетди, сени дили-жонидан яхши кўрар экан. Шундай мастура, шундай номозхон! Уни хафа қилма, ўғлим! Минг қилса улуғ одамларнинг фарзанди. Қимсан Қодирқул мингбошининг синглисидан бўлади-я! Иннайкин, Қодирқул мингбоши билан уришувинг яхши бўлмапти... Болам... Хайр, узоқ турмай, минг қилса ҳам номаҳрамлар кириб чиқадиган жой!.. Боламга тавфиқ бер! Мен осий бандангни жамолингдан бенасиб этма, худо! (*Кириб кетади.*)

Бой (*орқасидан*). Мияси суюлган кампир! Мен нима ғамда-ю, бу нима дейди... (*Уйланиб.*) Йўқ! Мен унга тоқат қилолмайман! Шундай қулинг ўргилсин жувонни бир бедаво гадо тўшига тортиб, роҳат қилиб ётса-ю, мен бой бўла туриб, тамошобиндай қараб тураверсам-а? Нимага мен аҳмоқ, мен ношуд, бу парри пайкарни илгари кўрмаган эканман! Бошим айланди.. (*Уйланар.*) Йўқ! Йўқ! Бу фариштанинг васлига етмасам, ўламан! Бир ялангоёқдан хотин тортиб олишга қурби етмаган бойни, бой деб бўладими? Йўқ! Мен бир ишни қиламан дедимми? Қиламан!.. Оҳ Жамилахон. Ошиғингга бунча азоб берасан. Шошма, Солиҳбой, ҳали ноумид бўлма; қози, домла, имом, Ҳасан элликбошилар Гофир билан сўзлашиб, уни кўндиришни бў-

йинларига олганлар. Балки бугун севиниб ҳам қоларсан. (*Чақириб.*) Холмат!

Холмат. Ҳа, лаббай, ака! (*Киради.*)

Бой. Гофирни кўрдингми?

Холмат. Боя шу ўртада ўралашиб юрувди, фалокат! Бир зумда йўқолиб қолипти!

Бой. Холмат!

Холмат. Ҳа, лаббай ака! (*Чилим чектиради.*)

Бой (*чилимни чекиб бўлиб*). Менинг дардимни биласан-а?!

Холмат. Биламан, хўжайин!

Бой. Дармони бормикан-а?

Холмат. Дармони шу ерда... (*Кўрсатиб.*) Ичкарида, ака!

Бой. Худди ичимсан, Холмат!

Холмат. Ичингизман ака, ичингиздагиларнинг ҳаммасини биламан!

Бой. Юрагим ғуссага тўлди. Қани қанақа эди? Ҳа, қани бир мақтаб қўй-чи! (*Ўтириб.*) Ҳа оби равон, ҳа қани!

Холмат (*ўйлашиб*). Қўйинг эй, хўжайин!

Бой. Бўл, таранг қилма! Ҳа, қани! Кўрсанг қанақа экан?

Холмат. Оби равон, боғи чунон, шоҳ супага зеби жаҳон, мўрча миён, писта даҳон, нозик адо, пари жайхон<sup>1</sup>, яъни исм шарифлари Жамилахон. Ким эканлар десам Гофир каззобнинг хотинлари-ю, Мусо қаллобнинг қизлари экан. Дўндиқча-ю мўндиқча, хизмат қилай ўлгунча, десангиз ҳам, бой ота, қўл узатманг, тиллога тўлдирмасдан сандуқча, дейдилар, а? Ака, Гофир сўтакнинг ҳам бахти заб баланд келганми? Олмага тушган ҳашаротдек хотинга хўб ярашсалар керак! Қани энди давлатинг бўлса-ю, шунақа ойимларнинг тўйига тўй тўкиб, хипча белларини уч кунлик ойдек камалак-камалак қилиб эгиб юрсанг. Воей қовирғаларим қайишади! (*Бой тўхтамай кулар*). Мақтайвериб ўлдик-ку. Сифат буви кампир ҳам хуш хабар келтиргандир? Тўй қачон?

Бой. Тўй яқин! Чилимни янгила!

Холмат. Ҳозир, ака! (*Яна чилим чектиради.*)

Бой. Сен жилмай тур! Меҳмонхонани яхшилаб супур. Қози, домлалар келишади. Мен ғизиллаб саройга

<sup>1</sup> Жайхун демоқчи.



бориб қайтаман. Кутиб турсинлар. Ичкарига палов буюриб қўй!

Х о л м а т. Арава керакмасми, ака?

Б о й. Аравани Нурмат минар! Сен жилма! (*Бой чиқар, файтун товуши.*)

Х о л м а т (*супуриб туриб*).

Вой олма гули нопармон, ялавон ёрим айланай,  
Вой сени излаб топарман, вой жоним ўргулай!  
Вой сени излаб топканда, ялавон ёрим ўргулай,  
Ўнг бетингдан ўпарман, ялавон ёрим айланай!  
Вой ўнг бетингдан ўпарман, вой... ёрим, айланай.

Бу хўжайинда дунё тўплаш, хотин олиш ғами. Менда-чи? Ичкаридаги иккита эски мижоздан айрилиб, мана шу янги пошшохонни ўзимга қандай қилиб элактиришнинг ғами. Нимага десангиз хўжайиннинг ёшлари бир жойга бориб, қарамай қўйганига, бир ёқдан ўзимнинг ҳам биронта дилкушони олишга қурбим етмаганиданми, билмайман, бир оз гирдгашт қилиб келар эдик. Мана энди шуҳратингдан ўргулай, муъжазгина, у тиззадан бу тиззага учиб қўнадиган Жамилахоннинг дарагини эшитиб қолгандан буён, бой поччадан ҳам илгари, бизнинг юрагимиз диринг-диринг ўйнайди. Билмайманким, у жонимни олгур, бойга тегиб олиб, бизнинг бу кир чопон билан, ёғлиқ дўппини назарларига илармикан? Мана бизда бу янги ишқ мижозининг ғами... Бунинг устига, қоматингнинг қурбони бўлиб кетай Хонзодахоннинг ҳажру фироғи! Буниси кундан-кунга юрагимда чигирткадай тухумлайди. Бундай ўйлаб қарасам, бошимдан оёғимгача, кипригимдан тирноғимгача ишқ-муҳаббат деган жонивор, ўликнинг кафанидай қилиб ўраб олган. Қаёқ-қа қарасам, ҳур билан ғулмон қучаман-а! Тасаддугинг кетай! Энди ичкаридаги ойимлардан сўрасангиз, бир ёқда кундошликнинг ғами бўлса, бир ёқдан мени ҳам ўша томонга оз-моз ёки бутунлай қийшайиб кетишимнинг ғами! Ишқилиб ичимизда беғам одам йўқ-да. Охири бахайр бўлсин. (*Ўйланиб.*) Шошманг, Холматжон тўра, ўзингча нима деб вайсаябсан? Ҳадеб бойга пшанг берасан! Бой кимни олмоқчи! Жамилани-ку... Ўз Ғофиримизнинг хотини... Камбағалнинг оғзи ошга етганда, бурни қонайдими? А? Шу инсофдан эмас-да! Бой бойга боқар, сув сойга оқар... Сен камбағалсан, камбағалга қайиш-да, хумпар! Нафсингга ур! Мунақангги Хонзодахонга ўхшаганлар бўлса у, бошқа гап! Қанча белини эгсанг,

уларга шунча хуш ёқади. Ҳа, худо, бахтимдан бўлиб чиқиб қолармиди-я! (*Дуторни олиб «Ас бўламан» ни чалади, тўхтаб.*) Шошма, биров шу ёққа келяпти! Худди ўзи! (*Ўзини тузатар, дуторни яна чалар.*)

Хонзода. Чақирган сизми?

Холмат (*шошиб*). А? Ҳа! Ҳа! Мен — Холматингиз... Қани иккита...

Хонзода (*шавқ билан бир оз ўйнар.*) Ҳеч ким йўқ-ку? Мунча титрамасангиз... Чалинг, йигит! Хўжайинингиз қаёққа кетди?

Холмат (*дуторни беркитиб*). Акам саройга кетганлар, ҳозир бу ерга қози, домла келишармиш. Палов қилар эмишсиз, маслаҳатлари бор экан. Шошманг, дарвозага тамба солиб келай. (*Холмат дарвозага бориб қайтади.*)

Хонзода (*чўчиб*). Нима маслаҳатлари бор экан, пайқаматингизми? Тагин қози поччангиз сизга янги аяча топган бўлмасин, Холматжон!

Холмат (*уялиб*). Йўғе! Қўйинг... Ундай деманг!..

Хонзода. Маслаҳатларининг нималигини билсангиз, менга айтасизми, ёки сиз ҳам яширасизми?

Холмат. Эсимни ебманми сиздан яшириб!

Хонзода. Бир билсак эди. Қозингиз ёки анави ялмоғиз кампир янги бир қиз топган дейман-да!

Холмат. Тўй бўлса сизга нима ғам, аяжон? Сиз ҳам тараллани ванг қўйиб юра бермайсизми? Ё тўйни тўхтатиб қолармидингиз?

Хонзода (*жиддий*). Тўхтатаман! Азага айлантираман! Шўнинг учун аниғини билишим керак! Мен ким? Миёнбузрук ҳазратнинг қизи, қамчисидан қон томган Қодирқул додхоҳнинг синглиси Хонзода бўламан! Кундошнинг биридан зўрға қутулдём! Жопдан кечаман, молдан кечаман, устимга хотин келтирмайман. Кимки бойга хотин бўлиб тепамга келар экан, унинг ҳолига вой! Илгарироқ гўр кафанини ҳозирласин. Азроил бўлиб жонига чангал соламан.

Холмат. Вой-вой, мен сизни ипакдай мулойим хотин десам... Ҳали шунақамисиз?

Хонзода. Менинг севганим, ҳимоячим бор-да, айланай! Ўшанга таянаман, у ҳам бўлса сиз! Ё ёлғонми?

Холмат. Вой ўргилиб кетай... Рост... Рост!.. (*Ўзича.*) Бу ҳар балонинг ўзи-ку!

Хонзода. Борди-ю, сиз ҳам тистарилсангиз, сиздан қўлимни ювиб, қўлтигимга ураман-у, бошимни олиб ҳайё-ҳайт деб чиқаман, кетаман!

Холмат. Ҳай-ҳай... Ундай деманг! Сиз бўлмасангиз мен нима қиламан? Мен сизнинг амру фармонингизга ҳамиша тайёрман, хоним, подшоҳим!

Хонзода. Нима буюрсам ажо келтирасиз?

Холмат. Бекаму кўст!

Хонзода. Борди-ю, фалон одамнинг дўпписини олиб келинг десам-чи?

Холмат. Тасаддифингиз кетай. Дўпписини олиб кел десангиз, ахир биз жаллод, мурғисаловот, қиличи бурро, забони гўё, кимнинг ажали етса, пойқадамнингизда офтобни сояга етказмай, бошини кесиб келтирамиз-да!

Хонзода. Сиздан шундай жавобни кутган эдим, опаси жонидан. Бу кеча менинг азиз меҳмоним бўлинг. *(Ишва билан)*. Бўптими? Қани, чалинг!

Холмат чалади, Хонзода ўйнайди.

Холмат. Холматингиз қоматингизга қул бўлсин! *(Қизгин қучоқлаб ўпар, шарпа эшитилар, Хонзода қочиб чиқар. Уйни супуриб.)*

Вой сени излаб топганда, ялавон ёрим айланай,  
Унг бетингдан ўпарман...

Бой. Холмат!

Холмат. Ҳа, лаббай, ака!

Қози домла, имом домла, Ҳасан элликбоши кирадилар.

Келинглари азизлар! Қани марҳамат!

Бой *(итариб)*. Қоч нари. *(Ўтиришади, фотиҳа.)*  
Холмат! Дастурхон!

Холмат. Ҳозир, ака!

Домла. Уй ичлари билан саломатмилар?

Бой. Шукур, домла!

Қози. Баҳорҳол мунтазир бўлиб, азият чекмадингизми, жаноби бой? Чароки андак ҳаялладик...

Бой. Йўқ! Йўқ! Узим ҳам мушкул савдога қолдим-да, қози домла.

Қози. Муҳаббат йўлида қийналишнинг ҳам ўз

олдига нашъаси бор. Нима дедингиз, Холмат охун?.. Ўзини ҳам кўп зебо, нозипарвар, моҳпораи бадиил-жамол деб айтадилар. (Куладилар.)

Б о й (бир оз ғижиниб). Қани, қози домла, гапни калта қилинг, нима дедингиз?

Қ о з и. Сўзни мухтасар қиламан, жаноби бой. Сизни кўп дарднок, чеҳрангизни ишқ балосидан пажмурда кўриб, бу ишнинг чорасига бот киришдик. Шу букун билан уч мартаба чақириб мен айтмаган насиҳатомуз гаплар ва мен айтмаган тадбири сиёсатлар қолмади. Ҳатто «Бойнинг шу сўзларига қайсарлик қилсанг, йигирма йиллик хизматинг куйиб кетади, шу хотинни сенга бойнинг ўзлари олиб бердилар, сендан бир пул сарф бўлгани йўқ. Бир-икки минг сўм қарздор бўлдинг, қиёматгача ишласанг ҳам гарданингдаги қарзингни узолмайсан! Ўрта ичида бойнинг аччиғини келтирсанг, ўзингни бир балога тақайсан. Ўзингга қийин бўлади. Ундан кўра шу хотиннинг баҳридан ўт! Бой яна бирини олиб берадилар-да. Яна хизматдан қутулиб, бир умр роҳатда ўтасан» дедим. Алоҳозалқийёс, ҳеч бир айтмаган иборатим қолмади! Кеча хусусан, бу Ҳасан элликбоши ҳам бор эдилар. Шундай эмасми?

Ҳ а с а н. Ҳа-ҳа... Қози домла жон куйдириб айтмаган сўзлари қолмади. Жуда ёмон, шум одам экан-да. Шунинг учун бечорани худо бой қилмас экан!

Б о й. Нима дейди ахир, бўлган гапни айтинг!

Қ о з и. «Майли, худодан кўрдим. Нима қилсалар қилсин, мен қўймайман. Агар хотинимнинг ихтиёрида хўжайинга тегиш бор бўлса, хотинимнинг ихтиёри ҳам ўзида» дейди. Мен ҳайрон қолдим. Энди ўзингиз айтгандай, буни бирёқлик қилиб эпламасангиз бўлмайди.

Б о й. Мен сизга бошида айтдим-ку, бунга насиҳат кор қилмайди, деб. Мана энди билиб қолди. Тағин иш мушкул бўлди. Бу гап одамларнинг орасида тарқалса, мен анча маломатга қоламан. Энди мана шу менинг маломатга қолишимга бор-йўғи учовларингиз сабаб бўлдингиз. Бирингизни қози, бирингизни имом, бирингизни элликбоши қилиб топган фойдам шу бўлдими? Энди менинг ёғлиқ ошимнинг, берган пул, ёрдамларимнинг натижаси шуми? Ким айтади, сизларни қозийи қуззот, уламои киром, муллаи забардаст дебки, бир нодон, аҳмоқни ўз гапингизга унатоламасангиз?!

Қозни. Энди, бой ота, сиз бизнинг вали неъматимиз-сиз. Сизга ҳар қанча хизмат қилсак ҳам оз! Лекин, биз шунчалик ўйлаганимиз йўқ эди! Узингизнинг ичингиздаги киши, албатта, йўқ демас, хотин бўлса шундоқ бечора киши билан ноилож тургандир. Сизнинг оламан деганингизни эшитиб, жон-дил билан келиб ўтириб олар деган эдик. Биз ҳам ҳайрон қолдик. Энди, бой ака, худо хайр берсин, ҳарна қилсангиз ўзингиз раҳм-шафқат эгасиз. Яна бир уриниб кўрамиз, худо хоҳласа, бир иложини қиламиз!

Бой (*домлага*). Ахир, домла, мен шуни яхши кўриб қолдим, энди ул рози бўлмаса ҳам, хафа қилиб бўлса ҳам шуни оламан. Энди нима қилай, шариатнинг садағалари кетай, бир йўл йўқ экан-да? Ер юзида ривоят қуриб кетган экан-да?

Холмат (*ўзича*). Ривоят! Ана ривоят! Хирмон бўлиб ётипти-ку! Ишқилиб, мана бу надирматнинг қулоғи ёғлиқ бўлсин!

Имом. Энди, бой афанди, муҳаббат дарди ҳар бир дарддан зўр! Кишини ҳалок қилади. Дафъи ҳалокат фарз. Кўриб туриб ўзингизни фалокатга берманг! Мафҳуми каломга назаран бу ҳам аз жумлаи ҳалокат.

Холмат. Ана-ана холос, сайра, тўти қушим, сайра!

Имом. Масалан, катта китобларда сиҳати бадан учун гўшти хинзирга ўхшаш ҳаром нарсаларни шариат ҳалол қилади. Бу кинояларга назаран албатта, йўл бўлса керак. (*Қозини кўрсатиб.*) Мана, яна қози домла билдилар!

Холмат (*ўзича*). Вой уйинг куйгурлар-ей! Салласи бўлмаса эшакнинг ўзи-ку буларнинг!

Қозни (*бойга*). Биз жанобларнинг отган ўқлари бўламиз! Йўл топамиз. Йўл кўп. Тўғрилаймиз, ахир масаласи ўзимизда-ку. Ҳа, шошманг, дарвоқи мингбоши додхоҳ ёрдам бермасмикинлар?

Ҳасан. Тўғри айтасиз. Лекин мана бу сайлов вақти яқинлашиб қолди. Мингбоши ўзи билан овора. Иннайкин, бой акам билан икковларининг ойнаклари бир оз хира бўлиб қолган.

Имом. Ҳа-ҳа, деган туяга мадад! Сендан угина, мендан бугина, жаноб бой!

Қозни. Шу Қодирқул мингбоши ўз одамингиз-ку, жаноб бой?

Бой. Хўш? Ажаб! Қози домла, дейман, бир кесак

билан икки қарғани урмоқчи бўласизми? Қодирқул мингбошингиз бу йил сайланмайди! Ортиқбойваччани мингбоши қиламан!

Қ о з и. Энди бой, гапнинг нафсиламири яхши. Мингбоши додхоҳ бизни ўртага қўйдилар. Додхоҳнинг, минг қилса, сизга қудалик ҳурмати бор. Мингбоши додхоҳ сизга қилган беадаблигидан кўп пушаймон.

Ҳ а с а н. Қози поччам тўғри айтадилар. Қодирқул мингбоши кунингизга керак бўладиган одам.

Б о й. Сайлов яқинлашиб, мингбошингиз энди оёғи куйган товукдек питирлаб қопти-да? *(Кулиб.)* Тадбирини, қози домла, пухта идрок қилибсиз!

Қ о з и. Энди, бой, икки мўминни мурсою-мадорага келтириш ҳам савоб иш-да! Сиз пристав Фириков жанобга икки оғиз уқдириб қўйсангиз, олам гулистон-да. Ана ундан кейин мингбоши қўлингизда! Бир мўйлов қилдингизми, йўлингизда мунақангги Ғофирга ўхшаганлардан мингта бўлса ҳам адолат ва ҳақиқат супургиси билан супуриб ташланади, жаноб бой!

Б о й *(ўйланиб)*. Мунчалик ўртага тушиб қолдиларинг, майли, мен приставга учрайман. Қодирқулни ёқлайман, сизлар бориб Қодирни хотиржам қилинглар.

Б о ш қ а л а р. Хайрият, хайрият!

Қ о з и. Мана бу иш бўстони маърифат, гулистони ҳақиқат бўлди.

Б о й. Мингбоши билан Ғофир тўғрисида гаплашинглар. Мингбоши Ғофирни бир балога гирифтор қилсин.

Қ о з и. Хотиржам бўлинг, бой. Қодирқул додхоҳнинг бунақангги ишларга суяги йўқ.

И м о м. Мингбошилиқни хатм қилган одам-да!

Б о й. Шу таннознинг йўлида ҳар бир оғирликка ҳам кўнамиз-да. *(Куладилар. Тугунчадан қозига кимхобдан, эликбошига атласдан тўн кийгизиб.)* Бу ҳозир тўйнинг учидан-да! Қуллуқ бўлсин! *(Домла жим.)* Домла, қуллуқ бўлсин демайдиларми?

И м о м *(устига қараб қўйиб)*. Биз энди нимага ҳам қуллуқ деймиз? Дунёни боумид, таъзияни ташлаб келган эдик.

Ҳ а с а н. Э, тақсир, сизга бўлмай иложи борми. Бой ота ҳазил қиладилар-да!

Б о й. Ишқилиб, домлалардан бир нарсани қочиринг қийин-да!

И мом (*кийиб*). Ахир, биз пайғамбарларга мерос-хўр-да! Бизнинг ҳар дуомизга минг чопон берса арзийди. Қани, илойим бойнинг бу дунёда мансаб ва равнақлари сарбаланд бўлиб, охиратда фирдавсга сазовор бўлсинлар! (*Фотиҳа*.)

Ҳ а м м а. Муборак! Муборак!

И мом (*таъзим билан*). Қуллуқ, қуллуқ!

Б о й. Ҳали мингбошидан ҳам кундал киясизлар!

Қ о з и. Ноумид эмасмиз, жаноби бой!

Б о й. Хўш, энди Ғофирни чақириб, яна бир гаплашсангизлар. Балки ҳовридан тушиб қолган бўлса ажаб эмас! Камбағални алдашни билмайсизлар... Сизларга ўргатайми?

Қ о з и. Яна ўзингиз соҳиб ақлсиз...

Б о й (*ўроғлиқ пул беради*). Мана! Олинг! Бу савилнинг жамолини кўрсатиб, кўзини ўйнатиб юбормайсизми?

Ҳ а с а н. Бормисиз, бой ота! Энди иш жўн бўлади!

Қ о з и. Ахир, шунга боя айтмайсизми, бой ота!

Х о л м а т (*ўзича*). Бу томон ҳам Ҳанифа холанинг тугунчасидек тўмпайиб тушди. Энди, қози домла Ғофирнинг кўзида сатта юзталиқдан кўк қарғанинг боласидек учирма қилиб, уни тузоққа илинтирмоқчи. О, ғаламислар!

Б о й. Холмат!

Х о л м а т. Ҳа, лаббай, ака!

Б о й. Ғофирни топ, чақир!

Х о л м а т. Ҳозир!

Чиқар, бой ҳам чиқиб кетар. Қарашлари аламли, ғамли, кучли изтироб ичида бўлса ҳам узини вазмин слиб Ғофир киради.

Ғ о ф и р (*заҳарханда қилиб*). Қози почча, саруполар муборак.

Қ о з и. Қуллуқ, ўғлим, қуллуқ!

Ғ о ф и р (*қозига*). Лекин бой бу чопонни катта отаси ўлганда товутига ёпган эди, энди сизнинг устингизга ёпишти-да!

Қ о з и (*асабий*). Нималар дейди беадаб!

Ғ о ф и р. Сарупо қуллуқ бўлсин, домла имом?

И мом (*ўнғайсизланиб*). Қуллуқ, қуллуқ, Ғофир-жон!

Ғ о ф и р. Эллиқбоши, паранжингиз муборак!

Ҳ а с а н. Паранжи эмас! Чопон бу, жинни бўлганми?

Ғофир. Ахир, далла деганда паранжи бўлади-да,  
чопонни йигит киши кияди!

Холмат. Бопла, азамат, бопла!

Ҳасан. Тилингни тий, аҳмоқ! Биласанми, кимлар  
билан гаплашяпсан?

Ғофир. Биламан. Бирингиз қози, бирингиз домла,  
бирингиз амалдор, биз бўлсак деворнинг қавагида ётган  
бир ғариб.

Қози. Сиз аралашмай тулинг, элликбоши, жоҳил-  
сиз. Тўмтоқ гапириб ишнинг пачавасини чиқардингиз!  
Ғофир, ўтир ўғлим, ўтир!

Ғофир. Эшитавераман!

Имом. Биз сенинг фойдангни гапирамиз!

Ғофир. Эски оғиз, янги гап!

Қози. Эшитасанми, йўқми?

Ғофир. Гапиринг, бу қулоқлар дунёдаги бор ҳақо-  
ратга, бор қарғишларга ўрганган, гапираверинг!

Қози. Яна ўша гап. Сен бир камбағал мусулмон-  
сан. Ўз жонингга жабр қилма, сартопо фалокатларга  
дучор бўлма, деймиз. Ахир, шу бой отанг туфай-  
лидан рўшнолик кўрдинг. Энди сенинг вазифанг шу бой-  
нинг ҳар бир амру фармонларига шикастлик билан  
қойим турмоқ! Қулоқ қоқма! Бойни ҳурмат қил! Мен  
ҳам бир кибриё назар эшонман. Менинг гапимни қай-  
тарма! Хуллас сўз, бой сенинг хотинингни яхши кўриб  
қошти.

Ғофир. Агарда бойда муҳаббат пайдо бўлган бўл-  
са, бой чин одам экан.

Холмат (*ўзича*). Вой хом калла-ей, сен ҳали уни  
ҳайвон деб юрган эдингми?

Қози. Гап шуки, бойнинг ишқ-муҳаббат йўлида ҳа-  
лок бўлиши мумкин.

Ғофир. Пул, мол йўлида ҳалок бўлгандан кў-  
ра, ишқ-муҳаббат йўлида ҳалок бўлиш кишига катта  
бахт!

Имом. Бойга раҳминг келмайдими?

Ғофир (*қизиб*). Мақсад нима, мақсад?!!

Қози. Ахир сен, хотинингни бойчалик яхши кўрмай-  
сан. Сенга номи хотин бўлса бўлди-да.

Ғофир (*қайнаб*). Мақсад!!!

Қози. Мақсад, хотинингни қўй, деймиз...

Холмат (*ўзича*). Мана қўй, деб тумшуғига сол-  
майсанми, сийниталогни!



**Х** **Ф** **о** **ф** **и** **р.** Қози домла! Шу сўзларим қулоғингизга ўқ-дек қуюлиб, қўрғошиндай ўрнашсин! Хотинимнинг ихти-ёри ўзида! Бойга тегмоқчи экан, тегаверади! Лекин мендан нима истайсиз, мендан?! Мени нега қийнайсиз? Нечун ўртанган, лахча чўғ бўлиб ёнган юрагимни тир-найсиз?! Бу қўланса қоринларингизни ёрса, шу қовоқ каллаларингизни кавласа, бу гўрдан қоронғи юракла-рингизни чироғ ёқиб қидирса ишқ-муҳаббатдан қилча нишон топилмайди-ю, яна сизлар ишқ-муҳаббат деб лоп-қоп урасиз! Бу қандай зулм, бу қандай бедодликки, севган хотинимни золим бой тортиб олмоқчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига бойнинг ёнини оласиз! Ривоятлар топасиз! Фатволар ясайсиз! Шуми инсоф! Шуми диёнат, шуми камбағалга шафқат?

**Д** **о** **м** **л** **а.** Бой бермаса очингдан ўласан?

**Ф** **о** **ф** **и** **р.** Очликдан силлам қуриб, илигим пучайган чоғимда ҳам сизларга ялинмайман! Ахир, бу кўзлардан оққан жигар қонлари, бева-бечора, етим-есирларнинг оҳу-зорлари кўнглингизни юмшатмайдими? Қачонгача кимхоб чопонлар, ёғлик паловлар учун бойларга зулм пичоғини қайраб берасиз! Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар-кимга дод деймиз? Кимга? Бу ғурбатхонада нотавон йиғлаганларнинг, афсус-надомат чекканларнинг доду фарёдини ким тинглайди, ким? Гапиринг, шариат пешволари!!

**Қ** **о** **з** **и.** Шариатга тил тегизма!

**И** **м** **о** **м.** Тақсир, шариатгагина эмас, бу гапнинг теги пошшоликқа ҳам бориб етади! Кулли шайъин яржиу ило аслиҳй.

**Қ** **о** **з** **и.** Айни ҳикмат сўзлайсиз! (*Ғофирга.*) Ҳозирги индинг айни ҳамоқат!

**Х** **о** **л** **м** **а** **т** (*Ўзича.*) Бўлмаса ҳали сурма ичган итдек овози бўғилиб, имоматга ўта олмай қоладилар. (*Имом-га.*) Чарчамайсиз, домла почча, фақат қуруқ қошиқ оғиз йиртади, холос! Сатқайи гапингиз кетсин, бу гадога! Бунга ўхшаган мингта сарп аёғдан сизлар учун бойга ўхшаган битта ҳўл таёқ яхши!

**Ҳ** **а** **с** **а** **н.** Сен бой билан ўйнашма!

**И** **м** **о** **м.** Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Пешонада битганини кўрасан. Қолу бало.

**Қ** **о** **з** **и** (*Ғофирнинг ёнига келиб, кулимсираб.*) Энди сени ҳам куюнгарингча бор-а, муғомбир-эй... (*Кулиб.*)

Устаси паранг экансан-да! Ахир, бу Ғофир ҳам ҳийла-найрангни хўжайиндан таълим олган-да... Бунинг муд-даоси бўлак!

И м о м. Ҳа-ҳа. Энди билдим... Тузук-тузук... Пайт келганида бир нарсалик бўп қолайлик дер экан-да, бунинг ҳам билгани билган!

Қ о з и. Қани қўлингни бер, ўғлим! (*Қўлини ушлаб, енги ичида пул тутқазиб.*) Мана ушла! Ол! Тўйда сарф бўлган харажатлар бойнинг гарданига! Еб кетарга минг сўм, бунга икки мартаба тўй қиласан ҳали! Қуллуқ қил бойга?!

И м о м. Ол, ол энди! Қуллуқ қил!

Ғ о ф и р (*ҳушсиз, сураддай қотади ва титроқ товуш билан*). Раҳмат... Қуллуқ... (*Кўз ёшини артади.*) Бара-калла!

Ҳ а с а н. Хўш, гапир? Бу ҳам озми?

Ғ о ф и р (*Ҳасаннинг кўзига тикилади, бирдан аччиқ қийқириқ билан пичоғини шартта суғириб, Ҳасаннинг олдига ташлайди*). Ҳасан ака! Уринг, шу пичоқни, жа-фокаш кўкрагимга! Уринг, ўлдилинг! (*Яктақларини по-ра-пора қилар.*) Дуо қиламан, худо хайрингизни берсин! Бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг! Ҳасан ака!

Х о л м а т. Ҳой, Ғофир, турей, тентак! (*Ўрнидан тур-ғизиб.*) Қитиқ паримга тегма! Пичоқни шу Ҳасан аканг урадими?! Чумчуқ пир этса, юраги шир этади-ю, бунинг!

Ҳ а с а н. Бу жинни бўлганми?

Ғ о ф и р. Ахир, киши деганни шунча хўрлайсизми? Мен ҳам одам, менда ҳам юрак бор, номус бор, жон бор!

И м о м. Қози домла, сиз ҳам кўп зиқналик қилманг! Кетса бойдан кстипти, узатинг ўша беш юзни ҳам... (*Пулни бериб.*) Мана, ол, бир минг беш юз бўлди! Энди ҳаддингдан ошма! Хафа бўламиз! Иззатингни бил!

Ғ о ф и р. Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-ке-либ сизларга айтдимми? Мен ҳали келиб-келиб одамгар-чиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шунча-лик паст тушдимми?! (*Уларда кучли ҳаяжон.*) Мен но-мусини, хотинини бозорга олиб чиққан савдогарми? Йўқ, янглишасиз, шариат пешволари, агар бунчалик пул учун ўлган экансизлар, бу пулларни ўзаро бўлиб олиб, чўн-тақларга урингиз-да, (*қозига*) сиз қизингизни, (*домла-га*) сиз хотинингизни, (*Ҳасанга*) сиз синглингни бойга қўшиб берингиз!

Қоз и. О, бадбахт, кофир!  
Имом. О, лаънати муртад!  
Ҳасан. О!.. Тавба қилдим де! Кофир бўлдинг!  
Гофир. Шулар учун мусулмон бўладиган бўлсам,  
бўлмадим!

Қоз и. Тошбўрон қилиш керак!

Домла. Ўлдириш керак!

Гофир. Оҳо! Оҳо! Қалай экансиз? Пичоқни аввал  
ўзингга ур, оғримаса бировга ур.

Бой (*ғазаб билан кириб*). Ҳой ит! Нечун шариат  
паноҳларни ҳақорат қилдинг?

Гофир. Бой ота! Мен хотинфурушларни ҳақорат  
қилдим, холос!

Қоз и. Ҳой, ит феъл, қадр билмас! (*Бойга.*) Бой!  
Шундай муаззам саллаларимиз билан даргоҳингиздаги  
бир ялангоёқдан ҳақорат эшитиб кетаберамизми?

Бой. Жим! (*Гофирга.*) Гапни калта қил, хотинингни  
қўясанми, йўқми?

Гофир (*заҳарли*). Қўйсам нима қилар эдингиз, бой?

Бой. Оламан! Бирга ётаман!

Гофир. Ҳа-ҳа, бой! Аввал уйдагиларнинг ҳисобини  
қилинг! Нима қиласиз савдо-сотиқни кўпайтириб!

Бой. Бу нима деганинг, таги паст!

Гофир. Бой, бозорингиз ҳали ҳам чаққон! Янги  
мол олсангиз харидорлар оёғингизнинг остидан чиқа-  
ди-ю, ўзингиз икки қўлингизни яна бурнингизга тикиб  
қола берасиз. Ахир, бой, қачонгача хотин олиб, хотин  
сотасиз? Қачонгача қўшмачилик қиласиз?!

Холмат. Э! Бу хумпар, менга шама қиялтимми?

Бой. Холмат, чидамайман, Холмат! Болтани кел-  
тир! Ушла бу бадбахтни! Ушла! (*Холмат Гофирга таш-  
ланар, маҳкам ушлар.*)

Холмат. Қимирлама!.. Жиғингни эзиб ташлайман!

Гофир. Бой, шуни яхши билиб қўйки!...

Бой. Холмат! Ур!

Холмат. Урсам қўлимдан чиқиб кетади, ака! Ўзла-  
ринг уринглар!

Бой (*бетлай олмай*). Ҳасан, сен бор! Ҳой, биттанг  
миршабга, чоп!

Ҳасан келар, тенки еб қочар.

Холмат (*Гофирнинг қулоғига*). Мен сени ураман,  
сен кўкрагимга секин калла қил, хўмпар! Секин! (*уради.*)



Б о й. Холмат! Полвонлигингни кўрсат дейман!  
Х о л м а т. Ҳозир, хўжайин! Қўлини қайириб олай!  
Мана сенга, мана сенга. (Уради.)

Ғофир Холматнинг кўкрагига калла қилар,  
Холмат ёлғондан  
ҳушидан кетар.

Ғ о ф и р. Ҳой бўрилар! Сўзларингдан қайт! Бўлмаса,  
ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халқ-  
қа арз қиламан, халққа! Бутун фисқу фасодларингни,  
қилган бузуқчилик, порахўрлик, ноҳақ қон тўкканликла-  
рингни, менинг хотинимни тортиб олмоқчи бўлганларинг-  
ни айтиб, дод дейман, бошимга одам тўплаб, ғавғо кў-  
тараман, шармандаларингни чиқараман. (Кетади.)

Б о й. Ғофир, Ғофир, шошма!

Қ о з и. Нима қилдингиз, бой!

Б о й. Улинг қози бўлмай!

И м о м. Шарманда бўлдик, шарманда!

Б о й. Боринг орқасидан, чопинг, алданг! Тўхтатинг,  
юпатинг. (Қози, имом саллалари чувалган ҳолда Ғофир-  
нинг кетидан чиқадилар.) Бир калла билан ҳушидан  
кетди! Лаънат сендай полвонга! (Чиқар.)

Х о л м а т (секин бошини кўтариб). Секин калла қил  
десам, нах кўкрагимни тешворай дели-я, хумпар! Ушла,  
қани! Мен унга кўрсатаман! (Чиқади.)

Х о н з о д а (пойлаган еридан кўриниб). Бу нима де-  
ган гап, Хонзода? Кўзинг уйқуда экан, қўйнингда илон  
бор экан, Х о н з о д а! Ҳа, соқолинг гўрда чиригур бой!  
Менинг устимга яна хотин олмоқчимисан? Яна кимни?  
Бир гадони! Бир чўрини! Ҳали сен мени шунча хўрлай-  
санми? Гулбаҳордай кундошга чидолмаган Хонзода  
бунга чидар эканми? Йўқ! Чидолмайман! Бой, сенинг  
жазонгни бераман. Мен сенга илон бўлиб бир заҳар  
сслайки, яратилганингга пушаймонлар егин! Бу яшша-  
магур Жамила нимага шу чоққача менга айтмай келди?  
Бой билан ўйнашиб юрганки, айтмаган-да? (Чақириб.)  
Жамила! Жамила!

Ж а м и л а (чикиб). Қани, қани Ғофиржон?

Х о н з о д а. Келавер, тортинма, ўрганган жо-  
йинг!

Ж а м и л а. Аяжон, эрим қани?

Х о н з о д а. Эринг жонингни олсин, қачондан бери  
ўйнашасан?!

Ж а м и л а. Қим билан, аяжон, ким билан?

Хонзода. Бой билан? Бойга тегиб, бой хотин бўл-моқчимисиз? Гапир, жувонмарг!

Ҳожиона (*чиқиб*). Нима гап, нима шовқин?

Хонзода. Бу ер юткур, ўглингиз билан ўйнашар экан. Ўглингиз олмоқчи буни. (*Йиғлар.*)

Ҳожиона (*энсаси қотиб*). Нима дейсан? Шу гадоваччани-я? Ўғлимни нега пастга урасан, Хонзода!

Хонзода. Ёлгон айтсам каломи шариф урсин!

Ҳожиона (*Жамилага*). Ростини гапир?!

Жамила. Онажон! Бой ота бир ойдан бери, сени оламан, деб ҳол-жонимга қўймайди. Энди эримни қақшатапти!

Ҳожиона. Бу қандай шармандалик?!

Хонзода. Гапир, бузуқ, гапир!

Раҳима хола. Ҳой, Хонзода пошша, қизимни нямага бузуқ дейсиз? (*Жамилага.*) Нима бўлди, қизим?

Жамила. Онажон! (*Ўзини Раҳимага ташлайди.*)

Хонзода. Қизинг бузуқ, ўзинг қўшмачисан!

Жамила. Онажон!

Раҳима хола. Қизим, йиғлама! Сени бузуқ деганларнинг ўзи бузуқ! Оғзингизга қараб гапиринг, гаж-жакдор жувон!

Ҳожиона. Ҳой, ҳой Раҳима ўлгур, қачондан бери тилинг чиқиб қолди? Нега келинимни бузуқ дейсан? Ҳу тилларинг кесилсин!

Раҳима хола. Ҳожиона... Шунча хизматингизни қилиб, энди қўшмачи номини олдимми?

Ҳожиона. Йўқол! Кир ичкарига, сенга айтаман! (*Ҳассасини ерга урар.*) Мен ўзим муроасага келтираман буларни.

Жамила. Боринг, онажон, аралашманг, боринг!

Раҳима йиглаб кириб кетади.

Гофир (*ҳансираган, энтиккан, калтакланган ҳолда кириб*). Жамила!

Жамила (*калтакланган эрини кўриб ўзини унга ташлар*). Гофир ака, сизга нима бўлди?

Ҳожиона. Гофир, бу қандай гап?

Хонзода. Гофиржоннинг ошиғи олчи! Хотини орқасида бой бўляпти?

Гофир. Аяжон, кесатманг! Ўртанган юракка сиз ҳам туз сепманг!

Хонзода. Белинга белвоғинг борми? Қандай шарманда, худо урган эркаксан? Хотининг бой билан ўйнашади-ю, билиб туриб индамай келасан-а?

Ғофир. Ая! Ҳақорат қилманг!

Хонзода. Хотининг бузуқ, хотининг шарманда!

Ҳожиона Вой, ўлай, қўшнилар нима дейишади? Вой дод! Вой шўрим! *(Юзини юлганича кириб кетади.)*

Ғофир. Ёлғон!

Хонзода. Тур-ей! Йигитликка иснод келтирдинг! Бой билан қучоқлашиб турганини неча мартаба ўзим кўрганман!

Жамила. Ёлғон! Тухмат!

Хонзода. Аҳа! Ула! Қўрқма! Қалтирама, титрама!

Жамила. Дод, сенларнинг тухматларингдан, беномуслар!

Ғофир. Жамилам! Йиғлама, йиғлама! *(Хонзодага.)* Аяжон, сиз менинг хотинимни бузуқ дедингиз, лекин сиз эмасмисиз шу ифлос шарманда хонадоннинг сассиқ кўкати! Сиз эмасмисиз Гулбаҳорни боласи билан ўлдирган қотил! Айтинг-чи! Сиз, юзи қассобнинг болтасидан хунукроқ бўлган қайси жаллоддан қолишасиз. Йўқол кўзимдан, беномус сатанг!

Хонзода *(қутуриб)*. Холмат! Нимага бақрайиб турасан? Ур, ер юткурни! Ур! Холмат!

Холмат. Ҳаддингдан ошма, хумпар!

Ғофир. Яқин келма, янчиб ташлайман!

Хонзода. Ул қўрқоқ, ҳезалак!

Холмат. Аяжон, ҳозир у ит билан тенг бўлиш қийин! Қаранг, еб ташлайман деяпти!

Хонзода. Ҳой шармандалар! Шунини бир билиб қўйингки, Хонзода тирик экан, сенларга кун йўқ! Менинг ғазабимдан ҳазар қилиш керак! Мен бор эканман — балолардан, офатлардан бошларинг қутулмас! Юр, сенга гапим бор! *(Холмат билан кириб кетади.)*

Жамила *(Ғофирни бўйнидан қучиб)*. Ғофиржон ака!

Ғофир *(титраб)*. Гапир, Жамила! Кўзимга қара! Аллақандай гумонлар юрагимни ёндирмоқда! Сен чиндан бой билан...

Жамила. Ғофир ака!

Ғофир. Йўқ, яширма, жонгинам! Қўрқма, бор гапни айт! Агар очиқ айтсанг, сени бир чертмайман! Гапир, жонгинам, гапир?



«Бой ила хизматчи» спектаклининг иккинчи пардаси Хонзода (Ферузи Султонова филология факультети)  
Гуфур (Рустам Комилов, шарқ факультети) Жамила (Суйиша Ганиева, шарқ факультети)





Ж а м и л а. Ёшгина жоним бор, ахир... Мен... Мунча мени хўрлайсиз... Наинки... *(Йиғлар.)*

Ғ о ф и р *(Бағрига босиб)*. Жамила, қўй! Бас, бас, йиғлама, хато қилдим, юпатишнинг ўрнига сени хафа қилдим, сенга инонаман. Қўрқаман, ҳолос, чунки менинг олтинларим, марварид-маржонларим, атлас-шоҳиларим йўқ! Ёлғиз гавҳардан тиниқ, қуёшдан ҳам юксак муҳаббатим бор, ҳолос! Сенинг пойқадамипгга сочмоқ учун зарларим йўқ! Лекин жоним бор, жоним! Бойнинг молу мулкига қизиқиб...

Ж а м и л а. Бас!

Ғ о ф и р. Мени ташлаб кетмайсанми?

Ж а м и л а. Бас, бўлди!

Ғ о ф и р. Менинг муҳаббатимни хор қилмайсанми?

Ж а м и л а. Бас! Бас! Бас! Уртаманг мени; этларимни ништар билан тилсинлар, хонумонимга ўт қўйсинлар, бошимда тегирмон тоши юргизсинлар! Мен сиздан ажралмайман! Ҳали мен сиздан суюнчи олмоқчи эдим, бизни ким ажрата олади, ахир иккимизни маҳкам боғлайдиган яна бир заңжир, учинчи бир одам...

Ғ о ф и р *(кўзларини катта очиб)*. Жамилам! Жамилам! Ростми? *(Бағрига босар.)*

Ж а м и л а. Қетамиз! Мағорада яшасак ҳам ишқимни куйлаб, сизни аллалай! Агар кафтингизга тикан кирса кипригим билан чиқарай! Агар ўтирган жойингизга хас-хашаклар тўкилса, сочларим билан супурай, чанги чиқса кўз ёшларим билан сув сепай, жонгинам!

Ғ о ф и р *(ҳаяжон ичида кўз ёшини артиб)*. Жамилам! Оппоғим! Вафодорим *(Бағрига босар, қизгин-қизгин ўпар.)*

П А Р Д А.

## УЧИНЧИ ПАРДА

Қодирқул мингбошининг шарқча солинган безакли  
ва дабдабали ҳовлиси.

Қодирқул (ўзича). Ҳа, кўрасан-да! Бу мингбошилиқ менга осонлиқ билан тушган эмас. Мен ким? Мени Қодирқул дейдилар. Менинг ҳар ишга кучим етади. Иш деганни қотираман ҳам! Оёғимдан ер юзи, қамчимдан ҳамма жониворларнинг тизи титрайди. Бу мингбошилиқнинг ҳар бир соққаси бир камбағалнинг бир ойлик пулига тушган-а! Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўй ҳам бор. Иннайкин, ўзимга ўша моҳи пайкар қизни олиш; буларнинг устига янги иморат солиш, муросан мадора учун маҳалланинг мачитини янгилаб бериш каби анча можаролар бор. Бир кун айбдор бўлиб қолиш бўлса, кўз олдинда эчкининг соқолидай ликиллаб тургандек гап. Негаким, бу рус тўраларига ишониб ҳам бўлмайди. Букун биттаси кетса, эртага яна биттаси келади. Тез-тез танглайини мойлаб турмасанг, ғужурлагани ғужурлаган! Шунинг учун қирқ-эллик таноб яхши ер, битта-яримта боғ-моғ қилиб қўйсақ, бир кунимизга яраб қолар. Мардикорликка ҳам ярамаслигимиз аниқ. Ит ҳам, бит ҳам кун кўради. Гап, хон бўлмасак ҳам, хон тақлид умр ўтказишда қолган. Охират бўлса ўз йўлида. Беш вақт номозни жойи келганда ўқиб, рўзани тутиб, унча-мунча закотни бериб турсак бўлади-да! Жуда бўлмаса, бирор мартаба Байтиллога бориш, муллажиринг бўлгандан кейин уламо-эшонлар қанотқуйруқ бўлиб, аршга учиш мана бу ерда турган гап!

Ҳа, ҳа ҳа! Солиҳбой билан ярашиб олганим ҳам яхши бўлди. Бу бойнинг пристав, ҳокимтўранинг олдида обрўйи катта. Анавилар бўлса, додхоҳ-додхоҳ дсб кўзимнинг ёғини еб, букун тўртта ифлос камбағални ёнига олиб, менга қарши иш кўрмоқчи бўлишади. Мен ҳаммангни кафангадо қиламан, деб бу амални сотиб олдим. Мен халқнинг ҳовлисини ўғридан қўриқлайман деб буни олдимми? Йўқ! Мен-чи (*киссасини кўрсатиб.*) мана буни тўлғазаман деб амалдорликни олдим. Ҳаммангнинг қонингни ичаман! Қани, сайлама-чи! Сайласанг бир бало, сайламасанг минг бало! Мени биласанми?

Қулмат миршаб (*яна бир миршаб билан иккиси касал деҳқонни боғлаб олиб киритадилар*). Мана хўжайин, олиб келдим! Касалман деб келгани унамайди, хумпар!

Қодирқул. Баччағар, яхши баҳона топибсан-а!

Касал деҳқон. Тақсир, худо хайрингизни берсин... касалим оғир... раҳм қилинг. (*Йўталади.*)

Мингбоши. Йўталма, баччағар! Нимага сен бойнинг пахтасини яхши парвариш қилмай қўйдинг? Қарзингни унутдингми? Нега солиқларни тўламайсан?

Касал деҳқон. Мингбоши додхоҳ, худо ҳақи касалман... Кўрпа-тўшак қилиб ётиб олдим... Миршабларингиз кўз ёшимга қарамасдан мени судраб келтирдилар... Бир чакқаси касаллик... Овқатда маза йўқ, бойнинг ерига икки кунгина қарай олмай қолдим, холос. Солиқларни тўлашга кучим етмайди. Раҳм-шафқат қилинг!

Қодирқул. Шунақами? Раҳм-шафқат қилайми? (*Қулматга.*) Ур, лаънатини?

Миршаблар урадилар.

Касал деҳқон. Тақсир, урманг, касалман... Уламан... Уламан...

Қодирқул. Ур!..

Қулмат. Ҳушидан кетди, додхоҳ!

Қодирқул. Ўлиб қолмадимми? Олиб чиқ, ертўлага ташла!

Миршаблар кўтариб кетадилар.

Бояги ўғрини олиб чиқ!

Миршаблар Ғофирни олиб чиқадилар. Дарахтга ярим яланғоч қилиб боғлайдилар.

Қодирқул. Сен нимага бойнинг пулини ўғирладинг?!

Ғофир. Мен ўғирлаганим йўқ!

Қодирқул. Мана бунга нима дейсан. *(Сандиқчани кўрсатиб.)* Бу сандиқчадаги пул билан векселларни аравадан топиб олдилар-ку? Қаерга беркитмоқчи эдинг?

Ғофир. Улимдан хабарим бор, бу гаплардан хабарим йўқ. Ҳаммаси бойнинг ҳийла-найранги.

Қодирқул. Сен ўғрибошисан, шерикларингни айтиб бер!

Ғофир, Мен ўғри эмасман! Мени ўғри деганларнинг ўзлари ўғри.

Қодирқул. Жим, аҳмоқ! Бойнинг бултур кузак бир қашқа оти йўқолган. Икки минг сўм пули саройдан ўғирланган. Шуларни ҳам сен ўғирлагансан. Гапир, шерикларинг кимлар?

Ғофир. Менинг шерикларим йўқ.

Қодирқул. Якка ўғримисан! Ур! *(Урадилар.)*

Ғофир. Тақсир, ҳақиқат қилинг!

Қодирқул. Ҳақиқат мана шу! Шунақа қилсам, ҳақиқат менга маълум бўлади.

Миршабларнинг қамчи, гавронлари узилади.

Дармонинг борми... Қулмат! *(Ўзи туриб қамчилайди.)*

Ғофир. Ҳақиқат қилинг. Бой бу йўл билан менинг хотинимни тортиб олмоқчи...

Қодирқул Хотининг созми? Гапни бу ёққа бурма! Чиройлик хотин сен гадода нима қилади. *(Қулматга.)* Олиб бор! Шерикларингни айтмас экансан, қамчиларим остида ўласан!

Хонзода ичкаридан чиқар.

Ҳа, Хонзода, кел синглим, шу ердамидинг?

Хонзода. Онамларни кўргани келувдим.

Қодирқул. Қани синглим, суюнчини беравер. Эринг билан ярашиб олдик.

Хонзода. Яхши иш бўпти. Эшитиб кўп хурсанд бўлдим, ака!

Қодирқул. Эринг билан қандайсан? Энди тузук бўлиб қолгандирсан! Илгари менга ўчакишиб, сенга тоза ҳам азоб бергандир-а?

Хонзода. Э ака... Қўйинг, достонимни очманг...  
(Қўз ёшини артади.)

Қодирқул. Қаттиқ хафа қилдимиз?

Хонзода. Уша кунлари, сенинг аканг ана ундай, мана бундай, ҳамманг бир одам... ҳамманг менга душман деб, қонлар ютдирди.

Қодирқул. Эринг ўзи ёмон одам. Шошмай тур, мана бу сайловдан эсон-омон ўтиб олай, иннайкин, у билан гаплашаман. Иложи бўлса сени чиқариб оламан.

Хонзода. Ҳозир устимга яна хотин олмоқчи бўлиб юрипти.

Қодирқул. Хабарим бор. Хизматкори Ғофирнинг хотини-а?

Хонзода. Ҳа ўшани... Сиз бўлсангиз Ғофирни қамаб қўйибсиз...

Қодирқул. Уғри бўлгандан кейин қамаймиз-да!

Хонзода. Бу ҳаммаси бойнинг ҳийласи.

Қодирқул. Биладан. Сен койима! Майли, бой нима қилса қилсин. Қўйиб берайлик! Мен у билан сайловдан кейин гаплашаман. Агар шу топда гинг-пинг десам, ўзим зарар кўраман. (Кулиб.) Ҳайронман!.. Бу бойнинг табиати шунақа пастми? Бир камбағал, гадо хотинга ошиқ бўлиб юрса-я, бу одам? Ундай хотинларнинг мингтаси сенинг тирноғингга арзимайдими.

Хонзода. Бу ерда бошқа гап бор, ака. Уша Ғофирнинг хотини Жамиланинг ўзи жуда чиройлик нарса. Унинг озодалиги, ҳусн-жамоли, пазанда, чеварлиги ҳамманинг оғзига тушиб кетган-да. Бой ўшанинг учун куюкиб ўляпти-да.

Қодирқул. А?! Шунақами? Жуда танноз дегин!

Хонзода. Шаҳарда битта десам ёлғончи бўлмайман. Унинг чиройи ўз бошига бало бўлди. Шу бечора хотинга раҳмим келади. Айниқса, бу кун эрининг қамалганини эшитиб, тутақиб кетди. Сизнинг ёнингизга арзга келмоқчи эди. Ўзи ҳам 16 ёшда... Шу қизга бир раҳмшафқат қилсангиз бўлар эди, ака! Атайин сизга шуни айтгани келган эдим.

Қодирқул. Бўлмаса айткил, келсин! Арзини тинглайман, ёрдам бераман. Ҳозир келсин.

Хонзода. Мен ўзим олиб келаман.

Қодирқул. Лекин, бой билмасин. Биз мингбоши бўлганимиздан кейин арз билан келган камбағални ҳам,

бойни ҳам баравар сўраймиз-да. Бор, тез кел. (*Меҳмонхонага кириб кетади.*)

Хонзода (*чиқаркан.*) Тузоқни яхши қурдим. Энди Жамилани келтирай. Акам уни бир кўргандаёқ жинни бўлади, қолади. Ана шундан кейин тамшони кўрасан! Э, аҳмоқ бой, мени Хонзода дейдилар! Гулбаҳорни хазон қилган, болангни ажал сувида чўмилтирган Хонзода — мен бўламан! Сен ҳали менинг устимга хотин олмоқчимисан? Сени шундай боппайки... Ўзинг қойил қолгин! (*Чиқар.*)

Қодирқул (*меҳмонхонадан чиқиб*). Жамилахон! Жамилахон, югурганники эмас, буюрганники... Тасаддуфинг кетай, ғойибона ошиқ бўлдик-ку... Ишқилиб, бойга билдирмай бир роҳат қилсак қилибмиз-да!..

Қозимомкиради.

Қозимом. Ассалому алайқум, мингбоши додхоҳ!

Қодирқул. Вааллайқум ассалом, келинг қозимом! Қани марҳамат, домла! (*Ўтирадилар, фотиҳа.*)

Имом. Илоҳо, мингбошининг обрўйига обрўй қўшилсин.

Қодирқул. Қани қозимом, нима хабарлар бор?

Қозимом. Солиҳбой билан Ҳасан элликбоши сизнинг масалангиз юзасидан кечадан бери ҳокимтўра ҳамда пристав тўранинг ҳузурига қатнамоқдалар. Кеча уларни кутиб уч хуфтангача интизорлик тортдик. Бу кун жуда ҳам хаёлимиз ўша томонда бўлди. Ҳасан элликбоши ҳали хабар келтиргани йўқми?

Қодирқул. Дараги ўчиб кетди унинг ҳам!

Имом. Ишқилиб, тақсирим бўлмади иложлари йўқ.

Қодирқул. Илоҳим, домла, нафаслари муборак... Мен сизларнинг ёрдамларингизни асло унутмайман.

Қозимом. Албатта, додхоҳ, албатта. Хўш, қани энди, Ғофир нобакорни нима қилдингиз?!

Қодирқул. Ғофирнинг букун кечаси «ўғирлаган» сандиғи билан тутиб келтирдим, ўлгундай калтақладим.

Қозимом. Зиммасига қандай гуноҳларни қўйдингиз?! Бой шуни билмоқчи...

Қодирқул. Нима бўларди, ўша кунги тадбиримизда! Бойнинг пулини ўғирлаган, шарият пешволарини ҳақорат қилган.

Имом. Бой бунга рози эмас, уни қаттиқроқ балога гирифтор қилмоқ учун бу айблар етарли эмас, дейдилар.

Қодирқул. Ажаб одамсиз-да, домла! Битта савил бошни йўқ қилмоқ шунчалик мушкул эканми? Ишнинг бу ёғини хон тақлид қилдик. Энди гап ҳокимтўрада қолди, холос. Яна бир минг, ярим минг бўлса, бўлади-да... Ана ундан кейин ҳокимтўра Ғофирни бир тепади, тўппа тўғри Сибирга бориб тушади.

Қози. Бу бой бўладиган бўлса, уни ҳам аллақачон тўғрилаб қўйгандир.

Қодирқул. Бўлмасамчи!

Ҳасан эликбоши киради.

Ҳасан. Ассалому алайкўм, додхоҳ! Қози поччалар ҳам шу ерда эканлар!

Қодирқул. Бормисиз, Ҳасан ака!

Қози. Мунча кечикдингиз, Ҳасанбой?

Ҳасан. Қуруқ келишга уялдим-да, тақсир!

Қодирқул. Қани, бўримисиз, тулки?

Имом. Хизру Илёс девуринг. *(Кулги.)*

Ҳасан. Бизнинг ота-бобомиз тулки эмасми?! *(Кулги.)* Қани ёрлиқни олаверинг!

Қодирқул. Бизни ёрлиқдан қочирган жойингиз борми? Қани, гапиринг! Сизни бир қишлоққа амин қилишга қарздор бўлдик-да!

Ҳасан. Бой ота билан пристав тўра икковлари ҳокимтўра олдидан келдилар: «Бориб айт, мингбоши хотиржам бўлаверсин, ўрнида қолса керак!» деб айтибди. Иннайкин, бой отам, «Мингбошига айткин, ҳокимтўра билан пристав тўрани шу бугун мингбоши тилидан меҳмондорликка даъват қилиб қўйдим» дедилар.

Қодирқул. Шу бугунми?

Ҳасан. Шу бугун!

Ҳамма. Ана холос!

Қодирқул. Ўлма, Солиҳбой! Кўп танти одам-да!

Қози. Э, додхоҳ, ошиғингиз олчи! Суюнчи бераверинг!

Қодирқул. Мана! Камига биз қарздор. *(Ҳаммасига пул беради.)*

Ҳасан. Тездан уриниш керак.

Имом. Улуғларимизнинг кўнгли хурсанд бўлибдир.

Қози. Пристав тўранинг ўзи яхши одам. Яхши-да, заршунос.

Ҳасан. Иннаёкин, ака, ўзимиз ҳам тек ётмасак, яна бошқа чораларни кўриб турсак.

Қодирқул. Қандай чоралар?

Ҳасан. Менинг ақлим шуким, додхоҳ, муҳолифингиз томонига ўтганларни ҳам қўлга олиш учун шу кун кечаси менинг ҳовлимга чақирсак, бир озгина зиёфатча билан кўнгилларини топиб, биттадан тўн, ўн-ўн беш сўмдан пул берсак. Шояд уларни ҳам қўлга олиб қолармиз, дейман. Нима дедингиз, домла?

Имом. Албатта. Лекин мавқеи келганда биз ҳам сўзлаб ўтайлик. Зиёфатга бир-икки маҳалланинг имомларини, бир-икки нафар мударрисларни, иложи бўлса Миёнхон ҳазрат билан Собир эшонимизни чақириб, биттадан тозароқ жомалардан кийгизилса тагин яхшироқ бўлар эди.

Қодирқул. Уларни буйруқдан кейинги зиёфатга чақирсак ҳам бўлади.

Қози. Бунда бошқа бир ҳикмат бор-да!

Қодирқул. Қани!

Қози. Авомунноснинг кўзига салла бомужаррад кўриниши билан инон-ихтиёри қўлдан кетади. Маълумки, бизнинг саллаларимизда бўлган сиёсат, ҳалоқунинг қиличидан ҳам ўтқирдир, тақсир!

Қодирқул. Хўш, бўлмаса домланинг гаплари ҳам тўғри. Зиёфат анжомида гап йўқ!

Ҳасан. Энди вақтнинг ўзи шундай нозик келди. Оз бўлса эплаб кўр, кўп бўлса сеплаб кўр замони эмас, қопчиқни ўйната турган майдон бу!

Қодирқул. Бу ёқда ҳокимтўрага зиёфат, у ёқда халққа бериладиган зиёфат. Ишқилиб уйим куядиган бўлди, Ҳасан!

Қози. Қўяверинг, худонинг ўзи етказди.

Қодирқул (Ҳасанга). Домла Зокирга хат ёзиб юборадилар. Сен икки юз сўм пул олиб, Отахўжа тўнфурушнинг дўқонига бор. Иккита яхши кундал бериб юборсин, ҳокимтўра билан приставга кийдирамиз. Қани домла, Зокирга икки элик хат ёзинг.

Имом. Бизнинг хатимиз андак бадхатроқмикан-а, ғози домла!

Қози. Ёзинг, тақсир, ёзинг!

Имом. Эшон мирза қайдалар!

Қодирқул. Майли, ёзаверинг, ишқилиб бир қора чизик бўлса бўлди-да!



И м о м (*уялиб*). Йўғе, жуда ҳам бўлмағурда, бўл-  
маса бажонидил эди-ку.

Қ о д и р қ у л (*истеҳзо билан*). Икки юз сўмнинг  
ўзини ҳам ёза олмайсизми? Қанақа гап бу?

И м о м (*бўйнига олиб*). Тўғрисини айтсак, хатимиз  
йўқ ҳисоб-да!

Қ о д и р қ у л. Домлаликнинг бари хатми қуръон би-  
лан таъзияга экан-да! (*Қозига*.) Сиз ҳам шунақа бад-  
хатмисиз, қози домла!

Қ о з и. Йўғе... Қани берсинлар! (*Ёзади*.) Мана  
додхоҳ!..

Қ о д и р қ у л. Мана! Тезда олиб бор.

Ҳ а с а н чиқади.

Қ о з и. Бўлмаса бизлар ҳам номози пешинни ўқиб  
келамиз.

И м о м. Ҳа, шундай бўлсин. Унгача зиёфат анжомла-  
ри тахт бўлар.

Қ о д и р қ у л. Домла бораверсинлар! Сизга андак  
гапим бор.

И м о м. Сизни бўлмаса мажлисда кутаман, тақсир!

Д о м л а чиқади.

Қ о з и. Хўп бўлади. (*Латифжон киради*.)

Қ о д и р қ у л. Латифжон, келдингизми? Катта зиё-  
фатга ҳозирлик кўринг!..

Л а т и ф ж о н. Хўп бўлади, додхоҳ... Бўрдоқини сў-  
йишга қассобни чақирайми?

Қ о д и р қ у л. Чақиринг...

Л а т и ф ж о н чиқади.

Хўш, қози домла, қани бойга-ку, қулинг ўргилсин Жа-  
милахонни олиб беряпсиз. Бизга индамасдан...

Қози кулар.

Бизнинг ишимиз нима бўлди? Отаси билан гаплашди-  
нгизми?

Қ о з и. Тақсир, Жамилахоннинг бунчалигини билмай  
қолдик, бўлмаса-ку, ўзимиз ҳам харидор бўлардик...  
(*Кулги*.)

Қ о д и р қ у л. Қани, гапга киришайлик.

Қ о з и. Додхоҳ, биз ҳам биламизки, сиз каби сиёсат  
эгаси бўлиш ҳар кимнинг иши бўлмагани сингари, сиз-

нинг тўшагингизга оёқ босиш ҳам ҳар қандай қаланғи-қасанғи қизларнинг бахтига учрамайди, ҳам учрамасин деб умид қиламан.

Қ о д и р қ у л (*силтаб*). Гапингизнинг даромади тузук, калта қилинг!

Қ о з и. Бор-йўғи ўрта-орада бир-иккита сабаб бўла турган ҳодисалар бор. Йўқса мингта ундай камбағалнинг яқсон бўлгани билан сиз каби улуғларимиз марҳаматнинг бошимизга бир марта соя солгани!

Қ о д и р қ у л (*кулиб*). Нима ҳодисалар бўларди? Чап кўзинг учиб турсин денг. Арпамиз хом қолиб, от тортолмай қолса-я. Менга тик қарайтурган кўз-пўз борми?

Қ о з и. Додхоҳ, тиканнинг ҳадди бормикин сизнинг пошнангизга қадалсин. Баъзи кишиларнинг қўлидан иш келмаганда ҳам обрўйингизга бир хил маломат келтирадиган жойларини апдиша қиламиз.

Қ о д и р қ у л. Нима экан? Билиб бўладими ўша андишаларни?

Қ о з и. Бир камчилиги удирким, ҳали қиз ўн иккидан ўн учга энди оёқ босган. Еш бола. Иккинчидан шудирким, юзида оз-моз чиройи бўлгани билан ўзи таги паст. Сизнинг остонангизга сира арзимаёди. Учинчиси шудирким, бешик кетди бўлгандан буёқ ҳар йил расм-русумларини қилишиб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйпти. Тўйни бузганда халқ ичида анча шов-шувга сабаб бўлади. Қисқаси шудирким, паст билан бўлган ишнинг охири ҳам пастлик билан битади. Сизга қиз топилмайдими, мингтасини топиб беришга мен ўзим тайёрман, айланай додхоҳ!

Қ о д и р қ у л. Менинг ҳаммадан ҳам қизиққаним, унинг ёшлиги, кўркамлиги, қола берса уртадаги нафсоният. Айтганимни қиламан, дедимми, қиламан. Ҳам қилишим керак! Ит бўлса, бит бўлса ҳам айтганим бўлсин. Биз мана шунинг учун бу амал деган мушкулни сотиб олиб ўтирибмиз. Йўқса мингбошилик қилмаганда оч қолармидик?

Қ о з и. Йўғе, албатта!

Қ о д и р қ у л. Олиб бир кўрайлик, юракдаги ўтлар босилсин! Пастлик қилса ана уларнинг биттаси бўлиб, уйнинг бир бурчагида ўтирар, ёки бир тепармиз, ўзини уйнинг товадонида кўрар, нима?! Халқнинг маломати билан менинг нима ишим бор! Шу халқми, ахир? Ундан

кўра, кўрган, ўйнаганим ғанимат. Биз ҳам ўшаларчалик, тарнов-парновингизни ҳўллаб қолармиз.

Қоз и. Албатта, бўлсин, деганингиз бўлади-ю, додхоҳ, гап тарновда эмас, ундай бойвачча ҳам камбағалнинг юз хил дастурхонидан сизнинг итингиз олдидан қолган бармоқдек суяк минг марта яхши! Мендан сира кўнглингизга шубҳа келтирманг. Нимага десангиз, холис хайрихоҳман.

Қодирқул. Келинг, қўйинг, ака! Холис хайрихоҳ илгари туғилган бўлса, тупроқ остида қолиб кетди. Энди туғиладиган бўлса, яна бирор минг йиллар бордир.

Қоз и. Додхоҳ!

Қодирқул (*сўзини кесиб.*) Азим кўнчини ёки кўчадаги биронта девонани нимага сайламайдилар? Менинг номзадимнинг соққаларини сайлов қутимга юмлатган қози домла билан Ҳасан аканинг панжаларини эмас, балки чўптагимдан ўрмалаб чиқиб турган ўн туёқлик ўргимчаклар эди. Мени кўп содда деб ўйламанг! Келинг, майда-чуйда гапни қўйиб туринг, боринг! Шу бугун қатъий жавобини олинг! Шу ҳафта қизини беришни билсин ёки турмага кириб ўтиришнинг ҳаракатини қилсин. У тарафни кўриш менинг ўз ишим.

Қоз и (*туриб.*) Хўп, хўп, додхоҳ! Сизнинг розилигингиз шундай бўлса, истар хурсанд, истар хафа қилиб бўлса ҳам қўлимиздан келганча кўндирамиз. У тарафда ахир, ўзингиз бор-ку!

Қодирқул. Қани қурбини кўрай, питирлаб кўрсин! Кимнинг жони бўлса майдонга чиқсин, боринг!

Қоз и. Хўп. (*Чиқиб кетар.*)

Қодирқул. Падарингга лаънат! Сенинг қўлингдан келди-ю, менинг ўрнимга мингбоши бўлиб, мендан ҳам хунувроқ ишлар қилмай қўйдингми? Халқ ихлос боғлаган битта соҳиб каромат сен ўзингмисан? Ёки Собир эшонингми? Домла имомингми? Тўнғизнинг гўштини қўйсанг макруҳ бўлади, деб ўзи пуфламай ейди. Уларингга қараганда мен чилтанман-а, чилтанман. (*Кириб кетади.*)

Паранжили Жамила ва Хонзода кирадилар.

Хонзода. Жамилахон, кўрқма! Киравер. Эринг шу ерда... Мен акамга ҳаммасини уқдириб қўйганман. Мен сени бекорга хафа қилган эканман. Сен бечорада гуноҳ йўқ экан. Ҳамма айб бой ўлгирда экан. Акам сенга ёр-

дам беради. Акам катта амалдор. Унга ўз тилинг билан арз қилсанг яхши бўлади.

Ж а м и л а. Аяжон, ўзим қўрқаман. Сиз ёнимда ту-ринг... Гап ўргатасиз.

Х о н з о д а. Мен ҳам ёпингда бўламан. Лекин акам бошқа бир одам олдида сўрай олмайди. Арзингни йиғ-лаб туриб айт! Иннайкин, жин урмайди, эркак киши-да, чимматингни кўтариб, жамолингни кўрсатиб қўй...

Ж а м и л а. Вой, у нима деганингиз, аяжон! Қўйинг!..

Х о н з о д а. Эй тентак... Юзингни биров кўрган би-лан ейилиб қоладими... Шундай қилиб, акамни алдай-сан-да! Мен ҳам бировга ишим тушганда ёлғондан қо-шимни қоқиб, кўзимни сузиб, ишва-ноз қилардим. Иннайкин, ишим битди, эшагим лойдан ўтди, деб ўзини аҳмоқ қилиб кетаверардим. Мақсадинг эрингни қутқа-ришми?! Эркак кишилар чиройлик хотин билан чирой-лик муомила қилишади. Сен қўрқма. Мен оналаримнинг олдида бўламан. Акамнинг ўзи ҳам йўқ экан. Ичкарида бўлса, айтиб юбораман. *(Кириб кетаркан ўзича.)* Энди акамга тайинлайки, Ғофирга қаттиқ азоб берсин, уни қийнасин, додлатсин, бу эса Жамилани қўрқитиш, қўл-га олиш, уни акамнинг қўйнига солиб, бадном қилиш учун энг қулай йўл!

Ж а м и л а. Уф, чарчадим... Толиқдим. Эй худо, юра-гимга далда бер. Қўрқаман, қалтирайман. Умримда кел-маган жойлар, ҳеч ким йўқ. *(Қўрқиб.)* Вой ўлай, кимсап деса, нима дейман? Мени ўғри хотин гумон қилиб, уш-лаб олсалар-а? Ғофиржонни кечадан бери ахтараман. Пешонам қурсин, пешонам! Юрагим ўйнайди... Дир-дир титрайман. Э, худо, нега мени бунчалик жабру жафо-ларга мубтало қилдинг?! Шодликларимни тупроққа кўм-дирдинг? Чиндан — тўғри айтган эканлар: хотин киши-нинг боши, уй ичининг оғир тоши деб. Бу бош шундай қаттиқ тошки, ҳар бир зулму жафога бардош қилади. Бошим айланади. Мингбошига нима дейман? Ялинаман, йиғлайман, балки мингбошининг кўнгли юмшар, ҳақи-қат қилар, мингбоши инсофли одамдир. Бойга ўхшаган бераҳм эмасдир. Жигаримнинг қони билан оққан кўз ёшларимга, оҳу-зорларимга шафқат қилар. Уйинг куй-гур бой, мени сарсон қилдинг. Ўзинг мендан бадтар сарсон бўлгин, илоҳи!

Ғофирнинг калтак остида инграган овози эшитилади, бирдан жаланглаб.

Вой, ким? Ким бу? Бировни ураяптилар? Бир бечорага азоб берадилар, азоб! Бу Ғофиржон эмасмикан? Йўқ! Йўқ! Қаердан келади бу фарёд? Юрагимга ништардек ботди. Ким бўлди? А! Вой ўша эрим Ғофиржон! Эрим! Ушанинг ўзи! Ғофиржон! (*Ҳар ёнга телбалардек чонади.*)

Л а т и ф ж о н (*чиқиб*). Кимсан?

Ж а м и л а (*титраб*). Бир бахти қаро бечора хотин, мингбоши поччамга арзга келган эдим.

Л а т и ф ж о н. Сабр қил, ҳозир чиқадилар.

Кирар, м и н г б о ш и чиқар.

Қ о д и р қ у л. Латифжон, амалдорлик чопонимни устимга ёп!

Латифжон чопонни елкасига ташлайди.

Нима арзинг бор?

Ж а м и л а. Мингбоши почча, бир золимнинг зулми билан адо бўлган шўрлик хотинман. Менинг уйимни буздилар, золим бойнинг тухмати билан сизнинг одамларингиз эримни тутиб келганлар, ҳозир у бечорага азоб берадилар. (*Ялиниб*). Илоҳим мартабангиз улуғ бўлсин, бола-чақангизнинг орзу ҳавасини кўринг, мен ғарибнинг дуодан бўлакка кучим етмас, менинг эримни қутқаринг, уни қийнаманг! Ана! Ана! Урмасинлар, мени урсинлар, мени! Агар қодир бўлсайдим, бутун дунёни сизнинг оёғингиз остига тўкардим-у, эримни халос қилар эдим.

Қ о д и р қ у л. Эринг ким?

Ж а м и л а. Ана! Ана! Йиглайди гуноҳсиз!

Қ о д и р қ у л. Ғофирми?

Ж а м и л а. Ҳа, Ғофиржон. У бечора ўз номуси учун талашади, холос, азобламанг. Уртанган, қақшаган жонимга раҳм қилинг!

Қ о д и р қ у л (*кўз билан имо қилиб*). Латифжон сен кўчага чиқ. Бойдан хабардор бўлиб тур!

Л а т и ф ж о н. Хўп, хўжайин. (*Чиқади.*)

Қ о д и р қ у л. Шошма, Жамила деган сенмисан?

Ж а м и л а. Ҳа, ўша толеи ласт Жамила.

Қ о д и р қ у л (*четга*). Бахтимдан айланай, бу ҳам бўлса худонинг инояти, бунинг жуда ҳам таърифи кетган. (*Жамилага.*) Жамилахон, мен ҳозир айтаман, эрингни қийнамайдилар. (*Кириб чиқади, фарёд тўхтайд.*)

Ж а м и л а (*тинглаб*). Хайрият. (*Енгил нафас олар.*) Раҳмат, қуллуқ, мингбоши ота!

Қодирқул. Шошма, сен ростдан Жамиламисан, тағин Гофир ўғрининг паранжига ўралиб келган шерикларидан бўлмагин? Менга қара-чи. (*Чимматни тортади ва ўзича.*) Сутга чайқаб олгандай оқ, қулинг ўргилсин мома қаймоқ. Вой дод, бойнинг қутурганича ҳам бор экан. О, хонасаллот бой-ей, дидинг жойида! (*Жамилага.*) Ҳой синглим, менга қара, ахир эринг ўғрибоши, ундай ярамас одам билан бирга туриб нима қиласан? Биз уни зиндонга ташлаймиз, дорга осамиз!

Жамила. Мингбоши почча! Бу ҳаммаси ёлғон, бўҳтон! Шўринг қурғурга тухмат! Ахир, қози домлангиз ҳам порани катта олиб, бойнинг деганини деяпти-да.

Қодирқул. Мақсадга кел!

Жамила. Мен зolim бой тепасидан сизга арз қилиб келдим. Мингбошимиз бўласиз, ҳақиқат қилинг! Бойнинг жазосини беринг. Эримни қутқаринг!

Қодирқул. Хўп. Ҳақиқат қиламан! Биргина бойни эмас, каттароғининг ҳам адабини бериб қўйишга ярайман! Хўп, яхши қиз, аввал эрингни ҳақиқат қилайлик, қани. (*Ўзича.*) Бай-бай-бай! Бундақанги тиниқ хотинни умримда биринчи мартаба кўришим. (*Жамилага.*) Агар эрингни шу оғир жиноятдан қутултириб юборсам, менга нима берасан?

Жамила. Мен сизни ўла-ўлгунча дуо қилай, лойиқ кўрсангиз чўрингиз бўлиб, эшигингизни супурай! Кирингизни ювай. Болаларингизни елкамдан туширмай катта қилай, мен бенаво бечорага ёрдам беринг!

Қодирқул. Хўп, ёрдам берай. Лекин бой билмасин. Қани юр, бошлаб мен сенга эрингни кўрсатай.

Жамила севиниб ертўлага томон юради.

Йўқ, бу ёққа юр! (*Меҳмонхонани кўрсатади.*)

Жамила. У меҳмонхона-ку? Эрим у ёқда нима қилсин?

Қодирқул. Ертўлага, меҳмонхона орқасидан йўл бор, холос. Эринг шу ерда, юравер! Қани юр, оппоқ қиз.

Жамила оёғи тортмай меҳмонхонага киради. Жамила киргач, Қодирқул эшикни бекитиб олади, бир ооз ўтгач, ичкаридан Жамиланинг фарёди эшитилади.

Жамила. Дод дейман, тегма менга! Бу нима қилганинг! Ноинсоф, худо беҳабар! Вой дод! Ўлим берсин сендай мингбошига!

Х о л м а т ҳовлиқиб киради.

Х о л м а т. Мингбоши почча, мингбоши почча!  
(*Додни эшитиб.*) Эй, ким бу? Жамиланинг товуши-ку?  
О, бадбахт-э, нима қилдим, шошма. (*Эшикни қаттиқ  
қоқиди.*) Мингбоши додхоҳ, ҳой мингбоши додхоҳ!

Қ о д и р қ у л. Қимсан?

Х о л м а т. Бой отам келяптилар! Меҳмонлар билан.

Қ о д и р қ у л ярим яланғоч пайпасланиб, йиқилиб, туртилиб  
ичкаридан чиқади.

Қ о д и р қ у л. А? Бой?

Ж а м и л а (*сочлари ғижимланган, кўйнаги йиртил-  
ган, юзлари тилинган ҳолда чопиб чиқади*). Ҳу соқолинг  
гўрда чирисин, сендай мингбошининг!

Қ о д и р қ у л. Йўқол, сочи юлуқ бадбахт!

Ж а м и л а. Мингбоши бўлмайт ўл, бепомус!

Х о н з о д а. Ака! Бу нима қилганингиз? Яхшими  
шу ишингиз!

Қ о д и р қ у л. Холмат! Холмат! Ҳайда бу бузуқини,  
ҳайда! Эримни нега қамадинг, нега урасан деб соқолим-  
нинг ярмини юлиб олди, шапшак. (*Соқолини силар.*)  
Бойнинг дидига лаънат! Ҳали келиб-келиб шу расво хо-  
тинни яхши кўрганми?

Х о л м а т. Хафа бўлманг, мингбоши додхоҳ! Бу ўзи  
ҳали хом... Пишмаган. Соқолингизнинг ярми омон қо-  
пти, шунга шукур қилинг.

Х о н з о д а. Ака, шу қилганингиз инсофдан эмас-  
да? Юр, жоним, бу ёққа юр! (*Жамилани олиб кириб  
кетади.*)

Қ о д и р қ у л. Соқолимнинг ярми қўлнда кетди, бад-  
бахтнинг.

Х о л м а т. Яхши ҳам келганим, йўқса зиёфат деб  
наҳ жанозангизнинг тепасидан чиқар эканман!

Қ о д и р қ у л. Кўп пашшахўрда бўлма! Ма ушла!  
(*Пул беради.*) Юз сўм, бировга айтиб юрма!

Х о л м а т. Улибманми, мингбоши почча. (*Ўзича.*) Ғо-  
фирдан бўлакка айтсам нон қорнимга урсин!

Ҳ а с а н (*ҳовлиқиб келиб*). Додхоҳ, меҳмонлар кели-  
шиб қолдилар!

Қ о з и, и м о м (*киришади*). Додхоҳ, меҳмонлар ке-  
лишиб қолишди!

Қ о д и р қ у л. Чиқинглар! Чиқинглар!

Кўпчилик ҳокимтўранинг истиқболига чиқади.

Латифжон! Столга қаранг! Ҳасан!

Ҳасан. Лаббай, додхоҳ!

Қодирқул. Поёндоз ташла! Холмат!

Холмат. Лаббай, додхоҳ!

Қодирқул. Сен извошларга қара! Кулмат, сен кўчага ва ҳовли атрофларига қоровул қўй! *(Чиқади.)*

Бир оздан сўнг совлат ва дабаба билан ҳокимтўра, хотини, пристав кирадилар, уларнинг орқасидан Солиҳбой, Қозн домла-имом ва бир неча мударрис, аҳли расталар, мингбошига яқин одамлар киришиб, саҳиани тулдирадилар.

Қозин *(қўлини баланд кўтариб)*. Омин! Алҳамду-лиллоҳу аҳаду воҳид!

Ҳамма. Омин!

Қозин. Саловат вассалом бўлсин ул ҳаллоқи оламгаки, раҳмону раҳимдир. Худоё худовандо, поко парвардигоро, воҳидлигинг ҳақи, ҳурмати, ул кибриё назар ҳашмат маоб, император аъзам оқ подшоҳ Николай Александрович ҳазратларининг ва унинг завжайи муҳтарамалари Александра Феодоровнани ва бориси тожу тахт жаҳон кушойи валиаҳд Сергей Александровични ва жамиъий авлод-аждод, аркони давлатларини барча осмоний балолардан ва ногаҳоний ажалдан омон сақлагил, омин!

Ҳамма. Омин!

Қозин. Худоё худовандо, бизнинг олний жаноб ҳокимтўрамизни ва завжайи муҳтарамасини, пристав жанобларини ва жамиъий умаройи-умуроти салтанати боравнақларини сарбаланд қилғайсан, омин оллоҳу акбар.

Ҳамма. Оллоҳу акбар!

Бой. Тўражон, биз қулбаччаларингиз, амр-фармонингизга ҳозирмиз.

Қодирқул. Мен учун не бахтли кундирки, тўрамиз, қоронғу кулбамни ёритдилар!

Ҳоким. Мингбоши, сизнинг қўл остингиздаги фуқароларнинг ҳоли аҳволи нечук?

Қодирқул. Ҳамма осойишта! Тинчлик, тўражон!

Ҳоким. Елғон! Бизнинг олган маълумотларимизга қараганда, аллақандай таги паст, ялангоёқ, бадшакл ўғри, муттаҳамлар, подшоҳ ҳазратларининг Солиҳбойдек содиқ фуқароларининг молу мулкини талаб, шарияти мустафо йўлида хизмат қилиб келаётган муҳтарам қозин



ва уламои киромларимизга озор берар эканлар. Ҳолбуки Туркистон бойлари ва ҳурматли зотлар, олампаҳоқ подшоҳ ҳазратларининг найзаси ҳимоясида тинч ва осойишталик билан кун кўриб келганлар, давлатманд бўлганлар ва бундан сўнг ҳам шундай роҳат-фароғатда яшамоқлари керак. Наинки император аъзамининг содиқ фуқаролари роҳатини аялақандай бебош, муттаҳам ўғрилар бузсалар! (*Столга уриб.*) Бу ярамас ҳол! Сиз билан мен ҳар бир ҳурматли зотнинг боши учун жавобгармиз! Мен зиёфатингизга ўтирмай туриб, савол сўрайман: Ғофир ўғрини биласизми?

Қ о д и р қ у л. Биламан! Биламан, тўрам! Бойнинг хизматкори, хўжайиннинг пулларини ўғирлаган, ўғри! Шариат пешволарини ҳақорат қилган бир динсиз!

Ҳ о к и м. Чора кўрдингизми? Ахир, сиз мингбоши. ўзингиз мусулмонсиз! Дин-исломнинг ривожини учун кеча демай, кундуз демай хизмат қилмоқ, шарнат пешволарига ёрдам кўрсатмоқ, сиз билан бизнинг вазифамиз! (*Домлаларга.*) Хўш, шариатга тил тегизган осийни нима қилмоқ керак?

Д о м л а. Ундай нобакорни сангсор қилмоқ ҳар бир мўмин учун фарзи аиндир.

Қ о д и р қ у л. Ундай малъунни бир онда йўқ қилмоқ керак. Бу тўғрида кўп зикр қилинди, лекин парво қилинмади. Жамоат! Кўрдингизми! Бовужуд ҳоким тўранинги ўзлари ғайри дин бўла туриб, шарнати набийилло учун қандай жон чекмоқдалар. Илоҳи шу ҳоким тўрамизнинг ўлган ота-оналарининг жонини худо жаннатда қилсин!

Ҳ о к и м. Қани, нима чора кўрдингиз?

Қ о д и р қ у л. Бир оз ҳаяллаган бўлсак-да, тутиб келтирдик, калтакладик, қамадик. Энди жанобингизга маъталмиз!

Ҳ о к и м. Олиб чиқилсин!

Калгакланган Ғ о ф и р н и олиб чиқадилар.

Б о й. Тўражон, арзимиз шуки, бебош бузуқни биргина шариатга эмас, балки подшоҳ ҳазратларининг шаънига ҳам ёмон гаплар айтган. Бадбахт Намоз ўғри ҳам шундай ифлосларнинг бири эди. Бу ҳаромини олдинроқ қўлга олдик, йўқса бу ҳам ўз атрофига бир неча гадойларни тўплаб, ҳукуматни анча овора қилган бўлар эди. Ана

Холмат, менинг содиқ хизматкорим, ўзи камбағал, унга ҳам қутқи солган, йўлбосарликка чақирган.

Х о л м а т. Ие, анавини қаранг! Ҳай-ҳай! Бой ота, ёлгонни роса ҳам ямламай ютасиз экан. Қачон менга қутқи солган?

Б о й. Жим, бадбахт!

Х о л м а т. Ёлгон гапирманг!

Қ о з и. Ўзинг ёлгон гапирасан!

Х о л м а т. Ёлгон гапирган етти мазҳабда мусулмон эмас. Ғофирда гуноҳ йўқ!

Қ о д и р қ у л. Жим бўл, ит!

Х о л м а т. Жим бўлмайман!

Ҳ о к и м (имлаб). Олинг.

Холматни боғлайдилар.

Х о л м а т. Ҳой ҳоким! Сенинг ҳақиқатинг шуми?! Сенга ҳақиқатни уқдириш тошга азон айтиш билан бараварга ўхшайди-ку?! Ғофирда гуноҳ йўқ! Мингбоши, ҳақиқат қил, бўлмаса ҳали онангни, ўсма-сурмасигача қолдирмай сўкиб ташлайман!

Қ о д и р қ у л. Олиб чиқ!

Х о л м а т. Ҳай, ҳақиқат борми, ҳақиқат!

Олиб чиқадилар.

Ҳ о к и м. Бу нима гап, мингбоши?! Шундай қўрқинчли одамлар бор экан-у, сиз бўлса бепарво қолавергансиз!

Қ о д и р қ у л. Тавба қилдим, тақсир!

Б о й. Қодирқул мингбоши раҳмдил одам.

Ҳ о к и м. Қамчинингиздан қон томмас экан, тартиб ўрнатолмайсиз, боёнларимизнинг молу мулкини, роҳат-фароғатини ҳимоя қилолмайсиз!

Қ о д и р қ у л. Тавба қилдим, тақсир, тавба қилдим! Бугундан бошлаб, мен бу ифлосларнинг иллизини қуру-таман! Мен учун шу танбиҳингиз бас.

Ғ о ф и р. Ҳой ҳоким! Бу зolim мингбошининг калтаклари остида суякларим эзилди, мадорим битди, шундай бўлса ҳам икки оғиз гапираман. Қўлоқ беринг!

Кўчада оломоннинг говур-ғувури.

Ҳ о к и м. Нима гап, нима шовқин?

Қ о д и р қ у л. Шундай, кўчадаги бекорчи одамлар сизни зиёрат қилгали келган эканлар. Паст одамлар бўлгани учун зиёратингизга киргимадим.

**Ғофир (қайнаб).** Ёлғон! Улар менинг дўстларим! Улар яланғоч чорикорлар! Оч, гадо, бошпанасиз косиблар, булар менга ўхшаган қўл кучи билан қора кун кўрувчи бечоралар! Зулм, солиқ, пора, жузъя, муҳрона каби офат-балолар чангалида хонавайрон бўлган кафангадолар! Улар менинг бошимга тушган тўхматга тоқат қилмаганлар! Золим Солиҳбой, қонхўр мингбошилар томонидан кемирилган, уларнинг темир панжаси билан жафокаш кўкраги йиртилган, инсонлик ҳуқуқини талаб қилгани, номусини талашгани учун оғиз-бурни қонга тўлган мендай ғариб бенаво дўстини ҳимоя қилмоққа келганлар, булар! Айтнинг, буюринг, улар кирсинлар! Улар сизга арзи ҳол қилмоқчилар! Бойлардан, мингбошилардан тортган жабру жафо, кулфат-аламлари тўғрисида сизга гапирмоқчилар! Мен энди ўзимни ёқламайман. Тўйиб кетдим бу кулфатлардан! Мен ўзимни балоларга, ўтларга отдим! Лекин шу нотавонларни, шу бағри қон бечораларни ёқлайман! Мен ҳам бир вақтлар шу шўринг қурғурларни бойнинг дарвозасидан уриб ҳайдаган, қувлаб солган эдим! Уларнинг дарду ҳасратини тушунмаган, сезмаган эдим! Менга у кўз ёшларнинг сири, у оху фарёдларнинг маъноси энди баралла маълум бўлди! Кўзим очилди, улар ҳақ экан! Шуларга раҳм қилинг, шафқат қилинг дейман! Менинг гуноҳим йўқ! Отамнинг бели шу бойнинг хонадонида дол бўлди! Йигитлик кучимнинг қаймоғини бой олди, мен уни бой қилдим! Энди бу қутурган бой менинг хизматларимнинг эвазига менинг ёш жонимга жафо қилаётир, жафо! Менинг томирларимда қон эмас, ўтлар оқмоқда, ўтлар! Ҳоким тўра! Раҳм қилинг! Наинки дунёда адолат, ҳақиқат деган нарса шунчалар оёқ ости қилинса? Шунчалар букилса! Йўқ, ҳақиқат букилар, лекин синмас! Ахир, биз бечоралар нима гуноҳ қилдик? Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Наинки муҳаббат, дўстлик, мурувват, одамгарчилик деган улғу гапларни бозорга олиб чиқсалар, пучак пулга сотсалар! Бу жабр-жафоларнинг охири борми? Мен қон ютган, қон қусган халқ номидан гапираман! Халқ номидан арз қиламан сизга! Ҳақиқат борми сизларда?

**Ҳоким (кескин ва парвосизлик билан).** Хўп! Арзингни эшитаман! *(Офицерга.)* Ҳайданг! Уринг! Кўчада ит ўрмаламасин!

Офицер ва бир қанча миршаблар чиқадилар, кўчада ҳуштак товушлари.

О в о з. Биз ҳақиқатни айтамиз!

О в о з. Ахир, унда гуноҳ йўқ!

О в о з. Золим бой унга тухмат қилди, жабр қилди!

О в о з. Бу жабру жафоларнинг охири борми?

Ҳ о к и м. Хуп! Мен адолат юзасидан сўрай: айтингиз жамоат, Гофир ўғрими, тўғрими?

Э к с п л у а т а т о р л а р. Ўғри, тақсир, ўғри!

Ҳ о к и м. Подшоҳга қарши исёнкорми?

Э к с п л у а т а т о р л а р. Исёнкор! Гуноҳкор! Осий!

Х а л қ (*кўчада*). Ёлғон! Адолатсизлик! Ҳақсизлик.

Пристав ёзилган қоғозни ҳокимга беради.

Ҳ о к и м. Гап тамом. Менинг учун бундай улуг зотларнинг бир калима сўзи муътабардир. Бойлар, шариат пешволари, қозилар ҳеч қачон ноҳақ гапни гапирмас. (*Қоғозга қўл қўяркан.*) Бундай кўрқинчли, хавфли одамнинг яшар жойи узоқ ва даҳшатли Сибирия! (*Қўл қўяр.*)

Ж а м и л а (*отилиб чиқиб*). Гофиржон!

Г о ф и р. Жамилам! (*Бағрига босар.*)

Ж а м и л а (*ўзини ҳокимнинг оёғига ташлаб*). Тўражон, арзим бор, эшитинг, тўражон!

Ҳ о к и м. Гапир!

Ж а м и л а (*ўзича*). Вой, мен нима деб арз қилай, қандай сўз борки, бунинг кўнглини юмшатоғса, менинг дардимни, юрагимни очиб беролса? Йўқ! Тилим қалтирайди, тилим тугилади! (*Ўзини тутиб.*) Ҳа-ҳа, тўражон, шу бечора йигит менинг эрим, мен бир ғариб хотинман, эримнинг гуноҳи йўқ. Мен сизнинг чўрингизман, шафқат қилинг, бу йигит менинг ҳаётим, борлигим, ундан жудо бўлсам менинг ўлганим! Ахир, мен дунёга... (*Йиғлайди.*)

Ҳ о к и м. Қалта қил!

Б о й. Кўп чўзма! Шарманда қилдинг! Ҳаё борми сенда!

Ж а м и л а. Ҳаё беномусда бўлмайди! Ҳаёсизда помус бўлмайди. (*Ҳокимга.*) Тўражон, мен сизни дуо қиламан, бола-чақангизнинг эгилигини кўринг, дунё тургунча туринг, мени қийнаманг, мени хазон қилманг!

Ҳ о к и м. Йўқ, ҳукм қатъий. Гофир бир умр Сибирь қилинди! Сен бўлак эрни ахтар! Овора бўлма! Ёш хотин экансан, ўзингни қийнама!

Ж а м и л а. Жон тўражон! Эшигингизни сочларим билан сунурай, ялинаман, тўражон, ахир тухмат! Раҳм қилинг, айланай тўражон! (*Тиз букиб ялинар*).

Ғофир (*тутақиб*). Жамила! Жамила! Бас! Тур ўрнингдан! Агар сен мени севсанг, агар муҳаббатинг чин бўлса, тиз букма, ялинма бу итларга! Кўкрагингни баланд кўтар! Жамила, тиз чўкиб яшагунча тик туриб ўлмоқ яхшироқ! Номуссиз ҳаётдан, номусли ўлим минг мартаба ортиғроқ!

Жамила. Йўқ! Йўқ! Тўражон! Хафа бўлманг, у ўзи шунақа! Ахир, бечора калтак остида ақлдан адашган, шафқат этинг менга! Унинг гапларидан хафа бўлманг!

Ғофир. Жамила, агар яна шу малъунларнинг оёғига йиқилсанг, ўз номусингни, одамгарчилигингни оёқ ости қилсанг, лаънат дейман сендай вафодор хотинга!

Жамила (*қаттиқ сесканиб*). А? (*Сочларини чанг-галлаганча Ғофирга тикилади.*)

Ғофир. Тур ўрнингдан! Кел жоним! Видолашайлик. (*Қучоғини очар.*)

Жамила (*бир оз саросималаниб*). Ғофиржон! (*Ўзини унинг қучоғига отади.*)

Ғофир. Кел, қутурган итлар ҳаром қилмасдан туриб, шу тоза юзларингдан охириги мартаба ўпай! Бу золимлар юрагимни суғуриб оладилар, қуруқ жасадимни сибир қиладилар, холос!

Жамила. Ғофиржон! Сиз Сибирдан келарсиз, яшарсиз, лекин мени бу золимлар ундан ҳам қўрқинчли, ундан ҳам қоронгу' зиндонга ташлайдилар! Лаънат сен кўнгли қораларга!

Бой. Олиб кир бу беадаб хотинни!

Сифат буви, Хонзодалар Жамиланинг қўлидан ичкарига тортадилар.

Ғофир. Хайр, Жамилам!

Ғофирни городовойлар, миршаблар кўча томонга тортадилар.

Жамила. Хайр, Ғофиржон, бир умр хайр! Сенга бевафолик қилмайман!

Ғофир. Хайр, Жамилам!

Ғофирни кўчага, Жамилани ичкарига қаттиқ судрайдилар.

**П А Р Д А.**

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Бойнинг ясатилган уйи. Жамиланинг бойга никоҳ қилинганига беш-олти кун булган.

Ж а м и л а. Қуш эдим, қанотимни қайирдилар, гул эдим, булбулимдан айирдилар. Сибир... Сибир... Қандай қўрқинчли, хунук бир от... Тилга олсам, этларим жунжикади. У қанақа жой бўлса экан? Борсаммикан? Ҳе, мен нима деяпман? Қаерга ҳам бора оламан! Мени бу темир қафасга солдилар, ихтиёримни қўлимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қоровуллар бор. (Кулиб.) Мен энди бой хотинман, ҳа, ҳа, ҳа. Бой хотин! Гофиржон менга номаҳрам! Уҳў, қанча йиғладим, йиғлай берсанг кўзингнинг ёши ҳам тугаб қолар экан, кўникиб ҳам қолар экансан киши. Мана энди йигламайман ҳам. Кўзимга қатра ёш ҳам келмайди. Улимга ҳам тик қараб тура бераман. Не қилай? Яшаш учун курашдим, олишдим, бошимга тупроқ сочиб, фарёд кўтардим, фойдаси тегмади, кўз ёшларимнинг ариқда оққан сувчалик қадру қиммати бўлмади. Биров, нимага йиғлайсан, деб сўрамади. Ҳа, мендай бахти қоранинг кимга кераги бор? Хонзода бўлса худди қарғадай гўштимни пойлаб, тепамда учади. Ҳе, шу экан-да!

Ҳ о ж и о н а киради.

Ҳ о ж и о н а (кулиб). Қизим Жамилахон! Менга, келинг, демайсан? Ҳожиянганга салом бермайсан?

Баракалла, қизим, баракалла... Мен икки йўл ҳаж қилган, художўй, батавфиқ хотинман! Мусулмонларга ёмонликни асло раво кўрмайман. Дил озорни худо бандам демас. Мен сени ўз онангдан зиёда яхши кўраман. Сенга икки оғиз шариятдан-тариқатдан гапирай, деб кирдим, болам.

Ж а м и л а. Гапиринг, Ҳожиона, гапиринг... Кўнглим шундай қоронғу... зора ёриса...

Ҳ о ж и о н а. Қизим, ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ. Ҳожионадай тақводор, меҳрибон, бадавлат хотинга келин бўлиш ҳар қандай қизнинг бахтига учрамайди. Шукур қил, болам! Энди уша Гофирни эсдан чиқар. Қундошларингга эҳтиёт бўл... Улар берган овқатларини ема! Эрингни яхши ҳурмат қил! Уни кўрганда бош эгиб салом қил! Дарров бориб, салла, тўнини ол! Маҳсисини ўзинг торт. Эрингга секин гапир, товушингни кимса эшитмасин... Унга сира тик қараб гапирма, гуноҳ бўлади. Эринг билан бир қаторда мени ҳам ҳурмат қил, савоб бўлади! Шундай қилсанг бахтинг очилади! Мана сенга кўрмана! Ўз бисотимдан! (*Арзимаган бир нарсани беради.*) Сени номоз ўқимайди дейишади... Беш вақт номозни қанда қилма! Бўлмаса уйингдан паришталар қочади. (*Ҳожиона номоз ўқир.*) Мен энди чиқай. Эрингни бугун хурсанд қил, тузукми болам. Худо, мўминларга тавфиқ бер, кўпнинг қаторида имонимни басаломат сақла! (*Чиқар.*)

Х о н з о д а (*вазмин кириб*). Хўш, жавоб ўйладингми?

Ж а м и л а. Аяжон, ахир мен буни қандай қиламан?

Х о н з о д а. Гап битта! Сен қиласан, биламан, сен бойни ёмон кўрасан, ёлғиз мен сени ундан қутқараман. Сен бойнинг хотини эмассан. Никоҳнинг қиммати йўқ, чунки сен рози бўлмагансан, тўғрими?

Ж а м и л а. Тўғри, аяжон!

Х о н з о д а. Яна қайтариб айтаман! Сен бойнинг хотини эмассан!

Ж а м и л а. Айтганингиз келсин, аяжон!

Х о н з о д а. Сен бойнинг чипчирғидай меросига даъвогар бўлмайсан.

Ж а м и л а. Бойнинг мероси, мол дунёси сизники.

Хонзода. Кўзингни оч, бой бугун сенинг ишингни тугатади. Бошқа гап йўқ!

Жамила. Аяжон, қўрқитманг! Бойнинг менга кучи етмайди!

Хонзода. Девона, унга Сифат бувига ўхшаган ялмоғиз кампирлар ёрдамлашади.

Жамила. Аяжон, қандай ваҳма гапни айтдингиз!

Хонзода. Сен шу ишни бажар! Бойдан қутулсан, мен бўлсам ўз мақсадимга етаман.

Жамила ўйга ботади.

Жамила. Аяжон, хўп, унадим. Беринг.

Хонзода. Мана. *(Бир шишада заҳар беради.)* Борди-ю сен мерос тўғрисида оғиз очсанг?!

Жамила. Йўқ, аяжон, йўқ. Кўнглингизни тўқ тутинг. Ҳеч қандай мерос, мол, *(таъкидлаб)* дунё менга керак эмас. Ҳаммаси сизники бўлсин.

Хонзода. Мен сенга мастава киритаман, шунга сол, бойга ичир. Хайр, ҳушёр бўл, қўрқма! *(Чиқади.)*

Жамила. Қандай яхши бўлди-я! Заҳарли илон чуқук тилларини калдиратиб, менга марҳамат қилди, марҳамат! *(Заҳарни бекитади, бойнинг говуши эшитилади.)* Ана азроил келяпти! Жонимни олмоқчи. Юрагим ўйнайди, худо, куч-қувват бер! Шарманда қилма! Шу зolimнинг панжаларида мени ҳалок қилма! Йўқ, қўрқаман!

*(Пауза)*

Жамила! Ўзингни тут, қўрқма, бўшашма, маҳкам бўл!

Бой кирар.

Бой *(Жамилага яқин борар.)* Оппоғим, жонгинам, кел энди! Ахир, хуноб қилдинг-ку, тасаддуғинг кетай! Сени олгунча, сени қўлга туширгунча озмунча дунё сарф бўлдимми? Битта ҳоким тўранинг ўзига икки минг сўлкавой кетди, наҳотки беш кундан бери мени қийнасанг?! Майли, алами эсдан чиқсин, юпансин, дедим. Сабр қилдим, бугун охирги кун! Кел! *(Тортади.)*

Жамила. Йўқ, йўқ! Яқин келманг! Қўрқаман! Нар боринг!

Бой. Гофир ўғридан ҳам қўрқармидинг? Кел, кўп таранг қилаверма! *(Ҳирс билан осилади.)*

Жамила *(бой билан олишиб)*. Тегманг, тегманг!

Бой. Жамилахон, ахир инсофинг борми, йўқми?



Ж а м и л а. Яна уч-тўрт кун сабр этинг! Эримнинг дардини бир оз унтай!

Б о й. Шунақами? Битта гадо учун шунча азабозликми? Энди Гофирни оғзингга олма! Уни эсингдан чиқар! Сенга у номаҳрам! Сенинг эринг мен бўламан!

Ж а м и л а. Сиз эрим?

Б о й. Ҳа, сенинг эринг мен бўламан! Шунча берган азобинг бас!

Ж а м и л а. Йўқ.

Б о й. Сенинг нолишингга қарамайман!

Ж а м и л а. Йўқ, тегманг! Қочинг!

Б о й. Қандай ўжар, ярамас хотинсан!

Ж а м и л а. Бўганим шу!

Б о й. Шунақами? Кўнмайсанми?

Ж а м и л а. Кўнмайман.

Бой йўлакка бориб имлайди, С и ф а т б у в и киради.

С и ф а т б у в и. Айланай Жамилахон! Бойни хафа қилма, тақдирга тан бер!

Ж а м и л а. Йўқол, жодугар!

С и ф а т б у в и. Шундайми? Тошдай оғир қўлларим бор, бунга ҳеч ким туриш беролмаган. Қани, бой, дадил бўлинг, келинг!

Жамилага ташланадилар, қийнайдилар.

Ж а м и л а. Шршманг, бой ота, шошманг! Худо хайригизни берсин, шошманг! Ахир, мени эшитасизми, мен, бой ота, ахир... (Йиғлайди.)

Б о й. Нима дейсан?

Ж а м и л а. Хўп, хўп. Мен розиман! Бой ота, розиман. Аммо ҳозир жуда қўрқдим. Ўзимни пича босиб олай.

Б о й. Йўқ, бўлмайди!

С и ф а т б у в и. Бу ўлгир сизни яна алдайди.

Ж а м и л а. Агар алдасам, ниятимга етмай ўлай. Мен бугун сизники бўламан. Энди тақдиримга тан бердим, лекин ҳозир эмас, бир оз туринг, бой ота! Онамни чақиринг, унинг ҳам олдидан бир ўтай.

Б о й. Онанг кўнган.

Ж а м и л а. Ўз оғзидан эшитай.

Б о й. Хўп, бу сафар ҳам унадим. Вор, кампирни чақир.

Ж а м и л а. Сиз энди, бой ота, бир оз холи қўйинг, онам билан гаплашай.

Б о й. Хўп! (Чиқади.)

Раҳима хола. Жоним қизим!

Жамила. Онажон! *(Қучоқлашадилар.)* Онажон, Сиз розимисиз?

Раҳима хола. Қандай қилайлик, қизим, рози бўлмай иложимиз қанча, бўлар иш бўлди, энди кўнасанда, болам.

Жамила. Сиз рози бўлсангиз бас! Айтганча, укам Олимжон неча ёшга кирди?

Раҳима хола. Ун бирга энди қадам қўйди, болам.

Жамила. Ҳали ёш экан, рўзгор тебратолмас экан, онажон! Ғофир сизни боқар эди, бой жуда хасис, ўзим учун эмас, сиз учун йиғлайман, сиз учун. Энди сиз кимларга зор бўласиз, кимларнинг кўзига мўлтираб қоласиз, кимларга бир бурда нон учун қўл чўзасиз, онажон! *(Осилиб йиғлайди.)*

Раҳима хола. Болам, нима деганинг бу?

Жамила. Йўқ онажон! Йўқ! Йўқ! Ўзим шундай, онажон, шундай. Бой хасис, сизга ҳеч нарса орттириб беролмайман.

Раҳима хола. Майли, қарамасанг ҳам, қизим! Омон бўлсанг, шунинг ўзи катта давлат.

Жамила. Онажон, укамни бойларнинг хизматига берманг, бир илож қилиб, бировга бериб ўқитинг, мен учун койимасангиз ҳам бўлади, мени қарғаманг, қарғаманг бадбахт қизингизни, онажон! Қандай иссиқ, меҳрибон кўкрак бу! *(Бошини Раҳима холанинг кўксига қўяр, йиғлар.)* Нима қилай, иложим йўқ. *(Бирдан қўрқинчли бир фикр келар.)* Онажон! Болам нима бўлади, болам?! Ахир, мен унга зўр умидлар боғлаган эдим, мен уни ўқитарман деган эдим, у менга Ғофиржондан бир хотира эди, ахир, она, ўзингиз ўйланг, Солам кундошлар қўлида хўрланадими?

Раҳима хола. Мени кўп йиғлатма! Қандай қиласан? Болангга эҳтиёт бўл! Анави кампир ўлгир бойнинг буйруғи билан болангни эзиб ташламоқчи экан!

Жамила. А? Эзиб ташламоқчи?

Раҳима хола. Болангни ўзим елкамга кўтариб, катта қиламан, бойга зор қилиб қўймайман, унга тирноғини ҳам кўрсатмайман, чарх йигириб боқаман, эшитмаганмисан, болалик уй бозор, боласиз уй мозор. Мен унга ҳали мана дўппичалар тикиб қўйдим. *(Кўрсатади.)*

Ж а м и л а (*дўппини бағрига босиб*). Айланай оймдан, қандай чиройлик гуллар солибсиз! Ҳа, майли, бойнинг айтганига кўнаман, сиз розимисиз?

Р а ҳ и м а х о л а. Розиман, бўлак иложим йўқ, болам, тақдирга тан бер. (*Қучоқлашадилар.*)

Ж а м и л а. Бас, онажон, бас! Менга шуниси бас.

Р а ҳ и м а х о л а йиғлаб, чиқиб кетади.

(*Жамила дарров кўрна қатидаги заҳарни олади.*) Бечора бола, безовталанади... Сезади шекилли... Билмайман, ўғилмидинг, қизмидинг, киприкларинг узун бўлармиди? Қандай яхши одам бўлар эдинг? Еки Ғофирдек бахтсиз, онангдек пешонаси шўр бўлиб туғилармидинг? Онанг бадбахт, онанг бераҳм, онанг одамхўр, лекин не қилайки, болам, иложим йўқ, толпинма, ялинма, ёлворма, иложим йўқ, бўлак йўл йўқ! (*Заҳарни ичади.*) Шўринг қурғур, биз хотинларнинг кучи шунга етади. Бағри тош она, нима қилдинг?! Ана, дод дейди! Ўзини уради. Ана, жим қолди! Тилкаланди бола бечора! Э, оғу! Навбат менга келди, кучингни кўрсат! Юракларимни ўй, томирларимни қирқиб ташла! Ўпкаларимни теш! Баракалла! Баракалла! Зўр экансан! Бўғиламан, бўғиламан!

Б о й (*кириб*). Жамила!

Ж а м и л а. Бой! Мана Жамила тайёр! Сен бир ёлғиз мени эмас, ёш бир гўдакнинг ҳам уволига, қарғишларига қолдинг, золим бой!

Б о й. Ҳай, одам борми, одам!

Р а ҳ и м а х о л а, Хонзода, Сифат буви ва бошқалар ҳовлиқиб кирадилар.

Ж а м и л а. Онажон!

Р а ҳ и м а х о л а. Вой болам! (*Қучоқлайди, ҳушидан кетади.*)

Б о й. Бу нима гап? Бу қандай гап?

Х о н з о д а. Жамила! Жамила!

П о ш ш о о й и м (*ҳовлиқиб кириб*). Жамилахон, нима бўлди. Жамила!

Б о й (*саросимада*). Бу қандай бало, бу қандай офат!

Ҳ а с а н (*ташқаридан*). Бой ота! Сизни ҳоким тўра чақиряпти! Тез борар эмишсиз!

Б о й. Нима гап?

Ҳ а с а н. Ғофирнинг дўстлари саройингизда, заводингизда иш ташлаганлар! Қўзғолон кўтарганлар!

Ж а м и л а. Ғофирнинг дўстлари!

Б о й. Бу қандай бало! Уларнинг ҳаммасини бўғиш керак! Ўлдираман, бўғаман! (*Чиқади.*)

Ҳ о ж и о н а (*кириб*). Яна ким ўлди? Бу қандай бало?!

Ж а м и л а (*хотинларга*). Йўқол ҳаммаларинг. Йўқол номус, юрак ўғрилари, кўзимдан йўқол! Қас-соблар, бағри қора калтакесаклар, илонлар, чиёнлар. (*Қўлига кирган нарсаларни уларга отади.*)

Х о и з о д а, С и ф а т б у ь и йнқилиб, туртиниб қочиб кетадилар.

Онажон! Ғофиржон! Унутма мени! Болангни ўлдирган, хотинингни хазон қилган бойнинг, бутун бойларнинг жазосини бер! Замонасига ўт қўй, ёндир! Ғофиржон!.. Ғофиржон!.. (*Кучсизланади, йлади.*)

П А Р Д А.

## БЕШИНЧИ ПАРДА<sup>1</sup>


[«... Пардада Ғофир Сибирда бир социалист ила ошна бўлиб ишчилик ҳақини ташиб, социалист бўлгани; катр золимлари тарафидан темир қамчилар билан айни азоб еб турган чоғда бирдан ҳуррият бўлиб, буларни, банддан озод бўлиб кетувини тасвир қилингандир».]

---

<sup>1</sup> Маълумки, «Бой ила хизматчи»нинг охири пардаси йўқолган. У парданинг мазмунини бу ерда Ҳамза бош бўлган Ўлка сайер драм труппаси томонидан 1919 йилда чиқарилган афишадан олиб берилди. (*— ред.*)



# ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ



(«Тошмон фожнаси»нинг учинчи бўлими)  
5 ПАРДАЛИ ФОЖИА  
1918—1919 йиллар

**ИШТИРОК ЭГУВЧИЛАР,**

Сайидхон  
Санавбар  
Аҳмаджон  
Қобилжон  
Жалилбой  
Қосимжон  
Хайрииса  
Акбарбой  
Мирзабой  
Розия  
Рустамбой  
Фельдшер  
Начальник  
Каримқожи  
Имом  
Эликбоши ва бошқалар

## БИРИНЧИ ПАРДА

Саҳна: иш майдони бўлиб, тўрт томони дарахтзор, катта оқин сув ва тоғлар кўриниб турар, сувнинг ҳар икки ёғи тўқай. Саҳнанинг ўнг тарафи ҳам тўқай дарахтзор бўлиб, ўлтирарлик бир зўр тош бор. Саҳнанинг чап тарафида начальник бўлмаси бўлиб, ярмигина кўриниб туради. Бу бўлма ниҳоятда яхши безалган. Пулт каравот, столлар ҳамда деворга Николай портрети осилган. Бўлманинг деворида начальникнинг қуроли (тўппонча, милтиқ, қиличлари) осилган туради. Ҳаво ниҳоятда совуқ. 40—41 даражадалиги [термометр] дан билиниб туради. Эрталаб соат 9. Парда очилади. Рабочийларнинг сийрак-сийрак «муни ол, олиб келма, Аҳмад жон!» каби овозлари келиб туради.

**С**айидхон (*қўли елкасига осилган, оёғи оқсоқ ҳолда келиб, тош устига ўтириб*). Эй золим — мустабид! Раҳмсиз, қонхўр! Мундай ғурбат ва қаттиқ аёзларни кўрмаган бечораларни шундай совуқ кунларда, совуқ ерларда сарсон ва саргардон қилдинг! (*Бир оздан сўнг халққа қараб.*) Бу қандай зулмат, бу қандай асорат?! (*Қўлин тугиб.*) Вой қўлим-эй! (*Яна халққа.*) Эй эзилган, ҳар бир нарсадан хўр, меҳнаткашлар! Биласизми, бу кўргиликлар сизларнинг бошингизга қайдан келди, нима учун келди? Оҳ! Афсуски, билмайсиз-да, билмайсиз! Бундан кўра солдат бўлганингиз минг-минг марта яхшироқ эди. Бир оз Оврўподаги илм билан кўзи очилган меҳнаткашлар билан улфатлашиб, ўзингизнинг дунёдан қандай асорат ва қандай истибдод остида эзилиб юргангизни билар эдингиз-да, келажакдаги авлодингизни ҳам мана шундай қора кунларга қолмасин учун ҳуқуқ ва ҳуррияти инсониятингиз йўлида жанг қилмоқ учун қуролга ёпишар эдингиз. Афсуски,

сизларга бундай улуғ вазифаларни англатиш учун вақт келган бўлса ҳам одам етишмади.

Аҳмаджон югуриб келади.

Аҳмаджон. Сайидхон ака! Бизни тўпдан ҳаққулободлик Раҳимжоннинг ўғли Тоҳирни қарагай босиб, қорга ботиб ўлиб қолди.

Сайидхон (*чўчиб туриб*). А, қани-қани?

Аҳмаджон (*орқасига қараб*). Ана-ана, олиб келишяпти.

Сайидхон. Оҳ бадбахтлик!

Ворадилар, тездан бирга кўтариб келадилар. Аҳмадбой, Жалилбой, Қобилжон, Қирғизбой ва бошқа рабобчилар Тоҳирнинг жасадини ўртага ётқизадилар.

Сайидхон. Ахир, бу ерга олиб келгунча, тўғри докторхонага олиб борсаларинг бўлмасмиди?

Қобилжон. Докторхона берк-да, ҳеч ким йўқ.

Сайидхон. Фельдшер ёки хизматкорлар ҳам йўқми?

Қобилжон. Докторхона бугун берк дейман-а, бугун якшанба эмасми?

Сайидхон (*Аҳмаджонга*). Югур, фельдшернинг комнатасига бор, шундақа дегин!

Аҳмаджон кетар, кўпчилик Тоҳирнинг атрофига ўтиради ва баъзилари тикка туриб, маҳзун, баъзилари кўз ёшида турадилар.

Сайидхон (*келиб, у тараф, бу тарафни кўриб*). Улгандир бу бечора мазлум?

Жалилбой. Уша замони ўлган эди.

Сайидхон (*юриб аччиқ билан*). Суякдан хароб бахтсизлар, мазлумлар. Сиз меҳнаткашларнинг бу мустабид золимлар қошида бир хашакчалик қадрингиз йўқ. Эсиз-эсиз, ҳали ҳам ухланг, ғафлатда ётинг! Эзилинг! Янчилиг-да, тоғ ҳайвонларидек яғирларингиз темир қамчиларни еб, кўрсатган ерларига елиб югуринг! (*Рабобчиларга*.) Ухланг, абадий ухланг, кўзингиз ҳаргиз очилмасин!

Аҳмаджон келади.

Аҳмаджон. Сайидхон ака, докторни сўраб борсам начальник бошимга давайлаб қувиб ҳайдади.



С а й и д х о н (*аччиқ билан*). (*Рабочийларга.*) Мана кўрдингизми, ё ҳали билмайсизми қадр-қийматингизни, эй истибдод қурбонлари! Мен ўзим борай-чи, у золим менга ҳам шу муомалани қиларми! (*Кетар.*)

А ҳ м а д ж о н. Рост шу Сайид акамнинг гаплари, бизнинг анчайин бир итча ҳурматимиз йўқ. Бу қандай хўрлик бизгаки, дунёдаги ҳар бир оч-яланғочлик, оғир меҳнат бизга. Яна бунинг устига, шунча турган одам боласи бир золимдан шунча ҳақорат ва сўкишлар эшитиб хорланамиз. Мана бу бечора бир қоронги зах бостирма тагида ўн беш йилдан баққа тун-кун меҳнат қила-қила ўттиз олтига кириб, энди бир ёш хотин олганига ҳафта бўлгани йўқ эди. Бунинг ҳовлисини қарздор қилиб ўша хотинни ололмай қолган Ортиқбой хусумат бирла элликбошиларга пул егизиб, рабочийга зўрлаб ёздириб бу ёққа юборди. Муддаоси нима? Хотинини олиш, бечора, қашшоқ ота-онасини бир бало қилиб, ҳовлисига ҳам чанг солиш. Бошқа ҳеч муддао йўқ. Мана энди бу шўринг қургур бўлса, бу ерда бу қазога учради. У қонхўр бойларнинг зулмига қара! Дурустроққина пул бермадики, устига қалинроқ бир тўн қилиб кийса, шояд шу ҳолда қолмас эди.

Қ о б и д ж о н. Сиз ажаб гапирасиз! У золим бойлар қачон бизга мундоқ совуқ жойлар эканини айтди. Ана бундай иссиқ, мана бундай фалон деб бизларни йўлдан урди. Бўлмаса лоақал қарз-қавола қилиб бўлса ҳам, ўзимизнинг ғамимизни еб келардик. Юзта сўм қурумсоғига қараб, бундай қаттиқ ҳолларга қолиб ўлтирмас эдик. Агар бундай тизза бўйи қор кечиб ўн соат ишлаб, бир қадоқгина қора куйган нон ейишни билсак, ғамимизни еб келар эдик. У уйинг куйгур, имонсиз элликбошилар раҳмсиз бойларга қўшилиб, бизларни фақат бу ерларга балога дучор қилгани, ўлдиргани юборган экан. Биз энди билиямиз, эй Аҳмаджон ака. Бойлар, мингбошилар шу йўл билан биздан қутулмоқчи бўлишган экан.

Ж а л и л б о й. Эй ҳаммадан уларни ёнига қўшилиб олган йўғон салла бетавфиқ, мунофиқ, ичқора домларларни айтинг. Иссиқ сандалда ўтириб шарнат фалон, писмадон деб бирдак бойлар ва мингбошиларнинг тарафини олиб гапиришади. Биз гапирсак, тек тур, қофир бўласан, ҳукми подшоҳ вожиб деб Миколайни ёнини олади. Намоз ўқийбериб пешонаси ялтираб кетибди-ю,

ичида заррача мусулмончилик, қўноқча раҳм-шафқат йўқ. Эй садқаи мусулмончилик, садқаи салла, китоб кет, шайтонлар!

Шу ҳолда йироқдан шовқин аралаш Сайидхоннинг овози келади.

Аҳмаджон (*туриб, қараб*). Худди шу Сайидхон акам уришиб қолдилар-да. (*Қобилжонга қараб.*) Юғриб бор-чи!

Қобилжон кетар.

Хайрият, бизнинг иқболимизга шу Сайидхон акам боғ экан, бўлмаса ҳолимиз хароб экан.

Ҳаммалари. Ҳа, ҳа, бўлмасамчи.

Қирғизбой. Буям бизга худонинг илтифоти.

Шовқин бўлади, ҳаммалари туриб қарайдилар. Начальник, фельдшер, икки хизматчи бир замбил кўтариб келадилар.

Сайидхон (*ҳамон гапириб келиб*). Бизни ҳам бир оз одам деб ҳисоблаш керак. Биз ҳам фуқаро, энг оғир меҳнатларига биз керак эканмиз, ҳеч булмаганда, ярим кўз билан қарамоқ керак.

Фельдшер (*келиб ўликнинг ҳар тарафини қараб, кўкрагига қулоқ солиб, томирларини тутиб*). Буни касалхонага олиб бориш керак йўқ. Олиб бориб кумиш керак.

Начальник. Мен сенга айтдимки, ўлган, жанжал қиласан, ҳайвон!

Сайидхон. Биламан, ўлган. Кўмса, билдирмай кўмдинг деб, очириб олиб келасиз. А. кўммасдан чакирса, ўлган, кўм, деб ғишава қиласиз.

Начальник. Албатта, кўрсатиб кўмасан. Лекин, бугун праздник? Мен битта рабочий ўлиги учун праздник кунни ҳам ишлайми? Яқшнба кунни ўлди, қўй, эртага кумасан.

Сайидхон (*аччиқроқ*). Сизга ҳукумат помошник берган. Душанбагача ўлик шундай турадимми?

Начальник (*ўшқириб*). Кўп гап қайтарма, турса туради. Жуда қўрқсанг, ана у отхонага ташла, қўй!

Сайидхон. Бизни бундай ҳақоратлар билан хўрламоққа ҳақингиз йўқ. Сиз ўз вазифангизни билинг!

Начальник (*мастлик билан*). Что такое? (*Ўликни келиб тегиб, ҳаммолларга.*) Кўтаринг, бир четга олиб бориб ташланг!

Ҳаммоллар келиб олмоқ баробаринда Сайидхон  
келиб тўсур.

С ай и д х о н. Қўйинг, ўзимиз ҳам кўмишни биламиз. Тағин қўлларингизни ифлос қилмасин. (*Йигитларга.*) Кўтаринглар, йигитлар!

Н а ч а л ь н и к (*йигитлар келиб ёпишув баробарида дшқириб қараб*). Кетинг!

Ҳаммалари чекинуллар.

С ай и д х о н (*начальникка*). Ахир, нима дейсиз? Нима қиласиз ўликни! Жуда ўч олмоқчи бўлсангиз, мана мендан олинг!

Н а ч а л ь н и к (*ҳаммолларга*). Кўтаринг дедим бунни!

Ҳаммоллар олмоққа ва замбилга солмоққа бошладилар.  
Олиб кетарлар.

Сен биласанми, мен ким?

С ай и д х о н. Биладан, сиз раҳмсиз, очиқ айтганда, солим мустабид қонхўрсиз!

Начальник тездан қилич суғуриб бошига девайлаб келар, фельдшер тутиб қолар. Йигитлар келиб ўртага тушадилар.

А ҳ м а д ж о н. Қўйинг, Сайидхон ака, шу билан баробар бўласизми?

К а р и м ж о н (*юғуриб келиб*). Сайидхон ака, Обиджон қарағайдан йиқилиб тушиб майда-майда бўлди.

Ҳ а м м а л а р и. А, а!

• • • • •  
Фовур-ғувур кучаяди, ўликни олиб келадилар. Начальник кийиниб тўлпончасин олиб чиқар. Бу тарафда ўликни ўртага қўярлар.

С ай и д х о н (*ҳар тарафга юриб аччиқ билан*). Эй бахтсиз, эй бахтсиз истибдод қурбонлари! (*Рабочийларга.*) Биласизми, буларни ҳақиқатда нима қурбон қилди. Ким бу ҳолларга солди?

Ҳамма сукутда. Бир оздан сўнг.

Албатта, билмайсиз. (*Қичқириб тепинади.*) Ҳалигача билмайсиз? Мен Фарғонадан чиққандан баққа сизларга гапира-гапира ком, забонларим ишдан чиқди, Ҳануз сиз

Ўз ҳуқуқингизни билмайсиз! Бу кунга қадар ишда, сўзда қарайман, кутаман, ҳеч бир кўзингизни очилганлигин сезмайман, ҳануз маст уйқудасиз! (*Келиб қичқиради.*) Қачон уйғонасиз? Қачон бундай хўрликларни сезиб, ўзингизни бундай ҳақоратлардан тозортмоққа тиришасиз? (*Туриб юруб.*) Йўқ, менинг эсиз меҳнатларим. Мен ҳар қандай қилиб қола олар эдим, лекин севикли ота-онам, маъшуқам Санавбардан кўз юмуб, сиз бечора меҳнаткашларни деб келган эдим. Афсус, афсуски, мен кўп хато қилган эканман. (*Бир оз юруб.*) Йўқ, йўқ, эй қадрсиз, мазаллатда қолган оғаларим, бу кўзларингизни очинг! Энди замон келди. Кўз олдингизда бир зolim ҳатто ўликларингизни ифлос оёқлари билан тешиб хўрламоқлари менинг шунча сўзлаган сўзларимга далил бўлмасми? Бу ҳақоратлар, бу ҳақсизликлар, сизнинг бу қалбингизга ҳеч бир таъсир қилмасми? Бугун бу ҳолларда қолмоқ номус, ўлган минг марта яхши. Очинг кўзингизни! Инқилоб даври келди. Ё ўлим ё пажот!

Сўз тамом булмас баробар начальник чиқиб.

Н а ч а л ь н и к. Мана инқилоб! (*Отар.*)

С а й и д х о н (*ўқ Сайидхоннинг қўлига тегар*). Оҳ зolim!

Ўиқилар, йигитлар Сайидхоннинг устига епирладилар.  
Парда тушар.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Саҳна: Мирзабойнинг уйи бўлиб, ниҳоятда фақирона безалган. Уйнинг турида эски ётоқ, бир бурчакда эски сандиқ, сандиқ устида икки дона эски кўрпа, болиш, сандиқ тарафининг ёнида бир эски синиқ чойнак, стоқ тараф деворида Сайидхоннинг сурати, Мирзабой оғир ҳолда ўлим олдида ётибди. Кундуз соат тўққиз.

Парда очилар.

Мирзабой (*ниҳоят охириги куч ва сўнги нафис билан томоқдарини тирмалаб, қисқа, бўғиқ нафаслар билан туриб деворга суялиб*). Эй худойим, мени бунча ғариб қилдинг, хори-зор қилдинг! Менинг кундалик ризқимга сабаб бўлиб турган юрагимнинг мадоридан ажратдинг! Бунинг устига... Оҳ, оҳ, бу бийно кўзларимни кўр басир қилди. (*Ҳиддат ва саросималаниб бўғилиб.*) Қошки бу кўзларим кўр бўлмаган бўлса эди, чиқиб кўчаларда гадойлик қилиб бўлса ҳам Сайидхоним келгунча тириклик қилиб турар эдим. Бу марҳаматсиз, нулпараст золим укам у мустабид амалдорларнинг юзи хотирига қараб, мендек бир туғишган биродаридан кўзини юмди. Оҳ, бадбахт дунё! (*Қичқириб.*) Палид дунё, оҳ дунё! Сен оламзодни шу қадар мурувватсиз, шу қадар меҳр-муҳаббатсиз қиласанми? Уҳ, уҳ, эй ибли: дунё, сенинг борлигинг бир бало, йўқлигинг мишг бир бало! Оҳ, оҳ худойим! (*Йиғламсираб.*) Бу бечора кампирга ҳам кўп қийин бўлди. Қилмагани биргина гадойлик қолди. Уҳ, уҳ юракларим куйди, ёнди, ёнди. (*Йиғлаб.*) Жоним болам Сайидхон, оҳ мусофирим болам! Қани, отангинг ғариб ҳолини кўзинг билан кўрсанг, қўлинг билан бир пиёла сув берсанг! Оҳ сени қандай умидлар билан боққан эдим. Уҳ, уҳ, ёндим, ёндим! Ро-

вия, Розия! Мунча кеч қолдинг? (*Етиб пайнаслаб чойнак тарафга сурғалиб уни тополмайди.*) Оҳ, охир чоғда мунча хўр бўлган сенинг доғингда икки кўзи кўр бўлган, ғариб бўлган отангни кўролмай қолдинг, жоним болам! (*Чойнак тарафга бора бошлаб.*) Оҳ, сени мен қандай ширин умидлар билан боққан эдим. Оҳ, даданг қаддингдан ўргилсин болам, фироқингда йиғлаб кўр бўлган бечора отангни унутма! (*Қўлини кўтариб.*) Илоҳи оғиз-бурунингдан қора қонинг тўкилсин, золим бойлар, раҳмсиз амалдорлар! Уҳ, уҳ, бу азоб устига жон беришим бунча қийин бўлди! (*Тез-тез пайнаслаб.*) Оҳ, ёндим, ёндим. (*Чойнакни топиб.*) Хайрият, хайрият! (*Кўтариб.*) Худога шукур, ўлар чоғимда бир қултум сувни биргина жигарбандим қўлидан насиб қилмаганга яраша, укамдек ақчапараст, раҳмсиз бир палиднинг қўлидан ичмоққа муҳтож қилмадинг. (*Оғзига қуяр, сув йўқ.*) Оҳ, оҳ! (*Чойнакни ташлаб.*) Бадбахтлик, забунлик, (*кўкка қичқириб йиқилар ҳолатда*), эй раббим! Бу ғариб қулингдан бир қултум сувни ҳам дариг тутдингми? Оҳ фарёд, Сайидхон! (*Йиқилар.*)

Эшикдан Санавабар қўлида бир табақда ўроғлиқ чучвара кўтариб кирар.

(*Эшик овозини эшитиб, бошини кўтариб.*) Розия, келдингми? Вой худо-эй! Тез бўл, бир пиёла сув бер, ёндим, ёндим! (*Бошин қўяр, унғача Санавабар табақчани бир четга қўйиб келиб, бошидан кўтариб олишга тутинур, пайнаслаб.*) Кимсан, Сайидхонмисан?

Санавабар. Жоним амаким, менман, Санавабарингиз, сизга нима бўлди! (*Йиғлар.*)

Мирзабой. Оҳ, жоним қизим! Хайрият, худойим сени еткизди. Қўй, менинг бу фалокат бошим қурсин, тез бўл, бир пиёла сув бер. Ёндим, ёндим!

Санавабар. Вой шўрим қурсин! (*Қўлидаги овқатни қўйиб чойнакни кўтариб чиқар.*)

Мирзабой. Оҳ, бечора, муҳаббатлик бола. Ўғлимнинг ёр-жони, уҳ!

Санавабар (*олиб келиб бошин кўтариб тутиб*). Мана, амакижон, сув!

Мирзабой (*ошиқиб-ошиқиб ичиб*). Худога шукур, худога шукур! Илоҳо, кўп яша, қизим! (*Йиғлаб.*) Умринг узоқ бўлсин! Жоним қизим, мандан ҳазар қилма. Менинг бечоралик, ғарибликдан бошқа юқадиган каса-

лим йўқ. Уша, ўша Сайидхоннинг қўлларига теккан қўлларинг билан ғариб бошимни иккита сиққин, қизим, шояд Сайидхоннинг ўрни билинмаса.

Сана в бар (*йиғлаб сиқиб*). Жоним амаким, наҳотки сиз шундай десангиз, мен сизни ўз отамдан ортиқ кўраман. Мен нимадан ҳазар қилардим. Шу ҳолатга келибсиз, нимага бизга билдирмадингиз? Ахир, лоақал мен ўзим келиб қарашар эдим. Холам қаерга кетдилар?

Мирзабой. Оҳ, жоним қизим, холанг ҳозир келади. Уша раҳмсиз отангга хабар қилиб, ундан нима умид қилар эдик. Ҳай-ҳай, ўзинг дуони хўб мақбул вақтида келдинг. Илоҳи, дилингдаги ҳар бир орзу ва муродингга ет, умрингда қўлиниг дард кўрмасин, қизим!

Сана в бар. Амакижон, жойингизга олиб борай, озгина таом бор, бир оз енг. Аччиққина, шояд кўнглингни бир оз очса.

Мирзабой. Жоним қизим, амакиниг ўргилсин! Ҳозир холанг ҳам келади, кейин олиб бориб ётқизасизлар. Сенинг кучинг етмайди, жоним қизим! Томоғимдан бўлса, сувдан бошқа нарса ўтмайди. Худо хайр берсин. Биздек ғарибларни йўқлаб келибсан. Биздан қайтмаса, худодан қайтар, қизим, ҳозир сенинг шу келганингни ўзи каромат бўлди. Нимага десанг (*йиғлаб*), жоним қизим, сендан ёлғизим болам, жоним Сайидхонимнинг бўйи келади.

Сана в бар энтикиб-энтикиб йиғлар.

Оҳ қизим, йиғлама, йиғлама (*юзини силаб*) жоним қизим, қўйгин, менинг жоним азобланмай чиқсин. Йиғлама, ноумид шайтон. Мен ўлим олдидаман, қизим. Кечакундуз икковингнинг ҳақларингга дуон хайр қиламан. Жоним қизим, Сайидхонни айблама, ундан хафа бўлма. Чунки унинг бахтсизлигига сабаб бўлган менинг бадбахтлигим, менинг бечоралигим. Қандай қилайлик, жоним қизим, худо бизни шундай қилган бўлса? Сабр қил, қизим, худо подшоҳдир. Сенинг толеингга Сайидхон ўлмай қайтсин, бир гап бўлиб кетар. Худога йиғла, шояд, у отангнинг юрагига бир оз инсоф берса, (*йиғлаб*) афсуски, мен орзумга етолмай, икковларингнинг олдиганимда қадди-қоматларингни кўрсатиб ўтганларингни кўрмай ўлиб кетаман, қизим.

Сана в бар (*йиғлаб*). Жоним амаки, бундай но-

умид сўзларни гапириб мени қақшатманг, ажаб эмас, ту-  
залиб кетсангиз!

Мирзабой. Жоним қизим, мендан умид йўқ, бир  
иш қилиб, Сайидхонни кўздан ташлама. Жон қизим,  
агар саломат келса, менинг бу ҳолларимни айтиб, унинг  
ўзи аламзада юрагини доғламанглар. Отанг роҳатда  
ўлди, охирги нафасигача сени дуо қилди, денглар. Оҳ  
жоним болам! (*Шу ҳолда Розия кирар.*)

Розия. Вой болам, нечук худо яллақади, кел! (*Бо-  
риб қучиб, юзидан ўпар.*)

Санавбар. Келдим, хола, наҳотки амаким шу ҳол-  
га келсалар-у, лоақал менга бир оғиз айтмасангиз.

Розия (*бошини қучоғига олиб туриб*). Эй болам,  
отангнинг дастидан эшикларингга қадам ҳам бостим  
келмайди.

Мирзабой. Айтиб келдингми? Тез жойимга олинг-  
лар! Кўнглим озди, уҳ, уҳ.

Розия. Маҳалла келди. Айтгандек, жоним қи-  
зим, кел, амакигни жойига олайлик. Иннайкейин, сен  
анови уйга чиқиб тургин (*ошиқиб*) имом домла билан  
элликбоши келди. Киришиб кўриб кетсин.

Мирзабойни тез-тез судраб жойига ётқизадилар.

Санавбар (*даҳлизга кириб туриб*). Ана у табақ-  
чада бир озгина чучвара бор. Амаким емайман деди-  
лар, олиб қўйинг.

Розия. Вой холанг ўргилсин, каромат қилибсан,  
ҳали уларга қўйгани ҳеч нарсам ҳам йўқ эди.

Санавбар чиқар.

(*Розия чучварани ўраб бурчакка қўйиб келиб, Мирза-  
бойга*). Сайидхон, Сайидхон! (*Сукут.*) Вой худо-ей, тагин  
кўнгли кетди-я! (*Чойшапни юзига тортиб қўйиб чи-  
қиб кетар-да, бир оздан сўнг имом ва элликбоши ки-  
рарлар.*)

Розия (*орқадан кириб*). Қани юқорироққа ўтиринг,  
Ҳасан домла! Энди мен эналарингиз бўламан, қочмасам  
ҳам бўладн.

Имом. Ўўқ, йўқ, она, айби йўқ! (*Ўтиришади*).  
Қани! (*Фотиҳа*) Бисмилло, бизнинг қадамларимиз тег-  
ди, бало тегмасин! Лофатолилло Алило, сайфилилло зул-



фиқор! Ҳар балои, ҳар қазои пеши ояд дафъи кун, парвардигор. Оллоҳу акбар!

Розия (туриб.) Хуш келибсизлар!

Имом. Хушвақт бўлинг. (Мирзабойга) Мирзабой ака (юзини очиб), Мирзабой ака! (Розияга) ухладиларми? Андак истироҳат қилсинлар бўлмаса нидамайлик. (Епар.)

Розия. Вой болам, гўрни ухлайди, дейсизми? Мана, мана шундақа уч-тўрт кундан баққа ўхтин-ўхтин ҳушидан кетиб, ўзини билмай қоляпти. Мана шундан қўрқяпман-да.

Имом. О бечора-сй.

Элликбоши. Энди қариликники-да.

Имом. Ундоқ бўлса, она, шавҳарингизнинг мучалари нима? Неча ёшга бордилар?

Эшикни қиялаб, Санавбар мўралаб туради.

Розия. Саксон икки деган эди. Билмайман, мучали — муш.

Имом. Хуш, мучали муш бўлса, олти мучалимиз йигирма бешдан икки мучали бўлганда, уч йигирма олтмиш, уч беш, ўн беш, масаланки, ўн бешу олтмиш, ҳафтоту панч... Жамъ қилиш керак. Хушки, муш бошад бақару палангу харгўшу наҳангу мору асбу гўсфанду ҳамдуна.

Элликбоши. Эй тақсир, шу тобда ҳамдуна, паланг қилиб ўтирасизми? Саксон икки бўлса, саксон икки-да, жуда пишиб колган ўзи.

Имом. Дарвоқе, шундай бўлса керак.

Элликбоши. Хуш, эна, энди нима демоқчисиз? Мана биз кўрдик, одам бўлишдан бўлмаси кўпроқ.

Розия. Энди, болам, ўзларингга маълумки, бизни парвариш қилиб турган қуйруқ-қанотимиз бўлса, мана маҳаллани ризолиги учун рабочий бўлиб кетди.

Элликбоши. Гапни қисқароқ қилиб, гапиринг!

Розия. Хўб, айлачай болам!

Имомни кўзи Санавбар тарафга тушиб бесаранжомланиб, ғайри табиий ҳаракат ва мулойим йуталларда бўлади.

Оз-моз пул бериб кетувди, у ҳам соб бўлди. Бу бечоранинг кўзи очиқ бўлса ҳам баҳар навъ эди.

Элликбоши (жеркиб). Эна, мен сизга айтяпман-

ки гапни қисқа қилинг. Бизнинг ўтиришга вақтимиз йўқ.

И м о м. Ҳа онажон, биз бир жойга тўйчуққа борадиган эдик, бизнинг маҳалла кетиб қолмасин (*қараб-қараб, хир-хир йўталиб турар*).

Р о з и я. Хўп, болам, шундоқ бўлса, мана энди бу ҳолга тушиб турибди. Бир ҳодиса бўлса нима қиламан? Менинг бошимда бирор эркак бўлмаса.

И м о м. Эна, ахир ўлим-пўлимлиги йўқми?

Р о з и я. Вой айлапай болам, бу қийматчиликда ўлимлиги қолдими?

Э л л и к б о ш и. Эна, биласизми, ўзларингизга ўзларингиз қилдингиз.

И м о м. Дарвоқе, фий нафсиламр айтганда, Мирзабой акамнинг ўзларида айб. Битта ўғилнинг гапига кириб мана шундай ҳолларга қолдингиз. Булмаса, сизлар шу Сайидхоннинг шу ишини баҳридан ўтказсаларинг, мен қўрбоши жанобларидан кўп ваъдалар олиб қўйган эдим. Ҳатто ўғлингизни рабобидан қолдирмоқни ҳам мақбул қилдирган эдим. Афсуски, сизлар жаҳолатга кеттиларингиз.

Э л л и к б о ш и. Эй тақсир, заб гапирасиз-да, булар ота-онами, буларга Сайидхон ота-она. Ўшанинг учун шу ҳолларга қолишди.

И м о м. Оре, оре.

Э л л и к б о ш и. Бўлмаса, буларга ким қўйди, бой қизини келин қилмоққа.

И м о м. Камина ҳам шунини айтаман-да, буларга ўзларига ўхшаган бирор бечорароқ одамнинг қизини олиб берганда, бу фалокатлар йўқ эди. Бизнинг сўзларимиз ҳаммаси ҳикматсиз эмас эди. Бир тарафи шариятга ҳам мувофиқдир. Агар бизни айтганимиз бўлса эди, у Каримхожимас, ҳатто бундай қийматчиликда қўрбоши жаноблари ҳам бу қаро кунларда қўлдан келган қадар ёрдамлар қилур эдилар.

Р о з и я. Айланай домла почча, гапларингизнинг ҳаммаси тўғри. Энди иккови бир уруғ, кичиклигида бир мактабда бирга ўқиб катта бўлгани учун бир-бирига муҳаббат қўйишиб, шундай гаплар бўлиб кетди-да, мана шундай муҳаббат деган яхши-ёмонни ажратгани қўймас экан. Бировнинг гапига қулоқ солдирмас экан.

И м о м. Эй она, шариятда йўқ гапларни гапирманг.

Қофир бўласиз. Худо қуръонда ота-она амридан чиққан болаларни бандам демайди. Яхши кўрмак, ҳар ким хоҳлаганига тегмак — хилофи шаръий ишлар — ҳаммаси шайтоний.

**Эллиқбоши (жеркиб).** Тақсир, гапни кўп чўзманг, энди иш ўтган, бўладиган гапни гапиришайлик-да, кетайлик.

**Розия.** Айланай болам, ҳали ҳеч иш бўлгани йўқ, ҳали ҳам олса бўлаверади. Ҳозир олса тагин яхши. Нимагаки, мана Сайидхон йўқ. Олгандан кейин келса, нима дер эди. Ҳафсаласи ҳам пир бўлиб қолар.

**Эллиқбоши (жеркиб).** Эй эна, ҳали сизнинг умидингиз ҳам борми? Сайидхон келса, шу аҳволингизга Қаримҳожининг қизини ҳам олиб бермоқчимисиз? Ҳали бу гапларни кўнглингиздан чиқаринг, қиз икки бошдан кўрбошиники. Қўйинг бошқа гапни, қани, нима дейсиз? Биз кетамиз, бўлинг вақтлик! (*Жеркиб.*) Айтдим-ку, у гапни қўйинг, ўзингизни дардингизни айтинг.

**Розия.** Хўб, болам, энди мана аҳволимиз шу, бунга бир ҳодиса бўлса, ўзларингиз беш-ўн танга сарф қилиб кўмсаларинг, ахир, ўлмай саломат келса, бир гап қилар дейман.

**Эллиқбоши.** Ўзингизда ҳеч нарса борми? Сиз ғалати гапирасиз. Оғзингиздан беш-ўн тангагина бўлиб чиқади, шу қийматчиликда ўлик кўммак осонми, мен беш-ўн танга сарф қиламан. Ўғлингиз саломат келади-ми, йўқми? Жон бор жойда қазо бор. Ўғлингизга бир гап бўлиб қолса, мен нима қиламан, пулни кимдан оламан?

**Розия (йиғламсираб).** Болам, менда жон ичида сақлаб юрган беш тилла бор.

**Эллиқбоши.** Эҳ, беш тилла нима бўлади? Имомга берадиган тўннинг ўзини шу топда беш тиллага олиб бўлмайди.

**Имом.** Эй эллиқбоши, биз буларнинг ҳолини кўриб туриб, ундақа тоза тўн киймоғимиз айб, бундоқроғи бўлса ҳам бўлади-да, шунчаки масаласига мувофиқ бўлса бўлди.

**Эллиқбоши.** Сиз ғалати гапирасиз, тақсир, бу ерга қанча маҳаллалардан одамлар келади, фалон маҳалланинг имомига олти тангалик ялтироқ тўн берибди десалар, бизга ўлим.

**Имом.** Дарвоқе, дафъи маломат ҳам фарз.

**Элликбоши.** Эна, бунга жуда қисиб сарф қилганда, икки юз сўм пул кетади, сизга тагин бир юзу саксон сўм керак.

**Розия.** Болам, бир оз камайтиб бечоравор қилиб қўяқолишни иложи йўқми?

**Элликбоши.** Эна, иложи йўқ. Бу бизни касбимиз бўлиб қолган. Гапни чўзманг, нима дейсиз?

**Розия.** Вой қандоқ қиламан, энди бўлмаса, майли ахир.

**Элликбоши.** Энди келинг пулнинг маслаҳатига. Пулни қаердан оламиз, қариндошингиз борми?

**Розия.** Вой болам, ўзингиз билмайсизми? Менинг қариндошим бўлса, сизга арзи ҳол қилиб ўтирармидим. Каримҳожини бўлса...

**Элликбоши.** Эй, Каримҳожини сизга бир пул ҳам бермайди. Хотиржам бўлинг, ундоқ бўлса, мана мен ўзимни ҳар гўрга уриб, сизнинг юз хотирингизни қилиб топиб бераман, лекин бир шартини қабул қилсангиз, чунки масаласи ҳам шу.

**Розия.** Хайр.

**Элликбоши.** Жон бор ерда қазо бор. Хўш, ўғлингизни қачон келиши ҳали маълум эмас. Шунинг учун бир чеккаси шариатга мувофиқ, сиз ҳовлини менга гаров қилиб берасиз. Мен 180 сўмми, ортингизни, топиб бераман. Қачон ўзингизни, ўғлингизни топиб берсаларингиз, ҳовлингизни ажратиб оласизлар. Энди сиз эркак эмассизки, вексиль-мексилга қўл қўйиб берсангиз. *(Имомга.)* Менинг гапим шариатга тўғрими, тақсир?

**Имом.** А-ҳа, масаланинг энг нозик ери шу-да, шарҳи фатвода бу ишни кўп нозик дейдилар.

**Розия.** Вой болам, мен энди хонавайрон бўлар эканман, бир тарафдан эрдан ажралдим, бир тарафдан тирик ўғилдан, бир тарафдан бир парча ватандан ажралсам.

**Элликбоши** *(шовқин билан ирғиб туриб).* Айтмадимми, тақсир, буларга бу кунлар оз, бундан бадтар бўлсин. Хотин киши билан биз энди савдолашиб ўтирсак. Туринг, тақсир, бўлганича бўлиб ётар, муҳтож бўлиб чиқар, чиқмай чораси қани?

**Санавбар** *(эшик ичидан олтин исирга, балдоқ, билагузук, узукларини ўртага отиб).* Қўйинг, хола, кетса кетсин, бу бадбахъ, золим балохўрлар! Мана бунинг ситинг. Етмаса, бирор қатор кийимларимни сотиб бера-

ман. Бечоралар буларга хор бўлса, менга азиз. Йўқолчи, йўқол, чиқ мунофиқ ўғрилар, бечоралар бошига бало бўлиб яратилган ювқолар! Босмачилар! Тирикнинг боши, ўликнинг оши билан ҳаёт кечирган газандалар! Қим чиқарди бу шариатни, мунофиқ?! Бир тирикни хонавайрон қилмоқ қайси мажусийнинг шариатида бор? Чиқ дедим, чиқ! Садқан салла-ю чопон, садқан мадраса-ю китоб, садқан мусулмончилик кет! Шайтон муллалар! Йўқол, мурдор қилма бу ерни, инсон оламининг жонли ҳайвонлари!

Парда гушар.

## УЧИНЧИ ПАРДА

Саҳна: тўрда дала. Тўрнинг ўнг тарафи тўқай, ўрта дарахтзор, тўрнинг чап тарафида кичик тахтадан ясалган қора бир уй бўлиб, уйнинг тўрида бир ёғоч каравот. Каравот устида эски бир ётоқ. Ерга эски кигизлар солинган. Ҳар жойда, девор тагида ўроғлиқ ётоқлар. Коса, табақ, чойнак каби рабочий асбоблар. Ётоқ устида Аҳмаджон қўлларин совуқ олган ҳолда ётур ва ҳар жойда Акбарбой, Қобилжон, Юсуфжон, Жалилбой, Ортиқбойлар ўтирган. Қобилжоннинг боши солиғлиқ, чаккасин тутган Акбарбой қўлида чилим ушлаган ҳолда парда очилур. Уйнинг бош тарафи, яъни тўрнинг чап тарафи, тўрға яқинроқ тарафидан ташқарига чиқиш учун бир қанотли эшик бор.

А к б а р б о й (*Қобилжонга*). Кечадан бери хаёл су-  
расан, хаёл сурасан-а, хаёл билан нима иш битади? Ҳар  
бало бўлди, бўлди. Бир ишни бошлаш керакки, бу  
юракдаги аламлар бир оз босилсин. Мени ҳам уч-тўрт  
кундан бери шундай ўт оляптики, кўзимга одам боласи  
пашшача ҳам кўринмайди. Сизларнинг ғайратларингиз  
ўлган бўлса, битта тўппончани оламан-у, ўша золимни  
отиб чиқаман-да, бу ёғни толеимдан кўравераман. Шу  
бизни ўнг кўз, чап кўзимиз бўлиб турган икки нарра  
шернинг бири ўзининг мажруҳлиги устига бир палид-  
нинг қўлидан ўқ еб ноҳақ турмада ётсин. Мана бири  
бунда оёқ-қўлдан ажраб, ярим ўлик бўлиб ётсин. Аммо  
биз итдан қўрққан мушукдек шумшайиб бунда ўтирай-  
лик. Биз одам боласимасми? Олти-юзта арслондай йи-  
гитлар шунда бақрайиб турсагу, иккита золим началь-  
ник отини тутиб, хоҳлаганича иш қилиб, бизни шундай  
хорликларга солса. Бизга бу тирикликдан ўлим яхши-  
масми? Йўқ, ўша бечора Сайидхон акам айтгандек, биз  
инсон боласи эмас! (*Чилимга гугурт чақиб чекар.*)

Қ о б и л ж о н. Эй Акбарбой ака! Ҳали ишни мендан ўн чандон била туриб, гап сўраб яна дардимни янгилай-сиз. Бу кулфатлар ёлғиз менга, ёки бу истибдод бўйинтуруғи ёлғиз менинг бўйнимга тушган эмас, балки бутун ер юзидаги меҳнаткашларнинг бўйинларига баробар тушганини биласизми? Қонхўрлар, бизни қонимизни шимирган уламолар шариат тизгини билан жиловлаганлар, мустабид чиновниклар темир қамчилар билан бизларни тун-кун мана шундай савалайдилар. Биз бу уч тоифа одамхўрларнинг қурсоқ тўйдирувчиларимиз. Инсонлик даъвосини қилган ҳар бир киши инсониятнинг чин маъносини яхшилаб англаши, ўз ҳақ ва ҳурриятини билиши ва ўша қаршисидаги ҳақ ҳурриятга тажовузда бўлган зolim мустабидлар билан курашиб, бир томчи қони қолганга қадар курашмоғи керак. Ўзини бўлмаса ҳам келажакдаги авлодини қутқазини йўлида қурбон бўлмоқни ўзига энг улуг шаҳодат билмоғи керак. Эй вой, қани бизда у ҳаёт, у туйғу, у жасорат! Мана кўрасизми, Туркистон оламининг чўлпони ва ёруқ юлдузи бўлиб турган икки зиёнинг бири бир палиднинг ноҳақ ўқи билан икки қўл ва бир оёғи мажруҳ ҳолда ажал кутиб ётибди. Бири бўлса, мана бунда ярим ўлик бўлиб ётибди. Булар мен учун, сиз учун шу ҳолларга тушдилар! Меҳнаткаш инсонларнинг ҳақ ва ҳурриятини талашиб шу ҳолларга тушдилар.

А к б а р б о й. Эй, айтдим-ку, бизлар садқаи инсоният кетайлик, чунки бизларни меҳнаткаш ўзбек болалари деб ким айтади? Ноҳақ зулм ва ҳақоратларни эшитиб мана шундай хилватларда азага борган хотинлардек тўртта-бешта бўлиб ҳасратлашиб ўтирсак. *(Яна чилим чекар.)*

Қ о б и л ж о н. Яхши, Акбарбой ака, биз қўрқмаймиз, албатта. Ҳар биримиз ўлдиришга келганда бундай зolimларни юзини ўлдирамиз, лекин бунинг билан иш битмас. Биз Туркистон халқи қалбига ёпишган жаҳолат қуртларини, ҳақиқий маориф ва маданиятга қарши чиққан руҳонийларни жазосини берайлик. Мана биз аввал бу балолардан қутулиб олсак, бошқа балолар ўз-ўзидан битмоққа бошлайди.

А ҳ м а д ж о н *(бошин кўтариб)*. Оға-иниларим! Менга ҳозир икки хурсандлик келиб, бирдан оғриқларимни унуттирди. Биринчиси гарчи ўқимаган бўлсаларингиз ҳам, шу беш-тўрт ойлик бир қисқа муддат ичида

бизнинг сўзларимизга қулоқ солиб мана шунчалик ҳақ ва ҳурриятингизни ва маънавий чекиб турган истибдодингизни сезиб, бу ҳақда ўз-ўзингизча музокара қилмоқдасиз. Мен ётиб шундай нозик умидлар қиламанки, гўё сизнинг бу гайратларингиз орқасида бутун ер юзидаги эзилган меҳнаткашлар абадий озодликка чиқиб, оз фурсатда асрлардан бери ҳокимият суриб келган душманларни эзиб поймол қиладигандек. Дарвоқе, шундай бўлиши керак. Инсоннинг ҳар бир мақсад ва ҳар бир тилакка еткурадиган улуг бир восита бор бўлса, у шубҳасиз ҳимматдир. Мен сизларнинг бу ҳимматларингиздан келажакда, албатта, сиз ва бизнинг бундай инсоният ҳақ ва ҳуқуқиндан, ўз меҳнатимизнинг ширин самаралариндан, бизнинг кучимиз орқасида мойлик қурсоқ солиб бошимизга бало бўлиб етишган қонхўр бойларга нима сабабдан қул ва асир бўлиб юришини сезмоқ учун восита бўлган ҳақиқий туйғулардан хабарсиз ва баҳрасиз бўлиб қолшингизга энг биринчи сабаб бор экан, у-да, шубҳасиз, илмсизлик ва маорифсизликдир.

**Ҳ а м м а л а р и.** Ҳа, ҳа, ҳа...

**А ҳ м а д ж о н.** Энди менинг сизларга қиладиган энг ҳикматли васиятим бор, у ҳам бўлса, илм, илм, илм. Энди мана биз ўлим кишиси. Бизни бу ҳолларга қолдирган ота-оналаримиздан қанча шикоят қилгандек, бизнинг келажакдаги авлодимиз ҳам биздан мишг чандон ортиқ асорат ва хўрликларга қолур. Балки алар шикоят билан қаноатланмай, қабрларимизни тошлар билан уриб, ҳақоратлар билан таъналар қилар.

**Қ о б и л ж о н.** Минг марта.

**А ҳ м а д ж о н.** Мана шунинг учун мен сизларга такрор айтаманки, ватанга саломат қайтгандан кейин ўзларингиз нақадар хўрликларга қолсангиз-да, зинҳор ҳеч бир кишига қулоқ бермай, болаларингизни ўқитингу ўқитинг. Жоҳил муллаларнинг кофир бўлади, фалон бўлади деган қуруқ сафсаталарига қулоқ осмай, қизларингизгача ўқитинг! Уларни русчага ҳам ўқитинг!

**А к б а р б о й.** Эй, Аҳмаджон ака, эмди биз охун домлаларга ибодат қилиб бўлдик, улар насиҳатларини ҳовуздаги қурбақаларга қилсинлар. Насиҳат салласини ўзларига кафан қиламиз. Нима дедиларинг?

**Ҳ а м м а л а р и.** Ҳаммаларимиз лоақал мингига асроилмиз.



Шу топда қўлида кичкина дастурхонда ош кутарган Р у с т а м б о й  
киради.

Р у с т а м б о й (*ошни қўйиб*). Аҳмаджон ака, мен энди худо ҳақи, бундай қонхўрларнинг ичида туролмайман. (*Ўтириб.*) Ёки ўзимни ўлдираман, ё шу золим начальникни ўлдираман.

А к б а р б о й. Нима гап, ўзи?

Р у с т а м б о й. Ошни олиб борсам, наздратель начальникдан сўра деди. Начальникка борсам, бошимга пишқириб: «Кет, бир кунда уч мартаба таом беришга рухсат йўқ. Итга бер тамоғингни» деди. Мен ялиниб: «Жон тўра, кундузи туз ҳам татигани йўқ. Шунинг учун атайлаб ош қилиб келдик. Бетоб, ош учун юраги эзилган эди», десам, елкамга мушти билан уриб туртиб чиқарворди. Намоз шомдан баққа турма орқасида йиғлаб-йиғлаб ўтириб энди келдим. Бу нима, бизга бунча хўргулик (*йиғлар*).

А к б а р б о й (*пичоғини сугуриб*). Азбаройи худо, ҳозир...

А ҳ м а д ж о н. Тўхтатинглар! (*Ҳаммалари ушлайдилар.*)

А к б а р б о й. Қўйиб юборинглар, номардлар!

Ҳ а м м а л а р и (*тортишиб.*) Тўхтанг, тўхтанг!

А ҳ м а д ж о н. Акбарбой ака, худо ҳақи, тўхтанг, бир оз гапим бор.

А к б а р б о й. Нима дейсиз, мени шу ишдан қайтармоқчимисиз?

А ҳ м а д ж о н. Қайтараман, чунки сизларнинг сўзларингиздан чиқмаймиз деб қасам ичмадингизларми?

А к б а р б о й. Уҳ, қалтис гапирдингиз (*ўтирар, ўтиришадилар*). Уҳ, ўша қасамни кўзимизга кўрсатасиз-да.

А ҳ м а д ж о н. Ўлдириш билан иш битмайди. Бунинг зарари бизга эмас, мана бу ерда ғариб бўлиб ётган олти юз кишининг ҳаммасига тегади. Буни ўлдирасиз, ўрнига бундан бадтар иккинчи бир золим келади. Унда нима қиламиз? Бир ифлоснинг ҳаром қонининг касофатига шунча биродарларингизни мусибатга қолдиришни қандай виждонингиз қабул қилади? (*Қобилжонга.*) Чилим солинг! (*Қобилжон чилим солиб тугар, чекиб туриб*) Акбарбой ака, мен билан Сайидхоннинг сизга ҳеч бир ҳурмати борми?

А к б а р б о й. Ҳурмати бор учун тўхтадим, бўлмаса «йўлбарс изидан, йигит сўзидан қайтмас» дейдилар.

Аҳмаджон ака, биз сизлар бор учун турибмиз. Бўлмасам бир кунда ҳа...

Аҳмаджон. Бўлмаса сиз ҳозир шу ишни қилсангиз, биринчи Сайидхондан, иккинчи менда ажрайсизлар. Чунки бизнинг икковимизнинг нима эканлигимизни шу ердаги золимларнинг ҳаммаси билади, албатта, биздан кўради. Шундаймасми?

Ҳаммалари. Албатта, албатта!

Аҳмаджон. Биз уларни бу қилишлар билан кесиб адо қилолмаймиз, муни яхши билинг! Чунки, бу золимлар ер юзида бир миллион-икки миллионгина эмас. Булар биздек меҳнаткашларни ҳар бир тарафдан занжирлаган. Ҳар биримизни тўрт-беш тарафдан қоровуллаган, биласизми? Буларни эзув ва буларнинг бу истибдодларидан қутулиш учун бирдан-бир чора бор бўлса, дунё юзидаги меҳнаткашлар бирлашиб умумий бир инқилоб ясамоқ керак, бундан бошқа чора йўқдир. Дарвоқе, мен ҳали икки хурсандлик менга восил бўлди дедим-а?!

Ҳаммалари. Ҳа, ҳа, қани айтинг!

Аҳмаджон *(болишнинг тегидан бир хат олиб)*. Мана ҳали бир хат келди. *(Ҳаммалари тикилурлар.)* Эшикда Холмат бор-а?

Рустам. Бор, бор.

Аҳмаджон. Мана бу хат китобхонадаги Султонжон-чи?..

Қобилжон. Ҳа, ҳа бўлди.

Аҳмаджон. Ана ўшандан келди. Ҳозир инқилоб бўлиб бутун амалдорлар ўринларидан тушаяпти, дейди.

Ҳаммалари. Ростми, ростми?

Қобилжон. Қўрбоши билан ҳоким бекор бўлганмикан?

Аҳмаджон. Ҳеч бири қолгани йўқ эмиш.

Ҳаммалари. Худога шукур!

Қобилжон. Бечора Сайидхон акамга эшитдирсак бўлар экан.

Аҳмаджон. Биродарлар, сизларга айтадиган бир сир бор. Сизлар албатта, юракда сақлайсиз. Биз Рустам икковимиз шу ошни қилдириб бу хатнинг мазмунини ёзиб иликнинг ичига солган эдик, шояд очиб ўқир деб, у бечоранинг бахтига, бадбахт начальник жавоб бермапти. Энди майли, эртага ҳар қандай қилиб бўлса ҳам буни билдирамиз.

Ҳаммалари (*қарашиб туриб*). Ҳа, албатта билдириш керак.

Аҳмаджон. Энди яна мен бу кеча бир туш кўрибман. Мана шу тарафда бир зўр тўқай эмиш. Ичида ҳар хил заҳарли жонворлар югуришиб юрибди. Бир маҳал бир қучоқ ёнган ўт келди-да, тушиб ҳаммаси ҳалиги жонворлар билан баробар ёнди. Шунинг ичида қизил байроқ кўтарган Сайидхон пайдо бўлиб, менга шошилиб байроқни берди-да, ўзи осмонга кўтарилди. «Ҳой, қаерга борасан?» десам, «Сизлар энди ишни қилаверинг, мен аршга, бир одамнинг ҳузурига бораман» деб учиб чиқиб кетди. Мен ўйлайман яқин фурсатда ҳуррият бўлиб, бу золимлар бутун-бутун қирилиб битадилар.

Ҳаммалари. Илойим, бўлсин!

Аҳмаджон. Лекин Сайидхоннинг учиб кетишига ҳайрон бўлдим.

Қобилжон. Учмоқ—мартаба, дейдилар. Мен ўйлайман, улуғ бир амалга минади-да.

Ҳаммалари. Тўғри, тўғри!

Холмат (*кириб*). Аҳмаджон ака, менга узоқдан икки қора кўринди. Ким экан деб турсам келишди. Маҳкам юзбоши билан яна бир милтиқ ва қилич, тўппонча таққан йигит, танимадим. Сизнинг отингизни айтиб, киришга рухсат сўради. Мен сўрай дедим, кираверсинми?

Аҳмаджон. Майли. (*Холмат чиқар.*) Қосимжон бўлса керак, чунки у кун хат юборган эди.

Қосимжон, Холмат кирадилар.

Қосимжон (*юзини очиб*). Қалайсиз, Аҳмаджон ака?

Аҳмаджон. Оҳ Қосимжон, саломатмисан? (*Ҳаммалари кўришадилар.*)

Қосимжон (*ўтириб*). Хўб, саломат бормисизлар?

Ҳаммалари. Алҳамдулилло, алҳамдулилло, ўзингиздан сўрасак?

Ақбарбой (*чилиш солиб туриб*). Бизни девола қалай?

Қосимжон. Йиғлаб-йиғлаб дуо деди.

Қобилжон чилишни олиб чекади.

Қосимжон. Ораси шунча яқин, тез-тез келиб ҳам турмайсиз.

Қосимжон (*чекиб туриб*). Бу золим начальникка учрашга тоқатим йўқ. (*Чекиб бўлур, бошқалар ҳам чекишади*)

Ҳаммалари. Ҳамма жойга баробар тарқалган экан бадбахтлар.

Қосимжон (*Аҳмаджонга*). Хўш, Сайидхон тирикми? Менга ҳаммадан шу керак. Сўрадим, сўрасам ҳам яна сўрайман.

Аҳмаджон. Худога шукур, лекин на чора? Ҳар ҳолда агар унга бирор нарса булар экан, баробар ўла-миз. Ҳозир шу тўғрида гаплашиб ўтирувдик.

Қосимжон (*атрофга бир қараб*). Буларнинг ичи-да ўнг, чаплари ким?

Аҳмаджон. Буларнинг ҳаммаси ўнг, очиб гапи-раверинг! Янги хабарлар борми?

Қосимжон. Аввалги кунни менинг қўлимга бир хат янглиш келиб тушди. Бу хатда «Санавбар бетоб бў-либ, икки ойдан кейин ўлди, мумкин бўлса Қосимжонга билдиринг, тезлик билан етиб келсин» деган.

Аҳмаджон. Ростми, ростми?

Қосимжон (*кулиб*). Қайда рост? Биласизми, бу бадбахт қўрбошининг ҳийласи.

Ҳаммалари. О, бадбахт-эй, шу ерда ҳам тинч қўймайди-я.

Қосимжон. Шу хат билан баробар менга ҳам бир хат келди, ҳовлидан эди, ҳамма сиҳат-саломат. Қўр-бошининг хати, бу хатдан қанча аввал (*ўйлаб*) қирқ кун аввал, бу бир...

Аҳмаджон. Хайрият ҳам сенинг қўлингга тушган, хўш, иннайкейин?

Қосимжон (*қўйнидан икки хат олиб*). Ўзимиз-нинг Расулжон полициядан бир халта бор. Халтанинг ичида бир дўппи бор. Дўппини очсам, ичида мана бу хат (*Аҳмаджонга бериб*) бунда айтганки, қўрбоши сиз-нинг синглингиз тўғрисида ўша ердаги начальникка хат ёздириб, Сайидхон Мирзабой ўгли ҳоин, ҳукуматга қар-ши бир киши, шунинг билан бир илож қилиб қўлдан чиқармай каторгага юбортиринг, фалон, фалон деган.

Ҳаммалари. Ростми, ростми?

Аҳмаджон. Қосимжон, бу қандай бўлди, бу бад-бахтлик қайдан келди?





Қосимжон (*туриб юруб*). Мана мен шунинг учун шошилиб, чидаб туrolмай келдим. Қурасизми, биродарлар! Бизнинг бошимизга қандай кулфатлар соладилар. Ҳамон биз шундай ноҳақ қурбонлар бераверамизми?

Акбарбой (*туриб*). Айтмадимми, мен ҳозир ўлдирай деб, сизлар менинг йўлимни тўсдиларинг. Ҳали ўлдирамасам, мана энди ўлдириш фарз булди.

Қосимжон (*елкасига уриб*). Ўтиринг, ўтиринг, қахрамон оғам! Бу золимлар ўз мақсадларига етишмасдан илгари ўзлари ҳам қурбон бўладилар. Майли, бизлар халқ учун қурбон бўламиз. Қслажакда меҳнаткашлар озод яшасин.

Акбарбой ўтирар.

Уртоқлар, мана бу ноҳақ зулмга қарши янги хабарлардан ҳам эшитинг!

Ҳаммалари. Қани, Қосимжон ака?

Қосимжон. Мен сизларга ишонаман, бовужуди ўз қулоғим билан эшитдим, бир сўз айтаман, қабул қиласизларми?

Ҳаммалари. Ўлимга ҳам ҳозирмиз.

Қосимжон. Ҳақ номидан қасам бераман. Оғизларингиздан чиқарманг. (*Аҳмаджонга.*) Оғам Аҳмаджон, сенга ва буларга муборак бўлсин! Бизнинг тўпда Ванка деган бир рус рабoчий инқилобчи бор эди. Ана шу инқилобчи Ванка шанба куни қочиб Петроградга кетди. Мен дўстим Ванкани кечалаб поездга чиқариб қўйдим. Менга бир хат кўрсатди. Хатнинг мазмунига қараганда, бугун-эрта ҳуррият қуёши туғади, ер юзидан золимлар битади. Биздек ғариб, фақир меҳнаткашлар бу қора зиндондаги асорат ва ажал занжирларидан бўшалиб ёруғ дунёга чиқади. Битсин қонхўр бойлар! Мустабид золим Николай ва унинг бармоқлари бўлган золим чиновниклар! Яшасин мазлум миллатлар! Ноҳақ туҳматлар билан эзилиб келган биздек темир панжалик меҳнаткашлар!!

Ҳаммалари. Яшасин! Яшасин!

Қосимжон, Аҳмаджон билан ўпишар.

Парда тушар,

## ТУРТИНЧИ ПАРДА

Саҳна: Санавбарнинг хос уйи бўлиб, яхшигина безалган. Тоза кўрпа ва тоза кўрпачалар солинган, ўртада сандал, устига кўрпа ёнилган, тўрнинг чап тарафидан ҳовлига бир эшик. Тўр тарафда, эшик тарафда бош бўлиб ётоқ солинган, устида Санавбар нотоб, яхшигина кийинган ҳолда ётади. Бош тарафда лавҳа устида китоблар, романлар. Халча хола, Хайриниса ўтирган ҳолда парда очилади.

Хайриниса. Энди, хола, мана кетишганигаям анча вақт бўлди. Яқин ўрталарда келишиб ҳам қолар.

Халча хола. Мана шу бошимиздаги ой тўлса роппа-росо олти ой бўлади. Ҳадемай эсон-омон келишиб қолади, болам.

Хайриниса. Хайрият ҳам сиз бефарзанд бўлгансиз. Бошингизга бундай кулфат ҳам тушмади. Мана, тинчгина ўттрибсиз. Агар ўғил-пўғилингиз бўлганда, бизга ўхшаган айрилиб қон йиглаб ўтирар эдингиз. *(Йиғлар.)*

Санавбар пешоналарини силаб, кўз ёшларини артиб турар.

Халча хола. Вой болам-ей, болам йўқ учун мени жуда бепарво деб ўйлайсизми? О, болам, бир ёғдан бефарзандлик доғи бўлса, бир ёғдан жумла мўъминнинг боласи учун анча ғам, койиш тортиб умрим ўтади, болам! Кошки, болам бўлсайди. Майли эди, насибаси тортган бўлса, эл қатори у ҳам бориб келарди. Кўрмагандек бўлиб ҳам кетар эдим.

Хайриниса. Тўғри айтасиз-у, хола, тирик айрилгандан ўлик айрилган минг марта яхши экан, юракларим эзилиб кетди. *(Йиғлар.)*



Халча хола. Ахир, алхамдулилло, сизларнинг давлатларингиз бор. Биттамас иккита-учта одам ҳам ёллашга қодир эдиларинг. Нимага Қосимжоннинг ўрнига одам олиб бермадиларинг?

Хайриниса. Эй хола, мунинг тегини сўраб, менинг юрагимга тагин ўт ёқманг. Қўрбоши ер юткур ўчакишиб қилди-да.

Халча хола. Бирор иш ўтканмиди?

Хайриниса (*Санавбар бор ишорасин билдириб*). Ҳозир буни айтадиган вақт эмас, бошқа вақт фурсати билан айтаман.

Санавбар (*бошини ошиқиброқ кўтариб суяниб*). Мендан яшириб нима қиласиз? Ёки холамдан яширасизми, буни билмаган одам фарзанди қолдими? Менинг акамга ҳеч ким сабаб бўлгани йўқ, фақат сиз! Иннайкейин дадам сабаб бўлдилар, бечора акам бўлса, жоҳил отамнинг пулпарастлигига аччиқ қилди-да, кетди. (*Ииғлар.*)

Хайриниса. Жоним қизим, ҳамма вақт сен мендан кўрасан! Бирор мартаба мен отангнинг гапига кирдимми? Сенинг тўғрингда емаган калтакларим қолдими? Тагин бундан ортиқ нима қилай? Мен бир заиф киши бўлсам, кўлимдан нима келади? (*Ииғлаб.*) Жоним қизим, Қосимжон дардидан юракларим зангор, бунинг устига сен ҳам мунча доғламасанг! (*Кўз ёшин артар.*)

Санавбар. Қизнинг фарёдраси — она, ўғилники ота бўлади, биласизми, бўлар иш бўлди. Менинг гапим малол келганини ўзим ҳам яхши биладман. Лекин ҳар ҳолда ўзимдан умидим йўқ учун танимдан жоним чиққунча гапираман-да, гапираман. Чунки мен ўлим кишисиман, мендан сизлар ҳам умидларингизни узинглар. Мен сизлардан бўлсин, бошқасидан бўлсин умидимни узганман. Шунинг учун уялишни ҳам ўзимдан отиб ташладим, сизга ҳам гапираман, пул учун имон ва қизини сотадиган отамга ҳам гапиравераман. Мендан кейин битта қиз топинглар-да, ўша қонхўрга бериб муродларингга етинглар. Бой ҳам бўласизлар, баобрўй ҳам бўсизлар. (*Ииғлар.*)

Халча хола. Ҳай, жоним болам, сиз ундай гапларни гапириб, бечора онангизни қўрқитиб қон қақшатманг, бошингизни сиҳат саломат кўтаринг, бир гап бўлиб кетар.

С а н а в б а р. Хола, сиздан бир озгина андиша қилиб турибман, бўлмаса жуда юрагим куйиб ўртанган. Худодан бошқа ҳеч ким менинг ҳолимдан хабардор эмас. Ҳеч ким дардимнинг чорасини қилолмайди, биласизми, менга ўлимдан бсшқа ҳеч бир ёрдамчи қолмади, қўйинг, шу дардимни қўзғаб менинг ҳам, ўзингизнинг ҳам кўнглингизни ранжитманг (*узаниб ётар, рўмолчаси билан кўз ёшини артиб йиғлар*), оҳ худойим, бу кундан кўра мени ўлдирсанг минг марта рози эдим!

Х а й р и н и с а (*туриб чиқа бошлаб Халчага «сиз бир оз насиҳат қилинг» ишорасин билдириб*). Хола, бир оз ўтира туринг, мен бир чой дамлаб келай. (*Чиқар.*)

Х а л ч а х о л а (*Санавбарнинг юзларини силаб*). Жоним қизим, бошингизни кўтаринг, бир оз гаплашайлик. Мен атайин сиз учун келганман-а.

С а н а в б а р (*бошини кўтариб туриб*). Вой жоним-эй!

Х а л ч а х о л а (*кўтаришиб*). Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим! Айланай пири арвоҳлардан.

Санавбар туриб сочларин кўкраги устига ташлаб рўмолчасин бошига солади-да, йиғламсираб турур.

Х а л ч а х о л а. Болам, мунча ўйланиб-ўйланиб хафа бўлмасангиз! Қўйинг, эй, сизга нима, мунча ғам-коҳиш, бир гап бўлиб кетар.

С а н а в б а р. Холажон, кўра била туриб қизини икки хотини бор бир золим қонхўрга кучлаб бериш қайси дин ва қайси мазҳабда бор? Жон хола, инсоф, раҳмшафқат деган нарса ҳеч қолмадими? Ота-боболарнинг расмлари қурсин. Менга ўхшаган ёш қизларни ва султондек йигитларни вақтсиз ажал билан қора ерга ниҳон қилдилар. Бу қандай шарият, бу қандай мусулмончилик? Ўз сўйганинг, ўз муҳаббат қўйганинг бўлмагандан кейин у тирикликдан минг марта ўлим яхшимасми? Жон хола, сизнинг бошингиздан ўтмаганга ўхшайди! Оҳ, худоей. (*Йиғлар.*)

Х а л ч а х о л а (*халққа қараб*). Вой худоей, мен хатни қандай бераман-а! Бу гул навдадек қиз, ўз-ўзини бир бало қилмаса гўргайди. (*Санавбарга.*) Жоним қизим, ҳамма айтганингиз тўғри, лекин у жувон ўлгур қўрбоши ҳозир юртни сўраб турган бир катта бало бўлса, биров у ер ютгурга бир нарса дея олмаса, ҳоким, гирониш, қози, мингбошилар унинг чизган чизигидан

чиқолмаса, энди бечора ота-онангиз ҳам қандай қилсин? Бир бало қилиб қўяди деб қўрқадиди, болам! Бўлмаса наҳотки, шунча давлати бўла туриб бори бир ўғил, биргина қиз булсаларинг-ку, сизларни шундақа кўз ёшларингизни тўккизиб ўтирса. Отангиз ундақа жуда ҳам ноинсоф эмас. Садақалари кетай, шарияти Мустафога бўйинсунган, уламоларнинг сўзларидан чиқмайдиган ботавфиқ киши-ку, болам.

**С а н а в б а р** (*сўзини кесиб*). Қўйинг, хола, уламо деб тағин мени ёндирманг, уйи қурсин, хонавайрон булсин, ўша пулдорларга сажда қиладиган жоҳиллар! Ўшалар шариатни поймол қилдилар-да, элни хароб қилдилар. Бу ҳақсизлик, бу ҳурриятсизликларга ўшалар сабаб бўлди. Хола, бўлмаса Фарғонада бўлган шунча минг мусулмоннинг бир золим мингбоши шу қадар хурлайдими? Шу қадар оёқ ости қиладими? Оҳ, бир арслон йигит чиқмайдки, бир уқ билан жонини жаҳаннамга юборса-да, мунча минг фақир фуқаро бу қоронғуликдан ёруғликка чиқса!

**Х а л ч а х о л а**. Ҳай, болам, сизга нима бўлди. Уламоларга тил тегизманг, киши кофир бўлади-я.

**С а н а в б а р** (*аччиқ билан*). Уламони ёқлаб гапирманг дедим-ку, хола! Чин уламо ким, мунофиқ ким, мен сиздан яхшироқ биламан. Агар бизнинг орамизда ҳақиқий уламо бўлса эди, бошимизга бугун бундай қора кунлар тушиб ўтирмас эди. Биласизми, қани у уламо? Гўрда ё онасининг қорнида. Унда ҳақиқат учун фидокорлик, жонбозлик бўлмагандан кейин у нима, бир одамдан туғилган иблис нима? Ўзларингиз камоли жаҳолатларингизнинг зўрлигидан худодан қўрқмайсизларда, уламодан қўрқасизлар. Қўйинг, хола, кўп куйдирманг. Кучим олдимда ўтирган одамга етади. Дилингизга озор бераман (*ийғлар*).

**Х а л ч а х о л а** (*халққа қараб*). Бу ўзи ҳам жувонмарг боп экан. Уламога тил тегизиб ўтирибди-ку, бунга раҳм нима, хатни бераверай, тағин қурбошидан бир балои азимга қолиб ўтирмай. (*Санавбарга.*) Айланай болам, ҳамма гапингиз тўғри, эшитиб менинг ҳам юракларим сиз учун жуда эзилиб юривди. Энди нима қилайлик, болам, тақдирга тан бериш керак. (*Ёнини кавлаб, эшикка қараб-қараб.*) Мен кетай энди, анову бизнинг маҳалладан кетган бир рабочий бор эди. Ўша амакингизнинг ўғли Сайидхон билан бирга кетувди.

## Санавбар чўчиб тинглар.

Ушандан битта хат ёзиб юборган экан, Сайидхон тайинлаган эканки *(бир тугунчани олиб очмоққа тутиниб)* «ота-онаси билмасин, худди Санавбарнинг ўзига беринг» деган экан. Мана шуни олиб келдим *(узатиб)*, мана, болам, бувингиз билмасин.

С а н а в б а р *(шодлик билан олиб ўпиб)*. Вой хола-ей, бир шаҳар берганча бўлдингиз-да.

Х а л ч а х о л а *(туриб)*. Мен кетай, бўлмаса.

С а н а в б а р. Хайр, хола!

Х а л ч а ч и қади.

Хат! *(Кўкрагига босиб.)* Менга хат юборгансан, унутмагансан, оҳ Сайидхон! Сенинг менга қўйган муҳаббатинг ҳар кимнинг қошида бир ҳақиқат! Биламан, ҳеч жойда мени унутмайсан! Лекин бир озгина фақирлик сенинг бахтингни қора қилиб туради. Бу ҳам ҳеч гап эмас. Мен отангнинг томоқлари жуда қуриб, бир томчи сув учун зор йиғлаб турган ҳолда дуосини олганман. Биласанми, албатта, бу дуолар бекорга кетмас. *(Хатни очиб, ёпиб)* вой очгани юрагим титрайди, дийдор кўришни яна узоқроққа солганмикансан деб. Йўқ олти ой бўлди-я, келиш вақтинг бўлди, балки йўлга чиқдик деб ёзгандирсан *(ошиқиб очиб ўқий бошлайди-да, тобора даҳшатланиб чўчиб, бир қўли била сочларини тирмамай бошлар. Сочлари юзларига туша боради. Кўкрагин ва юзларин тирнай бошлаб жинниланиб)* а! Нима? *(Хатни ғижимлаб)* ўнгимми, тушимми, оҳ! *(Ҳар тарафга жовдираб)* Сайидхон ўлган! Совуқда қотиб ўлган, вой! Йўқ, йўқ! *(Қичқариб.)* У бадбахт золим тарафидан бўғилиб ўлдирилган! *(Ҳазин йиғи билан сочларин ёзиб.)* Оҳ жоним, Сайидхон! Мени деб шу қора кунларга тушдинг! Улдинг, ўлдинг! Золимлар сенинг ёш умрингни хазон қилдилар! *(Ошиқиб.)* Йўқ, энди менга навбат, мен ваъда қилган эдим, сенсиз бир нафас тирлик менга ҳаром деган эдим, Сени ўлганингга бир ойча бўлибди, мен хабарсиз! Оҳ, жоним, Сайидхон, айв эт! Руҳингни шу чоққача кутавердим, лекин мен айбли эмас, чунки хатингни мен энди олдим, жоним, мен у золимларнинг муродига етказишга *(қичқариб)* бу виждоним қабул қилмайди. *(Суришиб давог, қаламни олиб, кичик бир хат ёзар-да, китоблари устига ҳар икки хатни қўйиб тура бошлар).* Хайр энди, бевафо дунё!

Бу қонхўр золимларнинг мукофотини сенга топширамаи!  
(*Деворга оғир ҳол билан суркалиб туриб.*) Сайидхон,  
жоним Сайидхон! Сабр қил, бир ой сабр қилдинг, яна  
бирор соат сабр қил. Ҳозир ёнингга Санавбаринг бора-  
ди. (*Кўкрагин тугиб.*) Оҳ, Сайидхон! Бу дунёда тўйи-  
мизга золимлар моне бўлган бўлсалар, охиратда ҳам  
моне бўладиларми? Йўқ, йўқ, жоним, биз ҳуру гулмон-  
лар билан тўйимизни ўтказамиз. (*Эшикка юра бош-  
лаб.*) Оҳ, Сайидхон, ўлаётганда, мени кўз олдинга кел-  
тириб «мен ўлдим, энди Санавбар ўша палидга тегадир»,  
дегандирсан. (*Жирканиб.*) Йўқ, йўқ, (*қичқириб*) мен  
у қадар мурдор жасад эмасманки, бу жиноятларни  
руҳим қабул этмоққа ихтиёр қилсин. (*Эшик олдида бе-  
ҳолланиб.*) Уҳ, уҳ! Оҳ, дин ишини савдо ишига айлан-  
тирган озиқ қурбонлари, бизни хароб қилдингиз, ух, ух! Ўз  
кайфи роҳатингиз учун хароб қилдингиз. Оҳ, Сайидхон,  
умидада ҳамиша қонлар йиғлаган ҳуррият замонини  
кўролмаёй ўлдинг! Лоақал шу золим мустабидларнинг  
палид бошларини оёқлар остида поймол бўлганини  
ўз кўзимиз билан кўрсак эди! (*Чўчиб*) мен таъхир  
қилдим-а. Йўқ, йўқ, (*эшикдан ярим чиқиб*) менинг  
жоним ширинлик қилгани йўқ. Минг жон бўлса, сенга  
қурбон қилдим, Сайидхон! Шу дунёдан роҳат кетай деб  
сенинг сўзларингни хаёлимга солдим, жоним! Оҳ, мен-  
да бир армон қолган бўлса, бўйнингдан қучиб, юзинга  
термилиб жон бермоқ эди. Оҳ, халқинг учун қора кўз-  
ларингдан тўккан ёшларингга Санавбаринг қурбон  
бўлсин! Хайр энди, гурбат хонам! (*Чиқар.*)

Бир оздан кейин Хайриниса, Каримхожи, Қозихон  
кирадилар.

Қозихон. Санавбар қани? (*Ўтирадилар.*)

Хайриниса. Мадоринг етмайди, деб шунча айт-  
сам ҳам, унамай, боғ орқали Зайнабхонларникига ўтиб  
кетди.

Қозихон. Ахири шу қизнинг ҳам бошига етасиз-  
лар-да, иннайкейин хотиржам бўласизлар. Сизларнинг  
нодонлиқларингиз минглаб шундай қиз ва барно йигит-  
ларни ер билан яксон қилди. Ўзларингиз мenden ҳам  
яхши биласизки, бунинг бетоблиги фақат ўша Сайид-  
хоннинг дарди муҳаббатидан бошқа нарса эмас. Сиз-  
ларга нима бўлди? Бегона эмас-ку! Пул учун бунча  
ўлмоқ! Почча, сизга шунча давлат камлик қиладимиз?

Биргина қизингизга раҳмингиз келмайдими? Нодонликларингиз шунчаки, йигитнинг яхши-ёмонини қўясиз-да пули борми, обрўйи борми, бўлди. Қиз ўтда ёнсин, майли! Мана буни, қараинг, бу бечора бунда бетоб. Биринчидан, Қосимжон мана ғурбатда сарсон ва саргардон. Иккинчидан, у бечора Сайидхондан ажралиб бечора поччам йиғлаб-йиғлаб икки кўзи кўр бўлди. Учтинчидан, бечора опам бир ўзи қолиб, бирор марта ҳолидан хабар олмайсиз. У ҳам ўлар ҳолатга етди. Тўртинчидан, тагин ҳам Сайидхон ўқинган бир йигит бўлгани учун сабр қилди, тақдирга тан берди ва сизни ҳурмат қилди. Бўлмаса, аллақачон бошингизга не кулфатларни солган ва қизингизни бирор тарафга олиб қочиб кетган бўлар эди. Мунча шўриш ва мусибатларга фақат ўзларингизнинг жоҳилликларингиз, ботил расм-русумларга амал қилганларингиз сабаб бўлди. Яна охири нима бўлади, маълум эмас. Бошида, ўша мен айтган вақтда хўб десангиз, бундай фожиалар йўқ эди.

Қ а р и м ҳ о ж и. Бўлар иш бўлди, Қозихон, мен бундай бўлишини қайдан билай? Беҳосдан бўлди-да. Қўрбошининг жабр-ситамини, қаттиқлигини ўзингиз билмайсизми? Қўлимиздан нима ҳам келарди. Юрт ҳамма шунинг тарафдори бўлса.

Қ о з и х о н. Мен ҳозиргина айтганим йўқ. Уша мен айтган вақтда, ундай-мундай демасдан, бир қошиқ сув билан никоҳ қилиб қўяқолсангиз бўларди дейман.

Қ а р и м ҳ о ж и. Хайр, хатни ўқинг, ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ! Узимнинг ҳам кўзим очилди, билганини қилсин!

Қ о з и х о н (*ўқир*). «Баъдаз адоийи маросими дуо этиб маълум бўлсинки, менинг илгариги ёзган хатларим шояд теккандир. Шукрлар бўлсин, бизлар сиҳат ва саломатдирмиз, сизлар ҳам унда саломат бўлингиз. Сўнгра сўз шулки, бечора Сайидхоннинг отаси ниҳоятда қийналган эмиш. Сиз ҳаргиз марҳамат қилмас эмишсиз. Қиблагоҳим, бир кун бизларнинг ҳам бошимизга шундай кунлар тушмоғини хотирда тутинг, бир оз ёрдамда бўлинг. Агар ҳануз ҳам пулпарастилик шумлиги қалбингиздан кетмаган бўлса, Тожи мирзода менинг уч юз сўм пулим бор. Шуни олдириб беринг, албатта. Агар қўрбоши билан Сапавбар ўртасидаги масала қўзғолса, биз боргунча тўхтатинг. Бўлмаса, мени ўғил

ҳам ҳисобламанг, яхшилик ҳам кутманг. Қосимжон ва Сайидхон.

1917 йил, биринчи январь.»

Мана, почча, тушундингизми? (*Шу ҳолда кўзи китоблар устидаги хатга тушиб, олиб очиб ўқир. Узгара бориб.*) Ийи, бу нима хат?

Икковлари. Вой, нима хат? Уқинг!

Қозихон (*ўқир*). «Сиз Санавбарга дуойи салом. Маълум бўлсинки, Сайидхон қорга ботиб ўн кун бетоб бўлиб марҳум бўлди. (*Каримҳожидан Хайриниса «вой ўлай» деб турадилар.*) Ул ётган вақтда менга кўп яшириқча гаплар айтган эди, хатга ёзиб бўлмайдди. Улмайд саломат борсам ўзим айтарман, ассалому аллайкўм. Отабой.

«1916 йил 10 декабрь».

Хайриниса. Вой ростмикан, энаси эшитмасин, вой худо-ей! (*Йиғлар.*)

Қозихон. Йўқ опа, бу ёлғон хат.

Хайриниса. Ростми?

Каримҳожидан соқолини ўйнаб ўтиради.

Қозихон. Ҳа, бу ўша маълум қўрбошининг ҳийласи, опа! Бу хатни ким олиб келди?

Хайриниса. Билмайман, лекин ҳозир ўша қўрбошининг маҳалласидаги Халча дастурхончи келувди. Уша олиб келгандир.

Қозихон. Ана холос, рост бўлди, қўйди. Энди билдиларингизми? Кўзларингиз очилдими? (*Кўриб қолиб иккинчи хатни очиб ўқиб туриб*) ҳали ҳам қизингизни беринг шу золимга. (*Шу ҳолда чўчиб кетиб.*) Ҳай, опа, қизингиз қаёққа кетди? (*Ошиқиб туриб.*) Қани дейман?

Хайриниса ва Каримҳожидан (*ошиқиб туришиб*). Нима, нима гап?

Қозихон. Вой, опа, қизингдан ажрадинг!

Комилжон. (*Ошиғиб кирар, қўлида шоҳи рўмол.*) Вой, Хайриниса опа, Санавбар опам боғда ўзларини осиб ўлиб қолибдилар!

Бирдан фарёд қилиб чиқарлар.

Парда тушар.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

Саҳна: Тилавая работа бўлиб, саҳнанинг ўртаси тўқай, тўрт тарафи қорлик ўрмон, ариқ ва кўприқдир. Тўрнинг ўнг тарафида начальник канцеляриясининг ёни, ёзув столи, бир дона курси. Деворда картина — Николай хотинининг тасвиридир. Тўрнинг чап тарафидан турманинг ярми бўлиб, тўрдан эшик. Сайидхоннинг икки қўли, бир оёғи боғланган ҳолда. Скрипка бир оз чалинар. Сайидхон бир мисра шарқий уқигач, парда очилади.

Битсин истибдод била асорат,  
Чиқсин чин қуёш ҳуррият!

С а й и д х о н. Оҳ, бахти забун, разолати ҳаддан фузун, мақхур жаҳолатдан бу жафоларга мажбур, душманларнинг қиличлари била кўксилари қизил қонга бўёнмиш меҳнаткашлар! Бугун ўзингизнинг мақхур меҳнаткашлар синфидан эканлигингизни ва бугун билан аввалги ҳолларингизни фарқ эта оласизми? Оҳ, қани уни фарқ этмоқ учун сизда ҳақиқий басар, ўзингизни имтиёз этарлик бир назар! (*Сукут.*) Эй палид оёқлар остида хас-хашакдан ҳам хор бўлган бечора мазлум меҳнаткашлар! Биласизми, сизларнинг бу кунларга дучор ва бу давосиз дардларга гирифтор бўлмоғингизга сабаб нималардир? (*Туртиниб.*) Эй қийматлик оғаларим, бу маҳзун аҳвол била бу совуқ, қоронғу турма ичида не сабаблар билан бундай жаҳаннам азобларини чекиб ётганимни кўз билан кўрсангиз эди, шояд қалбингизга бир оз таъсир қилар эди-да, ўзингизнинг



оёқ-қўлингиздаги маънавий кишан ва занжирларни ҳақиқий басар ила кўрар эдингиз. (*Қичқириб.*) Мен одам ўлдирмадим, бу ҳолга киши молини ғасб қилиб тушганим йўқ. Ишонасизми, оғаларим?! Мен сизларни қутқазаман, ҳақ-ҳуқуқингизни танитаман,— деб шу ҳолларга келдим. (*Бир оз туриб.*) Оҳ, Санавбарим, севикли, дилбарим, Сайидинг на ҳолда, боқмайсан. Балки, сен у боғчаларда ўртоқларинг билан ўйнаб юргандирсан. Агар менинг ҳолимни эшитсанг, чидаб турармидинг? Йўқ, йўқ, ҳаргиз чидаб туrolмасдинг. Оҳ, афсуски, фарёдими сенга етказолмайман. (*Эшикка қараб.*) Санавбар, Санавбар, бу турма эшикларини кўр! Оҳ, қандай чиқиб мен сенга ўзимни еткиза оламан? Оҳ Санавбарим, мен ўлимга маҳкумман, золимларнинг ноҳақ ўқларин кутиб ётаман. Юрагимда бир армон бўлса, у ҳам сенинг жилмайиб турган юзларингга қараб жон бермоқ эди. Афсус! (*Йиғлаб.*) Насиб бўлмас, насиб бўлмас. Оҳ, ўртамиздаги бу мингларча чақирим бўлган масофа узоқлигини табиий бир қудрат бир-бирига қўшмаса, э вой, у умидларга қани чора, қани илож? (*Хаёлга кетар.*)

Бу тарафдан турма эшигидан Санавбар кўринар.

**С а н а в б а р.** Сайидхон, Сайидхон! Мен келдим!

Сайидхон чўчиб-чўчиб қараб турар.

Жуда йиғлаб мени нотинч қилма, жоним! Бир оз сабр қил, кўришамиз.'

**С а й и д х о н** (*севиниб.*) Санавбар, кел, кел, жоним, маҳбубим, келдингми? Ҳозир ухлаган эдим, қандай тез келдинг?!

**С а н а в б а р.** Қандай тез келган бўлсам, шундай тез қовишармиз.

**С а й и д х о н.** Оҳ, Санавбарим, ростми? Бу ерга кир, ҳамон шу ерда ҳам қочиб турасанми? Мен жуда соғиндим, менинг жоним, кир! Севиклим, маҳбубим, кир! (*Суриниб эшикка борур, турманинг решёткасига юзин суртар.*) Жоним Санавбар, кир дедим. Нозик бўйингдан бир қучиб, юрагимдаги ғамларимдан халос топой, жоним!

**С а н а в б а р.** Сайидхон, андак сабр қил, ҳар мақсадингга етасан. Ҳозир муборак бир соат бўларки, икки тўй бир бўлур.

**С а й и д х о н** (*ошиқиб.*) Нучук, қандай жоним, тез айт, сабрим қолмади!

Санавбар. Хуррият, хуррият, хуррият! (*Фойиб бўлади.*)

Сайидхон (*тездан ўзгариб, ўйланиб*). Оҳ, хуррият, хуррият! (*Эшикка қараб.*) Санавбар, Санавбар! (*Халққа қараб бош силкиб.*) Йўқ, хаёл! Бу хаёл (*бир оз туриб*), йўқ энди хуррият, хуррият, хуррият! Албатта хуррият замони келди. (*Шодланиб.*) Оҳ, оҳ, бу менинг сўнгги минутларим шекилли, ҳеч кимга муяссар бўлмаган бир нидойи ғайбни ўлмасдан илгари эшитаман. Ҳақиқий маъшуқанинг келиш хабарин мажозий маъшуқа оғзидан эшитаман. Оҳ, миллионларча Сайидхонларнинг бўғзиларини қизил қон ва жасадларин қора тупроққа ниҳон қилган ва бир шева ва қарашмасоз хуррият! Оч юзингники, умумий башар истибдод қўлида харобатга учради. Оҳ, хуррият, хуррият!

Йиқилади, солдат ҳар тарафга юриб туради. Бу тарафда начальник келиб курсига ўтириб, дафтарлар орасидан бир хат олиб турар-да, сўзлар.

Начальник. Дунёда менинг бир орзум бўлса, бир революционерни ўз қўлим билан отиб ўлдириш ва унинг типирлаб жон бермоғин кўзим билан кўриш эди. Афсуски, қўлга тушди на чора? Тегишлик ерига юборишга тўғри келади! (*Чиқар-да, турмага кирар.*)

Сайидхон (*бошин сал кўтариб.*) Холмат, Рустамжон ака!

Начальник. Ҳой аблаҳ, бошингни кўтар!

Сайидхон. Оҳ, золим! (*Қийналиб кўтарар.*)

Начальник (*хатни ўқиб*). Хуқандлик Сайидхон Мирзабой ўглининг: Хуқанд начальнигининг тафтиши ва ҳукумат шпионларининг шаҳодатича, ҳукуматга қарши бир киши эканлиги ҳақиқат бўлиб чиқди. Подшоҳ ҳукумати қонунининг 181-нчи рақамли моддасига биноан агар ўзининг ўрнига ақлли икки кишини кўрсатиб, ўз ишига тавба қилиб, ҳукумат ишига киришмаган чоқда отилиб ўлдирилажакдир.

Сайидхон сукут қилар.

Мана, сенинг ҳақингда қарор шул. Агар сен Хуқандда ўзингдан бошқа, подшоҳга қарши кишиларни бизга билдиришни ўз устингга олиб ҳамда ўзинг аҳранлик вазифасини ўтаб турсанг, шу вақтда ўлимдан қолиб, подшоҳнинг энг яқин кишилариндан бўлурсан, бўлма-

са, ҳозир арстантний вагон вокзалда сени кутиб туради. Ҳайлаб жавоб бер.

С а й и д х о н. Оҳ, золимлар! Сиз мени виждонсиз, номуссиз деб ўйлайсизми? Йўқ, йўқ, ажал қошинда эканман, энди очиб айтайки, мен ҳақиқий инқилобчи, биргина бу мустабид Николайнинг эмас, бутун ер юзидаги империалист ва капиталистларнинг ришталарин қирқиб ва уларнинг вужудларин бечора меҳнаткаш халқ ясаган жаҳаннам машиналарида ёндириб (*аччиқ ила юруб*) кулларин кўкка совурмоқ учун ҳақиқий яратилган бир ишчман, шуни билинг? Сайидхон сиз каби олчоқ, виждонсиз, палид яратилган бир жасад эмаски, ўз кайф, роҳатининг тўртдан бир ҳиссасига дармон бўла олмаган бир ҳиссасини кўмишга пок виждонини сотсин-да, тазаллум зиндонда менинг ўзим каби суришиб ётган мазлум миллатларни ёруғ дунёга чиқариш йўлида жонбозлик кўрсатиб юрган ҳақиқий инсонларнинг бўғизларин сизнинг нопок ханжарларингизга таслим эта берсин. Оҳ, золимлар ташланг бу хаёлни. Биз хоин эмас, биз идеясини сотувчи мурдор эмас, биз оз бўлсак-да, бу пок ҳақиқий маслагимиз ғалаба қилиб сизларни бир кун дунё юзидан маҳв этар!

Н а ч а л ь н и к. Бас, бас, мен сенга насиҳат қил дегадим. йўқ, ажал қошидасан. Сенга мен раҳм қилиб ўлимдан қолиш чорасин гапирдим. Мендан бошқа киши бўлса, ҳали терингга сомон тикқан бўлур эди. Ҳайлаб сўзла! Тавба қил!

С а й и д х о н. Айтдим-ку, палид мурдор! Менинг дунёда истаган энг бахтли соатим бўлса, мана, мана шундай дақиқаларда сендек палидларнинг юзига тилагимни сўзлаб, ҳуррият йўлида жон беришдир. Олчоқ, кет, кўзимдан йўқол! Охират жаҳаннамини келтириб мени ёндирсанг ҳам, бу пок маслагимдан қайтмайман. Оҳ, муборак ўлим!

Н а ч а л ь н и к (*эшикни очиб*). Солдат, кир ичкари!

Солдат кирар, начальник команда берар. Солдат милликни ҳозирлаб Сайидхон кўкрагига тираб турар.

Энди ҳозир сени шундай саранжом этмоққа ҳам ҳақим бор. Лекин саводли киши кўринасан. Шерикларингни айтмасанг ҳам, ўз ишингдан қайт. Охранка хизматини қилишни устингга ол.

С а й и д х о н. Мақсадимга эришдим. Муборак

ўлим! Мен бугун истибдод қурбониман. Бугуннинг эртаси бўлмасми? Бўлур.

Н а ч а л ь н и к. Раз! (*Тўхтаб.*) Ҳайвон ўғли, ҳозир бўл, умрингдан икки минут қолди, қайт бу инқилоб йўлидан!

С а й и д х о н. Мен ҳозирман. Иблис ўғли, таъхир қилма, бер фармонингни!

Н а ч а л ь н и к. Два! Хой, жонининг қадр-қиймати-ни билмаган жоҳил! Умрингдан бир минут қолди. Бир фармонлик ишинг қолди, қайт. Кўп марҳаматларга эришасан.

С а й и д х о н. Дедим-ку, мурдор! Сендан кўпроқ мен ажални кутиб тураман (*халққа*), оҳ, ширин ажал! Бизнинг бу томчи қонларимиздан тезда қизил гиёҳлар ўсиб чиқар, аминманки...

Н а ч а л ь н и к. Три!

С а й и д х о н. Раббим! (*Сукут.*)

Н а ч а л ь н и к (*тепиб юбориб.*) Энди сенга қулоқ солувчи бир киши йўқ. (*Чиқарлар.*)

С а й и д х о н. Оҳ, золим! (*Йиқилиб ётар.*)

Начальник ўтиб, концелярияга кириб, хат ёзмоққа бошлар.

Қосимжон кирар, честь берар-да, кўришарлар. Начальник жой кўрсатар, ўтирмасдан сўзга кириб.

Қ о с и м ж о н. Господин начальник, ҳозир менга бир кўриб чиқиш учун рухсат беринг!

Н а ч а л ь н и к. Мен сизга айтдимки, рухсат йўқ, ҳозир мен уни арест вагон билан жўнатаман, фармон шул.

Қ о с и м ж о н. Бу қандай тазаллум? Сиз биргина қўрбошини ёзган ёлғон хати билан бир кишини ҳақиқат қилмасдан шу ҳолга соласизми?

Н а ч а л ь н и к. Бизнинг қўлимизга топширилган қоғоз городской начальник ҳамда тафтиш комиссия тарафидан юборилган ишончли қоғоз билан ҳақиқат қилиниб ўтган. Энди сизнинг законингиз билан бузуларлик ҳол йўқ.

Қ о с и м ж о н (*тўппончасини ушлаб*). Тағин нима десам экан?

Н а ч а л ь н и к (*қочиб туриб*). Значить, сиз ҳам Сайиднинг бирими?

Шу топда бир солдат қўлида бир қамчи югуриб ўтар. Иккингизни баробар юборишга тўғри келади.

Солдат кириб честь бериб.

Солдат. Господин начальник, йўлда ҳамма рабочий халқ, железная дорога ишчилари байроқ кўтариб келаётирлар. Революция бошланганга ўхшайди.

Начальник. А-а, нима? Тўғрими?

Солдат. Балли.

Қосимжон отар, начальник йиқилар, солдат қочар. Сайидхон чучиб қулоқ солар. Ванка бошлиқ рабочийлар югуриб келадилар.

Қосимжон Николайнинг сувратин начальникнинг бошига урар.

Шу вақтда интернационал ҳавоси оҳиста-оҳиста эшитилади.

Қосимжон рабочийлар билан ўтиб кетиб, ўхтин-ўхтин милтиқ овози келиб турар. Музыка, бу тарафдан Сайидхон чўчиб бош кўтариб музыкага қулоқ солади.

Сайидхон. Оҳ, бу қандай ҳазин товуш? Музыка, қаттиқроқ. Оҳ марсельеза, марсельеза, ҳуррият, ҳуррият! Яшасин ҳуррият, оҳ ҳуррият, инқилоб! Оҳ, кўрдим, кўрдим, шукур, ҳуррият, ҳуррият!

Музыка, милтиқ сусланир. Музыка, халқ байроқ билан кирар, милтиқлар отилар. Тўпланурлар-да, турма эшигин очиб, Қосимжон, Аҳмаджонлар кирарлар. Қосимжон Сайидхонни қучоқлаб.

Қосимжон. Оҳ, Сайидхон, ҳуррият, муборак бўлсин!

Кўтаришадилар-да, олиб чиқиб ўртага тўн солиб ётқизадилар.  
Сукут.

Сайидхон (*Қосимжонга*). Кўзимга қизил байроқни келтир! (*Қосимжон қизил байроқни энгаштириб юзига келтиради.*)

Қосимжон. Муборак бўлсин, Сайидхон!

Сайидхон (*байроқни юзига суртиб ўлим ҳолда*). Шукур. Шукур мен энди розиман. Оҳ, ажал!

Қосимжон ва Аҳмаджон. Сайидхон, сенга нима бўлди? Ҳой Сайидхон, Сайидхон!

Сайидхон бир кўтарилиб жон берар.

Қосимжон. Оҳ, жоним оғам! (*Қучар, қизил байроқни устига ёпар.*)

Қосимжон. Уртоқлар! Бу қандай қурбон? Кимлар учун қурбон?! Миллиард сўмларга арзийдиган томчи-томчи қийматлик қонларини сизу биздек оғир ҳолда

яшаган меҳнаткашлар учун фидо қилган ҳақиқат қурбони! Бизнинг бу қонларимиздан суғорилган бу қизил гулшанлар бошқа заҳарлик ўланларни ўстиргани қўймас. Кўзингизни очинг! Биз бу қурбонларни шодлик билан берганимиз учун, кўрасизми, мукофотига мана бугун меҳнаткашларнинг бу қизил байроғини ер юзига абадий тикамиз. Кўтаринг, бу ҳақиқат шаҳидини мангу роҳатга кузатайлик! (*Кўтаришадилар.*) Абадий роҳатда яша, Сайидхон! Унвонинг дунёда қолар. Ҳар ерда сенинг исмингни ёд қилгач, халқ эҳтироминг учун оёқ узра турар. Яшасин мазлум меҳнаткашлар учун жонини қурбон қилган фидокорлар! Яшасин сенларнинг қонларинг билан суғорилган қизил байроқ!

Байналминал марши чалинади.


Парда тушар.



---

# ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ

---



*2 ПАРДАЛИК КОМЕДИЯ*

*1918 йил*

Қ А Т Н А Ш У В Ч И Л А Р

Қ о с и м ж о н — ўқимишли йигит, 26 ёшда.  
Ф о т и м а — ўқимишли хотин, 20 ёшда.  
А к б а р а л и — хизматкор, 15—16 ёшда.  
И м о м д о м л а — маҳалла имоми, 55 ёшда.  
С у л т о н п я н и с т а — 35 ёшда.  
М и л и ц и я, қ о р о в у л л а р.



## БИРИНЧИ ПАРДА

Саҳна кўриниши: боғ манзраси, бир тарафи уйга кирадиган эшик, боғнинг бир ёғи панжара, ўртада панжара эшик. Стол қўйилиб, Фотима чой ичиб ўтирган ҳолда парда кўтарилар.

**Ф** о т и м а. Чой ҳам совиб қолди, Қосимжондан бўл-  
са ҳали ҳам дарак йўқ. (*Уйлар.*) Еки бирор иши  
чиқиб қолдимикин? Акбарали ҳам сувга кетиб ҳо-  
зиргача келмади. (*Панжара олдига бориб чақирар.*)  
Акбарали! Ҳо, Акбарали! (*Яна ўрнига келиб ўтириб.*)  
Шу кунларда Қосимжонга бирор нарса бўлганга ўхшай-  
ди. Чунки ҳар бир сўзда қовоғини солиб гапирди. Бун-  
дан илгари жуда хушфезъл эди, чунки театрларга, карти-  
наларга зўрлаб олиб борар эди. Қанча ишим бор, десам  
ҳам, ҳеч қўймасдан олиб бориб тамошо қилдириб келар  
эди. Ҳамда ҳар бир сўзида кулиб муомала қилар эди.  
Ҳозирда бўлса театрга олиб бориш у ёқда турсин, ҳар  
бир сўзида заҳрини сочиб гапирди. Билмайманки, ўрта-  
да нима иш ўтди экан. (*Уйлар.*) Ҳеч бир сўз ўтгани йўқ.  
Уф... Акбаралига нима бало бўлди, бир ярим соатча бўл-  
ди, дараги йўқ, ё ҳовуз-повузга тушиб кетдимикин?  
(*Панжара олдига бориб.*) Акбарали, ҳо Акбарали! Да-  
раги йўқ. (*Ўрнига келиб ўтириб.*) Еки Қосимжон бирор-  
та кишидан менинг тўғримда ишончсизлик сўзлар эшит-  
димикин? Ундай десам менинг тўғримда бирорта сўз  
эшитган тақдирда ўзимга айтса керак эди. Чунки биз-  
нинг ҳаётимизда бир-биримиздан сўз бекитиш бўлган  
эмас. Қўйе!.. Бу хилда ўринсиз сўзларни ўйлаб ўтиргун-  
ча чойимни ичсам-чи! (*Чойни ича бошлар.*)

Шу чоқда Акбарали қўшиқ айтиб, кўзани кўтариб кела туриб,  
қоқилиб тушар.

А к б а р а л и. Ая-чи, ҳалиги-чи, мен кўзани сувга тўлдириб энди кўтарай деб турсам ҳалиги, чийнинг орқасида имом поччам билан у Султон пияниста бор-ку, ундан кейин, «Қосимжоннинг хотини...» деб гапириша беришди, ундайкин...

Ф о т и м а. Ҳа, тезроқ гапир! Нима дейишди, ахир! Мунча гапингнинг ичида «ҳалиги, ундайкин» дейсан тўғри, гапир!

А к б а р а л и. Ундайкин, ҳалиги Султон пияниста айтадики, «Жаноб домилла, шу ҳэлиги Қосимжоннинг хотинига хушторман, шуни бир илож қилиб беринг» деди. «Неча вақтлардан бери хат ёзиб киргизсам ҳам хатимга ҳеч бир жавоб бермайди» деди. Ундайкин, ҳалиги домла поччам айтадиларки, «Бўйингдан айланай, Султонхон, биз ҳам ўша маҳбуби жононнинг ишқларида куйиб юрмоқдамиз, лекин ҳеч иложини тополмаётирмиз» дедилар... Ундайкин, ҳалиги Султон пияниста айтадики, «Икковимиз ҳам бир дардга мубтало бўлибмиз. Энди шундоқ қиламизки, ҳалиги Қосимжон уйига келадиган вақтни пойлаб туриб, йўлда тўсиб, ёлғондан айтаманки: «Мулла Қосимжон! Сизнинг хотинингиз сал бежо юрадиган бўлибдир. Қундуз куни, сиз йўқ вақтларингизда бир-икки одамлар келишиб анча-анча ўтиришиб чиқиб кетади, сиз билмайсиз», дейман, шу вақтда сиз ҳам менинг сўзимга қўшилиб ёлғондан бўлса ҳам, у деб, бу деб ёмонлайсиз, ана ундан кейин Қосимжон хотинини қўйиб юборади» дейишди. *(Акбарали чиқар.)*

Ф о т и м а. Мана, мен айтмадимми! Қосимжоннинг бу хилда юришида бир гап бор, деб. Мана шундақа ювуқсизларнинг гапига ишониб, йўқ нарса учун билмасдан хафа бўлиб юрадимми? Бундай ўз нафсларига берилган зотлар бировнинг ҳалол хотинига кўз тикиб, ҳаётда ҳеч бўлмаган ёлғон сўзларни қилиб, ширингина бир турмушни бузмоқчи бўладилар. Шу хилдаги жоҳил кишилар қачон йўқ бўлар экан? Мана, неча йиллардан бери ўқиб келган имомдан чиққан сўз шуми! Хув... домилла бўлмай ўл! Шошмай тур, сенларга бир жазо берайки, бошқа сенга ўхшаган диёнатсизларга ҳам ибрат бўлсин. Чунки, мендан бошқа очилган хотин-қизла-

римизга ҳам ёлгон туҳмат юклашлари мумкин... Қосимжон ҳалигача келмади-ку?

Шу ҳолда Қосимжон кирар.

Келинг, мунча кеч қолдингиз! Сизга қараб ўтириб чой ҳам совиб қолди. (*Бориб Қосимжоннинг пальтосини олмоқчи бўлади.*)

Қосимжон (*пальтосини олдирмасдан*). Сиз энди мени кеч қолиш-қолмаслигимни суриштирмасангиз ҳам бўлади. (*Пальтосини ўзи илиб қўйиб.*) Уҳ!.. Менинг бахтим қурсин.

Фотима. Ҳа, бахтингизга нима бўпти, ё менинг тўғримда бирор гап эшитдингизми? (*Қосимжоннинг олдига келиб елкасига қўл солар.*)

Қосимжон (*Фотиманинг қўлини олиб ташлаб*). Эшитдимми-эшитмадимми, ҳар ҳолда бундай бўлишини кутмаган эдим.

Фотима. Ҳа, гапиринг нима бўлипти?

Қосимжон. Нима бўлар эди, мен шу кунларни аввалдан ўйлаб сизга неча марта айтган эдимки, ҳеч сизни суйганларингиз борми, яна бизни турмушимизга бирор халал ета турган бўлмасин, деб, бу тўғрида неча бор хатлар ҳам ёзишган эдик. Бунга жавобларингиз ҳам ваъдаларингиз бор, хотирингизга келадими, ўйлаб кўринг-чи!? (*Бошини ушлаб.*) Уф ҳақиқатда хотинларни очиш ҳамоқатлик экан, аттани, мен билмаган эканман!

Фотима. Хўш, сўзланг ҳеч нарса қолмасин!

Қосимжон. Бундан ортиқ нима сўзлай, бутун воқналар ўзингизга маълум бўлса, тагин нима лозим? Эндиликда бундан ортиқ сўзларни севганларингиз гапирса керак. Балки улар сўзга мендан кўра устарақдир.

Фотима. Жоним, сиз бўлмаган сафсата гапларга ишониб, умрлик бир рафиқангизга аччиқ қиласиз. Олдин бир нарсага яхши тушуниб олинг, сўнгра аччиқ қилсангиз мумкин. Бўлмаган сохта далиллар билан гапирувчи ифлосларнинг сўзига кириб бу хилда қилиш яхши эмас. Ўзингизга маълум, шу вақтгача сиздан сўрамасдан бирор жойга бордимми? Ёки бирор киши билан сўзлашдимми? Бу сўзларнинг ҳаммаси бўлмаган сўз. Эҳтимол, иккимизнинг орамизга ифво солиб, ширингина турмушимизни бузмоқчи бўлсалар. Бу тўғрида Акбаралининг ҳам хабари бор.

Қосимжон. Сўзингиз тўғри, лекин Акбарали бўлса сизнинг тарбиянгизда ўсган, сизнинг гапингиздан чиқмайди, шунинг учун унинг гапига ишонишлик мумкин бўлмайди.

Фотима. Жоним, сиз ҳақиқатга тушуниб, сўнгра хафа бўлинг. Агарда бундай пуч гапларга ишониб, суриштирмасдан иш қилсангиз, охириги вақтларда пушаймон бўласиз, чунки мен бу тўғрида ҳақман.

Қосимжон. Қўйинг, мен бундай тилёглама сўзларга энди ишонмайман. Кўп гапириб, менинг юрагимни сиқманг. Бундан кейин иккимизнинг ҳам турмушимиз инсонлар ҳукмидан чиқиб кетмаслиги учун ўзингизни мендан бўшатишлик чорасини кўринг, чунки бундан кейин мен сиз билан турмуш қилолмайман.

Фотима. Бу нима деган сўзингиз? Мендан ўзингизни ажратиб олинг, дейсизми? Йўқ, бу хилда хаёлларни ўйламанг. Ҳеч вақт мен сиздан ажралмайман. Қуруқ сўзлар билан мени ўзингиздан совутманг.

Қосимжон. Бундай қилиб мени қийнаманг. Жаҳл устида оғзимдан бирор ёмон сўз чиқиб кетади. У вақтда кўнглингиз оғрийди, қўйинг, эрталарга сўзлашармиз. *(Кетмоқчи бўлар.)*

Фотима. Хўп, майли. Бўлмаган нарсага ўзингизни ўзингиз қийнаб юрсангиз, ахийри уялиб қоларсиз, чунки бу тўғрида мен гуноҳкор эмасман. Вақти билан оқибати сизга очиқ маълум бўлиб қолар. У вақтда туҳматчилар жазоларини кўрарлар.

Қосимжон. Кўрамиз-да... *(Эшикни қаттиқ ёпиб, чиқиб кетар.)*

П А Р Д А.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Саҳна иккига бўлиниб, бир тарафи Қосимжоннинг ўйи, иккинчиси қазноқ бўлур. Уйда кровать, стол, стул, қалам, қоғозлар бўлар. Қазноқда эса бир дона эски гилам ёки кигиз бўлар.  
Ерда ўтин, эски маҳси ҳам ун соладиган сандиқ.

Фотима (*хатни ёзиб бўлар, ўқир*). «Жаноб домла, бирдан мени безгак тутди. Агар малол келмаса, бир келиб менга дам солиб қўйсалар, деб мухлисингиз Фотимахон». Шошмай тур, сени бир ростлайки, дунёга келганингга юз пушаймон қил!..

Қўнғироқ чалар, Акбарали кирар.

Акбарали. Ая, мени чақирдингизми?..

Фотима. Ҳа! Бу ёққа кел. Мана бу хатни олиб бориб домла поччангга бериб, дарров боринг экан, дегин, тузукми?

Акбарали. Ая, бу хатда нима бор?

Фотима. Сен элтиб беравер. Бунинг тамошосини кейин кўрасан.

Акбарали. Эй ая, бу ерда тамошо бўлади дейсизми, қанақа тамошо бўлади?

Фотима. Кўп гапирма, кейин биласан. Бор, тезроқ бор. Поччанг келиб колмасин, домла поччанг мени сўраса, тоби йўқ, дегин, бошқа сўз айтма. Тушундингми?

Акбарали. Ҳа, ая, тушундим... Ая, поччам билсалар, нима бўлади? Ая қачон тамошо бўлади?

Фотима. Ҳа, бор... тезроқ, ҳалиги гаплар эсингдан чиқмасин. Дарров кел, яна хатни берганингни биров кўрмасин.

А к б а р а л и. Хўп... (Чиқиб кетади.)

Ф о т и м а. Утириб яна хат ёза бошлар. Ёзиб бўлиб.)  
«Муҳтарам Султонхон. Мен сиз билан неча марта кўришаман деб ҳаракат қилсам-да, ҳеч бўлмади. Сизнинг дардингизда мен ҳам ёнмоқдаман. Нима қилайки, бизнинг муҳаббатимизнинг ўртасига тикан бўлган Қосимжон бўлмаса эди, аллақачон етишган бўлар эдик. Бу кун бошимга ҳар бало келса ҳам сиз билан учрашмоққа қарор бердим. Агар қўлингиз бўш бўлса, эски муомилани ёдингиздан чиқариб, менинг ҳузуримга келиб, хурсанд қилсангиз, чунки бундан сўнг кўрмасдан турмоққа тоқатим йўқ. Сизнинг ёзган бир неча мактубларингизга жавоб бермаганим ҳам Қосимжондан кўрққанымдан эди. Шунинг учун мени кечирасиз. Албатта, соат тўртларда келишингизни кутаман. Қосимжон уйда бўлмайди. Илтижо ила сирдошингиз Фотимахон». (Хатни конвертга солиб.) Аҳмоқ пианиста, сени шундай қилайки, оламда ҳеч бир бош кутариб юролмагин. (Эшикка қараб.) Акбарали ҳали ҳам кела қолмади. Нима бўлди экан?!

А к б а р а л и кирар.

Ҳа, бунча кечикдинг?

А к б а р а л и (кулар). Ая-чи, домла поччам мачитнинг ҳужраси олдида ўтирган эканлар. Хатни бериб, дарҳол боринг, дедим. Ая, қачон тамошо бўлади?

Ф о т и м а. Ҳа, шошилма, кўрасан. Ма, бу хатни Султон пианистага обориб бергин. Поччанг тўғрисида гап сўраса билмайман дегин, тузукми?!

А к б а р а л и (хатни олиб). Хўп. (Чиқиб кетар.)

Ф о т и м а. Ҳали қараб турсин, бу аҳмоқларни алдаб бу ерга қамаб қўйиб, Қосимжон келгандан кейин бир жазосини бердирмасам, бўлмайди. Менга шунча озор бериб, эримнинг олдида мени бузуққа чиқармоқчилар. Очилган хотин-қизларимизнинг чин турмуш қурувчи ҳам соф кўнгилли эканликларини сенлар каби микробларга кўрсатиб, шундай шарманда қилайки, ҳеч бир бўлмасин. Сенлар ўйлайсанки, қайси бир хотин-қиз очилса бузилиб кетади, деб. Пўқ, бу хилда номуссиз ишларни қилишга қанча очилсак ҳам номус қиламиз. Сизлар каби ифлосларнинг йўлига ҳеч бир вақт юрмаймиз. (Бориб кроватни тузатиб ётмоқчи бўлар.)

Шу вақтда А к б а р а л и бирдан шошилиб кирар.

А к б а р а л и. Ая, ая! Домла поччам келаётибдилар, кираверсинларми?

Ф о т и м а. Тўхта, сен домла поччангни бу ерга киргизиб юбориб, ўзинг қўнғироқнинг олдида ўтир. Бирпасдан кейин мен қўнғироқ бераман. Сен югуриб келиб «Ая, поччам келдилар» дейсан, сўнг чиқиб кета берасан, тузукми?

А к б а р а л и. Тузук.

Ф о т и м а. Ҳа, бор! (Фотима ётар.)

А к б а р а л и чиқар. Д о м л а кирар.

Д о м л а. Ассалом алайкўм, ҳа, оймтилла, қалайсиз? Бир оз тобим йўқ деб ёзибсиз, нима бўлди, оймпошша?

Ф о т и м а. Келинг, домла почча! Бемалол бўлса ана шу турган стулни менинг яқинроғимга қўйиб ўтиринг.

Д о м л а. Э пошшоҳон, нима бўлди? (Стулни олиб ўтирар.)

Ф о т и м а. Тақсир, жанобларидек улуг зотларнинг қадри-қимматларини билмас эканмиз-да! Даркор бўлар эканлар, бизнинг гуноҳимизни кечирасиз-да, тақсир!

Д о м л а. Йўқ, йўқ, пошшаҳон! Камина неча йиллар мадрасаларда риёзат чекиб мана шундай оймпошшаҳонларга даркор бўлар эканмизми деб ўқиганмиз-да? (Яқинроқ бориб.) Хўш, пошшаҳон, нима бўлди, қарингиз оғрийди? Пошшаҳон, Қосимхон қайдалар, келиб қолмайдиларми?

Ф о т и м а. Йўқ, тақсир, баҳузур ўтира беринг, ҳали келмайди.

Д о м л а. Ҳа, ҳа, қуллуқ, қуллуқ пошшаҳон. Қани, айтингчи, қайси жойингиз оғрийди?

Ф о т и м а. Уф, қани менда тил, тақсир, айтсам. Айтсам мени ҳеч жойим оғримайди, фақат ишқ дарди бор, уф!..

Д о м л а. Хўш, пошшаҳон, қандай муҳаббат? Гапиринг-чи?

Ф о т и м а. Э тақсир, мен бу Қосимжонга тегмасдан илгари, бир-иккита севганларим бор эди. Шулар билан суҳбат қилиб юрар эдим. Лекин бу Қосимжонга текканимдаң кейин ҳеч бири билан гаплашишга қўймайди,

кошки бирор жойга ўзим ёлғиз чиқсам-у, улар билан кўришиб, вақтимни чоғ қилсам. Қосимжон мени ҳеч ёққа чиққани қўймайди, қачон бўлса ўзи билан бирга олиб юради. (*Шу ҳолда домиланинг ранги ўзгаради.*) Бир киши билан юрсанг, сўзлашсанг, сени ўлдираман, деб қўрқитиб қўйган. Менинг юрагим ўйнайдиган бўлиб қолган. Мана, мана юрагимни ушлаб кўринг.

Домла қўлни Фотиманинг кўкрагига қўяр.

Домла. Оббо золим, қонхўр-эй!

Фотима. Энди, тақсир, шунинг иложини қилмасангиз бўлмайди, мен ўламан.

Домла. Ойимпошша, бунинг иложини биз қиламиз, иншоолло, жойлаймиз. Аммо, ойимпошша, бизнинг ҳам бир илтимосимиз бор, қабул қиласизми?

Фотима. Майли, майли, домла, илтимосни қабул қиламан.

Домла. Мен сизни эрингиздан совутаман, кейин сизни қўйиб юборади-да, сиз ўз хоҳишингизча ўйнай берасиз...

Фотима. Бунинг учун нима қилиш керак?

Домла. Совутмоқ учун бир қанча нарсаларга дам солмоқ керак, айниқса, чойга, қандга, ундан кейин бир банд қилиб бераман, эрингиз ётадиган жойга қўясиз.

Фотима. Ҳозир шуни қилиб берасизми?

Домла. Йўқ, бунга бир-икки кун ўқиш керак, бунга мен кечаси дуо ўқиб чиқаман. Бунга бир оз нарса керак бўлади; чунончи: тоғ эчкисининг туёғидан, чор гўристоннинг тупроғидан, шунга ўхшаш нарсалардан, ойимпошша, яъни қудуқ сувидан.

Фотима (*звонок бериб*). Тақсир бу нарсалар эртага топилади-да?

Домла. Ҳа, ҳа, ойимпошша, бунинг ҳаммасини ўзимиз топамиз-да!

Акбарали. Ая, ая, поччам келдилар.

Домла (*шошиб.*) Астаффирулло, нима бало бўлди?

Фотима (*ҳайронликда*). Шўрим қуриди менинг, нима қиларкин, агар билса худди отиб ташлайди.

Домла. Вой, мен ҳали-бери келмайди деб ўйлаган эдим. Ойимпошша, бир илож қилинг!

Фотима (*домланинг қўлидан ушлаб*). Энди, тақсир, айбга буюрмайсиз, мен Қосимжонни ҳали-бери келмас деб сизни чақиртирган эдим. Эҳтимол бирор иш



билан келгандир, тездан кетади, то кетгунча сизни бирор ерга беркитиб тураман, тузукми?!

Д о м л а. Хўп, хўп, ойимпошша, ҳар нарса бўлса ҳам шарманда бўлмайлик-да.

Ф о т и м а. Қани юринг. (*Қазноққа олиб кириб бир эски кигизни кўрсатиб.*) Тақсир, мана шунинг тагига кириб турасиз-да.

Д о м л а. Хўп, хўп, ойимпошша, бирор ердан чиқариб юборсангиз бўлмайдими?

Ф о т и м а. Йўқ, тақсир бўлмайди, сиз иситма-совутмани қилиб бериб кетасиз, ўзим чиқариб юбораман.

Д о м л а. Хўп, хўп, ойимпошша, тезроқ бўлсин-да!

Ф о т и м а (*қазноқдан чиқиб*). Аҳмоқ, сенинг бир жазонгни берайки, қараб тургин!

А к б а р а л и (*кирар*). Ая, заб бопладимми?! Домла, домла поччам қанилар?

Ф о т и м а. Секин... домла қазноқда, эшитиб қолмасин!

А к б а р а л и. Ая, тамошо қачон бўлади? Мен кўраманми?

Ф о т и м а. Вой йигит ўлгур, ишингни қил! (*Фотима, Акбарали чиқар.*)

Д о м л а. Астафидулло, жуда нафасим қисилиб кетди-ку, Қосимжон ҳам жуда кўп ўтириб қолдилар шекилли! Ёлгон дуохонлик қиламан деб 3—4 пуд тупроқлик кигиз тагида қолдим; э худо, ўзинг асрагин! Шошмай тур, туриб кўрай чи, бирор ердан чиқиб кетишининг иложи бормикин? (*Эшикнинг олдига бориб, бир нарсага қўли тегиб кўрққандай бўлиб.*) Лоҳовло валоқуввато, илло, биллоҳил Алиюл азим. (*Кигиз тагига кириб кетиб, бир оздан кейин.*) Эй ман нимадан кўрқдим, ҳеч ким йўқ-ку, ёки мен жинни-пинни бўлдимми! Менинг ўзимнинг қўлим-ку! (*Эшикнинг олдига бориб.*) Оббо, эшик ҳам берк экан. Энди нима қиламан-а? Ҳа, бир оз сабр қилмоқ керак, чунки «Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар» деганлар. Ҳурматли китобларда айтадилар, «Сабрлик худонинг ояти, сабрсизлик шайтоннинг сифати», шуларга амал қилиб, бир оз сабр қилмоқ керак.

Шу ҳолда уй эшиги очилар, домла кигиз тагига қочар.

Ф о т и м а. Марҳамат, марҳамат, келаверинг! (*Олдинда Фотима, кейинда Султон келурлар.*) Қани ўтиринг.

Султон. Раҳмат (*Утирар.*) Қосимжон келиб қолмайдиларми?

Фотима. Йўқ, у мажлисга кетган, ярим кечасиз келмайди. Энди, Султонхон, ўзингизга маълум, мен шу Қосимжонни ҳеч бир ёқтирмайман, мени олгандан кейин, агар сен бирор киши билан юрсанг ёки гапиришсанг, сени ўлдираман, деб қўрқитиб олган. Шунинг учун ҳеч бир киши билан сўзлашмасдан сил бўлишга яқин келдим. Энди бундан кейин Қосимжонни кўрмакка тоқатим қолмади.

Султон. А, баттол золим-э. Эрингизнинг ўзи ҳам жуда ёмон-да.

Фотима. Шундай. Энди мен сиздан бир нарса сўрайман, сиз тўғри жавоб бера оласизми?

Султон. Нима экан, сўрайверинг, жавоб бера оламан.

Фотима. Сиз мени яхши кўрасизми, ё йўқми?

Султон (*туриб*). Албатта, яхши кўраман. Сизчи деб ақлимдан озаёздим.

Фотима. Шундайми? Бўлмаса бир ишнинг уҳдасидан чиқмайсизми?

Султон. Албатта, чиқаман, жоним керак бўлса ҳам бераман.

Фотима. Бўлмаса, сиз мени бирорта шаҳарга олиб кетинг, икковимиз шу Қосимжондан қутулиб, роҳатда яшаб юрайлик. Агар бу ердан кетмасак, ҳеч роҳат қилиш мумкин эмас.

Султон. Бу сўзингиз тўғрими? Кейин тагин сўзингиздан қайтманг?!

Фотима (*ўрнидан туриб, қўнғироқ олдига бориб қўнғироқни бериб*). Сўзингиз қизиқ, ўзим сўз бераман-да, тагин сўзимдан қайтаманми?

Ақбарали. Ая, эя, поччам келиб қолдилар. Келаверсинларми?

Фотима. Гўрда келаверсинми?!

Султон. А, нима дейсан? (*Стул тагига беркинмоқчи бўлар.*)

Фотима. Йўқол, поччангга айт, кирмай турсин.

Ақбарали. Хўп. (*Чиқиб кетар.*)

Фотима. Мен уни ҳали-бери келади деб ўйламаган эдим, балки бирорта зарур ишда келгандир, ҳозир қайтиб кетса керак. Унгача сиз мана бу уйга кириб турасиз-да. Албатта, айб қаторига қўшмайсиз-да.

Султон. Майли, тезроқ чиқариб юборасиз-да.  
Фотима. Хўп-хўп. *(Қазноққа кириб кетар.)*

Акбарали кириб Султоннинг қилган қилиғини қилар,  
Фотима қайтиб чиқар.

Акбарали. Ая, заб бопладимми?  
Фотима. Секинроқ, кўп гапни чўзма.

Қосимжон кирар, Акбарали чиқар.

Қосимжон. Уф, нима иш қилсам кетга қараб кетади, холос, менинг бахтим қурсин.

Фотима. Ҳа, бахтингизга нима бўлибди?

Қосимжон. Нима бўлар эди? Акбарали, ҳо Акбарали!

Акбарали. Ҳа, нима дейсиз, почча?

Қосимжон. Самовар қўйдингми?

Акбарали. Бу ердаги ғалати ишлар билан чой қўёлмадим!

Фотима. Бор, кўп гапни чўзма, самоварни қўй!

Акбарали чиқиб қазноққа кирар.

Акбарали. Самовар қўй, деб пописа қилади. На ўтин бўлмаса, на ўтинни ёргани тешаси бўлмаса, нима қиламан? *(Ўтичдан олиб домланинг устида синдирар, ҳар синдирганда домла «астағфирулло» дер, бирдан чоругни кўриб қолиб.)* Вой чоругим-э, сен шу ердаминг, тоза чанг босиб қолибди-ку?

Султон ётган жойга бориб чангини қоқар. Шу вақтда Султоннинг бошидаги телпаги тушиб кетар.

Э бу кимнинг телпаги, ё поччамнинг телпагими, олиб чиқиб бир кўрсатай-чи? *(Югуриб чиқиб.)* Почча, почча, мана бу сизнинг телпагингизми? Анави қазноқда ётган экан.

Қосимжон. Қани, олиб кел-чи. *(Кўриб туриб хат топиб олиб ўқир.)* Ҳа-ҳа, одамлар ҳам бекорга айтмас эканлар-да... Мана севганлари келганда беркитиб қўйган вақтларида телпаклари тушиб қолибдир.

Фотима. Таажжубнинг вақти эмас, бориб милиция олиб келинг. Мен ҳар иккала тухматчиларни бу ерга қамаб қўйдим, тез бўлинг.

Қосимжон. Ростми? *(Милиция айтгани Акбарали иккови кетар.)*

Фотима (қазноққа кириб). Тақсир, иситма-совут-ма қилиб бериб кетасиз-да.

Домла а. Ҳов-ҳов. Кетди дедиларми?


Фотима а. Ҳозир кетади. (Қайтиб чиқар. Милиция, қоровуллар кирар, қазноқдан домла билан Султонни олиб чиқар. Султоннинг бутун усти-боши ун.)

Қосимжон. Э турмуш қузғунлари, бир янги турмуш қурган оиланинг турмушини бузмоқ учун қандай ҳийлалар қилгансиз! Домла, сиз бир маҳалла имомни, руҳоний бошлиғи бўлиб туриб, шундай ишларни килишга уялмадингизми? Лаънат, сиз каби турмуш қузғунларига! Яшасин ўқиган, ҳур, озод хотинлар! Уртоқлар, олиб боринглар буларни, адолат судига топширинглар! Тегишли жазони кўрсин. (Фотимахонга ялвариб.) Кечирасиз, жоним, мен сизни адашиб хафа қилган эканман. (Қучиб ўпар.)

**Парда**



КИМ ТҮҒРИ



*БИР ПАРДАЛИК КОМЕДИЯ*

*1918 йил*

Қ А Т Н А Ш У В Ч И Л А Р

Қ о д и р ж о н — Бир зиёли, ёши 27 да.  
М а р я м — Қодиржоннинг хотини, ёши 22 да.  
Х о л м а т — Қодиржоннинг хизматкори, ёши 25 да.  
Р у з в о н — Марямнинг хизматкори, ёши 19 да.

---

Қодиржоннинг уйи: икки томонда икки эшик ва икки дераза; деразалар тагида биттадан каравот, каравотлар ўртасида ширма, ўртада стол ва стуллар, тўрда шкаф. Каравот ёнида кичкина столча бўлиб, унинг устида ойна, атир ва упалар. Марям хафа-бўлиб ўтирган ҳолда парда очилади. Рузвон хат олиб келиб беради.

Музыка «Сегоҳ» даромадини чалади.

**М**арям (*қўлидаги хатни овоз билан ўқий бошлайди*). «Севгили Марямхон! Мен сизнинг муҳаббатингиздан кўп беоромман. Бу кун беш-олти кундан бери сиз билан кўришармиканман, деб кўп интизор бўлсам-да, мумкинлик бўлмади. Эртага кета турган поезд билан Тошкент бормоқчиман. Агарда ҳар қандай қилиб бу кун келмасангиз мен билан кўришолмай қоласиз. Агарда мени кўрмоқни истасангиз кечаси соат ўнларда менинг олдимга марҳамат қилинг, сизни кутиб оламан. Эҳтиром ила ошиғингиз Қосимжон». (*Хатни ўқиб бўлиб.*) Оҳ, қандай қиламан!? Бормай десам севгилим Тошкентга кетиб қолар экан. У вақтда бир ойсиз кўролмайман. Хатни эртароқ юбормабдики, «Мен онамникига бораман» деб эримга баҳона қилиб кетар эдим. Уҳ! Жуда қийин ҳолда қолдим-да! (*Бир оз ўйланиб.*) Топдим, топдим! Ошни ариққа ағдараман-да, Қодиржон келиб ош қилдингми, деса—йўқ, қилмадим,—деб жавоб бераман. Ундан кейин — нима учун ош қилмадинг — деб уриш бошлайди, мен ҳам уришаман. Шундай қилиб, катта жанжал қиламиз. У вақтда Қодиржон менга зарда қилиб бошқа ётмоқчи бўлади. Сўнгра Қодиржонни ухлатиб, кейин секин туриб ўрнимга Рузвонни

ётқизиб севганимнинг олдига бораман. Ана холос! Бунинг ҳам йўлини топдим.

Севиниб чиқиб кетар. Қ о д и р ж о н қўлида бир хатни ушлаганича шошиб кириб ўқий бошлайди.

Қ о д и р ж о н. «Суйгулигим Қодиржон! Сизга маълум бўлсинки, бу кун оналарим билан ҳовлидагилар қишлоққа кетишдилар, мен уйда укаларим билан елғиз қолдим. Эртага эрта билан мен ҳам кетаман. Агарда мени яхши кўришингиз рўст бўлса, ҳарна қилиб ҳам кечаси соат ўнда келинг. Келсангиз ҳовлининг орқасидан келиб шарпа қилинг. Мен укаларимни ухлатиб олдингизга чиқаман. Мабодо келмасангиз бир-икки ойсиз қишлоқдан келмайман, деб маъшуқангиз Зайнаб». (Хатни ўқиб бўлиб.) Оҳ! Энди нима қиламан? Бу хатни дўкондалигимда юбормадики, ўшанақаси бора берган бўлар эдим. Бу кун кино, ёки театр йўқки, шуни баҳона қилиб кетсам. Агарда бормасам маҳбубим қишлоққа кетиб, бир-икки ойсиз кўришолмай қоламан. (Уйланиб.) Энди бир ҳийла топиш керак. (Уйланиб.) Ҳа, топдим!.. Ҳали ош вақтида, ошнинг тузини паст қилиб қўйибсан ёки шўр қилиб қўйибсан, деб баҳона қиламан-да, катта жанжал чиқараман. (Кулар.) Сўнгра ухлатиб қўйиб, ўрнимга Холматни ётқизиб қўяман-да, севганимнинг олдига бораман. (Яна кулар.) Улма! Менинг кўп ақлим бор-да!.. Энди иш бошлаш керак. Мен чиқиб Холматга тайинлаб қўяй.

Чиқар ва бир оздан сўнг ўнг томондаги деразадан Қодиржон билан Холмат кўринадилар, чап томондаги деразадан Марям билан Рузвон кўринадилар, Қодиржон Холматга, ундай қил, бундай қил, деб ишорат қилади. Марям ҳам Қодиржон қилган ҳаракатни қилиб Рузвонга ишорат қилади.

Қ о д и р ж о н. Холмат! Ҳали мен йўталганда мана шу деразадан секин тушиб, менинг ўрнимга ётасан. Тузукми?

М а р я м. Рузвон! Ҳали мен йўталганда мана шу деразадан секин тушиб, менинг ўрнимга ётасан. Тузукми!

Дераза олдидан кетадилар. Марям ўз эшигидан кириб ўтиради, Қодиржон шошилиб кириб сўз бошлайди.

Қодиржон. Рузвон, ҳо Рузвон!  
Р у з в о н (кириб). Ҳа! Нима дейсиз?  
Қ о д и р ж о н. Ош тайёрми?



Рузвон. Ош қилганимиз йўқ.

Қодиржон (*суюниб халққа қараб*). Уф! Менга жуда яхши баҳона топилди-ку! (*Рузвонга қараб*.) «Ош қилганимиз йўқ!» Нима учун ош қилмадинглар?

Рузвон. Билмадим. Аямлар эртадан бери йиғлаб, гапга ҳеч бир жавоб бермайдилар.

Қодиржон. Бор, аягни чақир!

Рузвон. Ана ўзлари шу ердалар.

Рузвон чиқиб кетади. Қодиржон бориб Марямни олдида шовқин кўтаради.

Қодиржон. Хўш! Нима учун ош қилмадинг? Биласанки, мен бозордан оч келаман, у ерда менинг катта холам йўқки, менга ош қилиб берса!

Марям. Нимага бақириб келасиз? Бозорда катта холангиз бўлмаса ҳам суйганингиз бор-ку! Ўша ош қилиб берар.

Қодиржон. Нима? Қанақа суйганим ош қилиб берар экан? Менинг унақа суйганим бўлмайди.

Марям. Мен сизни жуда яхши биламан; суйганингизни ва унга ёзган хатингизни ҳам жуда яхши биламан; унинг ёзган хатини ҳам кўрдим.

Қодиржон. Қани ўша суйганимдан келган хат? Ким экан менинг суйганим?

Марям. Суйганингизнинг ким эканлигини ўзингиз яхши биласиз.

Қодиржон (*халққа қараб*). Суйганимни, албатта, биламанку-я! (*Марямга қараб*.) Йўқ, менда ундай нарсалар бўлмайди, эҳтимол сеники бордир. Аммо мен бўлсам, ўқиган, турмушга тушунган, ҳалол рафиқа истаган кишиман.

Марям. Менинг ҳам ҳеч бир суйганим йўқ, балки фикр бузуқлик сизда бордир. Мен ҳам ўқиган, тўғри рафиқ истаган хотинман. Сизнинг суйганингизнинг хати менда эди.

Қодиржон. Қани ўша хат? Менга кўрсатчи — суйганим ким экан?

Марям (*у ёқ-бу ёғини ахтариб*). Биласиз суйганингизнинг ким эканлигини!

Қодиржон. Ахир, ўша хат қани?

Марям (*йиғламсираб*). Жаҳлимдан йиртиб ташлаган эдим, эсизгина, сақлаб қўйган бўлганимда эди, ҳозир кўрсатиб сизни шарманда қилар эдим.

Қодиржон. Елғон! Менда бундай ярамас ишлар ҳеч бўлмайди. Бундай қилсанг жавобингни бериб ю-  
раман!

Марям. Жавобимни берсангиз бера қолинг! Мен ҳам жуда жонимдан тўйдим.

Қодиржон Бўлди, бўлди! Сен ўз жойингга бориб ёт, сенинг билан гаплашмайман. *(Кета бошлар.)*

Марям. Сиз билан гаплашай деб ўлаётганим йўқ, сизнинг олдингизга борай деб ҳиқиллаб турганим ҳам йўқ!

Қодиржон. Кўраман бирпасдан кейин *(масхара-  
лаб)*. «Вой жоним-поним!» деб келишингни!

Марям. Ҳа, ёқадими? Сизнинг ёнингизга бормай-  
ман дедим, бормайман.

Қодиржон. Бўпти бўлмаса: ким кимнинг ёнига келса пес бўлсин!

Марям. Бўпти: песдан ўтиб, мохов бўлсин!

Қодиржон ўрнига бориб ётар.

Марям. Рузвон! Ҳо, Рузвон! Ўзинг чой дамлаб, ичиб ёта қол.

Қодиржон билан Марям ўз ўринларига ётадилар. Музыка «Ухла, эй кўзим» куйини чалади. Соат унга қунғироқ ургач, ҳар икковлари ҳам ўринларидан туриб йўталадилар. Холмат унг деразадан, Рузвон чап деразадан тушадилар. Қодиржон билан Марям уларни ётқизиб, ҳар хил ишоралар билан икки томондан чиқиб кетадилар. Холмат билан Рузвон бир оз ётишиб, сўнгра секин йўталишиб, чўчишиб кетишади, кейин яна йўталишиб ширма орасидан қараб бир-бирларини кўрадилар ва хурсандчилик изҳор қиладилар. Кейин ўринларидан туриб, хўжайинларининг кийимларини кийиб юзларига пардоз қиладилар. Холмат ширма орқасидан қараб уялиб қочади. Рузвон ҳам шундай қиладди. Кейин Холмат ширманинг бир томонидан ва Рузвон бир томонидан мўралаб бир-бирларига қараб юра бошлайдилар. Ниҳоят Холмат югуриб келиб Рузвоннинг орқасидан қучоқлаб олади, Рузвон қочиб қутулади.

Холмат. Вой, кўзларидан! Мен сизни хўжайиннинг хстинлари десам, сиз экансиз!

Рузвон. Уф, юракларим ёрилди... Мен сизни хўжайин десам, сиз экансиз-а! Хўжайин қанилар?

Холмат. Мени ётқизиб чиқиб кетдилар-ку! Аям қанилар?

Рузвон. Аям ҳам мени ётқизиб қўйиб, чиқиб кетдилар-ку!

Холмат. Бўлмаса жуда тинчлик экан-да! Жоним, сизга ҳам етишадиган кун бор экан-а! Келинг ойимпошша! Хотиржамликда сўзлашиб, ҳасратлашиб олайлик!

Хизматига раҳматнома берилди!

1980 йили 10 октябрьдаги 10-сонли қарор билан ўқувчи бўлишига қўйиб берилди.



Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати

I  
Кўчма қўғи

II  
Кўчма қўғи

III  
Қармақ

IV  
Ашчилик ҳаётини

Ҳамза бошчилигидаги ўлка сайёр драмтруппасининг афишаларидан бири.



Диванга ўтиришиб бири бир чеккада ва бири бир чеккада ўтирадилар. Секин-секин бир-бирларига қараб яқинлаша бошлайдилар, яна уялишиб қочадилар. Кейин яқинлашиб Холмат Рузвоннинг қўлини ушлаб айтади.

Жоним сизга тасаддуқ!.. Қўлингиз мунча оппоқ?

Рузвон (*уялиб*). Билмадим. Холматжон, яна хўжайинлар келиб қолишмасин!

Холмат. Йўқ, келишмайди, хотиржам ўтираверинг! (*Қўлидан ўпиб.*) Рузвонхон, сиз менга хотин бўласизми? Мен сизнинг ишқингизда неча йилдан бери куйиб юрибман-а. Энди бундан ортиқ чидашга ҳеч тоқатим йўқ.

Рузвон. Қўйинг, ҳализамон келишиб қолади...

Холмат. Келишмайди. Келишганда ҳам қўрқмаймиз, чунки улар ўзлари яхши кўрганларининг олдига кетадилар-у, яна бизга бир нарса дейишармиди? Келинг жоним, менга тегасизми?

Рузвон. Хўжайинлар жавоб беришмайди-да.

Холмат. Беришади! Хўжайинга айтаманки, «Яхшиликча тўйни қилинг. Бўлмаса сиригизни аямга айтиб қўяман» деб дўқ ураман. Ана ундан кейин қўрқиб «хўп» дейди. Сиз ҳам аямга шундай денг! Тузукми? Кўзидан!..

Рузвон. Билмадим, қандай бўлар экан...

Холмат. Жуда яхши бўлади-да! Айни муддао бўлади! Келинг, жоним, катта тўйдан илгари фотиҳа тўйини ўтказиб олайик. (*Шкафдан ичкилик, нон, олма, гўшт ва бошқа ноз-неъматларни олиб, столга қўяди, сўнгра румкага винодан қуяр экан, айтади.*) Қани, қулинг ўргулсин! Фотиҳа тўйнинг саломатлигига ичайлик.

Рузвон. Йўқ, ичмайман... (*Нозланади.*)

Холмат. Вой ўргулсин! Ича беринг! Мен турибман-ку...

Рузвон. Қандай бўлар экан?.. (*Икковлари ичадилар.*) Жуда аччиқ-ку! Бунинг оти нима?

Холмат. Бунинг отини — «Шарвату ганггаранг» дейдилар. Бу одамнинг таъбини жуда равшан қилади. Мана бу товуқ гўштидан олинг, жуда соз бўлибди-да. (*Румкага яна вино қуяди.*)

Рузвон. Вой-й! Бу мени жуда қизитиб юборди-я...

Холмат. Қани бўлмаса яна биттадан ичайлик, ундан кейин ўрнига келамиз. (*Икковлари ичадилар.*) Гўзалларнинг гўзали! Энди иккитагина хурсандчилик қиламиз-да. Бир йўрғалаб берасиз-да!

Рузвон. Мен ўйинни билмайман... Билсам дарров ўйнаб берар эдим...

Холмат. Мени кўп куйдирманг, қани ўйнаб беринг. Ундан кейин кечаги ошхонанинг олдидаги ғамзалардан ҳам бўлсин.

Холмат Рузвоннинг қўлидан тортиб турғизиб қўяди. Рузвон ўйинга туша бошлайди, Холмат ашуласини айтади.

Сендан аканг ўргулсин,  
Ғамза қилган бошингдан.  
Вой Холмат ўргулсин,  
Жувоз қилган қошингдан.

Ўргулсин, ўйинда ҳам Марямхон бўлиб кетасиз. Бу ҳам менинг бахтим-да!

Рузвон. Холмат ака! Ўйинга сизнинг ҳам суягингиз йўқ экан-а. *(Икковлари кулишадилар.)*

Холмат. Ҳа, бизда ҳам ўйиндан бир шингил бор. Жиндак илтимосим бор эди, сизга айтгани уялиб турибман: ё тўғриси айтиб юбораверайми!

Винодан яна қўйиб ичадилар ва маст бўладилар.

Рузвон. Айта беринг! Нимага уяласиз?.. Агар жуда уят гап бўлса гапирманг...

Холмат. Энди ўзим ҳам билмай қолдим: уят бўлармикан, ё йўқмикан... Энди ўзингиз ҳам *(ютуниб)* билиб тургандирсиз...

Рузвон. Мен сизнинг гапингизга ҳайронман: сизнинг кўнглингиздаги гапни мен қайдан билай. Гапнинг очиғини айтиб қўя қолинг!

Холмат. Энди гапнинг очиғини айтсам... *(Ютуниб.)* Қўй, уяламан! Жуда терлаб кетдим... *(Пешонасини артади.)*

Рузвон. Мени сиз жуда ҳайрон қилиб қўйдингиз: афтидан, гапингиз хунук гапга ўхшайди, шекилли.

Холмат. Йўғе-е ўргулсин, хунук эмас, йўғе-е ўргулсин, хунук эмас, ҳар ерда бор гап.

Рузвон. Ҳар ерда бор гап бўлса, нимага очиғини гапириб қўя қолмайсиз?

Холмат. Энди, гапнинг очиғини айтсам сизнинг юзингиз...

Рузвон. Сиз жуда қизиқ йигитсиз-а! Хўш, менинг юзимга нима бўлибди?

Холмат. Мен жуда титраб кетаяпман... Энди ўзингиз биласиз-ку!

Рузвон. Мен бир нарсани ҳам тушунмадим. Агар билсам сиздан сўраб ўтирмас эдим. Қани гапиринг-чи!  
Холмат. Уша... *(Ютуниб.)* Қизил юзингиздан битта...

Рузвон. Билдим, билдим, «битта» дейишингиздан менинг бетимдан упмоқчига ўхшайсиз. *(Аччиғи келади.)*

Холмат. Оҳ, ўргулсин, донишманд. Худди ўшанинг ўзи-я!

Рузвон. Бу вақтдаги йигитларнинг ҳаммаси бир кўриш билан дарров ўпиб ола қолса!.. *(Аччиғидан тушмай туради.)*

Холмат. Ўргулсин донишманд! Бўлмаса мен ҳам шу вақтнинг ёш йигитларидан бўлибман-да!

Винодан румкага қўйиб Рузвон билан бирга ичадилар, кайфлари яна кўтарилади.

Рузвон. «Мен ҳам шу вақтнинг ёш йигитларидан бўламан» деб яна мақтаниб ҳам қўясиз-а, шу яхши ишми?

Холмат. Ўргулсин. Жуда яхши иш-да!

Рузвон. Қўйинг бундай йигит бўладиган бўлсангиз, сизга хотин бўлишликка менинг ҳеч розилигим йўқ. Боринг жойингизга бориб ётинг!

Холмат. Ўргулсин! Ундай бўлса мен қаерда ётаман!

Рузвон. Уялмасдан тагин ётадиган жойингизни сўрайсиз! Қўйинг энди, Холмат ака! Бўлак гапларни кейин гаплашамиз. Хўжайинлар келиб қолмасин. Вақт ҳам анча бўлиб қолди. Сиз ўз жойингизга ётинг. Мен ҳам жойимга ётаман. *(Рузвон, ўз жойига борар экан, айтади.)* Вой ўлай! Маст бўлиб қолибманми! Бошим айланиб кетаяпти-я.

Бориб жойига ётади, орқасидан Холмат келиб кароватга ўтиради ва Рузвонни упмоқчи бўлади. Рузвон унга қаршилиқ кўрсатиб қочиб кетади.

Боринг, жойингизга ётинг!

Холмат. Балким аямлар келишмас. Мунча аччиқ қиласиз?

Рузвон. Қўйинг, ғалати йигит экансиз! Бўлмаса сиз бу ерда қолинг, мен нариги ёқда ўтираман. *(Ўридан туриб, ганггираб Холмат ётган каравотга ўтиради, эснаб мастлик билан чойшапга ўралиб ётиб қолади.)*

Холмат *(кайфи ҳамон кўтарилар экан).* Ўргулсин

мендан хафа бўлганга ўхшайдилар. Бир оз шу ерда ётиб туррай-чи, зора раҳмлари келиб ўзлари келсалар.

Холмат ҳам кўрпага ўраниб ухлаб қолади. Чироқлар пасайиб музика «Мастуман» куйини чалади ва хўроз чақира бошлайди. Шу вақтда Қодиржон кириб келади ва каравотга қарамасдан кийимларини ечар экан, ўз-ўзига сўзлайди.

Қодиржон. Борганим ҳам яхши бўлган экан. Бўлмаса оиймнинг аччиглари келиши турган гап экан. Мен маст бўлдим десам, пошшахон ҳам жуда етилдилар-да. Зўрға жўнатиб қўйдим. (*Каравотга қараб ҳайрон бўлади: Рузвоннинг сочини кўриб хотини деб гумон қилади.*) Ҳа, келмайсан-а! Хотин бўлади-ю, эрга ялинмас эмиш. Холматни турғизиб юбориб, менинг жойимга ўзи келиб ётибди. (*Кулиб.*) Ҳе-ҳа! Ҳали менга кўп ялинасан!.. Менинг сўзим — сўз, мен сенинг ёнингда ётганим билан сенга қарамайман... Мен сен билан эртага гаплашаман!

Рузвонга орқасини ўгириб ётиб, ухлаб қолади. Шу вақтда М а р я м ҳам кириб келади ва каравотга қарамай кийимларини ечар экан, ўзича сўзланади.

М а р я м. Жуда кеч қолдим, деб шошилиб келсам, соат энди икки ярим бўлибди. Борганим жуда яхши бўлган экан-да! Бўлмаса Қосимхоннинг келишган қадди-қоматларини, чиройли юзларини кўролмай қолар эканман. Йигит ўлмагур қўлимни бир сиқдики, (*қўлига қараб*) ҳали ҳам оғрийди.

Холматнинг каравотда кўрпа ичидан чиқиб турган бошидаги эрининг шапкасини кўриб, уни эри деб гумон қилади ва хитоб қилиб айтади.

Ўл-а! Ори йўқ. Яна қасам ичадики — ҳар ким келса пес бўлсин!.. Рузвонни турғизиб юбориб, жойига келиб ётибди. (*Кулиб.*) Ҳа, ялинмас экансан! Сен ҳамма вақт менга ялинасан! Келиб ётганинг билан кошки мен сенга қарасам! Ҳали тонг отсин: мен сен билан ундан кейин гаплашаман!

Холматга орқасини ўгириб ётиб ухлаб қолади. Музика «Наво» куйини чалади, парда тушиб чироқ ёнади яна чироқ ўчиб парда очилади. Музика «Бухороча сарбоз» куйини чалади. Бир оздан кейин ташқаридан қаттиқ қўнғироқ овози эшитилади. Қодиржон уйғонади ва эшикка чиқади.

Қодиржон. Бу хизматкор баттоллар қайси ерда қолди экан? Вақт ҳам анча бўлиб қолибди. (*Эшикка қараб.*) Ким звонок берди экан, ҳеч ким йўқ-ку! (*Қайтиб каравот олдига келар экан, унда ётган Рузвонни кўриб*



хайрон бўлади). Э-й бу нима гап?! (Кўзини уқалаб.) Хизматкор қиз-а! Бу ерга қачон келиб ётиб қолди экан! (Рузвонни қимирлатиб.) Ҳой... Тур дейман!

Рузвон (уйғониб, кўзини уқалаб). Ҳа-ҳа, ая, ухлаб қолибман. Нима дейсиз, ая?

Қодиржон. «Ая, ухлаб қолибман». Қандай гап. (Рузвон уйғатган киши хўжайин эканини билиб нима дейишини билмай туради.) Э, ифлос! Менинг ёнимга сен қачон келиб ётдинг.

Рузвон (қичқириб). Кечаси келиб ётган эдим.

Қодиржон (қичқириб). «Кечаси келиб ётган эдим». Мен ҳали кечаси билан бу билан ётдимми? (Бошини ушлаб у ёқдан-бу ёққа юради. Эрининг овозига Марям уйғонади.)

Марям. Бу нима ғалва? (Овоз келаётган томонга қараб Қодиржонни кўриб айтади.) Эй? Қодиржон бу ерда-я! (Кўзини уқалаб.) Қодиржон, Қодиржоннинг ўзи. Ундай бўлса менинг ёнимда ётган ким экан? (Ётган каравотининг олдига боради ва кўрпани кўтариб Холматни кўради.) Эй, бу қандай гап? Холмат-а! Бу қачон бу ерга келиб қолди экан?

Қодиржон ҳамон хафа бўлиб, хайрон бўлганича юради. Рузвон қўрққанидан нима дейишини билмай қотиб туради.

Марям (Холматга қараб). Ҳай! Сен бу ерга кимнинг ижозати билан кириб ётдинг? (Холматни уйғотиб.) Ҳай, дейман! Бу ўлиб қолганми?

Холмат (уйғониб, керишиб). Почча, почча! Ухлаб қолибман. Яхши бир туш кўриб ётиб эдим.

Марям. «Почча туш кўрдим». Бу қандай гап, нима туш кўрдинг?

Холмат. Тушимда шайтон аравада чопиб юрибман. (Кўзини уқалаб очиб.) Эй, ая, сизмисиз? (Туриб кетади.)

Марям. Шайтон аравада чопмай ўлгур, бу ерга қачон келиб ётиб эдинг?

Холмат. Хуфтонданоқ шу ерга кириб ётиб олиб эдим. Ғалати тушларни кўрибман-да!

Марям. Бу қандай иш бўлди. Ҳали кечаси билан мен сен билан бирга ётдимми?

Холмат. Билмадим... Шунақа бўлганга ўхшайди.

Марям. Э баттол! Менинг келиб ётганимни билмадингми?

Холмат. Бировнинг ёнимга кирганини сал фаҳмладим-у, Рузвонхон деб ёта берибман.

Марям. Йўқ, йўқ, бу ишларга ҳеч чидаб туролмайман! (*Қодиржоннинг ёнига бориб унга айтади.*) Сенинг ҳеч бир номусинг йўқ! Хотинингни шундай ташлаб қўясан!

Қодиржон (*Марямга ялиниб*). Марям! Тангри ҳаққи мен буни етаклаб келиб ётганим йўқ. Эрта билан эшик тақиллади, турсам ёнимда ётган экан.

Марям. Нима дейсан, ҳали мен кечаси билан Холмат билан ётдим десам, сен Рузвон билан ётган экансан-да!

Қодиржон. О, ҳали сен «кечаси билан хизматкор билан ётдим» дегин, демак, «бир кеча бўлак киши билан умр қилдим» дегин! Мен бунга чидаб туролмайман! Бундай хизматкорни мен ўлдираман! (*Холматничи ёқасидан ушлайди.*) Сен менинг хизматкорим бўла туриб, менинг хотиним ёнига кириб ётасанми!

Холмат (*жуда қўрқиб*). Почча! Менда айб йўқ! Ухлаб қолибман.

Қодиржон. Айб сенда бўлмаса, кимда бўлади? Нима учун бу ерга келиб ётдинг?

Холмат. Мен ухлаб туш кўриб ётиб эдим. Аям мендан сўрамасдан келиб ётибдилар.

Қодиржон (*Холматни қўйиб юборади ва Марямга қараб айтади*). Ҳамма айб сенда экан-у, яна менга дўқ қиласан!

Марям (*Рузвонни ушлаб*). Ҳамма айб мана бунда. Нимага менинг эримнинг ёнига кириб ётасан.

Рузвон (*қўрқиб*). Ая! Менда айб йўқ. Ухлаб ётсам, поччам менинг ёнимга ётиб олибдилар.

Қодиржон (*Холматга қараб*). Хўш! Нега менинг тужуркамни кийиб олдинг?

Марям (*Рузвонга қараб*). Нега сен менинг кўйлагимни кийиб олдинг?

Қодиржон (*Холматга*). Айт дейман! Нега индамайсан.

Холмат. Кечаси биз ҳам пича фотиҳа тўй қилиб эдик.

Қодиржон билан Марям. Бўлмаса айб иккалангизда экан-да!

Рузвон билан Холмат. Ҳа, айб ҳаммамизда!

Шундай деб ҳар иккиси икки томонга қочиб чиқиб кетади, Қодиржон билан Марям ҳайрон бўлиб тургани ҳолда парда тушади.



---

**БУРУНГИ ҚОЗИЛАР  
ЁХУД МАЙСАРАНИНГ ИШИ**

---



*3 ПАРДАЛИК КОМЕДИЯ*

*1926 йил.*

### Қ А Т Н А Ш У В Ч И Л А Р

- Ч ў п о н — 26 ёшда, қора мўй, қизил юз, оқ пўст, нозик чирой, ўрта бўй, юмшоқ сўз, гавдали бир йигит.
- О й х о н — 16 ёшда, мақтовдан ортиқ чиройли, узун соч, ширин сўз бир қиз. Чўпоннинг хотини.
- М а й с а р а — 55 ёшда, узун бўй, кулмшак, ботир юрак, оқ пўст; қора мўй хотин.
- М у л л а д ў с т — 57 ёшда, шўх табиат, оқ соқол, қора пўст, кўнгилчан бир киши. Қозининг хизматчи ҳам мулозими.
- М у л л а р ў з и — 56 ёшда, керик соқол, шўх табиат, мухлис бир киши. Қозининг аълами.
- Ҳ и д о я т х о н — 35 ёшда, эчки соқол, қора пўст, ахлоқсиз бир киши. Қозининг ўғли.
- Қ о з и — 63 ёшда, серсоқол, гавдали, оқ пўст, шўх табиат, қоринли бир киши бўлиб, юртнинг қози-калонидир.
- Н о д и р а — 21 ёшда, ғоят гўзал, қора мўй, буғдой тус, ўрта бўйли, харир табиатли бўлиб, қозининг ўн бешинчи хотини.
- Т о ҳ и р — 28 ёшда, оқ пўст, қора мўй, кўкракли, қалин товушли, ўрта бўй, чиройли бир йигит бўлиб, Нодиранинг бешик кетлик маъшуқидир.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Жой

Эски турмушча бўлиб, уйлар, токчалар пахса деворидан ясалган, турмуш асбоблари ғоят содда кўринурлар. Кийимлар ҳам мурсак тўн, жиякли кўйлак, йигитларда қўш белбоғлар, чориқ кийимлар, рўпарада тахмон (сандиқ кўрпаси билан), ўнг томонда токча (идиш-товоқлари билан), сўл томонда икки токча, ораси эшик (дарча) бўлиб, Чўпон билан Ойхон ҳасратлашиб ўтирганларида парда очилур.

**Ч**ўпон. Эй мен ичкиб суйган ёрим, бу қандайин бадбахтлик бўлдики, мен сени кўнгилдагидек чоғчоғида кийинтириш, кунида ёруғ дунёнинг бошқа-бошқа ширин неъматлари билан яшатмоққа бечораликдан қўлим қисқадир. Етимнинг оғзи ошга етишса бурни қонар, деган бурунгилар мақоли бари меним учун айтилган туюлур. Кошки мен дунёга келмаган бўлсам, сени ипакдек юмшоқ юракларингга тароқдек қадалмаган бўлур эдим. На қилай, раҳмсиз фалак ихтиёринда бўлганидан сўнг. (*Кўз ёшини артар.*)

Ойхон (*куюниб*). Минг, минг марта сизга тавалло қиламанки, мен сизни бойлик билан бўлишингизни суйиб тегмадим. Бори тўрт мучангиз билан соғлиқ-саломатликда бўлиб юришингизни севиб тегдим. Меним энг бахтли кунларим соғлигимда айрилмаслик, ўлимда сиздан кейин қолмасликдир. Менинг юрагимда ёнган алангалар, яхши кийим, нозу неъматлар билан эмас, балки туну куни бошимдан бир дам йироқ бўлмаган соғлигингизнинг қалин соялари билангина паст ва нобуд бўлгай. Ёрим, бепарво бўлманг, менинг парвойимга келмаган нарсалар ғуссаси билан чеҳрангизга ке-

тирган хафаликларингиз бахтли бошимни ажал тўша-  
гига еткурмасин!

Чўпон (*хушомадона*). Ширин тилларингга жоним  
тасаддуқ бўлсин, Ойхон! Мен ҳеч ўйламаган эдимки,  
сендек кўк қизи бўлган бир малак, менингдек қора ер  
фарзандларига тенг бўлмай! Сенинг ҳар жилмайишинг  
юрагим булбули учун юз минг баҳордир, кошки изла-  
рингда ётган тиканлар бу кўзларимга қадалгай. Бу  
борлиқ дунёсининг қайси бир жон эгаси ишона олурди-  
ки, хонлар, хоқонларга муяссар бўлмаган Ойхондек  
эрам паризодаси, Чўпондек одам фарзандлари ичинда  
энг тушкун бир йигит қучоғинда бўлгай. Бу кўркем  
бахтим учун ҳар бир сўлишимни сеvimли эгам учун шу-  
курсиз ўтқарсам, кўфрони неъматларнинг энг улуғворла-  
ридандир. Лекин (*қучоғига тортимсираб*) сенингдек жо-  
ним жононаси тенг-тўшлари, дўст-душманлари орасида  
маъюс бўлганидан Чўпондек бўз йигит донгини кўтар-  
ган мингларча ботир гавдаларнинг йўқ бўлгани яхши-  
роқдир! Кошки бу мусофирлик устига донишманд ота-  
оналарим яна тўрт-беш йил соғ қолсалар эди, ўзимни  
анчалик тутиб, ҳар бир тилагимга энг осон йўллар  
билан етиштириш ҳамда сенингдек суйган муниси хо-  
ним билан озорсиз рўзғор тебратишни тоза ўрганиб  
қолгай эдим. (*Кўз ёши.*)

Ойхон (*бўйнига қўл солиб, қучоғига босиб.*) Эгам  
берган азиз неъматим, ҳар бир гулнинг ўзгача иси бўл-  
ган билан, булбулнинг суйгани қизил гулнинг ўзи  
эмасми! Мен сени суйдим, ўзгасига не парвойим бўл-  
гай! Чўпонимнинг (*силаб*) мана шу қора кўзларидан  
сўз очган хотин-қизлар Ойхоннинг тенги-тўши, чина-  
кам хайрихоҳлари эмасдирлар. Менинг шу дардимни  
қизлик чоғимдан била келган тенг-тўшлар бошқа афсо-  
наларни менинг қошимда сўзлашга қандай ботишин-  
ларки, бизнинг бу ширин турмушимизнинг мунгли ашу-  
лалари бу юртнинг ҳар бир қоронғи уйларидаги хотин-  
қизларнинг кўнгил юпотғичлари бўлгандир. Ёлғиз  
иккимизнинг муҳаббатимиз билан душманларимни қон  
ийғлатмоқ учунгина чақирган жойларига борурман.  
Бўлмаса, менга юз мажлис, минг сайри боғ, бир марта  
қучоғингга бош қўйиб, тўлин ойдек юзларингга бир тер-  
мулишча роҳат беролмасдир. Азизим, ота-оналарингни  
эслаб менинг ҳам юракларимни ёндирма... Сенинг кўнг-  
лингга ёлғизлик армон бўлмаса, менга хону султонлар-

нинг олтин саройларидан элдан йироқ ўрмонлик ичида сен билан яшил ўт чайнаб яшамоқ ортиқ яхшидир. (Қучиб оғзидан ўпиб, кўз ёшин суртар.)

Ч ў п о н (юзларидан ўпиб, силаб). Севгили ёрим, инжудек тизилган ҳар бир сўзларинг умримга умр, севгимга севгилар қўшади.

Ойхон туриб ўтирар.

Сендан бир он айрилганим ўлганимдир. Лекин бунда бир сир бордирки, ўн-ўп беш кун айрилиқ солган билан яна умрлик дилшод яшатгусидир.

О й х о н. Қандайин қисқа айрилиқ бўлмасин, унинг ҳар бир ширин нафасидан қора тупроқ ости яхшироқдир. (Ишлар.)

Ч ў п о н. Бир бор эшит, сўнгра онгларсан (йиғи товуши билан) сўзинг ўлмасин шунчалик... (Сукут.) Бунда биласанки, отамнинг обод ер-сувлари жуда ҳам оздир. Унинг сабаби бўлса, отам ўз севган юртини ташлаб, бунда бутунлай қолишга ҳеч бир ихтиёр қилмагандир. Чунки биз бунда бор-йўқ бир амма, ота-онам билан менгина эдик. Бошқа қариндош-аймоғимиз йўқдир. Балки сенга аммам ҳам ҳикоя қилгани йўқдир. Энди мен очиб айтсам бўлур. Чунки сенинг менга бўлган севгиларинг мени умрга ищонтиради. Жоним Ойхон! Биз бу юртда бунчалик фақир бўлган билан ўз юртимизда яхшигина деҳқонларданмиз. Отам, бу ерларга Насруллахоннинг зулмидан қочиб келгандир. Қачон Насруллахон дунёдан йўқ бўлса, ўз юртимга кетаман, деб оғзидан узмас эди. Ҳатто, ўғлим агар бир ёмон отангнинг сўзини олур бўлсанг, биздан кейин қолсанг ҳам, юртингдан йироқ қолма, деб насиҳат қилар эди. Мана шунинг учун бунда ҳеч бир меҳр қўйиб, ер-сув ортдирмади. Отамнинг бор умрини сарф қилиб обод қилган қирқ кунлик бир боғи бордирки, эрам унинг олдида кўримсиз бир ўрмон бўлиб қоладир. Ҳозирда тоға ва амакиларимиз қўлида бўлса керак. Ота-она ўлгандан бери ҳеч бир хату хабар келмайди. Элимиздан келган бир савдогарнинг айтишига қараганда, бутун боғ-ерларимизни Ҳисор ҳокими олиб қўйган экан. Ҳозирда янги бўлган ҳоким қайтариб берган эмиш. Тоға ва амакиларим ҳам ўлиб, сағирлар қўлида бутун хароб бўлгандир. Мана шунинг учун сени аммамга топшириб ўн-ўп беш кунлар ичида шунинг бир хабарини олмоғим керакдир. Агар шу гаплар тўғри бўлса, бориб

шунда яшамоғимиз керакдир. Бўлмаса бир бошқа юртларда яшамасак, бу юртларда мулки, дўкони, саройи ёки ўрда яқинларидан бўлмаган кишиларнинг тириклик қилмоғи кучлик бир азобдир. Жоним, менинг юрагим кўп вақт сендек дилоромим билан роҳат кўрмакни истайдир. Отанг ҳаж кетгандан бери яна бекаслигим ортди. Аммам бўлса, туни-кунни қонлар йиғлайди. Унинг ушоқ болалари улуғ бўлди, жигарлари эзилмасинми? Ул кетса икки ёлғиз доғ-ҳасрат остида қолурмиз. Билмадим, сабаблар нима, тушундингми, йўқ.

Ойхон (*бўйнига қўл солиб*). Эй азизим! Маъшуқ қайда бўлса, ошуқ шунда бўлар. Сенинг юрагинг гули қайда очилур бўлса, булбули шундагина сайрар. Сенинг изинг сурмасидан айрилган бу кўзларимга лаҳад тупроқлари тўлсинки, бир одим сендан йироқ қолсам. Қани юр! Қошки ҳозир кетсак... Қулиб бир жилмайганинг менга чўлларни жаннат тусли кўрсатади. Лекин сен ер-сув, боғ-роғнинг андишасин қилма. Отамдан қолган боғ-роғлар бизни умрга, ҳар қанча ўйнаб турмоғимизга етадир. Ҳатто отам кета туриб оғаларим, онамга дедикки, камоли молим, боғ-роғимнинг бош хўжаси қизим билан куёвимдир, улар тилаган ерларидан ҳар қанча олмоққа ҳақлидирлар. Агар бунга қулоқ бермасангиз, тирик қайтсам маҳри-мерос қилурман. Ўлсам молим сизга ҳаром бўлсин. Сенинг парвойингга келмагани учун мен оғиз очмас эдим. Кел, тилаган жойларимизни айириб олиб, иккимиз ҳам меҳнат, ҳам роҳат қилайлик!

Чўпон. Рўзғоримнинг баҳори Ойхон, менинг отам ёшлигимдан дала меҳнати билан ўстиргандир. Ёшликда менинг билак кучларим билан обол бўлган боғчаларимизнинг турли мевалари, етук ерларимизнинг қизларнинг сочларидек силкиниб турган буғдойлари, кулиб турган гул, мақтаб турган булбуллари, алла-алла дегандек шилдир-шилдир оқиб турган сувларининг жимир-жимир ўтиши ҳаргиз ором олмайди. Нима бўлса ҳамки, жоним Ойхон, чет юртнинг шоҳи бўлганча, ўз юртининг гадоси бўл, дегандек, йўлдошим кўмилган тупроқ, ёш кучим синган боғ-роғ, ёш ўйнаб ўрган жўра, ўртоқларнинг доғу-ҳасрати ҳеч бир юрагимнинг очилишига қўймайдир (*кўз ёшини суртиб*), опа-сингил, уруғ-аймоқнинг ғаму фироғин айтмоққа ҳеч ҳожат йўқдир. Отам раҳматлик билан очиқиб, чарчаб ишлаб турган чоқларимизда раҳматлик онам билан кичик синглимнинг кўта-



риб келган ошларин шошилиб, тўйиб ичиб, салқин толлар соясида ширин-ширин уйқуларга толиб, ҳаёл сураар эдимки, мен ҳам улғайсам, севган қаллигим, ширин-шакар қизларим бўлса, шундайин ош кўтариб келсалар, деб уйқуга ботиб, нозик-нозик тушлар кўрар эдим. Улуғ эгамга шукурлар бўлсин, суйган қаллиқ (*ушлаб ўпиб*), сендек паризодимга етдим. Эсон бўлсак, ширин-шакар қизларимиз, кўкмак далаларимиз ҳам бўлур. Афсуски, у чоқларда, мен ота-оналаримни кўрдим, аммо улар бизларни кўролмасдир. Қўлингни қўлимга бериб, менинг шу орзуларимга йўлдошлик қилсанг!

Ой хон. Ойхон ҳар бир орзуларингнинг садоғаси бўлсин. Сенинг розилигинг нимадан бўлса, менинг шодлигим шундадир. Ҳозир, десанг, ҳозирман.

Чўпон. Бағрим қуввати Ойхон! Мен биламанки, сен мени, мен севгандан ортиқ севасан, борган еримга бирга старсан, лекин бунда бир сўз борки, бу кунгача ул томондан ҳеч бир хабар йўқдир. Шунинг учун аввал ўзимнинг бориб бир хабар олмоғим керак. Ундан сўнг бирга сафар қилмоғимиз керакдир.

Ойхон. Мен сендан бир дамгача айрилурга тоқатим йўқдир. Айру қолгандан бирга бўлиб фалакнинг нақадар жабр-жафолари бўлса, бирга кўрурман. (*Йиғлар.*)

Чўпон. Ойхон! Ойхон! (*Юзларин силар.*)

Ойхон. Жоним! (*Йиғлар.*)

Чўпон. Сен мени айрилиб чидар, деб ўйлайсанми?

Ойхон. Бўлмаса, нега ташлаб кетишга ихтиёр қилурсан?

Чўпон. Улим айирмай илож йўқдир. Ташлаб кетишимнинг сабабларини биласанми?

Ойхон. Мендан кўнгилисизлигинг бордир. Ё элинг-да... (*Қаттиқ йиғлар.*)

Чўпон. Нима, нима?!

Ойхон. Мени билмас дерсан. Чеҳра деган кўнгилинг ойнасидир. Оғнан-боғнан кўзингдан ёш тўкиш, оҳ чекишларинг орзумга етмай озуғларимни синдирмагай эди.

Чўпон. Ойхон, Ойхон! Кўркам эгам отидан қасам ичаман, сендин бошқа тилагим йўқдир. Беҳуда ўйларга йиғламоқ — соғ юракни доғламоқдир. Яна ёлғизлик билан танилган кучли танграм билан онт этаманки, дунё охиратимнинг кўркамлиги сендин узга билан эмасдир. Юракда сир кўмилмасдир. Хстинларга ҳийла, йигитлар-

га баҳона топилмай қолмасдирки, ваъда вафосини буз-моқ бўлса, қочиб кетиш ихтиёрини мендан кутма. Менга уятдин ўлим ортиқдир. Бундан буён бундай сўзларни орага солмаки, аччиқ ўйин ширин турмушларни бузади.

Ойхон. Нега узоқ ерларга ташлаб кетишга кўнглинг унайди! Билмасман, севганингчали соғинармисан? Соғина қолсанг, қандэйин чидарсан? Узоқ қолиб келарсан, Ойхоннинг кўмир тусли гавдасин қора тупроқ устида кўрурсан. *(Ииғлар.)*

Чўпон. Ойхон, тирикликка бундай умидсиз, ишончсиз қарашлар тириклик ширинлигидан тотмаганлар ишидир. Мен Ойхондек шакаримни топдим, энди турмуш шарбатин тотмоқчиман. Севганимчали соғинарман, соғинганимчали чидарман. Чунки мен сенинг билан умрли тириклик этурман, деганман. Оз кунда соғлом этиб келиб, шу қизил юзларингдан яна *(қучиб, ўпиб)* қучиб, қучиб ўпарман. Яна сенга ишонтириб сўзлайин, нима учун сени ташлаб кетарман. Ойхон, бизнинг Ҳисор ҳокимидек одамзод ичинда ҳеч бир золим, бадкор ўтмагандир. Чиройли қизлар у ёқда турсин, ҳатто кишиларнинг ҳарамларигача қўл узатмай қўймайди. Отам акамга Хол Иноқ деган мирзабошининг Ҳурзод исмли қизини олиб берган эди. Отангиз сизни қандай хондан қочириб менга берган бўлса, унинг ҳам воқиаси шундай эди. Янги келган ҳоким Ҳурзоднинг донгли чеварлигин эшитиб, яширин хотинларини юбориб, ўрдасига келиб юришга димлатган экан. Ҳурзод қўрқиб онамга, онам отамга айтгандан кейин, отам раҳматлик бир кечада ҳаммамизни бир томонга олиб қочмоққа тайёрланганин сезишиб қолганлар. Ҳоким Хол Иноқни чақиртиб, сарполар кийгизиб, иноқлик мансаби беришга ваъдалар қилиб, мана бундай ҳийлалар ўргатганлар: «Менинг қизим ҳокимлар даргоҳига лойиқ қизлардан эди. Эски ҳокимнинг иноғи бўлиб олиб, мени сиёсат билан қўрқитиб, қизимни ўғлига зўр билан никоҳ қилдирди. Ҳозирда қизим кўнгилсизликдан девоналикка яқинлашибдир. Умид қиламизки, фуқаропарварлик қилиб, қизимнинг кўз ёшига тараҳҳум этиб, айиртириб қўйсангиз. Бўлмаса ўзини ҳалок қилгусидир, барчамиз зоминига қолурмиз». Мана бир томондан қўрққанидан, бир томондан олти кунлик омонат мансабига динни, имонни сотиб мирзабоши ариза бергандир. Бўлмаса, қизини эски ҳокимдан қочириб, зўрлаб ўзи акамга берганини бутун эл билса

ҳам қандай қилсин! Унинг зулми ҳамманинг бошида бордир. Дарров ҳоким отам билан акамни зиндонга солдирди. Бечора акамни зиндонда шундай урганларки (*йиғлар, Ойхон ҳам йиғлаб турар*), бир ёқдан қўрқиш, калтак дарди, бир ёқдан севгили Ҳурзод ва кичик гўдакларнинг аламидан бир ҳафтага етмай вафот этди.

Ойхон. Оҳ, вафосиз фалак! Бу қандайин дунёдорликки, ҳар бир юртнинг ҳокимида шундай ёмон туйғулар, бечора ҳар бир эл бошида шундай заҳарли қайғулар бордир.

Чўпон. Ҳоким, акам ўлгандан кейин, ўз-ўзидан, отамни амирга боришидан қўрқиб, ота-онам билан мени ҳамда Ҳурзод ёнида кўмакчи бўлиб турган шу Майсара аммамни бу юртларга сургун қилди. Мана фалакнинг шундайин тубсиз жафолари билан бизлар бунда ўн уч йилдирки, юртимизни биргина марта кўролмаймиз. Бечора ота-оналарим доғ-ғурбатда бунда ўлдилар.

Ойхон. Ҳурзод нима бўлди сўнг?

Чўпон. Айтгандай, биз сургунда йўлдалигимизда карвон оғзидан эшитдикки, биздан кейин ҳоким ҳар кун мирзабошининг уйига ярим тунда борар экан... Ҳурзодни шу қадар кучлаганлар, ёнига кирмаган, кирганда дод-фарёддан тўхтамаган. Охири ўрдага кетиши билан, ярим тунда, икки гўдагини етим ташлаб, қочгандир. То булар ортидан етиб боргунча ўзини Амударёга отиб, нобуд бўлган.

Ойхон (*таҳайюр билан*). Ажаб иш қилган вафоли хотинлар.

Чўпон. Бунинг устига икки йилдирки, карвон юрмай хат-хабар ҳам бўлмади. Ҳозирда маълум бўлдики, боғ-роғларимиз амакиларимизнинг сағирлари қўлидадир. Ҳисор ҳокими ҳам янги бўлган дейдилар. Мана шунинг учун, ёрим Ойхон, мен сени бунда қўйиб, ўзим бориб келишим керак. Шу хабарлар тўғри бўлса, келиб аммам билан сени олиб кетиб, ақалли бўлмаганда бир йил унда, бир йил бунда сенинг учун яшармиз. Йўқ, боғ-роғларимиз қўлдан кетиб, ўша ҳокимлигида пойдор бўлса, келиб унда бошқатдан тириклик йўлини кўрармиз, деб ўйлаган эдим.

Ойхон. Аммам бориб келмасми?

Чўпон. Севгилим Ойхон, ўн беш кунлик узун йўлда хотин кишининг бориб-келиш ҳоли қандай бўлур?

Ойхон. Оҳ фалак. (*Сукут.*)

Чўпон (*бир оздан сўнг*). Нега сўзламай хомуш турурсан? Юрагингда сир тутма! Чунки ўртада сир яширилган севиш чин сезишлардан саналмайди. Мен ҳар бирисини очиб сўзлаганим энг кейинги севишларимни билдирганим эмасми, Ойхон! (*Упар.*)

Ойхон. Фарштам Чўпон! Сен ҳар нарса десанг меч ишонурман, лекин сенсиз бир нафасга ҳам чидолмасман. Севишган юрт, ўсишган уруғ-аймоқ, жўра, ўртоқларни соғиниб тушган кўзларни қайириб қараш жуда қийиндир. Бир севган эмас, минг суйгандан бир туққан учун айрилиш нимадир? Эрларда вафо бўлса, хотинларда жафо бўлмасди. Оҳ, айрилиқ! (*Йиғлар.*)

Чўпон (*юпатиб*). Тириклигимнинг қувончи бўлган Ойхон! Сени бирдан олиб бориб, Хурзод каби, бир золимнинг қўлига асир беришга чидаб туrolмасман. Соғлиқ бўлса, тездан ҳамма мурод-мақсадимизга етармиз.

М а й с а р а кирар.

М а й с а р а (*бошидан қийғос тўнчани ташлаб*). Ас-салом алайкўм. Тоҳиру Зуҳралар, бормисиз?

Чўпон ҳам Ойхон (*туришиб, таъзим билан*). Ас-салом, келинг, амма. (*Ойхон бориб кўришар.*)

М а й с а р а (*Ойхоннинг кўзида ёш кўриб сезгандан, юзидан ўпиб, севиб силкиб*). Ойхон, Ойхон! Йиғлабсиз шекилли? Қарнайхон, сурнайхон, эркахон, серкахон, кулиб-кулиб қўйинг, ўргилсина чўргилсин, хамир кўпти тўргулсин. (*Чўпон кулур.*)

Ойхон (*қўлларин айирмоқчи бўлиб*). Амма, ҳозир куладирган чоғларми?

М а й с а р а. Ёмғирнинг ортида» боғлар қандайин яшнаса, йиғининг ортидан бўлган кулки шунчалик ярашгусидир. (*Қучоғига босиб.*) Айланай, айланай, мошавамиз қайнапти, қизи сақич чайнапти. Чўпон билан Ойхонлар йиғлаб-йиғлаб ўйнапти.

Ойхон (*ўзини тутолмай кўз ёшин артиб, кулиб, қучоғидан чиқиб кўрпачани тузатиб*). Утиринг, аммажон! (*Бориб тўнчасини олиб, қоқиб дорга солур, Чўпон ҳам ўтирар.*)

М а й с а р а. Ҳа, Чўпоннинг отини айтмаса кулмайди-я, Чўлпоним!

Ойхон. Чўпонимдан бошқа кимим бор! (*Келиб, ўтириб.*) Ҳали худойим уни ҳам кўп кўриб турибди. (*Яна кўз ёши.*)

М а й с а р а. Қўй болам, бекорга кўз ёшламоқ — жафо билан ўйнашмоқдир. Эр деганнинг кўнгли ўсган ерда шердир. Бу ғурбатда эрингнинг кўнгли ҳамиша чоғ бўлмагандан сўнг сизларнинг турмушларингизда қайғу доғдан бошқа нима ҳузур-ҳаловат бўлур. Сен ўйлайсанки, Чўпон борса келмай қолур? Йўқ, Чўпон сенсиз дунёда бир кун туролмас. Қўй, болам! Ғурбатда юракларимиз ситилди, биз ҳам иним билан, Жаҳон бибига ўхшаб, лаҳадга кўзимиз очиқ кетмасин. Сизлар ёш, ҳар бирингиз юртингизда, омонлик бўлса, йилига икки қайтадан бўла олурсиз. Аммо мен қаридим. Эскиларнинг бир мақоли борки, ёш умрга кўҳистон гулистондир, қари умрга гулистон ҳам гўристондир. Амманг айлансин, кўз ёши қилмай, Чўпонни шодлик билан узатгил. Соғ бориб, омон қайтсин. Бирга бўриб, бирга шодликда биргалашиб яшайлик. Яна сенга яширган сўзларим кўпдир. Кейини сўзларман. Тур, қизим! Ҳа, аччиққина бир коса пиёва қилғил, кўнглим озиб келди.

Ч ў п о н. Тургил, тезроқ пиширгич мен ҳам, сен ҳам оч қолдик.

О й х о н кетар.

М а й с а р а (*Чўпонга яшириқча ҳаракат билан*). Қаллиқдан бахтли чиққансан, болам. Шукур қилғил. Гапдан хабаринг борми?

Ч ў п о н. Юртга кетиш дардидан бошқа хабарим йўқдир.

М а й с а р а. Отанг раҳматликнинг сенга васият қилиб қолдириб кетган йигирма тилла пулига қози эшоннинг тоғиб кетишларининг сабаби бор эди. Шу куни мен сен билан отанг топшириб қолдирган ўша талаб хатни олиб бориб бердик. Бизнинг қўлимиздан хатни олиб қолгандан сўнг, ул бедиёнатлар дарҳол бошқа қоғозга, вақф қилдим, деган сўзларни ёздириб бошқадан муҳр бостириб чиқиб бизни ўрта орада сиёсатга<sup>1</sup> тортдилар. Бизнинг омилигимиз ўз бошимизга етганга кўра, ақлимизга нима бўлдики, тўғри қозига бормай, шаҳар ҳокимига борсак. Мен-ку отам раҳматликдан бурунги қозилар ҳикояларин кўнгина эшитган эдим. Энди бир золимнинг ҳийласи билан шунча дунёни ташлаб кетаве римизми, Чўпон? Учасиз юрак юракмидир!

<sup>1</sup> Жавобгарликка.

Чўпон. Энди амма, мен ҳеч бир нарса англамай қолдим. Шариат фалон, деган юрт қозилари, эшонлари, хон, ҳокимлари, сайид, тўра, хўжалари, халифа, зокир, авлиёлари — барчалари бўлсин хиёнат, олчоқлик, фоҳишабозлик, золимлик, жафокорлик, турли-туман яратганининг қаҳри билан бизларни қўрқитганлар — ёмон ишларда ўзлари бошдирлар. Уларга гангрининг давлат ва саодат беришдан бошка балоси йўқдир. Дунёнинг борлиқ заҳмат, кулфатлари ҳар палла бизларга ўхшаш, ёмонликдан қўрққанлар... устида... фалакнинг айланиши шундоқ бўлгандан сўнг, шариат курсисидан ўтирган юрт қозилари шундоқ ишлар қилгандан сўнг, ўзининг балойи нафси учун фарзанди қаторидаги фуқароларнинг никоҳлик ҳарамларига кўз олайтириш билан овора бўлиб юрган шаҳар ҳокимларидан қандай умид тутармиз, амма! Менинг райимга юрсангиз эр йигитга мол чикора! Қўй, мол кетса кетсин, бош соғ бўлса топармиз. Қўй, тўрт кўз, тугал йўл олганимиз анча фаниматдир. *(Бош тугиб ўйга чўмар.)*

М а й с а р а. Болам, Чўпон! Сенинг ҳали хабаринг йўқ, мол нима — хасдир. Ойхондан айрилмасак, деб қўрқув босадир.

Чўпон *(чўчиб)*. Нима, Ойхондан айрилиш? Ойхондан айрилиш олдида Чўпонга бир марта ўлиш фарздир, амма! Айрилишдан сўйламаки, юрагимнинг бир оҳлик ҳоли қолгандир. *(Бўйнин солур.)*

М а й с а р а. Бошингни кўтар! Эр йигитнинг бош солгани ўлганидир. *(Кўтарур.)* Мен саломат бўлсам, Ойхон қўлдан кетмас. Кичик душманнинг ҳам ортидан из қувмоқ ақлликлар ишидир.

Чўпон. Қайдин билурсизки, Ойхон қўлдан кетар?

М а й с а р а. Мен бу юртга келганимга ўн уч йил тўлгандир. Нима учундирки, бундай ҳодисалардан хабарим бўлмағай! Ваҳолонки сенинг қайин отаннинг уйида ўтадиган воқиаларнинг ипидан игнасигача мenden яширин қолмаслигини ёшлигингдан бери билурсан. Раҳматлик қайин отанг Иноятбой, бир кун бормасам кўз ёши билан ўпка чекар эди. Бир кун шу сенинг қаллигинг тўғрисида юз ёлбориб менга ҳасрат қилиб маслаҳат сўради: «Қизим бир ёлғизимдир... Юртнинг ҳукамолари, фиқо фужурларидан қўрқаман... Бир ёкда ҳаж кетмак ирода бордир... Қўрқаманки, мenden сўнг бундаги ҳусн ва

чирой ўз бошига етиб, қиёматгача менинг бошимда ёмон бир дostonлар эл орасида қолмагай. Сиз мени, тутунган бўлса ҳам туғишганимдан ортиқроғимдирсиз. Мадғози тоға бўлса ҳам оғам, ҳам отам, ҳам эски бир қадрдонимдир. Сизлардан яширгудек асрорим бўлмас. Нима бўлурки, шу қизим ҳақида кескин бир маслаҳат берсангиз, ўлгунимча сизни хотиримдан чиқармағайман», деди. Мен «қадрли оғам, ҳар нимаким меҳрибонлик қилдингиз кўзларим устига бўлғай, қизингиз ҳақида қандай маслаҳат берурманки, биз билан ҳам кўп замонлардан бери бу юртда диёр, ғурбат афсонасини чекурсиз. Охири бир кун бўлурки, сиз ҳам биздек ўз юрт-элларингизга ирода қилмоқ ихтиёр этурсиз. Қизингизни бу юртларда ғариб қолдириш энг ёмон кунларни унинг борасига раво кўришдир. Мазлумаларнинг ҳар доим эрлар жафоси билан ўзи томиб турган кўз ёшларига қизил қон қотиштирмоқ, бас, улуғ гуноҳлардан бўлмасми?! Бир қўзи боласининг ҳайвоний безабонлиги билан онасининг бир дам йироқроқ бўлгани учун қилган нолафарёди бизнинг учун улуғ бир ибрат бўлолмасми! Кошки бу юртда сизнинг донишманд бу кўз нурунгииз учун биргина лойиқ одам боласи топилса. Бунинг устига, ўзингизга ойдиндирки, Чўпон билан иккиси бирга катта бўлдилар. Балки ўзингизга ҳам бу сирлар аёндыр. Ораларида бўлган севги бир-бирларидан айрилишга ҳеч бир йўл бермайдир» деганимда, бечора қайин отанг узоқ чоқлар кўз ёши билан хаёл суриб, «Опа, менинг бошимни қотирган бу ҳангамаларнинг охири нима бўлишидадыр, ҳали бир қиз экан минг қизимни, ўз юрт, ўз элим бўлган Мадғозининг останаси учун садақа қилурман. Чўпондек кўрпани босишга қобил бўлган кўз нурум учун менда жон қизғончим йўқдыр. Лекин бунда бир қайғули хабар бордырки, ҳар бир юртда бор бўлгани каби бизнинг юртда ҳам ҳокимлар зўрлиги кўп кишиларнинг ёстиқларини қуритгандир. Ўзингиз биласизки, Ойхонни саккиз ёшидан бери ҳокимларнинг бекачлари оёқ остидан қочириб, элатия овулларида тарбия қилиб келурман. Бовужуд, бекачлар у ердан ҳам хабар топгандирму, ҳар ҳолда шаҳар қозисининг қулоғига етгандир. Бу кун-эрта совчи юбориб, Ойхонни сўрамоқчидирлар, деб эшитдим. Бу золимлардан ҳеч бир нарсани қочириб бўлмас. Кошки мусофирлик гуноҳимиз бўлмаса энди. Бўлмаса энди, бермасликка чорамиз йўқми, деганимда,

агар қозига бермасак, ўзи бизни ҳеч нима қилмаса ҳам, хон ўрдасига зулм билан жўнатмакқа қўлларида фармони олийлари бордир», деди. Охири, кўп сўзлардан кейин, шу маслаҳатга келдикки, сени Ойхон билан кўз ёшларинг тўкилмасин, қайин отанг зиндонларда аканг каби ғариб ўлмасин учун тезлик билан ҳаж иродасин лойиқ топдик. Эртага сафар куниси оқшом бир қошиқ сув билан никоҳларингни ўқиб кетиб, тангри қўшса қайтишлик, юртимизда қолиш бўлди. Қайин оналаринг билан бизлар бир кечада кўчиб кетмак бўлдик. Тўй ҳозирлиги биткунча қозидан киши келса, «ҳали қизим ёш», — деб узатар эди... Охири қайин отанг, иродаларингда бор экан, айтган ваъдасига вафо қилиб, қолган тадбирларни менга васият қилиб кетган эди. Энди қозига бу ишлар оғир ботиб Ойхонни сендан айириб олув қасдига тушгандирки, отанг васият қилган ўша йигирма тилла омонат олтинга хиёнат қилди. Агар бу иш шуҳрат топиб, Ойхоннинг хон ўрдасига кетиб қолишидан қўрқиб бўлса керак, ғоят секинлик билан ҳийла қурмоқдалар. Қайин оғаларингни ҳам олиб бориб, сиёсат ва мансаб билан ваъда қилган бўлсалар ҳам, улар, бу иш зўрлик билан бўлса, охири ўлимга қарор топади, тадбир билан биз уҳдасидан чиқмасмиз, деб жавоб берганлар. Улар ҳам сен билан Ойхонга билдирсак бир кори ҳол бўлмасин, деб менга сўзлаб, бир кечада қочмоқ учун ҳозирлик кўрмакдалар. Қошки бир қозининг ўзи бўлса, унинг бир муфти бўлган ўғли билан бир аъламининг ҳам Ойхонга «ишқи» тушганин сўзлайдилар. Мана сецинг бахтинг устида айланган фалакнинг наҳслик офатлари.

Ч ў п о н. Оҳ, амма! Бу қандай қайғуларки, ўлим уйқусидан бошқа юпотучиси йўқдир. Ғурбатда ота-онадин айрилиш устига суюк ёрдан айрилиш ўлимдан минг марта қаттиқроқдир. Айта кўргилки, бу: дайин балолардан қутулмоқ учун ким-кимларнинг қайноқ қонларидан ташна юракларни қондирмоқ керак?

М а й с а р а. Ўғлим, бу ишларнинг поёни одам ўлдирмоқ билан саранжом топмас, ҳийла билан бажаришда анжом топади.

Ч ў п о н. Амма, биз бу юртга мусофир бўлсак, бизнинг тадбиримизнинг кўмаги бу ишларни бажо қилмайдир. Бир йўл бордирки, у ҳам бўлса букун-эртадин қолмай қочмоқ ёки қасдларни олмоқ, билдирмай буғизларидан қон қусдирмоқдир.



М а й с а р а. Чўпон! Сен куч ва бозуга ишонганчали қахрамондирсан. Лекин тирикликнинг бундай ишларини тадбир билан саранжом топилишига бўз болалик қилурсан. Қочсак номардликдир, киши ўлдирсак жинноятдир. Турсак, икки бошдан тилагимиз, номусимиз барбод бўлур. Бир иш қилиш керакки, душманларни ўз-ўзларича ўлимга маҳкум этайлик. Ойхонни соғлом қўлда қолдириб, юрт-элга номусимиз билан саломат кетайлик. Ўғлим, шер йигитни одам ўлдирмас, номус ўлдирур. Биз бир иш қилайликки, шармандаларни ер юзига дoston қилиб кетайлик!

Чўпон. Қандайин чоралар бордирки, сизнинг айтганингизча бўлур? Кошки отам шу олтинларни сизга топширган бўлса эди.

М а й с а р а. Бағрим Чўпон, отанг менга топширди. Мен олмадим. Жон бор жойда қазо бор, деб ҳарнарсa шариат қўлида тургани яхшироқ, деган эдим. Энди сен олтин ҳасратини қилмағил, унинг ҳам чорасини топгандирман. *(Рўмолча учидан уч олтин чиқариб бериб.)* Ма, сен мана шу олтинни ол, эртага йўлга чиқ, бир кунлик нари қишлоқдан икки от ол, кучлик чопқир зотлардан бўлсин, эгар-жабдуқ билан ҳозир бўлгин... Бошқа томон билан сенинг ишинг бўлмасин.

Чўпон. Сиз бунда қолиб нима қилурсиз?

М а й с а р а. Биз қози, аълам, муфтиларни бу уйга келтириб, қўл-оёқларини боғлаб, икки жаҳон шарманда-си қилиб, қочиб, сенга етурмиз.

Чўпон. Бу тадбир сизга қандай мумкин бўлур?

М а й с а р а. Ўғлим, аммангнинг дostonи ҳар бир ерга маълум эмасми! Қози, эшоннинг кичик хотинлари билан топишдим. У менга кўмак бергусидир. Отангнинг берган олтин ҳамёнин ҳам ўз кўзим билан кўрдим. Сўзларига, ваъдаларига ишондим, у бечорани ҳам бир севганидан айириб олган экан. Мана, ичидан бузилмай қўшин енгилмас, дегандек, ичдан топилган кўмак бизга зўр ёрдамдир. Бу баҳонада у бечорани ҳам золимнинг панжасидан қутқазиб, ўз севганига қўшиб олиб кетур-миз.

Чўпон. Амма, сизга у кеча кўмакчи ким бўлур? Менинг қайси жойда кутганимни ким билиб йўллар?

М а й с а р а. У кеча бизга кўмакчи — қози хотинининг севгилисидир бўлур. Сенинг ҳам олдингга бизни у еткизур. Мен хабар қилурман, эртаси билан у йигит келур,

тиллашиб ваъдалашурсиз. Балки бориб сен билан от-ағ-жомларни бажаришиб, бирга келсангиз ҳам бўлур. Лекин отларни қишлоққа яқин келтирмассиз, ундан сўнг ўзингиз, биз хабар қилмагунчали, боғ орқасидан қимирламассиз. Умидим шуки, мурод-мақсудимизга тўрт кўз тугал етурмиз.

Ч ў п о н. Амма, қўлга тушмасак эди, ҳамда Ҳисорда ҳолимиз нечук бўлур?

М а й с а р а. Менинг кўнглим ботган иш бўлмай қолмас, ҳам қолмагандир. Кишининг таважжуҳи нимада бўлса, бўлмай қолмайди. Қўрқма, Ҳисор ҳоқими бўлса... бир қиз хусумати устида ўлдирилиб, янги пок бир киши ҳоқим бўлган, хабари бор. Жуда бўлмаса, Ғузор бор, Дарвоза бор. Севганим қошимда бўлса, менга чўл—боғи эрам, демишлар. Мен соғ бормен изларингга тикан туширмагайман...

Ч ў п о н. Соғ бўлинг, амма, тилларда достонингиз кўркам бўлғай.

О й х о н дастурхон билан кирар.

П А Р Д А.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Мадраса ҳужраси. Токчаларда ҳар турли ашёлар, сўл томонда меҳроб, меҳробда сандиқ, сандиқ устида курпа, кўрпачалар. Унг томонда дарча ҳамда ҳужранинг қазноғи бўлиб, қазноқдан саҳнга эшик очилур. Қазноқда баъзи, ҳужранинг лавозимига сақланган эски-туски ашёлар мавжуддир.

Мулладўст ҳужрани супуриб, қўшиқ айтиб турганда парда очилур.

Мулла дўст (*бир қўлида супурги билан супуриб, ўйинга тушиб, қўшиқ айтиб*). Отим Ҳусайнжон вофуруш, ҳовлимда йўқ хамиртуруш, хотиним билан кунда уриш, олмай ўлайин, дейдиё.

Олма анорингга балли,  
Як дона холингга балли.  
Тангрим, мени шўр лойдан  
Ясаган кулолингга балли.

Мунча қуруқ, Дўсрат! (*Ўзини кўрсатиб*.) Танганг йўқ, уйланишга бир чақанг, турма жаҳонни тор қилиб бўл охират сари даканг!

Олма анорингга балли,  
Сабру қарорингга балли.  
От тепган иқболинг билан  
Ноомади корингга балли.

(*Супургини туртиб юбориб*), шу даргоҳга келганимга иккам ўттиз йил бўлибди-ю, туни-кун ишим мулозимлик, уй супуриш, отхона тозалаш, ош пишириш, бало қилиш, бадтар қидиришдан бошқа бирор мартабага минмапман-а! Сал бўшадимми, икки қўлим қайси бир очиқ мазордаги, худонинг газабига учраган қарздорнинг ёқаси-

да-ю, шилқ-шилқ кўча чангитганим-чангитган. Баобрў-роғи бўлса-ку бир мири, олти пул бериб олдимга тушиб келади-ю, нон емас, қурумсоқ, шилқим, муттаҳам, сурри олипта-ю каллакчи пештаҳамларига учрадингми, оғзи-бурнинг қора қонга ясаниб, ҳайит бўлиб кетгани ортиқ-ча тағин! Билмайман, мучалим тўнғиз бўлиб, сафар ойнинг ўн бирида туғилибманми, бу дунё ҳамма ёнидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун эллик тўртга кирипманки, иқболим наҳс фалокатдан сира ажрамайди. Бетларимиз тиришди, бизнинг тенглар эшиги шуваладиган ҳовлига киришди, бизгаям ажал деган рўдапо деворнинг орқасидан қарашди. Соқол оқариб, озиқ тишлар тўкилиб, нозик бу бел деган жонивор ҳам эски маҳсидек букулди-ю ҳалигача паричеҳра-ю боғи гул андом, юзи тўлин ой, зулфи паришон, қошлари камон, кўзлари бодом, тиллари асал, лаблари шакар, бўйлари раъно, ўзлари доно деган қиз-жувонлар у ёқда тура берсин, кўзи шишган, тиши тушган, бетлари шафтоли қоқидек тиришган, қабристонга қараб лаҳад учун киришган, оғзи гўрдек, бурни қувурдеккина, бели камалак, юзи сумалаккина бир бедаво, саксонни, юзни урган бир кампир билан ҳам ўйнашни худойимиз кўп кўрди. Буни қарангки, иккам ўттиз йилдан баққа мана шу бехосият остонайи номуборақда лоақал мингдан ортиқроқ хотин ҳалала бўлди, биздақа пешонаси тўмтоқ, қурумсоққа бирортаси ҳам... тегмапти-я (*пешонасига уриб*), вой сени бекорчиликда яратган худойимдан ўргулай. Ҳаммасини қўявер! Кечаги келган Боймат қипчоқни айткин! Эндигина элликка кирган нодира, ўргулсин қулингни... олди кетди. Биз бўлсак-ку ҳансорга ўхшаб мана шунини олсак туқсон тўққизи қолади деб ҳоваланганимиз ҳоваланган. Бу бизнинг пешонамизга хотин ёзишга келганда ё қалами қудратнинг сиёҳи адо бўлиб қолган, ё бу муроднинг тупроғини туз конининг чуқур жойидан олиб, лойфурушига ҳожилар айтган шўр дарёнинг сернамакоб жойидан олиб қўшган-қўйган-да! (*Супурар*.)

Му л л а р ў з и (*кириб*). Ҳа, Мулладўсма! Нима деб гурунглаяпсиз?

Му л л а д ў с т. Эй, ассалом алайкўм! Аълам домла, келинг. (*Бориб кўришиб*.) Келинг-а!

Му л л а р ў з и (*ўтириб*). Хўш, нимадан шикоят қилиб турибсиз? Бир оёғ гўрда, бириси тўрда бўлиб қопти-ку!

Мулла дўст. Эй, тақсири биродар, қағда бир оёгим дейсиз, иккавиям баравар гўристонга йўрга чиқариб қолди-ю, лоақал бировсиям бўсаки, никоҳ чойшапини босолмай кетаётибди-да. (*Рўзи кулар.*) Илоҳимки, дуо қилинг, бу дунёда бўлмаганга яраша охиратдаям ишқал бўлмасин. Худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртади, дегандай, у ерда ҳам арвоҳ уриб жин қоқмаса эди. Облоҳумма саллиало, учинчи дунё қайда дейсиз... (*Мулларўзи қотиб кулар.*) Куласиз, куласиз, ёғ кундадай гижиллаган бойвучча хотинни олволиб бизнинг аҳволимизга куласиз-да! Эй омон бўл.

Мулла рўзи. Йўқ энди, аҳволингизга ҳамда қизиқ гапларингизга куламиз-да, ахир. Ҳозир бу бойвуччангиз ҳам меъдага зиғир ёғдек тегиб турибди.

Мулла дўст. Сизларни, ҳа энди нима деймиз? Худойим илм бериб, мартабаларингизни баланд қилиб, иқболларингизни сартарошнинг қайроғидек силлиқ, чаққон қилиб қўйпти. Ҳамманинг нодирайи даврон, ошиптаи замон қизлари сизники бўлмай кимларники бўлсин? Ҳафтада бириши қўйиб, иккини олаверасизлар... Бизга лоақал, йўлакка тўнғак бўлган пайтава қулоғиям тегмайди. Агар сизнинг яқинда олган моҳпайкарингиз менда бўлса, ҳар соат юзининг кулчасидан тўқсон тўққиз айланардим-а! Худойимнинг қулоғи билан биздақа камбағаллар оғзининг орасига Жабройил деган бесўнақай қанотларини тўсиб олган-да! Бўлмасам наҳот бир кам қирқ йилдан бери хотин сўрашни қилавериб, оғзимиз халта бўб кетди-ю, бир алвастигаям учрамасак-а! Ургулиб қўйдим!

Мулла рўзи (*қаттиқ кулиб.*) Қўйинг, хафа бўлманг ахир, қози домлагаям шунақа пайт-пайтида йиғлаб қўйсангиз бўлмайдимиз?

Мулла дўст. Қўйинг, ўша қози домлангизга ҳам отган ошиқнинг ҳаммаси пуккасига тушади. Худо солмаган қулоқни қозиси соладими! Ўзлари бўлса тўқсон бешни жева қилиб, иккам юзни бева қилдилар. Бирорта сарқитни ол мана мунисини, деб қўйиш анқога жиян!

Мулла рўзи. Эй ҳай, ҳай сиз қизиқмисиз, гуноҳкор бўлдингиз!

Мулла дўст. Эй-ҳа!

Мулла рўзи. Қози домладан айрилган ҳарамни расмий фуқаро у ёқда турсин, бойлар, катта эшонлар, ҳатто бир юртнинг ҳокими ололмайди-ю!

Мулла дўст (четга). Ҳаммаси, отбоқарларгача катта-ю...

Мулла рўзи. Сизга йўл бўлсин! Кўрасизми, Ҳақназар ясовулбошининг қизини никоҳларига олганларига бир ҳафта бўлгани йўқ эди. Озгина бир беодоблигига қаҳрлари келиб ўн бир йилдан бери уйда тул умр ўтказяпти. Шундай оламини титратган ясовулбоши бир оғиз бир нарса демайди.

Мулла дўст (четга). Бай, бай, гўр кетди дегин ҳам... (Мулларўзига.) Қози-домла ҳам кўрнамак эканлар-а, ниманинг беодоблиги бор экан?

Мулла рўзи. Эй, уни суриштириб нима қиласиз! Улуғ одамларга бир гап озлик, икки гап кўплик қилади. Қози-домланинг олдидарига аксирипти-да, чучкирибди. Дарров эшикка чиқмайсанми? Катта одамларнинг қошида акса уриб бўладими? Хон бўлса ўлимга буюрарди, тагинам қози-домла шариатнинг адолат минбарига ўтирганлари ҳамда ўзлари кўп силайи раҳм эгаси бўлганларидан ташлаб қўйдилар.

Мулла дўст. Энди бу акса деган бесаранжомнинг қози-позингиз билан асло иши йўқ. Бир келиб қолгандан кейин ҳайвонга ўхшаган думи, одамга ўхшаган ёқаси йўқки, маҳкам сиқиб эшикка опчиқсанг. Умас, бумас, худонинг иродаси-да. Иш қилиб, гўр кетибди-да, аттанг! (Четга.) Менда бўлсин, бир чучкурса минг тасаддуқ дердим.

Мулла рўзи. Катталарнинг даргоҳидан мардуд бўлиб, бир қувилган хотинлар эрга борганда, эркакларнинг кун кўриши амри маҳол, амри маҳол.

Мулла дўст. Оббо, ҳали шунақа денг, энди бизнинг ҳалиги гапимиз, қози домланинг қўйган хотинларидан умид қилишда эмасди-ку, мана бу ҳалала-палалалардан бирортаси тегиб қолса девдик-да!

Мулла рўзи. Ҳа мана мундоқ денг, бўлиб қолар. Сабр қилсангиз, гўрадан ҳалво ейсиз.

Мулла дўст. Сабрнинг авжига ўттиз минг чиқиб тушдик-ки, гўрга бориб ер бағирлашдан бошқасига кўзимиз етмай қолди.

Мулла рўзи. Қози-домла бизга ваъда қилдиларки, бизнинг эсимизга солинглар, эндиги келган ҳалалами, ёки бирорта тул хотин келиб қолса, шу Мулла дўстга олиб берайлик. Аммо менинг бир шартим бор. Агар шу шартимни бажо қилсангиз, бир олифта, танноз, со-

ҳиб жамол бир хотин бор. Дарров қози домлага маъқул қиламану, оламан бераман.

Мулла дўст. Вой қуллуғ-ей, илоҳий икки дунё-нигиз чарақлаб кетаверсин-да. Қани, шартингизни тезроқ айтинг. Бир кеча ўша мавзун паноси билан бўлган жон сизга қурбон бўлиб кетсин. (*Хурсандлик.*)

Мулла рўзи. Эшикда мулла Мадали ўтирибдир. Айтинг, кетаверсин. Кечқурун мадрасадан бориб қоғозини олсин. Ундаи сўнг айтинг, назрини дурустроққина қилиб берсин. Бу нима? Уч сафардан буён қуппа-қуруқ келади. Тангрининг беҳиштига ҳам қуруқ кириб бўлмайди, денг.

Мулла дўст. Тўғри-да, тақсир. Эшакка шўра бўлмаса, ётиб олади-ю, қуруқ сўз қулоққа ёқсинми? Ургилиб кетай номидан, дунёнинг ҳамма нарсасининг бисмиллоси шу-я, бундан холиман деган одамлар бу дунёнинг одами эмас, деяверинг! (*Чиқар.*)

Мулла рўзи. Ҳар нарсанинг бир ўгити бўлади. Ҳозир жуда ҳам мавриди келди. Қози-домла йўқ, буни қўлга олиш керак. Чунки сандиқнинг калити шунда, гап ҳаммаси шунинг калит беришига маътал бўлгандан кейин нима бўлса ҳам шуни рози қилиб, шу васиятнома-ни олиб қолсанг Ойхоннинг бир кечалик висоли ноёбларидан комёб бўлурмиз. Майсаранинг айтгани тўғри. Қиз иккави бир-бирини ўлгудай яхши кўргандан кейин айриш маҳол! Бир ёқда қози-домла яхши кўрса, бир ёқда нури чашмлари Ҳидоятхон яхши кўрсалар, бирортамиз олганда кўп ҳодисаларга сабаб бўлиб, балки расвойи жаҳон бўлурмиз. Ундан кўра Майсара айтгандек, эрини турли баҳоналар билан ҳар томонга баъзи савдо ишларига юбориб, навбатма-навбат хилватда базм қилиб турсак бўлди-да. Лекин кўп ақлли хотин-да. Энди хат масаласи бўлса барибир, у зол хотин бир алдандими, энди ҳушёрроқ бўлди. Бунинг устига ман у хатни ўзим танийман, деб қўйди. То иккавини бир жуфт кавушдай қилмаганда биз муддаога етолмаймиз. Шундай бўлгандан кейин то бу талабни ижро этмагунча мурод эшиги ҳам ҳаргиз очилмагай...

Мулла дўст (*кириб*). Тузладим, тақсир, ўттиз бухори қилмасанг ишингнинг расво бўлгани-бўлган, деб ишқал кушод қилиб қўя қолдим. (*Ўтириб.*) Қани айтингчи, юрагим пишган тутдек тўкилиб кетяпти, қайси боғнинг гули, қайси чаманинг булбули экан. Тасаддуқ-

часи бўлай. Айтганингиздай, одамзод деган кўп бе-сабрда.

Мулла рўзи. Сабр қилинг, сабр, уни айтиш жуда осон, аввал бизнинг ваъдани тўғриланг.

Мулла дўст. Юкларингизнинг туя-туяси бўлай, айтаверинг дедим-ку.

Мулла рўзи (*қуръонни олиб*). Аввало мана шу қуръони карим билан азиз қасам бераманки, бу сирни ҳаммадан пинҳон тутасиз. Ана шунда айтаман, нима дейсиз?

Мулла дўст. Қасамни-ку шафтоли қоқининг суви-дек ичавераман-ку, тагин у ишнинг уддасидан чиқолмай қолиб, икки орада хотин ҳасратининг устига Марвони харнинг арвоғи ҳам уриб қолмасин.

Мулла рўзи. Йўқ, жуда ҳам мушкулотдан эмас-да. Наҳотки уддасидан чиқолмайдиган ишга сизни таклиф қилсак. Мана шу ергинанинг ўзидагина бўлади-қўяди... Худованди карим, шундоқ улуғлиги билан, лоюкаллифуллоҳу нафсан илло вус аҳо, бақадри тоқат иш бу сизга... Зарари бўлса бизга бўлур.

Мулла дўст. Гўрда, тақсир! Ишқилиб садақалари кетай, худойим шариатни икки буклаб, олти қатлаб, сизлардек улуғ зотларнинг қўлтиқларига қистириб қўйган. Нима қилсаларингиз ўзларингизда ихтиёр. Бизлар бўлса мулла шудринг деган гумроҳлардан, оқ қиладиган, кўк қиладиган, икки дунёда дастгиримиз сизлар... Қани бўлмаса. (*Қуръонни олиб*.) Умримизда бир марта бўлса ҳам ўша моҳипайкар гуландомнинг кўйларида ичсак ичиб қолайлик....

Мулла рўзи. Агар Мулларўзи домла ибни марҳум Гофирхўжа аълам...

Мулла дўст. Тўхтанг, тақсир! Бўйра устидаги қасам билан бунинг қанча фарқи бор? Аммо бизнинг тилимизнинг олов куракдан фарқи йўқ. Унча узун қасамларни келтира олмаймиз, якдона, якдона қилиб худди ўзини айтинг-қўйинг!

Мулла рўзи. Мулларўзи аъламимизнинг айтганларини бажо келтирмасам, шу сирни бирор кишига билдирсам шу ўттиз пора каломулло гувоҳимдир.

..... 1

---

1 Қўлёзмада икки бет тушиб қолган.



Мулла рўзи. Бу нима эмиш, бундан зўрроғига ҳам йўл бор.

Мулла дўст (*четга*). Шариатнинг дод ўлдим дегани тили, жони бўлмаса... Хўш, нима қиламиз энди? Битта ривоятни юмалатиб юборинг, бўлмаса!

Мулла рўзи. Сиз калитни ёнингиздан бир нарса олмоқчи бўлиб тушириб юбориб, билмаган бўлиб, чиқиб турасиз. Биз олиб очиб, ишни тўғрилаб бўлгандан кейин яна ерга ташлаб қўямиз. Сиз оласиз-қўясиз-да. Мана шунга ҳийлайи шаръий дейдилар.

Мулла дўст. Ўргилай, ҳамма касофат омилигимизда-де! (*Чўнтагидан рўмолини олиб калитни туширар.*) Ана энди ували ўзингизнинг бўйнингизга, лекин бизнинг тилимиз келишадиганроқ дуосидан ҳам ёзиб қўясиз. (*Тескари қараб.*) Эй, тақсир, (*тескари кўрсатиб*) анави ҳалигини яшириб туринг, бир нарса эсимдан чиқиб қопти.

Мулла рўзи. Орқангизга қарамай айтаверинг энди! Ёмон бўлади.

Мулла дўст. А, ҳа, ҳалиги бизнинг маликаи дилором нима бўлдилар?

Мулла рўзи. Ҳа, албатта бўлади, хотиржам бўлинг.

Мулла дўст. Тагин эшак лойдан ўтиб, орқага қарамай, оғиш шаҳрига индамай жўнайверманг.

Мулла рўзи, Йўқ, йўғе, хотиржам, дедим-ку. Уламоларда ёлғон гап борми?

Мулла дўст. Уламоларда ёлғон гап йўқ-ку, ҳийлайи шаръий жуда кўп-да.

Мулла рўзи. Йўқ, йўқ, бўлинг! Эшикдан бохабар бўлинг, тагин...

Мулла дўст. Хотиржам бўлаверинг, бўлгани бўлди энди. (*Чиқиб, қазноқда.*) Бир томонда каломулло, бир томонда жамолулло, икки ўртада шу даргоҳдаги қутлоямут, овқатдан ҳам айрилиб қолмасам гўрга эди! Келе, пешонамга азалда шунақа чатоғидан ёзган экан. Битта хиёнатни мен ҳам қилиб, тиззам бир дилором кўрса кўрипти-да. Гуноҳнинг офати тавба-ку. (*Чиқади.*)

Мулла рўзи. Вой жонингга жоним, тасаддуқ, сени яратган соҳиб қудратни қарая, қурбони бўлай. (*Эшикка қараб.*) Бир малак, малак, аҳ, аҳ... қудратингдан айланай.



дан кейин йиғамиз қўямиз. (Дарров сандиқни очиб, китоблар ичидан бир дона латта ҳамойиллик китобни топар, унинг орасида қоғозлар ичидан Мадрозибойнинг васият хатини олар.) Хайрият, хайрият, шукур висоли жаҳон орога етишдик, гўё (тезлик билан қўйнидаги ҳар ранг эски қоғозлардан солиштириб бирини тўғрилаб) мана буни баста, ранги, турхи худди ўзи ҳай, ҳай! (Тезлик билан сиёҳ, қаламни қўйнидан олиб, ёзиб тайёрлар). Энди муҳр бўлса ўз қўлимизда! (Йиғиштириб дарров сандиққа солиб турганда эшикда уч-тўртта одамнинг чақирган товуши келар, бу ҳолда бир эшикка қулоқ солар, бир сандиқ билан оваралик чекар, шошилиб сандиқни беркитганда уст-уст қаттиқ жангиллар.) Олло! (Эшикка югуриб келиб сандиқни бир тепиб.) Ҳа, товшинг ўчкур, билъак! Сенга мунақа лайта-лаалла фазилатларни ордирган устои падар лаънатининг қўлига хасмол чегарин! (Жуда тез сандиқни беркитар, сандиққа кўрпаларни йиғар, салласини гўзатиб туриб, шодлик билан.) Бу қўлларни бугун у сиймбарни бўйнига солгаймиз (қулиб), майли билан тутган шакар лабидан ўполгаймиз...

Мулла д ў с т кириб, қазноқдан қулоқ солар.

Эй қудратингдан ўргилай, ақойи мушк бир эшакнинг бўйнида-ю, жаннатнинг адашиб тушган ҳурзодни бир ҳайвони гумроҳ, қўтаснинг қучоғида бўлса-я! (Муллари ўзи ёқаларини ушлар.) Бай, бай, дариг юз дин, имон, минг-минг жаннату ризвон бу кеча қўлларин бўйнимга солиб қилган ишвасига қурбон бўлсин! Балойи ноғиҳондек кўзларингнинг Санъониман, Мансуриман.

Мулла д ў с т (кириб). Шўрим қурсин, охир замона, охир замона, дейдилар, мунақа улгуржи замонадан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Катталардан шунақасига футур кетганки, кичикларининг арвоҳи Язит урган-да. Ҳай тақсир, бажардингизми?

Мулла р ў з и (туриб). Баракалла, жаноби ҳақ дунёда ҳамма муродингизга, охиратда аҳли жаннат мансабига насиб қилгай!

Мулла д ў с т. Ҳали бизга энди қуппа-қуруқ шу дуонинг ўзи бўлганими?

Мулла р ў з и. Йўқ-эй, мана энди биз букундан ахтаришга тушамиз-да!

Мулла д ў с т. Ўргула, айтмадимми эшак лойдан ўтгунча, деб. Ахтаришга энди тушсангиз имом Маҳдийи

охир замоннинг қайнағаларига олиб берар экансиз-да.  
Бўлди-эй, тақсир!

Мулла рўзи. Қизиқмисиз? Ахир, бир ҳафта ичида  
бўлса бўладими?

Мулла дўст. Менга қолса ҳозир шу ердан чиқиб  
боравурсак! Ўзиниям бир айтиб қўйинг, тақсир, юрак-  
кина ўлгур жиндак ором олсин!

Мулла рўзи. Майсарахон-да, ўзингиз билган.

Мулла дўст. Войдод, ман айтдим, чимматнинг ён-  
бошидан қарайдиган бўлиб қолди, деб.

Мулла рўзи. Дим! Оғзингизни паришон қилмай  
сабр қилиб турсангиз, шу ҳафта ичида бўлади-қолади.

Мулла дўст. Тезроқ, бир ҳафта деган жуда ҳам  
узун-да...

Мулла рўзи. Эй, менинг ҳам эсимдан чиқибди;  
масаласига тўғри бўлсин; тескари қараб туринг, мен  
чўнтагингизга солиб қўяй.

Мулла дўст (*тескари қараб*). Ишқилиб бу маса-  
ладан ҳам анависи тезроқ бўлсин!

Мулла рўзи. Хўп, хўп. (*Чиқар.*)

Мулла дўст (*кириб*). Ҳеч ўзимда йуқман-а.  
(*Қўпонаглаб.*) Бошимнинг тукидан тирноғимгача ичикиб  
кетаётибди-да. Оббо, ҳай букун эрта ёр-ёр, чилдирма  
бака-банг, қиблага қараб куёв тўрам ўтирадилар. Хо-  
тинлар Майсара пошшони ўртага олиб чилдирмани  
резги-резги қилиб (*лаганни олиб ўзи чалиб кўрсатади*):

Хай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Келин тушди, ёр-ёр,  
Келин тушди, ёр-ёр.  
Тангрим қўшган қиз йигитга  
Чин қовушди, ёр-ёр,  
Чин қовушди, ёр-ёр.

Бўз йигитлар кураш тушса,  
Шолпар боғлар, ёр-ёр,  
Шолпар боғлар, ёр-ёр.  
Куёв ўзи кўтарсин, деб  
Келин йиғлар, ёр-ёр,  
Келин йиғлар, ёр-ёр.

(*Тўхтаб.*) Ростми? Йиғлама, жоним! Шоҳимардон кама-  
римдан тутса, бир кўтарай, кўрпага қандай тушиб қол-  
ганини малак билмай қолсин. Бир ҳафтагача уйқу билан  
номозни ҳам арвоқ урди, деявер!.. Ёши олтмиш учда, со-  
қоли оқ эшакнинг думига қор юққандек; оғзини уч кун

отлиқ ахтарсанг, озиқ тиш тугул, эшак боғлайдигап қозиқ тиш ҳам топилмайди. Пастки жағи юқори жағи билан эртадан кечгача муштлашгани-муштлашган. «Гўристонга мен илгари, сен кейин борасан», деб. Бсҳоллигидан (*икки қулоғини кўрсатиб*) супраи даргоҳлар қудрат чўмичининг устига суяниб алвидо тасбиҳини ўгириб қопти-ю. бир ёгда ҳовлида олти хотин, уч канизак, икки чўри, меҳмонхонада икки маҳрам бир-бири билан эртадан кечгача ғижир-ғижир, бу киши кўчама-кўча марзама-марза Калтошнинг кўртоз итидек бедана, каклик овлагани-овлаган. Билмайман, булар ҳам биз борган охиратга борадими, ё буларнинг охирати бошқами? Булар бизнинг тўрт тарафимизни жаҳаннам қилиб қўйипти-ю ўзларининг қилиқларига офтоб ҳам ўтмайди. Биз биркам қирқ йилдан баққа бошимиз саждага теккани-теккан, оғзимиз мурдашў кампирнинг оғзи тугил, жағига ҳам тегмади. Энди бизга ҳам худойимнинг раҳмати бир кеча қийшиқ қараб қолганда, мен қувонмай ким қувонсин. (*Яна ўйнаб.*) Ҳай, ҳай ўлан, жоним ўлан, ёр-ёр.

Эшик тарақлаб, шошилиб Ҳидоят хон киради.

Мулла дўст. Оббо, худо урди. (*Лагани кўйиб турар.*)

Ҳидоят. Дарров бўлинг. (*Қимирлаб.*) Эшикка чиқиб пойлаб туринг, мени бир нарса чақяпти, бўлинг!

Мулла дўст. Эй, дарров ешинг, мен қараб қўя қолай!

Ҳидоят. Эй чиқинг, ўзим қарайман, бўлинг!

Мулла дўст (*қазноққа чиқиб*). Балойи пшқ ҳаммасига баравар ёпишган дейман. Бунинг ҳам бир балоси бўлмасин, айниқса бунинг ўзи жуда серҳийла эди. (*Ўйлаб.*) Калит ўзимда-ку. (*Чиқар.*)

Ҳидоят (*эшикларни маҳкамлаб*). Хайрият, отамнинг йўқлигини айт, нах бўлмаса!... Бу кун шу қоғозни ололмасам, эртага у дилбаримни кўриш қайдин менга насиб бўларди. Илойим, калит туша қўйсин дегин. (*Ёнидан ола туриб.*) Сандиқни қилган устаси қилган эмасми? Бу пул деган кимларни ишга солмайди. (*Ўйлаб.*) Шошма! Бу тўнларни ечиб қўйиш керак эди. (*Ечиб турганда тўн енги дор ёғочига тегиб ёғоч тепа тоқчадаги човгунга тегиб, човгун шарақлаб обреза тушади.*) Олло! (*Югуриб човгунни олиб.*) Қўрқоққа кўланкаси азроил, дейдилар. (*Қучоқлаб кўтариб.*) Ерга ур-

сам тумшуғинг пачақ-пачақ бўлади. Эй ўша сени ясаган устанинг гўрини тўнғиз кавласин! Сенга ким қўйди токчага чиқиб чўнқайишни, сенинг ҳақинг ўчоқ боши-ку! (*Бошқа жойга қўйиб, тез-тез ечиниб булиб, калитни олар, кўрпаларнинг бир озини ерга олиб, очиб, бояги китобни ахтариб турганда, бир сичқон шитир-шитир қилар, шошилиб, келиб эшикка қулоқ солиб.*) Ким экан? Худди отам бўлмасин! Агар келиб қолса-чи, бу шаҳарларни иккинчи кўролмаймаман-а. (*Бориб яна ахтарар, яна тириқ-тириқ.*) Оббо! (*Қазноққача чиқиб.*) Мулладўст, ҳо, Мулладўст, хайрият! (*Яна келиб кавлар. сичқон токчада ўйнаб чиллаёсин ёзиб қўйилган косалар устига тарақлаб тушар.*) Ё олло! (*Турай деганда сандиқ олди этагин босиб чанқайиб йиқилиб тушар, шошилиб ўрнидан туриб, этагини олиб, сандиқни бир тепиб.*) Падарингга лаънат, сен қолдингми менинг жиғимга тегмаган? (*Ҳар ёғин қараб.*) Бу нима бало? (*Чўчиб.*) Ё отамнинг муақкилларимикан? (*Бирдан кўзи тушиб.*) Вой сени менга ҳазилкаш қилганнинг отасига лаънат! Бир жазонгни берайки, умрингда сичқон бўлганинга пушаймонлар егин! (*Токчадан ҳассани олиб қулайлаб туриб*). Оллоҳу акбар... (*Урганда ҳасса учи токчага тегиб ҳасса ҳам, пастдаги косалар ҳам синади.*) Ана холос! (*Сичқоннинг уясига ҳассанинг учини тиқиб.*) Эй мурдор вужуд! Қўлимга тушсанг-а, қорнингни ёриб қалампир, туз тиқиб, ўлигингни тамошо қилсам, мохов! Нима бўлди энди! Бермаснинг оши пишмас, дегандек нима жавоб бераман? (*Сичқон уяга.*) Нима дейман фалокат? Астаф-фирулло! Хайрият, бир нарса чақди деб каромат қилиб келганман, бўлмаса-чи, қип-қизил ўғри булиб туриб эдик. (*Югуриб сандиқни очиб, ичидан хатни олиб.*) Энди бунга ёзиб ўтиришга вақт йўқ. Шундай олиб бориб кўрсатаман-у азонда бераман, деб олиб келавераман, шарманда қилармикан? Бундақа хотинни қўлидан у ҳам келади. Эртагача ёзиб олиб яна бир ҳийла топаман-у, соламан-қўяман-да. (*Солиб жойлаган ҳамон эшик тиқиллар, югуриб келур.*) Ким?

Мулладўст. Тез бўлинг, қози домла келиб, уйга кирдилар.

Ҳидоят (*шошилиб*). Мана ҳозир! Мана ҳозир! (*Кўрпаларни чатоқ-чатоқ йиғиб, кийиниб чиқар.*)

Бир оздан сўнг қози домла билан Мулладўст орқаманорқа кирарлар. Қози ҳар томон қараб ҳайрон бўлур.

Мулла дўст (*ниҳоят қўрқиб*). Лоҳовло валоқув-  
вато, айтмадимми, бир бало қилади, деб.

Қози кўрпаларни кўриб, сандиқ ёнига борар.

Қози. Мулла дўст!

Мулла дўст. Облоҳу акбар, ўз паноҳингда сақла!  
Лаббай, тақсир?!

Қози. Бу нима, ҳамма ёқ бесаранжом?

Мулла дўст. Айтай десам каломулло, айтмай  
десам жамолулло. Арвоҳ урди десанг-чи! (*Қозига.*)  
Янги Ҳидоятхонни бир нарса чаққан экан, шошилиб  
келдилар-да, эшикни берклаб олдилар. Нима бўлди,  
билмайман. Ҳозир мен ҳам жанобингиз билан кириб ту-  
рибман-да.

Қози. Уни бир нарса чақса косалар (*бориб ушлаб*),  
бу ҳасса, човгун нима гуноҳ қилди?

Мулла дўст. Тақсир: менга шунчалик айтдилар-  
ки, уст-бошимни ешсам, чиён экан қочди, ҳасса билан  
ураман десам, косага тегди, ўзим қочаман десам, ҳасса  
чойдишга тегиб, ўзим кўрпага тегиб ағнаб кетдим.  
Отамга айтинг, афв қилсинлар, дедилар.

Қози. Падарларига лаънат! Ёмон чақиптими?

Мулла дўст. Чақипти-ю, тўн-кўйлакнинг устидан  
ўтмапти-да.

Қози. Қайси гўрдан ёпишипти?

Мулла дўст (*четга*). Сомонхонадан... ёпишгандир-  
да. (*Қозига.*) Бу вақтда бу зормонда ҳамма жойдан  
ёпиша беради.

Қози. Мадхолиқнинг бувисини сизга мўлжаллаб  
қўювдик; бу ҳам вафот топипти-да.

Мулла дўст. Энди тақсир, биз оладиганни мун-  
кар-накир илибди-да, ўзингиз ҳам сатта азройил  
билан ҳамдастурхонни топасиз-да!

Қози. Йўқ-э, энди қуппа-қуруқсиз. Аввал шунақа  
ўлимга яқинроқ, юқу-юримликни олиб ундан кейин  
ўшанинг майда-чуйдасидан бир дурустроғини олиб бера-  
миз, девдик. Бу ошингизга ҳам пашша тушипти-да!

Мулла дўст. Ургилай тақсир! Бебахтнинг ошига  
пашша ҳам, кана ҳам, сўн ҳам, қславерса шалоплаб  
олиб мана шунақа азройил ҳам, мучкар-накир ҳам туша-  
веради. Ундан кўра қуппа-қуруқ бўйи бўлса ҳам олиб  
бераверинг. Мачитнинг томидами, кесакхонадами, кунни-  
мизни кўра берамиз-да!

Қоз и (кулиб). Нима суюнчи берасиз?

Мулла дўст (ҳовлиқиб). Жонимни-я, тақсир, жонимни!

Қоз и. Ишингиз бўлмасин, топдим. Майсарахонни танийсизми?

Мулла дўст (четга). Ҳаммаси бир жойдан чиқяпти-ку! (Қозига.) Шухратларидан ўргилай, у жанобни билмайдиган жонивор борми, тақсир!

Қоз и. Мана шу-да. Қалай?

Мулла дўст (ҳовлиқиб). Илоҳим умр-давлатлари зиёда бўлсин.

Қоз и. Дарров кийининг, ўзлари ҳам келганлар, айтиб чиқинг!

Мулла дўст. Хўп, хўп.

Қоз и чиқар.

Ҳим, билдим энди, булар ҳам худони, ҳам шайтонни алдаб кеча-кундуз хогин устига хотин олиб, яна бировларнинг ҳарамидан термачагини қўймайди... Йиғит чоғларимни ибодат, тоатлар билан хотин ололмасдан ўтказдим. (Уйлаб.) Шунча қасамларни... товоқлаб ичдик... Бунга ҳам ҳеч нарса бўлмади. Энди бу дунёнинг иши миркам икки экан-да...

.....<sup>1</sup>  
Майсара. ...Келин ухлагандан кейин секин олиб чиқаман, куёви бўлса йўқ.

Мулла дўст (ажратиб олиб). Илоҳий қўша қарийлик-да.

Майсара кириб турар.

Осонгина гап экан-ку, ўзимизнинг шудимиз йўқ экан-да. Наҳотки у ерда икки оғиз, бу ерда уч оғиз бештагина ширин қичиқ гап билан бўлди-ку, гира солдим икки қўлин, юзидан бўсалар қилдим. Ўттиз минг муножот! Бу говпурларга юз таваллои иккам қирқ йилдан бу ёққа қилиб, оғзим бурни тугил қулоғига, товонига ҳам теккани йўқ эди. Ҳар нарсага юрак, ғайрат керак экан-да. Гап энди букун кеч бўлиб, эрта тонг отиб яна кеч бўлишида. Вой-ей, бир узоқки!

Қоз и (кириб). Ҳа, келдимиз?

Мулла дўст. Ҳа тақсир, ичкаридалар.

<sup>1</sup> Қўлёзмада икки бет тушиб қолган.



Қоз и (*кириб туриб*). Эшикдан бохабар бўлиб ту-  
ринг.

Мулла дўст. Хўп, эшик бизнинг ҳарамимиз бўлиб  
қолди-я... (*Чиқар.*)

Қоз и. Ҳа, Майсара опа, келинг, ўтиринг, ўтиринг!

Майсара (*таъзим билан*). Тақсирим, келдим,  
(*Ўтириб*). Аммо бир хизматни бажо келтиролмадим.  
Лекин эрта оқшом махбуба билан суҳбатлари муборак  
бўлсин.

Қоз и. Қуллуқ, қуллуқ, нима хизмат эди у?

Майсара. Тақсирим! Қандай бўлсаки, бир томон-  
дан эрни яхши кўргандан, бир томондан бундай ишлар-  
ни кўрмагандан келишга асло қабул қилмади. Бир  
ёғда кўчада бирор киши фаҳмламасин, хусусан ҳарам-  
ларингиз сезмасинлар, деб узимнинг ҳам олиб келишга  
унча ройишим бўлмади.

Қоз и. Тўғри! Нозик иш-да, бу! Ишқилиб қабул қил-  
дими?

Майсара. Тақсирим, кўп ҳикоялар билан қабул  
қилдирдим. Ҳаттоки, қози домланинг аччиғларини кел-  
тирсанг эрингни бир баҳона билан зиндонга солдириб  
ҳам бўлса сени бесару сомон қиладилар, ундан кўра  
бир кечалик маъсиятни ҳеч боқиси йўқ, у тарафи бўлса  
аҳли илмлар, деб, алҳосил, кўп машаққатлар билан бир  
кечага аранг қабул қилди. Лекин шартимиз бор.

Қоз и. Ҳар қанча шарт бўлса жонимиз билан қабул  
қиламиз.

Майсара. Бири шуки: бу оқшом то ўргатгунча бир  
оз ўтириб қайтадилар, токим чўчимасин. Яна бири шуки,  
эрига мен ёлғончи бўлмайин, ўша Мадрозининг берган  
омонатини бирга олиб борсалар, чунки ўша пул билан  
эрини савдога юргизиб қўйсак, жанобингиз учун ҳар  
доим фурсат топилар.

Қоз и. Хўп, хўп, жонимиз билан қабул қилдик.

Майсара. Яна бир арз.

Қоз и. Қани?

Майсара сукрут ҳолда.

Мулла дўст (*секин кириб*). Бу нима ўтириб  
қолди? Бир балолари бўлмасин тагин? (*Секин ётиб*  
*эшикнинг сстидан қараб, кўролмай туриб.*) Уҳ, нимани  
баҳона қилиб кираман-у, бир кори ҳол қиларкин-  
ман-а?

Қозии. Қани айта берингі!

Томоқ қирар, Мулладуст чўчиб эшикка чиқар.

Майсара. Энди, тақсирим, бевалигим ҳам жонимга тегди.

Қозии. Ҳа, дарвоқиян, Мулларўзи аълам сизга ҳеч нима дедими?

Мулладуст яна кириб қулоқ солар.

Майсара. Ҳа, тақсирим!

Қозии. Қалай, шу бизнинг кўп қадрдон дўстимиз ҳам ҳалол бир хизматчимиз Мулладуст?

Мулладуст (*суюниб*). Оҳ, оҳ, оҳ!

Қозии. Энди бир оз камбағалроқ-да.

Мулладуст. Талинг кесилсин. Ҳали замон айни-тиб қўяди-ю! Бой деявер! Пиримиз ҳасти эшон тўрт таноиб ер берамиз деганлар. Уйинг куйсин, қози!

Майсара. Энди тақсирим, давлатни ҳам кўрганман, ишқилиб сизнинг қанотингиз остида бўлсак бўлди-да. Ўзи мўмин-мусулмон бўлса, бечора бўлса ҳам майли.

Мулладуст. Тилингдан аканг, мард қизи полвон ойим! Мендақа мўмин-мусулмон бу дунё, у дунёни қириштирса чиқмайди. Ишқилиб, қози уйинг куйгурни муттаҳам қил, жоним тасаддуқ!

Қозии. Хўп, хўп, шу ҳафта ичида тўғрилаймиз!

Мулладуст. Эртаёқ деябер-да, нокас!

Майсара. Энди мен қайтай, тақсирим. (*Туришарлар.*)

Мулладуст. Бўлди бизникиям! (*Чиқар.*)

Қозии. Энди эртага оқшом биз қандай борамиз?

Майсара. Шундоқ такоб билан боқчага ўтадилар қўядилар. Боқча эшигин очиб қўяман, бамайлихотир. Куёвни бўлса, узоқ бир жойга узатдим.

Қозии. Хўп, хўп. (*Чўнтагидан бир сиқим танга олиб бериб.*) Мана, опа, буни олинг, хизмати эмас, зиёфатга харажат қиласиз. Хизмати боқи! Келиннинг буюрганларини бўлса, эрта оқшом олиб борамиз.

Майсара олур, чиқурлар. Қозии қайниб Мулладуст билан қирар.

Мана Мулладуст, сизга, сабр қилинг десам хафа бўласиз. Бизнинг даргоҳимиздан ҳеч ким қуруқ қайтмайди. (*Китоб олишга тутунар.*)

Мулла дўст. Нахотки хафа бўлсак, улуғларнинг назари тошни кимё қилади дейдилар. (Четга.) Тайёр ошга баковул бўлмай ўл! Пок бўлмаса бузиб қўювдинг-ку, ланж!

Қози (китобни олиб чиқиб туриб). Эрта-индин тўй, пул борми, пул?

Мулла дўст. Тақсирим, бизнинг тожи давлатимиз жанобингиз-да. (Четга.) Қалтирамай ўлгур! Пайпасламай кавшингни киявер. Уз ёнидан пул сарф қилиб тегадиганини топганман.

Қози кетар.

Ҳай, ҳай ўлан, жон ўлан, ёр-ёр, тўй сеники...

ПАРДА.

### УЧИНЧИ ПАРДА

Ойхонларнинг иккинчи уйи, қаровчининг манглайдан саҳнага эшик, ўнг томонда қазноқ, сўл томонда меҳроб, токчалар бор. Уй асбобларини Майсара сотиб тугатган, яроқсизлари қолган. Қазноқ қоронғироқ кўринади. Майсара ҳўкиз териларини тикиб ўтираркан, парда очилади.

О й х о н (*шошилиб кириб*) Амма! Қозининг хотинлари Нодирахон келди.

М а й с а р а. Қани? Айт, кираверсин.

О й х о н чиқар.

Шу хиёнаткорларнинг жазосини бериш учун бошлаган ишимни поёнига етказай.

О й х о н, Н о д и р а кчрадилар.

Н о д и р а. Аммажон, қўрққанымдан қиммат-қиммат олтин, кумуш, маржоч, сирга — мана шундай зийнатларимни олдим, холос. Уй анжомларим, кийимларим кўзимга тақир кўринмади. Амма, булар нима? (*Текшириб кўрар.*)

М а й с а р а. Суюнган кўзга султон кўринмас. Бутун дунё давлати суйган қошида бир мирича қиммати йўқ. Зиндондаги ширин-шарбатдин очиқликдаги ситам, ғурбат яхшироқмасми? Буларни ҳали сўраманг, тамошасини кейин кўрурсиз...

О й х о н. Вой, аяжон, ҳали сиз кийим-кечак ғамини ҳам эслайсизми? Мен сизнинг ўрнигизда бўлсам, шундай кунларга етсам, худо кўрсатмасин, шодликдан аллақачон ўлган бўлур эдим.

Нодира. Пўқ. Мен нарсага қайғурмадим. Ҳеч бир нарса олмай, қуруқ буйимни олиб қочишга рози эдим. Лекин бир томондан — сиз, бизда йўл учун бир нарса йўқ, ғурбатга борсак-да, қуруқсиз. Сизлардан менга шунча ёрдам бўлганда сизлардан уяйдим. Мана шунинг учун қайғурдим. Малъуннинг бир оз олтинидан олай дедим, қўрқдим.

Майсара. Ҳай, ҳай, бизнинг бу ишларимизга хиёнат аралашганда, расво бўлар эдик. Яхши қилгансан. Ҳозирда биз омон, кўркам юз қўйиб, саломат йўлга чиқа олсак, барча мурод-мақсадга етамиз. Пул масаласини ҳам топганман. Қози ўз қўли билан ҳозир келтирур.

Нодира. Айтгандай, мен сизга кўрсатган қопчиқни ечиш олдида қози сандиқдан олиб чиқиб кетди. Бу ерга келтирадими?

Майсара. Албатта, шу ерга келтиради.

Ойхон (*кулиб*). Қайси қопчиқ, амма?

Майсара. Раҳматлик отанг қолдирган қопчиқ.

Ойхон (*Нодирага*). Аммам менга, қози-аъламларни кўрасан, дейдилар. Мен суйганим учун ҳаромликдан бошқа барча ишга бош эгаман. Лекин бугун пешиндан бери оёқларим, бутун гавдам титрайди, қўрқаманки, билдириб қўйиб шармандаликка сабаб бўлмагайман.

Майсара. Нима дейсан, қизим?! Менинг бошим қорайиб турган ерда сенинг бир тола қора мўйингни кўрмак Чўпондан бошқага ҳаргиз насиб бўлмагай. Мен бу сўзларни айтиб, сени қўрқиш билан суюнчингни босмоқчи бўлдим. Мен бу бадбахтларни қандай шармандаю шармсор қилишимни ҳали кўрурсиз...

Ойхон. Хайрият, Чўпонимдан юзим ёриди.

Нодира. Сиз ҳар кимдан бахтлиқда устунсиз, чунки кўз очиб севганни кўргансиз. Бунинг устига аввал худо, қола берса ҳаммадан меҳрибон аммангиз ҳар мушкулларингизда ҳозир.

Ойхон. Шукур қиламан.

Майсара. Келинг эндэ, хуфтон чақирди, ошиқларнинг ивирсийдиган чоғи ҳам яқинлашиб қолди. (*Ҳамма нарсани ёзиб*.) Мана буларни қазноққа олиб кирайлик-чи!

Ҳаммаси. Ё пирим! Шарманда қилма! (*Битта-битта кетадилар*.)

Майсара. Ҳар қайсисини ўз жой-жойига қўяйлик. Токи ёлғиз ўзим шошилмайин.

Нодира (*кулиб*). Аммажон, бунча ишни бир ўзингиз бажарурсиз? Булар нима ўзи?

Майсара. Тангрим сизларнинг бахтларингизга ёрдам берса, бажарурман.

Нодира. Мунча оғир ишларни кўпайтирмай, қуруқ ўзларини боғласак, бўлмасмиди?

Майсара. Қизим, иш қилсанг шундай қилки, ё бутун дунё кулсин, ё бутун дунё йиғласин! Буларни ҳозир сизга тушунтиришга вақт йўқ. Келинг, олиб киришлар! (*Ойхонга.*) Бешик қани?

Ойхон. Ҳозир олиб кираман, эшик тагида турибди.

Нодира. Бешик нимага керак?

Майсара. Нодирахон, ишингиз бўлмасин! Кўтаринглар, кеч бўлди. Бешикда куёвингиз ётурлар.

Ҳамма. Ё пирим!

Нодира (*кулиб* *юбориб*). Амма, бешикка менинг куёвим қандай сиғади?

Ойхон (*кулиб*). Билмайман, аммам қандай ишлар қилмоқчи?

Майсара. Белаганимда кўрурсиз. (*Олиб кириб, қазноққа қўядилар. Ойхонга.*) Беда ҳам келтириб қўй! Арқонларни келтириб қўйганмисан? Болта, теша — ҳаммаси борми?

Ойхон (*кўрсатиб*). Ҳаммаси бор. Бешик билан чирроғоя қолди, холос.

Майсара. Тез келтир.

Ойхон чиқар.

(*Нодирага.*) Жоним қизим, ҳушёр бўлиб иш кўрайлик, чунки ишимиз ўлимдан қаттиқдир. Бажара олсак, сонсиз кўркамлигимиздир... Мен ҳозир билиб турибманки, сўйганинг Тоҳирни кўрмак учун юрагинг ҳар нарсадан кучли тепаётир.

Нодира ерга қарар.

Тоҳир ҳам ҳозир келади. Мен сени у билан кўриштирурман. Мен унга шарият томонларини тўғриламоқ учун қозини қийнаб, аъламларнинг гувоҳлиги билан уч талоқ қўйдиришни ўргатдим. Ёуни ҳам қўшиб, тамом воқиаларни ёздириб қўйдим. Кетар чоқда қолдируرمىз. Лекин менинг сизларга қаттиқ васиятим шуки, биз жудаям нозик иш устида турганимизни эслаб, саломат

мақсадимизга еткунчали бир-бирингиз билан бўладиган бир хил шўхликдан ўзингизни маҳкам тутасиз, тузукми?

Нодира бутун юзини беркитиб уялар.

Эшитдингми, тушундингми, қизим?

Нодира. Наҳотки...

Майсара. Ундан сўнг менга, чақирганда кўмаклашурсиз. Бу иш шундай бўлади, аввал аълам келур, уни бу ерга олиб кирурман, у чоқда сени чақирурман, ана шу сигир териларин шохлари билан шу икки туёқни мана шу арқонлар билан менга бериб турарсан, ундан кейин қозининг ўғли келур, унда мана бу эчки терини шохлари билан, мана бу туёқлар билан ип боғларин бериб турарсан. Аммо қозининг ишини ўзим бажарурман. Ўзингни ҳеч бир сездира кўрма, уқдингми?

Ойхон чироғпояни қўйиб чиқар.

Нодира. Уқдим. Кулиб юбормасам деб қўрқаман.

Майсара. Астаффируллони тилингдан узма! Кулганинг бизнинг ўлганимиздир.

Нодира. Худо сақласин.

Майсара. Яна эсингга соламан, иш буюрганимда Тоҳир билан овора бўлма. Бундан буён Тоҳир умрлик қучоғингда бўлур.

Нодира (*уялиб*). Йўқ амма, асло.

Бир томондан Ойхон бешикни олиб кирар, йикинчи томондан булар чиқарлар.

Майсара. Беда қани?

Ойхон. Қачон беда дедингиз? Сомон демадингизми?

Майсара. Ҳа, эсимда йўқ, сомни қани?

Ойхон. Мана олиб кираман. (*Чиқар.*)

Майсара. Сен тур, мен ҳозир, Тоҳир келгандир, олиб келиб кўриштирурман. Чўпон билан Ойхонни ҳам келтириб сизлар билан қиёматлик ака-ука тутинтирурман. (*Чиқар.*)

Нодира (*ийғламсираб*). Улуғ тангрим, сенга чексиз шукурлар қилишдан ожизман, икки йилдан бери суйгулимдан айрилиб, бир золим қўлида қонлар ютиб сақлаган омонатимни ўз эгасига соғлом топширурман...

Ойхон (*саватда сомон билан кириб, Нодирага*). Ая, нимага йиғлайсиз? Киши ўз суйганига етишгани учун шод бўлмай йиғларми?

Нодира. Аянг ўргулсан, бу шодлигим йиғисидир.

Ойхон (*сомонни қўйиб чиқиб*). Ая, рост айтасиз, менга ҳам шундай йиғилар келган эди, кўпинча Чўпоним кўрганда сўйса кулар эдим, гап сўраса йиғлар эдим, ҳали аммам суйганингизни келтирганда нима қилурсиз?

Нодира. Жоним ўргулсин, Ойхон! (*Кўрсатиб*.) Уни ҳали кўрмасдан бутун гавдам ўт бўлиб, юрагим чопқир отлар изидек дўпиллайди. Уйда чоқларимда кўзим тушса шундай бўлар эди.

Ойхон. Аяжон, мен ҳам шундай бўлар эдим, ҳеч кимнинг юрагини ишқ ўти билан ёндирмасин! Қозига тушганингиздан бери энди кўрасизми?

Нодира. Ора-сира кўриб турар эдим. Марг у кўришларгаки, кўрганим бир бало, кўрмаганим минг бир бало билан жонимни ўртар!

Ойхон. Киши хотини бўлгансан, деб таъна отмасмикин?

Нодира. У билан менда қандайин чора бор эдики, бундайин ишларни бўлдирмасак? Тақдирга тан берурмиз, лекин мен унинг севишларига қараганда ҳеч бир ундан бу сўзларни бўлишини умид этмасман, таъна кутмайман. Ҳамда икки йилдан бери унинг ишқида қозининг қўлини тегизмаганим учун юзим яна ойдинроқдир.

Ойхон. Вой, қандайин?

Нодира. Ҳар палла менга тармашса, узимни ўлдираман деб қўрқитдим... Бир кун ҳикоясини сўзларман.

Майсара (*кириб Ойхонга*). Сен чиқиб тур, қизим.

Ойхон чиқар.

Қизим, Тоҳир келди. (*Нодирада ўзгартириш*.) Зинҳор, ўзингни сакла! (*Чиқар*.)

Нодира (*ўзини тузатиб*). Қандайин ёруғлик кунларга етдим.

Тоҳир (*кириб*). Ёлғизим! Севи мундайин шодлик билан кўришда уйлаб, тиззангга бош қўйиб, шодлик йиғиларимни битказмоқ эдим. Нима қилай, ота-онадан ортиқ бир меҳрибоннинг уйда бўлганим учун, қўноқлик андишаси йўлимни тўсади. Кечирурмисан?



Нодира (*яқинлашиб йиғламсираб*). Шодликдин ихтиёрим кетиб, сўзламоққи мажолим қолмади. Одам ақли эришмаган шундай кунларни бизга муяссар қилган меҳрибонлар уйида одоб сақламоқ биз учун лозим бўлса-да, соғинган тилларингдан биргина сўрмай қолишни энг кўркам гуноҳ деб билурман. (*Қучиб ўпишурулар, йиғлаб айрилишурулар.*)

Майсара (*Чўпон билан Ойхонни олиб кирар*). Қиёматлик фарзандларим! Букун ҳаммамизнинг одимларимиз ҳам ҳақлик учун одимлайди. Мен ўртада тутунганларингиз учун ҳалол тузим билан гувоҳингиз бўлурман. (*Ойхоннинг юзин очар.*)

Ойхон (*Тоҳирга салом қилиб, йиғламсираб*). Қиёматлик оғам бўлинг. (*Туздан олиб тутар.*)

Тоҳир (*олиб*). Шу ҳалол туз ҳақи, қиёматлик туғишган синглим бўличг. (*Кўз ёши, суртар. Майсара Чўпонга туз берар.*)

Чўпон (*тузни бериб*). Шул туз ҳақи, туғишган синглим бўлинг.

Нодира (*тузни олиб*). Қиёматлигим, туғиб ўстирган ота-оналаримдан, опа-сингил, оға-ини, қариндош-уруғларимдан кўрмаган бу меҳрибонликларни ўлсам қора тупроғим унутмасдир. Шу тузингиз ҳурматидан Сиз қиёматлик оғам, бу киши онам, бу киши синглим бўлингиз. (*Чўпон олиб оғзига солар, хурсанд бўлурлар.*)

Майсара. Энди қадрли қанотларим, ҳаммангиз жой-жойингизга боринг! Ҳушёр бўлингки, фурсат қўлдан кетмасин. (*Чўпон, Тоҳирга.*) От, эгар, анжом ҳозирми?

Иккови. Ҳозир.

Тоҳир. Она, уй рўзгорларингизни нима қилурмиз?

Майсара. Булар сизларнинг қора бошларингизнинг садақаси бўлсин! Икки шербачча икки ёшимда бўлгандан сўнг очликдан қўрқармумен. Кўрдингизми: тузугини сотиб битирдим. Қолгани садқайи саримга... (*Чиқарлар. Бир оздан сўнг Майсара ағламни бошлаб кирар.*) Қани, тақсирим, тўрга марҳамат. (*Рўзи ўтирур, фотиҳа ўқур.*)

Мулла рўзи. Омин, бизнинг қадамимиз тегди, ба-ло тегмасин, оллоҳу акбар.

Майсара (*таъзим билан*). Хуш келдилар, тақсирим!

Мулларўзи. Хуш вақт бўлинг! Хайрият, боғдан йўл бор экан.

Майсара. Ҳа, тақсирим. Вақти бемаҳал керак-да. Мана, ахир жанобингизга кўчадан келиш кўп ноқулай эди-да!

Мулларўзи. Ҳа, ҳа, албатта! Бу бир асрори махфий-да. Ҳай, ҳай, ҳай! Дарвозаларни маҳкам қилинг. Энди биз азон паллада кетамизда-а!

Майсара. Қачон кўнгиллари хоҳласа. *(Чиқар.)*

Мулларўзи *(тўн, саллани қўйиб)*. Энди тузукча. бафирчароқ, бўлиб ўтирайлик, бундай! Қачонлардан бери йиғлаб, йиғлаб бо ҳазор машаққат топган барот кечамиз бу. Букундек азиз кечаларни бедорлик билан субҳ қилиш керак... Нима деб ишқимни изҳор қилсам экан? Йиғласам ярашармихан? *(ўзини тузатиб эшикка қараб.)* Келмайсизми, эй, дилором! Юрак беором бўлди-ку!

Майсара дастурхон билан кирар, Рўзи чўчиб тушар.

Майсара. Энди, тақсирим, бечорачилик-да.

Мулларўзи. Бизга зиёфат малҳуз эмас. *(Четга.)* Неъматни жаннатни кетир!

Майсара. Шундоғ-у, қудратим етса туя сўяр эдим. *(Чиқар.)*

Мулларўзи. Мен ер юзига подшо бўлсам, бу дилоромнинг ҳар қадамга минг-минг одам боласини сўяр эдим. Нима деб ўтирибсан, илоҳим ўзи ёлғиз кирсин-да. *(Туриб кўрсатиб.)* Шундай қилиб, оёғига ўзимни ташлаб ошипта қилай, оҳ, оҳ!

Майсара *(чой кўтариб кирар, Рўзи бир туриб, Майсарани кўриб хижолатдан хўрсиниб ўтирар)*. Жанобларни бир пиёла чой ичиб турсинлар, мен олиб кирай!

Мулларўзи. Тез бўл эй, мен балони ичай! *(Майсарарага.)* Шундай қилингки... ўлдик-ку.

Шу пайтда эшик қаттиқ тақиллар, иккови ҳам ғоят чўчийдилар.

Майсара. Вой ўлай, шўрим қурсин! *(Кўлни қўлга урар.)*

Мулларўзи *(шшиб)*. Нима бўлди аяжон; а, а, а, а?

Майсара. Ер юткур, келиб қолди шекилли. Нима қиламан, худо урди мени! *(Яна тақиллар.)* Ана, худди ўзи, вой худо-ей.

Му л л а р ў з и (*чўчиб туриб*). Қелиб қолди дейсанми? Ана холос, а, а, а! Ҳой мен нима қиламан энди? Ҳали бир марта кўрмасдан мени худо урди дегин, бўл тезроқ. Мен қаёқдан чиқиб кетаман дейман?

М а й с а р а. Гўрда чиқиб кетоласанми!

Му л л а р ў з и. Ҳа, мен ўлгани келдимми? Бир ёқдан жўнат мени, дажжол! (*Ғоят шошилиб ҳаракат қилар.*). Астағфирулло алъазим, қўлидан бир пиёла чой ичолмасам-а! (*Яна тақиллар.*) Бўл дейман!..

М а й с а р а. Шошманг, тақсирим! Ҳозир чиқиб бўлмайди! У худди гумонсираб келган, эҳтимол ҳар томонга одам қўйгандир.

Му л л а р ў з и (*салла-чопонни олиб*). Сен қолма нишона бўлиб. Ахир, бирорта чуқур-пуқур йўқми, дейман.

М а й с а р а. Йўқ-да ўша ер юткур! (*Яна товуш.*) Вой худо-ей!

Му л л а р ў з и (*елпиниб*). Эй, худо демай ўлгур! Худо дейишнинг ҳам жойи бор-да! Бўлсанг-чи! Мағзава тўкадиган жой ҳам йўқми? Бўл!

М а й с а р а. Шошманг, булмасан! Букун сигиримни сўйдириб қўювдим. Мана шунинг терисини олиб кирман-да устингизга ёпиб, қўлларингизга икки туёғини боғлаб, олдингизга озгина сомон солиб қўяман. Киргандан кейин уни аллаб-сулдаб ухлатиб, ундан кейин чиқариб юбораман. Нима дейсиз? Бўлмасан, у билсан худди ўлдиради!

Му л л а р ў з и. Э, бошқа илож йўқ, дегин?

М а й с а р а. Йўқ, йўқ-да! Йўқ, чиқиб кетаман десангиз, менинг кўнглим ишонмайди.

Му л л а р ў з и. Менинг юрагим қоп-қора, худди каллам узилиб кетаётгандай. (*Яна товуш.*) Ана! Бўла қол! Нима бўлсан ишқ йўлида булдим. Сигир қиласанми, эшак қиласанми, қилавер энди. Ишқилиб ўлмай, шу эшикдан чиқсан минг тавба қилай. Бўл дарров!

М а й с а р а қазноққа олиб кирар. Ўзи чиқар.

Му л л а р ў з и. Қаёққа кетдинг тагин?

М а й с а р а. Келаман ҳозир!

Му л л а р ў з и (*чопон, салласини ерга уриб*). Бир кўришмай сигир бўлиб боғланиб ўтирибман-а, худо уриб тутилиб қолмасам-ку, бир кечани ит азоби бўлсан ҳам ўт-

**жазаман-а.** Бу ишқ деган касофат ҳар балога тақар-  
кан-да. Уф.

М а й с а р а билан Н о д и р а кирар.

М а й с а р а. Бўлинг, тақсирим, девордан ошаман деб  
ҳаракат қиляпти.

М у л л а р ў з и. А, ҳа, ҳа, бўла қол. Шошма, сигир  
бўлмай тураверсак бўлмайдими?

М а й с а р а. Бу ерга ҳам кириб қолса, нима қила-  
ман?

М у л л а р ў з и. Э, сигир бўлиб турганимни кўрмай-  
дими?

М а й с а р а. Сигир экан деб чиқиб кета беради-да.

М у л л а р ў з и. Ахир, сигир билан одамнинг тўнқай-  
ганини билмайдими?

М а й с а р а. Мен худди сигирнинг ўзи қилиб қўяман-  
да, ахир.

М у л л а р ў з и. Сигир қазноқда турадими, демайди-  
ми, ахир?!

М а й с а р а. Ўғридан қочириб қўйдим, дейман. Лекин  
келиб бундоқ қуйруғингиздан ушласа «моо» деб қўясиз-  
да, шатталайсиз !

М у л л а р ў з и. Шунда билмайди, дегин!

М а й с а р а. Ҳа, тақсирим.

М у л л а р ў з и. Кела қол бўлмаса, тақсиринг ўлсин  
илойим!

Майсара салла, чопонни олиб қўйиб уни энгаштириб қўяди. Қорон-  
ғи бўлгани учун Нодира кўринмай, нарсаларни узатиб турар,  
аввал икки туёқни қўлга боғлар.

Ушлаб тураверсам бўлмайдими? Бунинг нима кераги  
бор?

М а й с а р а. Бошингиз паст бўлиб қолади. Ундан ке-  
йин, қўлингиз толмайли. Ўйқилмай турасиз. Ишқилиб,  
саломат чиқиб кетишда гап.

М у л л а р ў з и. Ҳа, ҳа, гап шундаку-я, лекин хайр,  
боғлайверинг. Уҳ!

Майсара боғлаб, устига сигир терисини ёпиб, шохини бошига  
тўғрилаб боғлар

Бўйнимда арқон нима қилади, тавба, мени сўйишга  
ҳазирлаяпсизми? Тўхтанг, юрагим ҳовлиқиб кетяпти.

М а й с а р а. Сизга нима бўлди, тақсирим, хотин ки-  
шининг қўлидан ўлдириш келадими?

Мулла рўзи. Қул-оёғни боғлагандан кейин кичкина боланинг қўлидан ҳам келади.

Майсара. Бўшатиб қўяйми, инонмасангиз, сизни сўйса, бошлаб келган мени соғ қўядими!

Мулла рўзи. Дарвоқе, хайр, боғлайвер-чи, қалам ёзгани кўрамыз.

Майсара. Озгинаям бўлса-да, шубҳаланмасин, дейман-да. *(Маҳкам боғлаб, бўйнидан юқори қозиққа тортиб, олдига сомонни тўғрилаб қўяр. Нодира кулгига чидамай кулиб чиқиб кетар.)*

Мулла рўзи. Бу нима шитирлайди, келиб қолди-ми дейман-а?

Майсара. Йўқ-эй! Киши қўрқса шундай бўлади. Бўлди, энди мен чиқиб, эшикни очиб, уни ухлатгандан кейин сизни секин чиқариб юбораман. Бошқа кун қазосини ўқирмиз.

Мулла рўзи. Тез бўлинг-а, қазоси ҳам, жазоси ҳам қурсин, жуда чанқаб, юрак ўт олди-ку!

Майсара. Жомда сув келтириб қўяман, чанқаганда ичасиз.

Мулла рўзи. Асл сигирнинг ўзи бўлар эканмиз-да!

Майсара чиқар.

Шошилиб, «худо хоҳласа» демаган эканмизми, гунча лабдан ўпамиз деган оғизга бир сават сомон тўғри келди-я! Эй, қудратингдан ўргулай худо, илоҳим, яккалингни ҳурмати, шу мол терисининг ичида ўлиб кетмайин-да. Ё ҳафизул бало, ўзинг сақлагин. Яхшиси шуки, бекор тургандай салоти тунажинони ўқиб туриш керак. Аузи биллоҳи...

Ўқир, бу чоққача Майсара дастурхонларни йнгиб чиқар,  
Ҳидоят муфтини бошлаб кирар

Майсара. Қани, кираверсинлар!

Ҳидоят. Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим. *(Кириб ўтириб фотиҳа қилур.)* Ҳа!

Майсара *(таъзим билан)*. Хуш келибдилар, нури дийда.

Ҳидоят. Боғда мен анча турдим, бир нарсалар шитир-шитир қилади, хазф қиламан!

Майсара. Нега? Бунда сиздан бошқанинг келишга ҳадди борми, тақсир! Бир-икки бормаган жойда шундай кўринади-да.

**Ҳидоят.** Албатта, шундай бўлса керак.

**Майсара** чиқар.

Худо-ей, етишар кун ҳам бор экан-а! Ишқивозликдан қийин нарса асло йўқ. Ҳар нарса бўлдики, етишдик. Қокилларини бўйнига чирмаб, эгиб, гул рухсоридан бир ўпганда, юз минг бундай захматлар турфатул айнга нуқолиб кетади-қўяди. Сузиб қараган кўзларингнинг Ҳидоят шайдоси бўлсин! Сенинг шуҳратинг учун бу қулфатлар, жоннинг ороми-я, орғми, оҳ! Бу кеча гўё болаларнинг ҳайит кечаларидек кўнглим ўйнаб-ўйнаб қолинидан, яқинки, чиқиб кетса!

**Майсара** (*дастурхон олиб кириб солур*). Айланай, фақирлик-да, ҳеч нарса тополмай, бир эчкичамиз бор эди, шуни сўйдик, тасаддуфингиз бўлай, бисотимда бўлса, нималар қилур эдим.

**Ҳидоят.** Бизга, опа, мол-жон писанд эмас. Менга келинингизни бир кўриш минг подшоҳликдан афзалроқ. Бу хизматингиз учун мен сизни ўзимдан миннатдор қилишим керак. У ҳам мана энди бўла беради.

**Майсара.** Қуллуқ, тақсирим. (*Чиқар.*)

**Ҳидоят.** Эй, миянг қурсин, пахмоқ бош! Менинг томоғимдан таом ўтадимми? Мен нима ғамда-ю, бу эчки дардида. Бўлса саккиз тангадир, тўққиз тангадир, гулузорни тезроқ менга рўбарў қилиб, эритиб, юз эчкининг пулини олмайсанми? (*Эшикка.*) ...Қурбонинг бўлай! (*Ҳидоят Ойхон гумони билан нимхез бўлиб ўтириб, уялиб, четга.*) Рухсоринг қурғур, сени кўрганим-кўрган шекилли.

**Майсара** (*чойдан бир чиёла сузиб*). Мен айтиб келай. Лекин бирдан бўлган ишга кўп уялиб турипти. Ўзингиз алдаб-сулдаб ишга соласиз-да!

**Ҳидоят.** Эй, опа! Бизлар кундузи шундай қўпол кўринган билан маҳбуб қўлида кечалари ипакдай ешила-миз қўямиз. Олиб келинг, юракларим ором олсин!

**Майсара** чиқар.

Салла-тўнни ечиб, нозиккина бўлиб ўтирай. (*Ечиб бўлиб.*) Худоё раҳматингдан ўргилай, ошхўрга ош, нонхўрга нон еткизурсан, эшикдан кирса маҳваш, жон қолур деб ҳеч ишонмайман. Шунинг учун бир келиб, кўнглим олур, деб ҳеч ишонмайман. Бу кичкина гап эмас-а, уялиб қолиш сал нарса! Билмайман, бу куннинг оқшоми-

ни қандай қилиб узайтирсам. (*Эшикка.*) Бу нимага келмайдилар-а? Ноз қилиб йигляптилар, шекилли! (*Туриб қулоқ солиб.*) Шахло кўзингга ҳам ярашур ёш ила кулгу; кел, кел бери, томсин боли ўтлуқ юрагимга. Қизнинг нози бўлмаса, базмнинг пардози бўлмас. (*Юриб:*) Оббо, нима бўлди экан? Гасаддугингга чирмовиқдек ўралсин, аканг!

М а й с а р а (*ошиқиб кариб*). Тақсирим, боғда нима кўриб эдингиз?

Ҳ и д о я т. Нима бўлди! (*Шошилинч.*)

М а й с а р а. Ҳовлида одам шарпаси бор. Орқангиздан одам кўрганмикан?

Ҳ и д о я т. Тўғри айтасизми, а? Ё олло! Мен жуда хилват кўчалардан келиб эдим-ку!

М а й с а р а. Шўримиз қуриди, тақсирим! Худди куёвим пойлаган экан. Нима қиламиз?

Ҳ и д о я т (*обдираб*). Тузукроқ қарадингизми? (*Четга.*) Ошгаям пашша тушди, дегин. (*Салла, чопонни чуватиб қучоқлаб.*) Бу зормонда!

М а й с а р а. Келин қўрққанидан ҳуши кетиб қолди, икковингиз-ку майли, бу ўртада мени худо урди. (*Йиглаб.*) Худди тилка-тилка қилади-да, воей!

Ҳ и д о я т. Сени ўлдирган мени соғ қўядими? Оёғим ҳам тортмовди. Қўй, бошқал гапни: бўлари бўлиб жаббори аъзам урди. Тез бўл, қутулишнинг иложини қил! (*Эшик тириқ этар, иккови чопиб уй бурчагига яшири-нурлар.*) Ана холос, ўлдик!

М а й с а р а, Лоилоҳо иллолло, вой!

Ҳ и д о я т. Марг иллолло, тилинг кесилсин! Ишнинг пахтасини чиқариб, тагин калима ўгиради-я! Эй худо-ей, тавба қилдим... (*Бир оз жим бўлгандан сўнг.*) Бошқа нарса шекилли, қарагин!

М а й с а р а. Ўзингиз қаранг, мен қўрқаман!

Ҳ и д о я т. Мен сенга энди қоровул бўламанми! (*Эшик тақиллар.*)

М а й с а р а. Мана энди кўчадан келди. Нима қиламиз?

Ҳ и д о я т. Келган жойимдан чиқиб кета қолай!

М а й с а р а. Вой тақсирим-эй! Содда экансиз-а! Бояги шарпасидан ҳеч томондан қутулиб бўлмайди. (*Яна тақиллар.*)

Ҳ и д о я т. Бўл дейман, ахир! Мана тагин тақиллайти. Ҳализамон бузиб киради. Э, худо, бундан бошқа азо-

бинг йўқмиди! Муҳаббат ўлсин, шунақа бемаҳалига учратса! Бўл дейман, астаффирулло.

М а й с а р а. Энди бир илож бор, холос. Кўнсангиз, ўшанда бир ўлимдан қоласиз.

Ҳ и д о я т. Ҳали ўлим ҳам бор дегин?!

М а й с а р а. Шармандалиқ минг ўлимдан ҳам ёмон. Ойхонни отангиз ҳам яхши кўрардилар. Бу ўлдирмаса ҳам номус билан аччиқ устида отангиз остирадилар.

Ҳ и д о я т. Айтганинг тўғри! Энди юрагим ваҳима олди. (Четга.) Отамга беадаблик қилиб худонинг қаҳрига қолдим, жаззам. (Тақ-тақ.) Бўла қол! Бўлгани бўлипти, ҳа!

М а й с а р а. Ҳалиги ўзингизга сўйган эчкинини терисини олиб чиқиб устингизга ёпаман. Қазноққа олиб кириб қўяман. Уни келиннинг олдига алдаб-сулдаб киргизиб ухлатаман-да, сизни чиқариб юбораман. Тузукми?

Ҳ и д о я т. Кириб кўриб қолса, эчки қазноқда нима қилади, демайдимми?

М а й с а р а. Қасал бўлиб қолган эди, дейман. Бошқа илож йўқ. (Яна тақ-тақ.)

Ҳ и д о я т. Бўла қол! Майли, ишқ кўйида бир марта эчки бўлсак бўлибмиз! Дадам Иса карвоннинг ўн бир яшар қизини олганда (Майсара қазноққа кетар) дарчани очиб бундай қарасам, елкасига миндириб туя бўлиб ўйнашяпти. Бирпасдан кейин ит-ит ўйнашга тушйшди. Тўғри, хотин деганни нима билан бўлса кўнглини овлаш керак. Дадамга қараганда ҳали мен жуда ҳам ёшман. (Соқолини силар, эшик тақ-тақ.) Келди! (Бориб қулоқ солар.)

М а й с а р а (аъламнинг қулоғига). Ҳозир ухлагани чиқди.

М у л л а р ў з и. Жудаям ўлиб бўлдим-да, сув ҳам қўймадингки, юрагим ўт олди, ўт!

М а й с а р а. Ҳозир кетади. Зўрға алладим. Мабодо бу ерга кирса, ҳадеб сомон еб турасиз, қўйруғингизни ушласа, шатта солинг, мен йўталсам, «моо» денг, қаттиқ йўталсам қаттиқ, юмшоқ йўталсам юмшоқ, тузукми?!

М у л л а р ў з и. Оғзимда ҳеч нам йўқ. Сомонни қандай чайнайман, ахир! Шатта солсам оғзимда туёқ йўқ, билиб қолмайдимми?

М а й с а р а. Оғзингизни тиқиб тура беринг, шатта солганда манави кавушни кийиб олинг.

М у л л а р ў з и. Хайр, хайр, тезроқ, бўл, ўлиб



бўлдим. (*Кавушни кияр.*) Минбаъд бу номаъқулчиликни қилсам, ҳамма хотиним минг-минг талоқдан бўлсин-а!

Ҳидоят (*эшиқ қаттиқ тақиллар*). Уҳ! Энди бузади, кирса ўлдирмай қўймайди, қаёққа кетди бу жодугар.

Майсара чиқар.

Қаёқдасан, юрагим хуноб бўлди-ку!

Майсара. Қани, тўнларни ечинг!

Ҳидоят. Шундай устимдан ёпавер-да, ахир!

Майсара. Бўлмайди, тақсирим, тери кичик (*Ҳидоят ечинур. Майсара терини унинг устига ёпиб, шохни бошига қўйиб боғлар.*)

Ҳидоят. Бунисига нима бало бор энди?

Майсара. Эчки бешох бўладими! (*Туёқни боғлар.*)

Ҳидоят. Бунинг нимаси тагин! Тоза расво қилди-ку!

Майсара. Айланай, тақсирим, бошингиз паст бўлиб, билиниб қолади. (*Бўлгандан кейин.*) Мана, тақсирим, худди эчкининг ўзи бўлдингиз. Энди мен сизни...

Ҳидоят. Энди шошма! Бўлгани-ку бўлди, энди мени бир сассиқ молхонага боғлаб, ахлатнинг ичида тонг отгунча саситмасанг гўрга эди!

Майсара. Айтяпман-у тақсирим! Мана шу қазноққа қўяман. У ерда ўғридан қочириб қўйган янги туққан сигирим бор. Шунинг ёнига боғлаб қўяман, мабодо ҳадиксираб кира қолса, ўзим бирга кирман. Ёнингизга боргизмайман. Лекин мен секин йўталсам секин, қаттиқ йўталсам қаттиқ, эчкига ўхшаб «ў, ў, ў» дейсиз, чунки индамай турсангиз, эҳтимол, сезиб қолар. Қани мен йўталай, сиз айтинг-чи! (*Секин йўталар.*)

Ҳидоят. Мени тоза ўйнатади шекилли! (*Майсарага.*) Ҳали эчки қилиб бўлдинг, тагин «ба»лаши ҳам борми? Мен «ба»лашни биламанми!

Майсара. Наҳот шу «ба»лашни билмасангиз!

Мулладўст. Облоҳу акбар, мохов бўлдинг, қози. (*Майсара йўталар, қози бешикда йиғлар.*) Минг лаънат, аспалосопилин.

Чўпон. Юзини оч, бир кўрай-чи!

Мулладўст. Ҳу қози, имонингни ўгур!

Майсара. Қўй, болам, юзини кўрма, кўрқасан! Мана оёғини кўр!

<sup>1</sup> Қўлёзмада 14 бет тушиб қолган.

Хотинлар оғизларини ушлаб кулар. Майсара эшикка чиқар.

Чўпон (*бориб кўриб*). Нима қиламиз, амма? Шарманда-ку!

Тоҳир. Ука, чораси шуки, оёғини арралаб, соқол, мўйлабларини бўлса қириб ташлаймиз.

Қози. Тавба қилдим, худо!

Мулладўст. Арвоҳ урди, қози!

Чўпон. Оёқ-қўлни кесиб, соқолини қирган билан соғ қолурми?.. Яхшиси шуки, тирик кўмамиз.

Қози (*қўрқиб*). Ингга, худоё паноҳ бер! Ингга, ё баховаддин, ингга! (*Ишлар*.)

Майсара. Йўқ, болам, мен ҳали ҳеч кимга кўрсатганим йўқ. Анави уйга кирайлик, бир маслаҳатим бор. Бир эчки билан сигиримизни дарров хомталаш қилайлик, зора тонггача ўнгарилса. (*Чиқарлар*.)

Мулладўст (*баланд товуш билан, бехосдан*). Хайрият, қози ўлимдан қолди.

Қози. Кимсан?

Мулладўст. Тек ётвиринг, Мулладўстман.

Қози. Сени нима жин урди?

Мулладўст. Сизни урган жин! Жим туринг, бу кун ҳам озлик қилмасин!

Қози. Ҳаром ўлгур, пайт қилган экасан! Сенга тўй-ку бўлар эди!

Мулладўст. Тўйдан илгари чашнасини қилай дедим, балога йўлиқдим.

Қози. Қаердасан?

Мулладўст. Тек тураверинг, чироғпояман! Ахир, жим туринг!

Майсара қазноқда кўринар. Мулларўзи, Ҳидоят шошиб сомон ерлар, иккови бир-бирини сезишиб.

Мулларўзи (*халқ томонига секин*). Кимсиз?

Ҳидоят. Сиз кимсиз?

Майсара йўталар.

Иккаласи. У, ў, ў, моо, моо!

Майсара. Мана иккови касал. Қўрқаман, ўлиб қолмасин. Яхши келдинг!

Чўпон. Мен дарров қассобни олиб келай, бўлмаса.

Иккови (*баравар ҳайбат билан қичқириб*). У, ў, ў, моо, моо!

Ҳаммалари кўлишиб қотурлар.

«Майсрарнинг ши» комедиясидан бир кўйиш.





Мулла дўст. Қози тақсир!

Қози. Ҳа, Мулла дўст!

Мулла дўст. Эшитаяпсизми?

Қози. Ҳа, жуда ҳайронман, нима товушлар? Бсшим котди, ақлим йўқ!

Мулла дўст. У томонда ҳам худо урганлар бор шекилли.

Қози. Мулла дўст, ишимиз хароб!

Майсара. Бўлди ўйин ҳам. Вақт кетди, қани об-қиқинг, бу жинояткорларни! Ҳордиқ чиқсин.

Етаклашиб бу уйга олиб кирурлар. Майсара қози билан Мулла-рузининг юзини очар, қатор қилиб қўйиб хўп кулишурлар.

Қалайсиз уйинг куйгурлар! Сизларга ким айтдики, хотинларнинг қўлидан ҳеч иш келмас, деб! Биз ҳам одам боласимиз... Ҳали сизми шариятнинг посибони! Минг лаънат, сизга! Қалай дейсиз?!

Нодира (*келиб, тарсаки билан қозини уриб*). Ҳа бетингни елесин-а, соқолинг гўрда чирисин, икки йилдан бери оби дийдамни қизил қон қилдинг! (*Ажратурлар.*)

Чўпон (*қозининг юзига тупуриб*). Тфу, ифлос! Ҳали сенми шунча хотин билан тагин бировларнинг ҳарамига кўз соладиган! Минг лаънат, юз минг лаънат!

Тоҳир. Сатқайи гап кетсин... (*Енидан устарани олар.*)

Майсара. Ҳай, сен нима қиласан, болам?

Тоҳир. Ният қилган эдим, қозини қўлга тушурсам, соқол-мўйлаблариңи қириб юборай деб. Қўй, онажон, буларни бу дунё, у дунё масхара қилиш керак.

Чўпон. Менинг гапимга кирсанг, барчасини бир бошдан қирасан. Лекин шундай қириб битирма. Тез бўл, мўйлаби билан соқолининг бир томонини қириш керак. Биз ҳозирлик кўрайлик. (*Чиқарлар.*)

Тоҳир. Эй имонсиз! (*Бир муштлаб.*) Менинг ўзим қўлга тушурсам, қонингни ичардим. Қиёматли онамнинг сўзини кесолмадим. Улсанг қутулардик...

Ҳаммаси (*йиғлаб*). Тавба қилдик, тавба қилдик!

Тоҳир. Қичқирма, биллоҳил азим, бошингни кесаман!

Сукут, Майсаралар ҳаммаси тайёрланиб чиқар.

Майсара (*кириб қозига*). Мадғозининг омонат қопчиғи қани?

Қози (*йиғлаб*). Киссамда.

Майсара (*олиб*). Гапир!.. Ҳақ жойида қарор топар эканми?

Бошқалар киришиб кулишурлар.

Мулла дўст (*четга*). Худойим, бизни шундай шарманда қилмас!

Қози. Ҳар қанча гуноҳни худойим кечирар эди. Энди кечиринглар. Одамлар қаторида қолурлик ҳолимиз қолмади. Бизнинг қўл-оёқларимизни бўшатинг, тоғлар орасида бир умр юрайлик!

Майсара. Сиз ҳайвонларни ҳам мурдор қиласиз. Тоғлар сизга ҳайф. Нодирани уч талоқ қўй, бўлмаса, жонингни хотин бошим билан оламан!

Қози. Минг марта уч талоқ қўйдим.

Майсара. Ол, Тоҳир, Нодиранг ҳалолинг бўлсин!

Тоҳир (*ихтиёрсиз қучиб, ўпиб*). Худоё шукур!

Чўпон. Амма, вақт кетди! Нима қиламиз?

Майсара. Буларни бунда қўйиб кетсак, ортимиздан одам етар. Ҳа, қорозуларни нима қилдингиз?

Тоҳир. Тамом боғладик, чурқ этмайди.

Майсара. Бўлмаса, юрт то олашовир бўлиб, из олгунча буларни ўтин бозорига олиб бориб қўйиб кетиш керак. Токи эрта бозор элга суюнчли тамошолар бўлсин.

Ҳаммалари (*йиғлаб*). Худо ҳақи, биратўла ўлдириб кетинглар!

Майсара. Биз сиздек одамхўрлардан эмас!

Тоҳир. Қичқирманг малъунлар! (*Майсарага*.) Нима қиламиз? Ана у иккови юролмас?

Майсара. Эплаб-сеплаб қозини аъламга миндинг, анави чирогпояни қозининг ўғлига миндинг, етаклаб чиқинг.

Тездан миндирарлар. Уриб уйни айлантириб чиқарлар. Майсара Чўпонни четга чақирар.

Уғлим, шу таъзир оз эмас... Ҳовли юзига чиқаргандан кейин қасам бериб бўшэтурсиз.

Чўпон. Қўйинг, майли шарманда бўлсинлар!

Майсара (*юзидан ўпиб*). Амманг ўргулсин... Сафаримиз бехатар бўлсин... Менинг ҳақи ҳурматим, эрликни бой берма!


Чўпон. Тоҳир-чи?

Майсара. Уни кўндирдим.

Чўпон. Хайр, сенинг хурматинг.

Майсара. Қани, подани ҳайданг! (*Уриб-уриб, қотиб кулиб, олиб чиқурлар.*)


П А Р Д А.



---

ПАРАНЖИ СИРЛАРИДАН  
БИР ЛАВҲА

---



БЕШ ТҶСИҚЛИ ДРАМА  
(Қўқонлик машҳур яллагилардан Мастура ҳофизнинг  
турмушидан олинган)  
1927 йил

*БИРИНЧИ ТҒСИҚДА ҚҒРИННУВЧИЛАР*

- М а с т у р а — 55 ёшда. Яллачяларнинг бошлиғи бўлиб, қорача пўст, этлик, қалин товушлик, лобар сўзлик бир хотин, озгина мўйлаби бор. Рўмолдан бошқа кийимлари эрларчадир.
- Н о р б о й в а ч ч а — 33 ёшда. Оқ пўст, новча, қора соқол, мўйлаб, шўх, фоҳишахонада умр кечирувчи бир йиғит.
- Г у л ж о н — 58 ёшда. Оқсоч, пакана буй, хунук юз, оқин сўз, нодон бир хотин бўлиб, Мастуранинг онла бузувчи даллаларидандир.
- М и р з а к а р и м қ о р а — 52 ёшда. Мастуранинг иккинчи эри бўлиб, қора кўз, мош-бирич соқол, қотма, шўх сўзгина бир кишидир.



## БИРИНЧИ ТУСИҚ

Саҳна кўриниши: яллагиларнинг бошлиғи Мастура ялланинг уйи бўлиб, олғи даражада безалган. Шойи, бахмал, адас кўрна ва кўрпачалар, инакли гилам, тоза парқулар, харир одиял, ипак қозиқ рўмол, почта пўстинлар ўз ўринларида тушоғлиқ бўлур. Узининг бошида чорсудан салла, белида қумуш камар, кўксиде қумуш тумор, қўлида олтин узуклар, оёғида амиркон этик, чорпаҳду, Порбойвачча билан сўзлашиш олдида парда очилур



Мастура. Киши қўйдирсангиз бўлмайдими?  
Нор. Сиздан ортиқ қандай киши қўяман.  
Мастура. Мен совчи дейман.

Нор. Улар менга икки дунёда бермайди.

Мастура. Сабаби?

Нор. Сабаби, икки хотиним бор, икки кундошнинг устига куёв кўрмаган қизни унча-мунча одам, албатта бермайди. Иккиламчи, акаси билан бўлса гостиницама-гостиница отишганим-отишган. Мени нима эканлигим хўп маълум. Учламчи, улар биздан бойроқ кишилардан ҳам уларга бизнинг ҳеч бир ваз билан алоқамиз йўқ. Хуллас, ўсмоқчилаб мени эрмак қилмасдан, гапни иш-кал кушодини гапира беринг. Нима қиласиз, ўлишимга бир баҳя қолди. Паранжиси қурсин, қайданам шу песни ёпиниб Суқмозорга бордим-у, ўзимга дардисарди ортдирдим келдим!

Мастура. Ахир, сиз қизиқсиз! Беш кун сабр қилнинг, куёв-пуёвга чиқсин, бир ой, ярим ой ўтсин, ундан кейин аста-секин қашлаб ишга солайлик-да... Ҳозирда у кўз очмаган қиз болани мен сизга қандаям рўпара

қиламан. Азим карвонга рўпара қилиб еган танбиҳим ҳам етар! Пок Сибирга жўновдим. Худо хайрини берсин шу замоннинг амалдорларини. Ҳар қайсисига бирда-ярим рўпара қилиб ҳам пулнинг кучи билан аранг қолдим. Кошки, сиз мундоғ салворлик, қимсиниб ўтирадиган йигитлардан бўлсангиз. Сизники ҳамавақт борбарака топ, оч бўридек тикка ташлайсиз.

Н о р. Бир ой, ярим ой! Омон бўл!.. Бир кун, ярим кундан келинг!.. (Турмоқ устаб.) Холажон, биргина арзим бор-да!..

М а с т у р а. Ҳмм... биламан, дардингизни учруқсиз айтаверинг.

Н о р. Энди...

М а с т у р а. Улар катта даргоҳ, ҳазилни кўтармайди, иним. Бир бева-бечоранинг қизи бўлсаям гўрга эди!

Н о р. Ҳа, бунинг шохи борми?!

М а с т у р а. Албатта, ҳеч нарсаи бўлмаса пулининг кучи бор, ўргулай. Осонми улар билан курашмоқ!

Н о р (яна туриб). Келинг, хола. Ҳаммага сипориш қилсангиз ҳам менга савдони очиқ килаверинг. Сиз тикилган иш белбоғ ечилмай битади. Ҳаммага қоронғи бўлса ҳам менга ойдин. Шу нарсага охирги чоғда етиштиринг... Бизнинг учун ҳам умрингизда бир жафо кўрсангиз кўрибсиз-да.

М а с т у р а. Вой, айланай, олифта йигит, қизнинг ҳузурини сиз кўриб, «олма-анори»га биз ўйинга тушар эканмиз-да!

Н о р. Қўйинг хола, майда гапни! Ҳаммага ҳунар бўлса, сизга мерос. Сизнинг тор кўчаларингизда шайтон қанқийди. Соғини кўп таранг қилмай, нархини гапиришаверинг.

М а с т у р а. Мен айтдим-ку, яхши йигит! Сабр қилинг, куёвга тегиб олсин. Бир йил десангиз ҳам қўйингизга қўшиб йўргаклаб қўяй.

Н о р. Сизнинг муддаонгиз бошқа нарсада. Бўлмаса, сизга бунинг ҳеч қийинлик жойи йўқ. Оғзингизга сиққанича сўранг-у, етишмоғнинг чорасини қилинг!

М а с т у р а. Жоним тасаддуқ, ундай эмас. Нима бўлди, писанда қиладиган бўлсак бу кўчаларга кирмас эдик. Биз бу кўчаларда кўнгил гадоси бўлиб юрибмиз, бўйингдин холанг айлансин, Норбойвачча!.. Хотин қилиб-ку ололмагандан кейин узоқ вақтлар ошначиликни ўйлаб иш қилиш керак. Йўқ, жудаям агар кўнглингиз

қиз тиласа, мен бундан чиройликроқ бирор камбағал-нинг қизини топиб берай.

Н о р. Қариган сари жонингизга иситма кир-япти.

М а с т у р а. Унданмас, ўргулсин.

Н о р. Буғдойданми? (*Кулиш*). Нимадан бўлса очиб гапираверинг! Юрагим шу тўғрида писта пўчоқча андиша қилмайди. Мол у ёқда турсин, жон кетгунча борман. Нима қиласиз мени мунча кавлаб!

М а с т у р а. Ахир, бўйидан, менинг беш кунлик кунимниям кўп кўрасизларми?!

Н о р. Эй, мен яна бирини айтайми, ўша сизга бир гап бўладиган бўлганда йигирма бешининг бошини емаган номардни ҳамма хотини уч талоқдан бўлсин, тузукми! Ўзингиз биласизки, бу кўча кимларни кафангадо қилмайди, кимларни ёш жонидан айирмайди. Уч юзта сўмни олтига ялангоёққа бериб, Султонаминдек одам жаллодининг қизиниям бажардим-да. Қандай аждаҳодақларининг кўксига қиз-жувонларни илма қилган Мастура хола бугун анчайин бир қизга, безгакман, деб ўлтиргунча белбоғни ешиб қўйсин!..

М а с т у р а (*қизиб, кўрсатиб*). Олифта йигит, қуруқ кочирымга бу белбоғлар ечилмайди. Икки дунёни сотиб бу белбоғни олганмиз, Норбойвачча! Биз майдонда қолурмиз, сиз чакалакка урарсиз.

Н о р. Сизнинг белингизга қирқ кунлик шолিপоямининг кучи етмасикин?! Етмаган жойига жон улармиз.

М а с т у р а. Васиқалик мовазага шафтолиқоқи олиб ейсиз-да, бўйидан!..

Н о р. Хола, мени кўп чархламанг-у, уврангизни кесаверинг! Оғзингизга сиққанни уч кунда лаққа жигардек қанорангизга илиб қўяман.

М а с т у р а. Хўп, бўйидан гавҳар, мен кечқурун поччангиз билан шу тўғрида маслаҳатлашиб, эртага жавобини олиб қўяман.

Н о р. Ҳалигача маслаҳатингиз битгани йўқми?

М а с т у р а. Эй, ўргулай, мезиминан сақичми бу! Бу ишлар улимнинг кўлагасида битади, жоним. Ҳар касбнинг ўзига яраша силсиласи бор.

Н о р. Ҳаммага қиладиган силсилангизни менга қилмай, эртадан этак қайириб ишга киришинг! (*Эллик сўм ташлаб.*) Учидан манави кўрманани олинг-у, чимилдиқни боғлатавуринг. Сизга кушойиш, бизга бора-

ка билан сабр берсин. (*Қул очиб.*) Қани, бир ёғлиқ фотиҳа беринг!..

М а с т у р а. Фотиҳани эртага берай.

Н о р. Кўнгил учун бугунам беринг, эртагаям беринг.

М а с т у р а. Уялиб қолмай дейман-да.

Н о р. Нима бўлса толиҳимдан кўрдим.

М а с т у р а. Хайр бўлмаса. (*Фотиҳа ўқиб.*) Азизлар ёр, пирлар мададкор бўлиб, суйганингизга гул ёр бўлсин, бўйидан гавҳар. (*Фотиҳа, Нор кетмоқчи.*) Утиринг, гап билан бўлиб, чой ҳам эсимга келмади. Тўфaxonни чақирай, жиндек ўтириш қилиб кетинг. (*Эшикка томон.*) Тўфaxon!..

Н о р. Томоғимдан кўз ёшдан бошқа нарса ўтмайди. Шунга етишмай хотин авлодини ўзимга ҳаром қилиб қўйдим. Энди худойим ярлақаса, дилором билан ичамиз-да.

М а с т у р а. Илойим насиб қилсин.

Т ў ф а кирар.

Мана, Тўфaxon!.. Норбойвачча боғонатдан бери сиздан гина қилиб ўлтирибдики, нимага мени кўриб кирмай ўлтирибди, деб.

Т ў ф а. Ўзлари, яшириқча гапим бор, деб қўймадилар-ку. (*Норга.*) Ўлтиринг энди, чой қўяйлик!

Н о р. Йўқ энди, бугун бозор кун, борай. (*Интилар.*)

Т ў ф а. Жа савдогар бўлиб кетибсизми, ўтиринг энди!

Н о р (*айрилиб*). Савдогар бўлмаса қарамасаларингиз. (*Чиқишар.*)

М а с т у р а (*ёлғиз, ақчани санаб*). Эллик сўм экан, галваймай ўлгур, лекин шуни эпласам дунёда отимни қолдирардим, ҳам бўлганимча бўлардим. Яхши кўрган кими борми, қуртдек қўлга тушади. Нима, жа бўлмаса жазойи сўхтан намақоб, ўлимдан бошқасини пул (*кўрсатиб*), мана шу пул битиради.

Чиқар, бир оздан кейин Г у л ж о н билан кирарлар, ўлтиришиб.

Г у л ж о н. Жувонсўхта Норбойваччанинг мунчаям иқболи баланд экан. Ҳамма жойда шуни ҳасрати-я. Ҳамидхоннинг хотини тунов кун йиғлайверса, менинг ҳам юрагим эзилиб, ўлгудек йиғлабман. Бир балоси бор дейман?..

М а с т у р а. Баъзи йигитни шунақа меҳригиёлик қилиб яратар экан. Ахир, поччангиз шунақа эди. Ўзи ху-

нук бўлса ҳам бир марта гаплашгандан кейин ўлдим қолдим. Ноилож тегдим. Бўлмаса, аввалги эрим кесган гулдек, гаплари булбулдек эди-ю, кўзимга пашшача кўринмади-қолди... Охири уни муни баҳона қилиб, чиқдим-у, бунга тегдим. Шу кўйларга тушдим.

Гул жон. Нимага экан. Шайтон ноумид, болам. Худойимнинг бир дарёси ғазаб бўлса, минг дарёси раҳмат. Бир томчиси сиз билан мендекларнинг туман-туманига етиб ортади. Асло андиша қилиб ўлтириш керак эмас. Бу бир сиз билан менгагина бўлипти дейсизми!.. Дунёнинг бир чети шундай бўлиб келган. Ушандай пайгамбарлардан Юсуф-Зулайҳо, Лайли-Мажнунлар нима бўлди! Туман-туман гуноҳ, савобнинг бир пулчалик қиймати йўқ. Ол қулим десд, бўлди, болам.

М а с т у р а. Шундоғ-у, хола, бир бошимга шу ер юткурни деб беҳисоб ёш келинчакларни йўлдан чиқардим. Унга стиб бева-бечоранинг қизини хароб қилдим ва пулини шу фалокатнинг белига тугдим. Бир вақтлар шундай бўлдики, ёнимда шунча сатанглар туриб кун бўйи паранжи ёпиниб кўчама-кўча хотин-қиз танлайди, ойлаб-йиллаб менинг ишим уларни йўлдан уриб қўйнига солиш. Бир оёғи гўрда-ю, ҳалиям паранжи ёпиниб хотин-қиз ахтаради.

Гул жон. Сут билан кирган, жон билан чиқади, болам. Айтгандек, Улмасжондан хабарингиз борми? Паранжи дедингиз эсимга тушди.

М а с т у р а. Йўқ. Айтгандек, нимага у жума кун гапга келмади?

Гул жон. Кавиш бозоридан Асадуллабойваччанинг қаллиғини кўргани кетиб турган экан. Кавишидан таниб, старший тутиб, паранжисини олибди.

М а с т у р а. Вой ўлай!

Гул жон. Бозорда йиғилипти одам, бўлипти кулки, шармандалик, ўшанинг учун келмаган экан.

М а с т у р а. Қамашиб кўйиптимми?

Гул жон. Бирон нарса берган шекилли, ҳазил қилувдим, деб қутулиб кетипти.

М а с т у р а. Сиз қайдан эшингиз?

Гул жон. Тўрамнинг кичик хотинлари Хонойим дўппи-рўмол бердилар. Шуни олиб бориб ўзим гаплашиб келдим. «Мастура холамга дуо денг» деб қўйди.

М а с т у р а. Айтгандек, уни нима қилдингиз? Норбой вачча, жаям тиқилинч қилиб кетди.

Гулжон. Одам киргизмай, кўчагаям чиқаргани қўйишмай қўйпти.

Мастура. Овимизга энди барор бўлипти-да.

Гулжон. Нимага? Мушкул бўлипти, денг!

Мастура. Хотинни синасанг, ўйнашини санама. Доно сўзини, нодон кўзини тергайди, хола. Бир гапам борку: ошнқ билан ўйнасанг ошиғингга ўт тушар, маъшук билан ўйнасанг қошингда тут пишар...

Гулжон. Айтганингиздек, жониворнинг гўрковчиси, нафсининг терговчиси бўладими, ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин-да!

Мастура. Менинг қўлимдан беш юзга етиб хуфияси, сатанги, акабаччалари чиқди. Ўйигрмага етиб ҳар юртдан қиз қочирдим. Ҳаммаси зўрлик билан эрга тегиб, кунгилсиз бўлганлар, яхши кўргани билан ўйнаганлар... Ҳозирда юртимизнинг ярмидан кўпи акабаччалик бўлса, қолгани ўйнашлик. Нима қилсин, яхши кўрганига тегмаганидан кейин ноилож хилват топиб ўйнайди, ёки сатанглик, акабаччалик билан ўзини юпатади... Қундуздек йигитларни чимматнинг орқасидаги кўз кўрмайдими?!

Гулжон. Эсимга солдингиз. Шу эримга кал нонвойнинг қизи ҳазиллашиб тегаман деса, пок бўғиб ўлдириб қўяй деган эканман. Чап қовоғида ҳалиям тирноғимнинг изи бор. Ушанда саккиз-тўққиз яшар қиз эдик. Ҳали бу замонанинг қизларида инсоф бор.

Мастура. Шундай бўлгандан кейин, хотин-қизда ҳеч гуноҳ йўқ. Хўп қилади, ажаб қилади. Туслик эшонни қаранг, саксонга кирибдилар, оёқларини осмонга қилиб қўйсанг, аранг осмонни кўрадилар. Шу ҳолларига беш хотин: олди ўн тўрт яшар; тамомининг ўйнаши бир ҳафталаб ётиб кетади. Эшонимиз «Витирвожиб»ни ўргатганлари ўргатган. Хабарлари йўқки, бир уйда биттасига бу киши «Витирвожиб» билан овора, тўртта уйда тонг отгунча ўтирвожиб бўлиб чиқади. Қўйинг энди, хола, шу афсоналарни. Нима бўлди?

Гулжон. Рисолатни бир нав қилиб киргиздим. «Кир-чирларингизни ювиб бераман, қаттиқ-қуруқ нонларингиз бўлса беринг», депти. Эртасига бориб, кир ювиб туриб яхшигина гаплашипти. Гапни битта қилиб қайтипти. Чоршанса куни бувим Кўк тўнлик мазорга кетса, бир илож топиб ров бораман, Рустамбек билан юзма-юз гаплашиб, хўп деса бир кунни ваъдалашиб қочамиз,

депти. Энди, Мастураойим, мен бир ишга ҳайронман.

М а с т у р а. Айтавуринг.

Гулжон. Энди ахир, у зорманданинг отаси юрти-мизнинг тўрттадан биттаси бўлса, уни қанақаям билин-тирмай саранжомлаймиз?

М а с т у р а. Эй хола, сиз мунақа хом ўйламанг! Ёмон кунга иш қолмасин. У қизнинг боши айланиб, кўзи тинган чоқ. Нима билан очилса, шунинг билан сочи-лади. Қийин вақти бир кеча олиб қолгунча... Жа бўл-маса, бир милтиқ бир тўппончаликни кўзидан ўтказиб қўйдингизми, мункар-накиргаям сир айтмайдиган бўлиб, кўрсатган томонингизга йўрғалай беради... Бизники ё ол, худо, ё бер, худо.

Гулжон. Ундай бўлса-ку гўрга-я. Айтганингиз-дек, кўниккунча... Ҳар нарсяям ўзимиздан ўтди-ку.

М а с т у р а. Аммо, гап жойни боплашда.

Гулжон. Жой топилмай қолармиди. Бизники қайда бўлса битбилдиқмасми. Ишқилиб бу уйингизда бўлмагандан кейин бўлди-да.

М а с т у р а. Гўрда дейсизми. Бу уйгамас, етти ма-ҳалла нарисига ҳам яқинлаштирмасман. Икки ўртада бўйнимга тушиб қолсинми!

Гулжон. Норбойваччанинг ўзининг уйида, ҳар бало бўлса ўзига бўлар.

М а с т у р а. Хола, уям бўлмайди-да! Биз бунинг йўл-йўригини судлардан сўраб-сўраб, ўзимизам ярим-ялпи суд бўлиб қолганмиз. Поччангиз ўзоғ йили воен-ний судга икки юз сўм бериб закон ўрганиб келди, қиз-ни, хоҳ хотинни қўшганда йигитнинг уйида бўлсин, қиз-нинг уйида бўлсин, ушласалар бизни кўрсатса, бизни айбдор қилиши мумкин экан. Агар бир бошқа одам-нинг уйида бўлса биз тонсак, жой эгаси жавобгар бўлар экан. Шунинг учун уч йилдан баққа ҳар кимнинг ҳовлисида қўшиб берамиз, ҳам жойни кўрсатмагандан кейин бизни ушлай олмайдиям. Жой эгасиниям ушлай олмайди. Қўшилган кишисини бўлса, икки дунёда кўрса-тсмайди.

Гулжон. Вой тавба, ундай бўлса, ҳеч қўрқиш ке-ракмас экан.

М а с т у р а. Ўшанинг учун Норбойваччанинг ўзи-нинг жойи бўлмайди. Бошқа жой кўп, лекин, жувонсўх-та ишқи маниям девона қилай деди. Кўпроқ ўзим учун

ҳаракат қилипман. Қани, йигит бўлсам эди. Тунов кун мозорда шунча минг жувон-қизнинг ичида ойдек балқиб турибди-я.

Гулжон. Асти нимасини айтасиз. Оши ҳадисда етмишга кирган ҳазратимниям кўзлари шохсоққадек ўйнаб кетди. Бутун тўрабаччалар паранжи ёпиниб шунни тамошо қилишгани-қилишган бўлди. Ишқибоз йигитлар бир базмига хонумонни барбод қилади-да.

М а с т у р а. Бахтиёрлик қилса, бўлганимиз бўлди.

М и р з а к а р и м кирар.

Норбойваччани кўрдингизми?

М и р з а к а р и м (*ўтириб*). Ҳа кўрдим. Лекин гапиришганим йўқ. (*Гулжонга*.) Тўлқимсиз, бўри?

Гулжон. Бўрининг юзи қурсин! (*Мастурага*.) Нима бўлипти? Норбойвачча нима дейди? Учровдим деб нима қилиб кетди?

М а с т у р а (*пулни узатиб*). Кўрмана деб эллик сўм ташлаб, беш юз оғиз вайсаб кетди. Шолипоямни эрта сотаман, индин пул оламан, палон-тугун, деб анча байти-ғазал ўқиди.

М и р з а к а р и м (*пулни олиб*). Байти-ғазал пули борда бўлади. Пули йўғда тахтакачам бўлмайди. Қизни қўлга туширсанг бўлди. Шундан гапир. Мен фаҳмлаб келдим. Бир кунлик шолипоясини икки юз эллик сўмга қулоқ қоқмай олади. Бўсанг тузукроқ бўл-да! Нима дединг (*Гулжонга*) дарвозабурун?..

Гулжон. Масқарангни қўйгин, болам! Ҳазилнинг вақти бор.

М а с т у р а. Гулжон хола бориб келди. Шу чоршанба бувимларни мозорга жўнатиб, ров бориб келаман, Рустамбек ваъда берса, яна бир куни кечаси пайт қилиб қочамиз, деган. Қуриб кеткур, шу чоршанбига у шолипоясини сотиб улгурармикан!

М и р з а к а р и м. Ажаб қизиқсан. Бугун чоршанбига бир ҳафта бор. Бирини буки, Норбойваччанинг иши, ноомадикорнинг, ўзинг биласанки, моли от устида сотилади. Агар эртага десаям мен парво қилмас эдим, чунки қанча тез бўлса шунча арзон сотилади. Бизга маблағ илгарироқ тегади. Мен ҳозир бориб чоршанбининг дарагини айтганимдан кейинми, «суф» деганига қўл қоқавуради.

М а с т у р а. Бироқ, кундуз бораман деган-да.



Мирзакарим. Ҳа, балли. Ишнинг хунук жойи мана шу ерда. Мана шу ерда бир мунча усталик бўл-маса, қўлга тушамиз.

Мастура. Манам ўшани айтаман-да. Кечаси бўл-са эди... Кундуз келганда Рустамбекни қандай кўр-сатамиз?

Мирзакарим. Ўлмайсан, Рустамбекни кўрсатиб, Норбойваччага Гулжонни қўшасанми!

Гулжон. Қўйинг мени бошига урсинми. (Ку-лиш.)

Мастура. Энди гапни айтаман-да. (Узун ўй.)

Мирзакарим Шошма, шу Рустамбек билан ик-кови қандай гаплашиб юрар экан, биласанми?

Гулжон. Бу касбни бўйнига олган одам қовру-ғини чала қўядими, хат билан гаплашар экан-да.

Мирзакарим. Икковиям хат биладими?

Гулжон. Қиз хат билмайди. Рустамбек билар экан.

Мирзакарим. Қиз кимга ёздираркан?

Гулжон. Кўпинча Кумушхон ёзиб беради ше-киллик.

Мирзакарим. Сен ўзинг кирдингми?

Гулжон. Гўрдами! Ҳеч кимни киргизмай, ўзини чиқармай қўйишган экан. Кир ювишни баҳона қилиб, маҳалласидан Рисолатой деган бир хотинни ишга солиб киргиздим.

Мирзакарим. Маҳалласига сир бериб қўйибсан-да, айронбош! Сенинг ҳамма ишинг гўра тушган шўр-вага ўхшайди.

Гулжон. Наъра ураверманг! Манам калла деб қовоқ кўтариб юрганам йўқ.

Мирзакарим. Ҳа!..

Гулжон. Аввал Рустамбекнинг тилидан, ҳолва-чининг тешасидек калтагина хат қилдирдим. Рисолат-ойни аввал тахтага олиб қарасам, Рустамбек билан икковининг орасида озгина элчилиги бор экан. Мана шуни Рустамбек берди, дебгина киргиздим-да! Берди-сини айтгунча сабр қилинг.

Мирзакарим. Оббо, ўлгур, зол-эй!.. Қиз хат қи-либ бериптими?

Гулжон. Йўқ, хат ёзолмапти. Гапиниям зўрға гаплашипти. «Хат ёзай десам, кўчара чиқаришмайди. Сўзаки айтинг. Менга бир жойни тайин қилиб, хат

ёзиб кечаси томорқага қибла тарафдаги толнинг каватига қўйиб кетсин», депти.

**Мирзакарим.** Бўлди, жодугар ишни пишириб келган экан. Бир томондан омадиям юрган давр. Энди шуки, қизнинг хат билмагани.. дарвоқе уйдан чиқолмас хатни кимга ўқитади?

**Гулжон.** Холасининг қизи бор: отин, шу кириб тураркан.

**Мирзакарим.** Бўпти, энди қизнинг хат билмагани жаям сара. Мен мундай қиламан: Рустамбекнинг тилдан бир хат ёздириб келаманки, «Кўриш билан иш битмайди, тоқатим қолмади, кўришамиз деб бундан бадтар қора кунга қолмасдан, тўппа-тўғри чоршанба кун шомдан кейин фалон жойда бир хотин сизни пойлаб менинг олдимга бошлаб келади. Албатта, шу кундан қолманг. Мен қочишга ҳозир бўлиб тураман». Мана шу хат билан иш гумбир. Гулжонни лўкиллатамиз-қўямиз.

**Мастура.** Хатниям элтиб қўядими. Унгача Рустамбекдан хат кириб қолса нима бўлади?

**Мирзакарим.** Эй, итвой, ахир айтаяпти-ку, хатни тутними, толними каллагига қўйсин, деди деб. Биз қўямиз-да!

**Мастура.** Уни биламан. Ҳамма балога ўзингиз борасизку-я. Рустамбекни дейман.

**Мирзакарим.** Рустамбекни бунга топширасан. Еу боради-ю, бугун Рустамбекни топиб, мени фалончи юборди, энди хатни бошқа одамдан юбормай менга бераркансиз. Ота-оналари фаҳмлаб қолипти, дейди, вассалом. Хатни бу ёққа олиб келаверади. Мазмунига қараб биз ҳам дуқағлатавурамиз.

**Мастура.** Жойни нима қиламиз?

**Мирзакарим.** Шундай пирхонани қўйиб, бошқа жойни нима қиласан!

**Мастура.** Қўйинг, пирхонангиз қурсин! Катта иш бу. Ҳукуматнинг бир балойи азимига қолмайлик.

**Мирзакарим.** Унақа дема, пирхонани, кофир бўласан! Ҳукуматинг нимаси?

**Мастура.** Ҳукумат эсингиздан чиқдими?

**Мирзакарим (кулиб).** Вой жинни-ей, ҳалиям эсинг кирмайди. Ишнинг ўзи лаққа балиқ бўлиб ётипти-ю, бу ўртада ҳукуматга бало борми. Ё юртда ҳукумат бсрми? *(Пулни шипга отиб ййнаб.)* Мана, юртда ҳуку-

мат. Мана, губернатори-ю ҳоқими, қўрвошидан тортиб қози-мозиси!.. Бир камбағалнинг уйига куппа-кундуз паранжи ёпиниб кириб, ўн уч яшар қизини булғаб, ўлдириб, кўмиб турганининг устига кириб тутдилар. Нима қилдилар? Уч ойгина қамаб, икки юз сўмини шилқиллатдилар-у, «ўзинг қўшиб даъво қилгансан! Мастлик билан ўлдирипти», тагин алланима балоларни топиб бунга оқ фотиҳани бериб, у шўринг қургурни уч йилга кесдилар. Буни ким қилди? Икки юз сўм қилдими?!

Гулжон. Шунга айтнинг. Қўрқоқнинг имони борми?

Мастура. Ҳар бало бўлсаям, шу сафаргиси бошқа жойда бўлсин! Жудаям беҳислат тушлар кўр-япман.

Мирзакарим. Бетаҳорат туш шунақароқ бўлади. Сен билан бизнинг тушимиз ҳамма вақт тескарисига жўралайди. Тушим хислатлик бўлсин десанг, ётар олди-дан яримта-паримта зормандадан ютиб ёт. Дунёда бор хислат сенинг тушинга кираверади.

Гулжон. Ана ҳолос. Журовчи ўзингда-ю, болам.

Мирзакарим (Гулжонга). Сен буни билмайсан. Гап туш-пушда ҳам эмас, хислатнинг бундан хайрлашганига йигирма беш йил бўлди. Гап бундаки, ҳаром-ҳаричдан пешона тери қилиб, беш-ўн сўм тўплаганки, омир чоғимда ҳажга бораман, деб. Мана шу пулнинг ваҳимаси бор, холос. Қошки у бу ерда бўлса. Банкада тагин.

Мастура. Нега ҳаром-ҳарич бўлар экан? Саргардоннинг пули эмас бу, айланай! Дўппи тикиб тўплаганман, яхши йигит. Сизни деб қора бўлган бу юзларимни байтуллога суркамай ўлсам, рўзи қиёматда қандай бош кўтараман?

Мирзакарим. Мен бор ку, кўп қўрқавурма! Эр рўзи — худо рози, деганлар.

Мастура. Сизни бошига урсинми!.. Ота ўғилга, қиз онага боқмайдиган жойда, Мирзакарим почча қайдалар, деб хўп одамни ахтарарканман-у!

Мирзакарим. Тиқилич бўлгандан кейин хўп ахтарасиз-да. Кел, ўша жойда гаплашармиз. Кел, насия савдони қўй, нақддан гапиравер! Самарқанднинг янги пивоси чиқипти. Банкадан пулни тайин қил. Янги меҳмон билан уч-тўрт кун аяғлашайлик. Ҳақинга бир дуо қиламан... тўппа-тўғри сўроқсиз сақарнинг бир минг ўн саккизинчисига кета берасан.

Гулжон. Вой, айланай, сизнинг дуойингиз хосиятлик экан.

Мастура. Айтмадимми, кампирнинг дарди гўзада. Шу пулга бир қўлам, ҳа! Ишни бузаман-қўяман.

Гулжон. Келинглар, ҳазилнинг вақти бор. Чоршанбанинг маслаҳатини тўғриланглар. Ҳаммадан бу фарз ҳам қарз.

Мирзакарим. Бўлди-ку! Тагин нимаси бор? Бояги гап. Хатни мен ёздириб бераман. Рустамбекка сен учрайсан. Уша куни ўзинг биладиган гадой топмас кўчалар билан тўппа-тўғри Эсонқулнинг ҳовлисига олиб кирдинг бўлди! Нома тамом у, вассалом.

Мастура. Ҳарчаси қилса катта даргоҳ, оёғим тортмай турипти, бир балсга қолмасак, деб қўрқаман-да!

Гулжон. Худо урдими?

Мирзакарим. Уша куни қуённинг ҳовлисини арзонга ижарага олиб бераман. Нима бало келса (*пулни кўрсатиб*) мана бу улуғ балоғардонга ҳавола қиламан. Битди. Бизнинг касбимиз қиморбозникидан таваккалликроқ, ё ол худо, ё бер худо. Чигирткадан қўрққан бугдой экадими! Нима дединг, Гулжон?

Гулжон. О, болам, юраксизнинг уйи кураксиз бўларкан. Уйчи ўйига еткунча, таваккалчи уйига етибди. Имонинг комил бўлгандан кейин, худодан қўрқма, дейдилар-у.

Мирзакарим (*ҳар қайсисига бериб*). Мана бу беш сўм, Гулжон, сенга. Мана бу ўн беш сўм, Мастура, сенга. Аммо бирор сўмини ҳаж пулингга қўшиб қўясан.

Мастура. Қўйинг, ер ютсин бу пулни!

Мирзакарим. Қолганини бугундан бошлаб старший-пистарший деган гўр-ерларнинг кекиртагини мойлаб турайлик. Қани, чин фотиҳа қилайлик бўлмаса.

Гулжон. Арвоҳлар ёр, пирлар мадаккор бўлиб, овимиз бароридан келсин! (*Фотиҳа ўқишурлар.*)

Мирзакарим. Гуп этиб ижобат қорасига тегди деявер, хусусан сеники! (*Туришурлар.*)

т ў с и қ

### *ИККИНЧИ ТЎСИҚДА КЎРИНУВЧИЛАР*

- Х а й и д ж о н — 45 ёшда, Ҳожарнинг олпаси. Қотма, узун бўй, оқ пўст бир кампир.
- Т ў л а х о н — 17 ёшда, Ҳожарнинг қизи. Оқ-қизил пўст, қора кўз, қора соч, ўрта бўй, назик анлом, ширин сўз, шўхчанг, лабининг устида зўр бир дона холи бор бир қиздир.
- Ҳ о ж а р — 41 ёшда. Урта бўй, оқ пўст, қора кўз, содда табиат бир хотин бўлиб, Тўлахоннинг онасидир.
- У м у р з о қ б о й — 55 ёшда. Урта қомат, содда кийим, қора соқол, ўрта бадан, тез сўзловчан, серҳаракат, юртнинг ўрта қисм деҳқонидан чиқиб шаҳарлашган бойлардан бўлиб, Тўлахоннинг отасидир.
- Ю с у ф ж о н — Узун бўйлик, хипча тан, қора мийиқ, чўққи соқол, фаҳш, тажанг бир йигит бўлиб, Тўлахоннинг акасидир.

## ИККИНЧИ ТЎСИҚ

### Саҳна кўригиши

Умурзоқбойнинг уйи бўлиб, гоят даражада безалган. Уйда мис кўза, самовар, қумғон, чойдиш, чойнак, коса, тарелка, товоқлар. Атлас кўрпа, ёстиқ, ипак чойшап, рўж, қозىқ рўмол, дорда кийимлар. Ипак гиламлар билан тўшалган. Қаршидан кириш. Сўл томондан иккинчи дарвозага чиқиш эшиги. Унг томондан дераза кўринади. Тўлахон — ер чизиб, матюслик билан Хайиджоннинг сўзини тинглайди.

Хайиджон. Бўйингдпи ўргулсин холанг, бу бир сенда бўлиб турган иш эмас. Ҳамма қизнинг бошида бир кунмас-бир кун бўладиган савдо бу! Қани, нима дейсан? Опаларингни қарагин! Ҳаммаси ота-онангнинг сўзини олиб, мана ўзларидан ўзлари тиниб-тинчиб ўтирипти. Сен ҳам ота-онангнинг ризосини олгин, жон болам! Хўп дейсанми? *(Тўлахон сукут билан кўзини артар.)* Жон қизим, сенга нима бўлди? Сендан ёш-ёшгина қизлар уйлик-жойлик бўлишиб кетди. Тенг-тўшингнинг ичида айбмасми? Алҳамдулило, бўйинг камолга етди. Айни уйлик-жойлик бўладиган чоғинг келди. Уйнаб-кулиб жавоб бергин. Хайр ишни бошлайлик. *(Сукут.)* Жон қизим, бир соатдан бери мени жовратасан. Минг айлансак яна шу бир гап-да! Ёки ўзингнинг бирор муддаонг борми? Мен бегонамасман. Холанг бўлгандан кейин бувинг ўрнидаман. Агар менга айтмасанг, кимга айтасан, жон қизим?

Тўлахон. Менинг айтганим бўлармиди?

Хайиджон *(лаб тишлаб, ёқа тутиб)*. Жон қизим, сенинг айтганинг кошки эди, бизнинг айтганимизча бўл-

са... Қўй болам, ўшандай камбағалларнинг юзи қурсин! Бир кўрган кун тоғаннинг куними? Ундан ит тинчроқ. Еки битта севиб теккан Кумушхонми? Бошинг айланиб бир кириб қолсанг, ғаму ҳасрати қулоқ-миянгни қоқиб қўлингга беради. Қон қақшаб йиғлаганига худонинг раҳми келсин. Сен бўлсанг юрт қизларининг ичида ой деса ой, кун деса кунсан, холанг ўргулсин, париштадек бўйинга ҳар қандай одам муносибмас. Қўша-қўша сеп берганга эп кўрсин. Бир одамга берайликки, дўстлар шод, душманлар бедод бўлиб, ота-она, қовми қариндошларингням бундай орзу-армони ушалсин. Умрда бир кўрадиган иш, қизларга бир мартагина бўлади. Кейинчалик пушаймонниям ўйлайсанми, қизим? Мунисиям эсингдан чиқмасинки, хоҳлаганимга тегаман деб бир кун кўз ёшларинг қон бўлганда ерга қаратган ота-онангням уйига келишни ўйлаб қўй! Ундан кейин бора-бора чучугинг аччиққа, қучоғинг тўсиққа айланади. Эркакларда вафо борми? Вафо бўлса, кундош жафосини селмас эди. Бошинг ташга текканда борадиган жойингни ўйлашга бир озгина ақлинг етса, ўйлаб жавоб бергин, болам!

Т ў л а х о н. Утга, сувга соласизми ихтиёр сизларда. Нима бўлсам худодан кўрдим. *(Йиғлар.)*

Х а й и д ж о н. Худодан умидинг борми, ахир?

Т ў л а х о н. Умидсиз ким?

Х а й и д ж о н. Худонинг буйруғига бўйин эгасанми?

Т ў л а х о н. Бўлмасам-чи!

Х а й и д ж о н. Бўпти-да, худойимнинг розилиги ота-онангнинг розилиги-да!

Т ў л а х о н. Менинг пешонамга «Ота-онаси ўшанга берсин», деб ёзиб қўйиптими?

Х а й и д ж о н. Ундай куфур сўзларни сўзлама!

Т ў л а х о н. Ота-онаси йўқларга нима деб ёзиб қўйипти бўлмаса?

Х а й и д ж о н *(ҳайронликда)*. Ҳай, қизим, сенга нима бўлди? Унгаям бир нарса деб ёзиб қўйгандир-да, ахир, ўз каломида хабар берибдидики, ота-онанг рози, мен рози. Қўй бошқа гапни, барибир ота-онанг жавоб берди. Сен йўқ деганинг билан бўлмай қолмайди. Шунчаки, ўртада бетингнинг шувут бўлганигина қолади, қизим. Ундан кўра, ширинлик билан, ўйнаб-кулиб жавоб бер қўй. Уятмасми, шунча элу мардумнинг ичида «Мен фалончига тегаман», деб ота-онангни ерга қаратиб қўйиш?

Тўла хон. Хола, кўп эзмаланмай, чиқиб айтаверинг-да. Бўладиган бўлса, мендан сўраб нима қиласиз? Нима бўлса, пешонамдан кўраман.

Хайиджон. Мундан чиқдики, рэзимас экансан-да!

Тўла хон. Икки дунёда!

Хайиджон (*туриб*). Хайр бўлмаса, ота-онангга айтиб кўраман, нима билан рози қилса ўзи билиб қилар. Сен шундақаям бети қаттиқ булиб қолган экансан. Қизни берсанг ёш бергин, ўзбошимча қилмасдан, деганлари тўппа-тўғри. Сенинг бу ҳаракатларингдан Кумушхонга ўлшаган ўрта орада бирор гапам бўлганга ўхшайди, жувон сўхта!

Тўла хон. Худойим билади. (*Қўрқимсираб ялиниб.*) Жон хола!..

Хайиджон. Ҳимм... Энди таги очилди. Нима демоқчисан?

Тўла хон. Билмайман, деди деб қўя қолинг. (*Йиғлар.*)

Хайиджон. Аввал бу томондан хабар олиш керак. (*Чиқар.*)

Тўла хон (*эшикка қараб қўйиб*). Эй худойим, мен нима киламан энди? Бир муштипар бўлсам. Нима бўлардики, бир камбағалнинг қизи бўлиб туғилсам. Еки дунёга келмаган бўлсам, ёки Рустамбекни кўрган кўзларим, тўғриси, кўр бўлса эди! (*Туриб.*) Севганига текканларнинг бахти қандай бахт экан! Қошки, тақдир деган банданинг ўз ихтиёрига берилган бўлса эди. Кўмирчи бўлсин, темирчи бўлсин, тўрт деварнинг ичида севганинг бўлсин. Тагин унинг тутаноқ дарди... бунинг устига оргиқча. Йўқ, Кумушхондек мен ҳам бир зўр бераман-да, ўзимни Рустамбегимнинг қучоғига оламан қўяман. Боласидан кечган ҳеч ким йўқ. Бир кун бўлмаса, бир кун кўнглини топарман. Кумушхон айтмоқчи, танамнинг жароҳати бир йил бўлмаса, ўн йилда тузалар. Юрагимнинг жароҳати ўлганда тузалармиди! Битта бойвачча ўзимни акамми, шундай чиройли хотиннинг устига иккини олди. Туну кун оғзи ичкиликдан, ўзи дайдиликдан бўшамайди. У ер юткур, тутаноққа теккандан кейин Рустамбек билан ё учрашиб бўлар, ё бўлмас. Балки, бутун аразлаб кетса, бутун умрим жафо-ю кулфатда ўтса керак. (*Ўйлаб.*) Йўқ, яхшиси шу! Ҳозир дунёни бошига кўтариб бувим келар. Бетимни сидириб, бир марта айтаман қўяман. Жа бўлмайдиган



бўлса, Рустамбек билан Кумушхондек қочаман кетаман. У кўнмаса, тоғу биёбонларга бош олиб кетай. Тўйнинг ҳузурини одамлар, обрўсини ота-онам кўрсин-да, жабри-жафосини мен кўрайми? Эр қилиб нима азоб!

Ҳ о ж а р билан Х а й и д ж о н кирар.

Ҳ о ж а р (*уришиб*) Ха, жувонмарг, холангга нима лединг? (*Утирурлар.*) Гапиргин, нима дединг дейман?

Х а й и л ж о н. Кеча-кундуз олдингда туриб хабаринг йўқ, ўзингда айб. Кенжа қизим, фалон қизим ўксимасин, деб Суқмозорга, очиқ мозорга пардоз-андозини келиштириб етаклаб-стаклаб, энди ҳузурини кўрасанда!.. Карвоннинг туясидек, бўйи етган қизни кўчаларда жангур-жулгур йўрға қилаверганингдан кейин соғи қоладими? Тағинам бундан каттароғи бўлмаган, балки худо билсин, бўлгандир ҳам.

Ҳ о ж а р. Мен қандай қилай! Етти бўғинимизда бундай қулоғим сатанг номини эшитгани йўқ эди. Бу қаро ер юткурнинг йўрға чиқаришини етти ухлаб тушида ким кўрибди! Хазонмарг бўлгур, нима бало бўлган сенга, айтмайсанми? Бир мўминнинг фалон юз сўмлик фотиҳа тўйини олиб, юзимиз қора бўладиган шекиллик. А, жувонмарг, нима бўлди сенга?

Т ў л а х о н. Ҳеч бало бўлгани йўқ. (*Туриб шахдам.*) Бўлса энди бўлади!..

Ҳ о ж а р. Нима бўлди? Энди бўлади? Анойими сенга одамлар. Қонингдан чалпак пиширтираман, биласанми! Биласанми, отанг ким?

Т ў л а х о н. Биламан. Отам менга ўхшаган худонинг бир махлуқи.

Х а й и д ж о н. Ана холос, ҳали бошқасини эшитганинг йўқ. Боя менга худониям писанд қилмай қўйди, ҳа!..

Ҳ о ж а р. Кумушхонга ўхшаган сен ҳам ўша гадойваччага тегимоқчимисан?

Т ў л а х о н. Пешонамга ёзган бўлса, сизларга нима!..

Ҳ о ж а р. Ҳа, қанақасига ёзаркан, у қулваччани. Отангнинг пули ҳаром пулмас, ер юткур! Сени унга берамизки, бойми. Отанг юртнинг бири, ками беш юз жойдан тўққиз олиб тўн кийган. У гадойвачча онасининг пилта саватини сотиб хотин оладими! У ҳали хотин олгунча чоршанба, пайшанба қозонининг қулоғини ёгла-

син! Сенинг қўлингдан бирор нарса келадими, қани ўлим бергур. Кумушдек сен ҳам бор, қочиб тег-чи, остопада ўлигинг қолсин, зинда!.. Бизнинг унақа шармандаликка тоқатимиз йўқ Дори бериб ўлигингни чиқарамиз, биласанми!?

Тўлаxon. Кошки шундай қилсаларингиз.

Хожар. Ҳа, қани биз айтганга йўқ дегин-чи!..

Хайиджон (*туриб тортиб*). Бас энди, аччиғ устида ҳар ким ҳар гапни айтади. Бундан сўраб ўлтиришининг нима кераги бор. Уз қизинг бўлгандан кейин қўл-оёғини молдек боғлаб бер. Анюйи машмашадан нима чиқади. Тур, бор! Унинг тэрафидан мен жавоб бердим. Чиқ, эрингга айт, ҳаракатини қилаверсин!

Хожар (*чиқиб туриб*). Э, ўлим берсин, сен беюз шапшакка! Мен айтдим бу мунча бегона хотинлар билан висир-висир қилаверади, дайди итдек кўчага чиқ-қани-чиққан деб. Бир балойинг бор экан-да, сенинг. Худодан уялмайсанми? Ўзингни ўнглаб, холангининг гапни тинглагинки, акангга айтиб икки дунёнинг бир қадам қилдириб қўяман. (*Сўрагин ишорасини билдириб чиқар.*)

Хайиджон. Сенга нима бўлди, қизим! Боя хўп деганинда шуначалик беюзликлар бўлмас эди. Сен Кумушхонга таассиб қиламан дейсанми? Қайси бир тўй, мажлисга борса, уйнашга теккан, деб юзига шақиллатиб таъна қилишадди. Отаси бечера бўлса, қанча вақт эл-халқдан номуе қилганидан аллақандай шаҳарларга Бадарға бўлиб яқинда келди. Кошки сенинг ота-онанг бунақага чидаса. Бир аканг борки, мурдани зинда, зиндани газанда қилади. Супраси чакса ун, ташири бир боғ ўтин кўрмаган гадойваччанинг уйига бориб нима роҳат кўрардинг! Банданинг боши — облонинг тоши. Орзу-ҳавас, тўй-маърака деган гап бор. Қуриган косовни бешингга урасанми? Кўзимиз билан кўрдик, худога шукур, қоши-кўзи қундуздек, бурунлари бодомдек, қизил юз, алиф қомат, суқсурдек йигит экан. Ҳар одам қизини жони билан беришга харидор-у, бироқ отаси отаниннг давлату обрўйига қизиқиб киши қўйдиряпти. Холанг ургулсин, ишонмасанг яна бир ўзингга ҳам кўрсатайлик. Айбмас, хўп андиша қилгин, шайтонга ҳай бергин, бу кунлар ҳам ўтар. Бир кун бўлурки, минг-миг пушаймон ерсан, фойда бермас. Бирда-ярим сени кўрелмаган қиз-хотинлар душманлик билан ёмонласа

емонлагандир. кўра-билиш уз боласини утга ташландими, киши! Ҳу, холанг бўйингдан ўргулсин. (Чиқар.)

Тўла хон. (кўз ёшларини суриб). Мен унинг давлатини бошимга урайми? Мен кичкина гўдакми алданиб? Чиройлик, бойваччалигидан менга нима фойда?! Битта чиройлик бойвачча акамми?! У ҳам жуда инсофлик бўлса, акамдан ортиқмасдир. Улим бергур, тўй куни Рустамбекнинг қайғу-ҳасратини чекиб, дунёдан зор йиғлаб ўтгунча, ҳар бенсмусликни ўзимга олиб, севганим билан кун кўрай. Тунов кун Қумушхонни ҳароми, палон, писмадон, деб маҳалладан ота-онасини чиқариб қўйган мунофиқ маҳалланинг оқсоқол, имомлари бугун бешик тўйисига кириб, соқолларини силкиллайтиб, ошни лимиллатиб, кекиртақларига урдилар, тўнларини ловиллатиб кийиб чиқдилар. На ҳаромиси қолди, на бўлаги. Бизга ҳам шу бўлади-да. Ке қўй, кўз ёши тўкиб ўлтирганинг билан молдек боғланиб кетасан. Ундан кўра, селнинг бошини олиб, Рустамбек билан кўришиб, ўз ишингни кўргин! Ҳеч кимнинг ота-онаси гўрдан қайтиб, жафода қолган боласининг ёнида ғамхона бўлгани йўқ, ҳам Рустамбекка тақдиримки ёзмаган бўлса, ишқи-муҳаббатиям тушмас эди. Ҳар ким бу дунёда ўзига-ўзи бек, ўзига жафокор. (Чиқар.)

Ҳо ж а р, У м у р з о қ б о й сўзлашиб кириб, ўтирурлар.

Ҳо ж а р. Ҳамма иллат ўзингизда.

У м у р з о қ. Мочағарларнинг гапини гапирма! Бир мушт билан аталаҳўр қиламан-да-қўяман!

Ҳо ж а р. Қошки эди. Сизни бўйтаман деб шўрванча туриб ҳам ошуғ-маъшуғларим «ё Ҳусан» айтадиган бўлиб қолди.

У м у р з о қ. Байти газални қўй. Нима деди?

Ҳо ж а р. Нима дер эди. Бу замоннинг боласига гап маъқулми? Бир гап борки, сукут — аломати ризо. «Қизни эркалатсанг яғринингга тепади, ўғилни эркалатсанг бурнингга» деган. «Тилло қизим, мулло қизим» деб шапшак қилдингиз-қўйдингиз. Шунча давлат топиб, обрўй топиб, эл ичида сарнагун бўлишга кимнинг тоби бор! Қиз деганни узоқ сақлагандан кейин шунақа майдачуйда гап ҳар кимдан ҳам чиқади. Бошида айтдим. Уша вақтларда куёвга берганимизда хўп вақти эди. Мана ўн етти-ўн саккизга кўрувдики, мана шунақа гаплар чиқаришга тўшди.

Умурзоқ. Шўринг қурсиб-да, хотин! Бағонатдан бери гуриг-гуриг қиласан, на гапингнинг ипи бор, на бсғичи. Нима деди? Тегмайман, дедими?

Ҳожар. Қаандақасига тегмайман, десин. Йиғлайдию йиғлайди, холос.

Умурзоқ. Ахир, ўша йиғлагани тегмайман деганимасми?

Ҳожар. Бўлмасам-чи.

Умурзоқ. Мен унинг тегмайман деганига қараб турадиган жонивордамчи? Гўштини сихга тортиб, сғини совунгарга сотаман, биласанми!

Ҳожар. Бундан бадтар қилиш керак.

Умурзоқ. Менинг андишам шундаки, одам холис, бу ҳам ўша Шоди фалоқатнинг қизидек қочиб бориб гагадиган бўлмасин тағин?!

Ҳожар. Ушани айтаман-да. Қизни узоқ сақласанг шунақа майдон-маъракаси чиқади. Ҳай, шошманг, Шодининг қизини тағин никоҳ қилипти, отаси ярашипти, дейдими?

Умурзоқ. Ҳа, булар қочиб бошқа жойда никоҳ қилганмасми. Отасинг маҳалла бутун маъракадан чиқариб қўйишган эди. Энди битта бола туғиб, бешик тўйи қилмоқ ниятида бир-иккита мўйсафидлар билан қўй, гуруч, майда-чуйда юбэриб маҳалласининг катта-катталари билан домла-имомин восита қилиб, қайин ота, қайин онасидан гуноҳдан кечини сўраган экан. Кўп одамлар ўртага тушиб, яраштиришди. Аср никоҳ шу маҳалланинг имомининг ҳақи бўлар экан.

Ҳожар. Қайси маҳалланинг?

Умурзоқ. Кумушнинг маҳалласини-да, ахир! Имомни ризо қилишиб, биратўла маҳалланинг ошини ҳам беришиб, масаласи тўғри бўлсин учун янгидан никоҳ ҳам ўқитиб қўйди-да. Яхшигина ош-нонлар берди. Кечаги тўнни ўшаникидан кийиб келуздим-да!

Ҳожар. Айланай, шарнатимизда ёл бор эканми?

Умурзоқ. Ажаб бир махлуқмисан, бир ривоят топгандир-да! Ёки шариатда бўлмаса, никоҳ қиладими? Шариатда бор эканки, қиздан сўрайди-да. Куёвдан ҳам сўрайди-ку, бироқ...

Ҳожар. Бу жувонмарг ҳам эшитиб олган деса-нгиз-чи! Бизнинг замонамизда бундайлар йўқ эди. «Раҳматлик Матқобил совунгарнинг қизи қочиб теккани учун хон куёви билан икковини ибрат учун ерга ётқизиб

кўрғошнинг деворини ағдартирди» деб бувим айтувдиллар.

У м у р з о қ. Қалланг қурсин, гап топмай! Ул вақтлар мусулмонободнинг қайнаган чоғлари эди. Ҳали мусулмонобод қолди, дейсанми?

Ҳ о ж а р. Айтганингиздек, ҳаммани худо тепайи саридаи урганки, бундай балолар чиқаяпти-да.

У м у р з о қ. Ул вақтда йигирма тўрт, йигирма бешдаги йигит, қизлар яғим кечагача туя-туя, минди-минди ўйнар эди. Энди саккиз-тўққиз яшар тирранчалар пичир-пичир, куёв-куёв ўпич-ўпич ўйнайди...

Ҳ о ж а р. Тўғри, дадаси. Мен айтаман, эта-бола бир-бирларини кўргани қанчаи юзлари бўлдикиан?

У м у р з о қ. Қандай бўлар эди. Фарзанд-да, минг қилса.

Ҳ о ж а р. Эй мундақа фарзандга ўлат келсин, эрта кунда.

У м у р з о қ. Шундай деймиз-у, худо кўрсатмасин, бизнинг бошимизга ҳам тушса, эрта саҳар олиб аввал кўргани сен жўнаб қолсан, чидаб бўладими?

Ҳ о ж а р. Айтганингиздек, бўлмайди дейман.

У м у р з о қ. Куёви: «Агар зўрлаб мендан бошқага берса, Кумушнинг ота-онаси, куёвидан тортиб никоҳ қилган имом, гувоҳлари, билан олти кишини дунёдан йўқ қилиб, ундан кейин ўзимни отмасам ўттиз пора каломулло урсин» деб қасам ичкан экан.

Ҳ о ж а р. Вой хазон бўлгур, хайриятан қочиб тегиб олгани.

У м у р з о қ. Шунга тўйда биров гапирса, имонимиз қирқ газ учиб келди-да. Менинг қўлимдан суяк тушиб кетса-я...

Ҳ о ж а р. Мен бўлсам ўлиб тирранг қотардим. Худо бир сақлаган...

У м у р з о қ. Ҳар ҳолда, қизимизга ҳеч нарса бўлмайди-ю, бир оз кўрқаман, бунинг шу касали учун яхшироқ жой қиз бермади. Мундоғроқ жойдан ор қилишди. Мен бўлса, ўзинг биласан, баъзи олди-берди дараклик жаям қадрдонман. Хусусан, икки марта вексилим протес бўлди. Ҳаммадан пок айрилувлик, шу сабаб бўлиб халос топдим. Бир томондан юртнинг улуғлари, ҳазратларидан тортиб восита бўлган. Хўп, деб қўйганман. Номус куч. Бир томондан биргина ёлғиз ўғил, ҳамма давлат шунга қолади. Нима ажали етиб иякни қоқишга

қараб қолди, пук этиб ұлса, бұлганимиз бұлдик. Қизинг беш-олти кун йиғлаб-сихтаб кўникиб ҳам қолар. Утда, сувдами беш-олти кунда пук этиб униси ҳам ұлса, яна ундан кейин ўзининг хоҳлаганига берармиз, эсидан ҳам чиқиб кетар. Қизинг энди ушанинг тутаноғини эшитиб кўнгилсиз бўлиб тургандир-да. Бошда мен сенга айтдимки, энди кўчагаям чиқарма, ўша куёвдан хабардор одамни ҳам киргизма, эшитмасин.

Ҳ о ж а р. Бу замонанинг одамлари эшикни бекитсанг, туйнукдан эшиткизар. Ажаб қизиқ экансиз, ўғилқиз деган ота-онанинг қул-чўриси бўлади. Эшитган билан таънага тан бермай чораси борми? Худойим болаларнинг бахтига сизинг бошингизни тошдан қилсин... Юрт-элнинг ичида обрўйингиз тўкилиб, кулгига етган кўзимиздан ёшлар оқмасин. Қиз деганнинг ҳаммасиям шунақа йиғлаб бир кун кўникиб кетаверади. Иш қилингики, мен ҳам, сиз ҳам юртнинг ош-нонини еб, сиз тўнини кийгансиз, мен читу рўмолини олганман. Қирсий тўй-фотиҳани лоақал олтидан олишга рози бўлинг. Бўлмаса, девонага ташлаб қўйган қизим йўқ.

У м у р з о қ. Сен нима деб ўлтирибсан, мен дунё охиратимни шу қизингнинг устига қўйиб ўлтирибман-ку, ўнтадан бермасин-чи, гунажишимнинг қулогини кўрармикин! Бедаво ўғлига ҳурдек қизимни бераман-ку, тагин ўндан беришга бели оғрийдими?! Мен қўрқаманки, шу қизинг Кумушга ухшаган бир бало қилиб қўймаса.

Ҳ о ж а р. Нима? Оғзингизни ёпинг! Молхонага сим билан тортиб қўяман, остонадан ўлиги чиқади. Жавобни бериб юбораверинг.

У м у р з о қ. Бўлмаса, улар қарашиб турмасин. Мен жавоб бера берай. *(Туриб.)* Сен эҳтиётдан, Юсуфга айтиб қўйгин, ёлғондан уйга бир пичоқ олиб кириб, осиб қўйсин. Келин ойилари секин шама қилиб қўйса бўлади.

Ҳ о ж а р. Уни аллақачон айтганман. Сиз хотиржам жавоб бера беринг.

У м у р з о қ. Бўлди бўлмаса. *(Чиқар.)*

Ҳ о ж а р *(ўзича)*. Нима қилай, азрўйи азал иродаси шу экач. Бўлмаса, кўра-билиб гулдек қизимни кулга ташлайинми! Ору номус ўлимдан қаттиқ. Битта ўлдимкуйдим деган менинг ўзим эдим. Беш йил, ўн йил йиғладим, охири кўрмагандек бўлиб кетдим. Буям бир кунини кўрар. Ишқилиб, қора боши соғ бўлса бўлди. Ит азобида кечани кундүзга улаб, меҳнат қила-қила энди

юрт орасида шер қилдим деганда, обрўйини тўкиб қўйсам, қандай кўргулик... Вой, қизгинамнинг умри ғам билан хазон бўлади-да. (Чиқар.)

Юсуфжон, Хайиджон, Тўлахон крарлар.

Юсуфжон. Сен мени биласанми? (Тўлахон дод деб йиқилар.)

Хайиджон (бориб кўтариб, қучоғига олиб). Ҳа, сенга нима бўлди, Юсуфжон! Нима гуноҳ қилди бу? Ўлдириб қўювдинг-ку! (Ҳар томонларин силаб.) Қўй, қизим, йиғлама. Расми, ота-она, ака деган беваж шунақа қилмайди.

Юсуфжон. Бунинг ўлгани минг марта яхши, (Келиб.) Отангни биласанми? Қим? Ёки сен ҳам у... Кумуш бўламан дедингми? Йўқ, сен икки дунёда бўлсмайсан! (Пичоқни кўрсатиб.) Мана шуни кур, кўзинг билан кўриб қўй! Қорнингни ёриб, ўзингга кафан қилиб кўмдираман, биласанми? Менинг отам у сен айтган Шодибоймаски, шаҳарма-шаҳар қанқиб юрса. Финг дегин, қонингни шиннидек шимирай!

Тўлахон. Акажон! (Энтикиб оёғига ёпишиб.) Мен нима гуноҳ қилдим, мунча хўрлайсизлар, туғилмай ўлайин. Ҳеч ким раҳм қилмаганда, сиз раҳм қилсангиз бўлмасмиди?!

Хайиджон (Юсуфни итариб). Қўй, болам, бу нима гуноҳ қилди, ахир!

Юсуфжон (Хайиджонни туртиб чиқариб, Тўлахонга). Биласанми нима қилганингни, лаънати!

Тўлахон. Акажон, мен нима қилибман, гуноҳим булса майли ўлдириг.

Юсуфжон. Нимага сен холангга биз берамиз деган кишига, тегмайман, дер эмишсан? Қандай бетинг бўлди, номуссиз!

Тўлахон (юзини беркитиб, уялиб). Ҳеч нима деганим йўқ.

Юсуфжон. Сен биласанмики, шариат болани сотиб юборишгача ота-очаларга ҳақ берган.

Хайиджон крар.

Бугундан бошлаб у бошингдаги васвасаларингни йўқотиб, тиниб ўлтиргинки, худди мана шу пичоқни шу бугун атайин сенга ният қилиб кўтариб келдим. Терингга сомон тиқиб, Кўктўнлик мозорга элтиб қўяман.

Х а й и д ж о н. Қўй, болам. (*Тортиб.*) Ёшликда ҳаркимдан ҳам ўтади. Дўст-душманнинг гапига кириб ҳамманг ҳам шунга ёпишаверма! Ота-онасининг юрт-эл ичида бошини эгиб жинними бу. Бу ҳеч оғиз очгани ҳам йўқ, очмайдиям. Ҳаммаси дўст, душманнинг гапи. Бор энди, бас.

Ю с у ф ж о н. Ҳай, Тўла, ҳушёр бўл! Мен, биласанку, йигит-ялангнинг ичида гапемни бермай юрган мушкулман. Агар сендан бир нарса бўлар экан, шубҳасиз, билгинки, хотин талоқдан қасам ичганман. Нимта-нимта қиламан, нимта, ҳа!.. Мен, биласан-ку, гап ҳожатмас. (*Чиқар.*)

Х а й и д ж о н. Айтмадимми, болам! Ҳаммани қақшатиб, ўзингниям бир балога солма тагин. Қўй, холанг ўргулсин, хафа бўлмагин. Худонинг айтгани бўлади. Ҳали нима бўлади, нима йўқ. Тўйдан илгари ноғора чалаверади булар. Юр, уйга чиқайлик, Қумри опанг келди. Бирпас гаплашгин, кўнгил очгин.

Т ў л а х о н (*йиғлаб*). Чиқа беринг, ўзим чиқаман.

Х а й и д ж о н. Чиқа қол, болам. Тузукми, қўй йиғлама. (*Чиқар.*)

Т ў л а х о н (*йиғи аралаш*). Эй худо, учиб юрган паррандача қурб, манзалат бермас экансан, нима учун хотин-қизларни яратдинг? Шу ҳам дунёга келишми? Шу ҳам кун кўришми, эй худойим! (*Жаҳл билан туриб.*) Йўқ, ҳали қилмасам ҳам энди қиламан! Кўз очигида кўрган ғанимат. Ундай тутаноқнинг қўлига тушгунча, ажалнинг панжасига тушганим минг марта яхши. Бир гап борки, тилагим икки билагимда. Жон-жониворлар ҳаммаси ўз бошига кун кўради-ю, мен ота-онаминг бошида кун кўраманми? Ота-онанинг ихтиёрида бўлса, тақдирми шу ҳам?! (*Чиқар.*)

Т ў с и қ



### УЧИНЧИ ТЎСИҚДА КЎРИНУВЧИЛАР

- З е б и х о н — 24 ёшда. Ўрта бўй, оқ пўст, чиройли бир жувон бўлиб, Мастурапинг уйинчиларидандир.
- З у б а й д а — 34 ёшда. Ўрта бўй, ўрта чирой, гавдали, олифта бир хотин бўлиб, Зебихоннинг хушторидир.
- О й н и с а — 25 ёшда. Қишлоқ бойининг хотини бўлиб, бугдой ранг, ўрта чирой, сухандон бир хотин.
- З у ҳ р а — 21 ёшда. Ғоят гўзал, хушқомат бир хотин.
- Т о ж и х о н — 28 ёшда. Жой эгаси, Эсонқулнинг хотини бўлиб, пакана бўй, содда чирой, сариқ пўст, Мастурапинг даллаларидандир.
- О б и д а х о н — 25 ёшда. Юрт эшонларидан бирининг хотини бўлиб, ғоят чиройли, хушқомат, лобзар сўз, сатаанглардан биридир.
- О й п о ш ш а — 36 ёшда, ҳазратларнинг машҳурларидан бирининг оиласи бўлиб, ғоят гўзал, қора соч, ширин сўз, шўх сатаанглардан биридир.
- М а ҳ м у д а — 18 ёшда, назир қизлардан туширилмиш, ғоят гўзал, эрка, оқ юз, қора кўз бир жувон.
- С о и б ж о н — 28 ёшда, чиройли, олифта йигитлардан, хушқомат, оқ пўст, қора кўз бўлиб, Тиллахон ва бошқаларнинг суйганларидан бири.
- Т и л л а х о н — ғоят нафис бир хотин бўлиб, Соибжоннинг маҳрамидир.

### УЧИНЧИ ТҮСИҚ

Саҳна кўриниши: Эсонқулнинг уйи, ўртача безалган. Акабаччаларнинг мажлисгоҳидан бири бўлган, асбоблар ҳар кимдан тупланганга кўра, ҳар тусни олиб кўринадди. Унг томондан бсғчага бир дона дераза, сўл томондан қазноқ томонга эскича дарча. Қаршнинг ўнг томон бурчагидан ҳовлига эшик кўришур. Мастуранинг қўлида чилдирма, ўрта қўл билан чертиб, Зебиҳоннинг сўнгги навбатда ашулага бошлаб турганида парда очилур,

*Зеби (қўлида вино тутган, бошқаларнинг ҳам олдиларида вино бўлур).*

Остонанга келибман, арз-ҳол айлаб кетай,  
Ўзгинангдан, дилбарим, уч-тўрт савол айлаб кетай.

Сен ҳамон раҳм айламас бўлсанг мени аҳволима,  
Қатл бедоддингдин өнди, қийлу қол айлаб кетай.

Соғиниб васлингни, сабр этмакка тоқат қолмади.  
Бир қилё боқсанг, тамошойи висол айлаб кетай.

Сарви қаддинг бир намоён қил, нигорим, то бугун  
Ҳарна кўрган захматим маҳзи хаёл айлаб кетай.

Маъшуқ аҳлига ярашмас доимо зулму жафо,  
Ишқ расмида манам ўзини мисол айлаб кетай.

Бевофолиқ ошкор эткунча тўккул қонимни,  
Эл аро волимлигингни дoston айлаб кетай.

Ераман, вой ёраман, беш кун ғаниматдир жаҳон,  
Кўтаринг, гул ёр бўсин, ўтгусидир яхши-ёмон,

Ҳамма аҳ-воҳ билан кўтарурлар. Мастура охириги сарпардага чалур, Зеби стаканнинг Зухрага бериб, ўйинга тушиб кетар, бир оз ўйнаб қуллуқ қилиб Мастуранинг ёнига келиб ўтирар.

Ҳ а м м а с и. Ҳормасинлар-эй!..

З е б и (энгашиб). Қуллуқ!

М а с т у р а. Ҳай, Тожи! Шўрванг нима бўлди?

Т о ж и. Картошқари солдим.

М а с т у р а. Тезроқ бўл, кеч қолмайлик, ҳавонинг иссиғида. Озгина закуска олиб кел!

Т о ж и. Хўп. (Тарелкадаги қолган закускани олиб чиқар.)

М а с т у р а (чилдирмани чертиб). Қани, эй ўргулсин аянг, ҳаммадан ҳам мен соғинганман.

М а ҳ м у д а. Жоним билан, лекин Зебихон аямнинг ашулалари билан эриган юракларни тош қилмоқчи бўлсаларинг, майли, зйтавераман.

Ҳ а м м а. Қани, айтаверинг!

М а ҳ м у д а. Хўп, жоним билан. Бузуғини айбга қўшмайсизлар.

Бир ишва билан жонон дсвона қилиб кетди,  
Ақлимни сочиб ҳар ён, мастона қилиб кетди.

Лавалда олиб кўнглим чин аҳду вафо бирлан,  
Охирда жафоларга ҳамхсна қилиб кетди.

Билмам на гуноҳим бор, олмайди хабар бир йўл?  
Ё рашк ила ағёрим бегона қилиб кетди.

Мен кимга бориб йиғлай, ул шўхи ситамгардин!  
Юрт-элга бутун телба, афсона қилиб кетди.

Қўй намозу рўзангни, ваё, қуй косангга бўзангни,  
Мардлар ичсин бўзангни, ваё, номард кўрмай кўзангни.

Ҳ а м м а. Ссғ бўлинг!

С о и б ж о н билан Т и л л а х о н кирарлар, Бошда паранжи,  
чиммат очиқ.

Ҳ а м м а. Келсинлар

Баъзиси турар, баъзиси нимхез. Тилла билан Сонбжон паранжини олиб тоқтага қўяр. Сонбжон бошидан оқ рўмолини олиб қўяр.

М а с т у р а. Ҳа, нима бу, жаям пархезкорликларинг ошиб кетиб, ўйгача паранжилик бўлиб келишларми?

О й по ш ш а. Худо яллақаб, бизданам қочиб қолманглар.

Т о ж и дастурхон олиб кирар.

Ҳ а м м а (*тўрни кўрсатиб*). Қани, нима гап?

С о и б (*мўйлабларини силаб*). Қани, аввал бир кўришайлик. (*Бир қатордан эрларча кўришиб ўтиб, Мастуранине ёнига ўтириб.*) Мана, Тожи аям-да. (*Фотиҳа ўқишурлар.*)

Ҳ а м м а. Хуш кўрдик.

И к к о в и. Хушвақт бўлсинлар.

М а с т у р а. Нима бўлди, Тожи?

Т и л л а х о н. Пок бўлмаса, шарманда бўлувдик.

М а с т у р а. Нимагааякан?

С о и б ж о н. Шундоқ, саҳнда эркаклар ўтиришган экан, хайриятки, мен аввал бу паранжи билан қараганим.

М а с т у р а (*Тожига*). Қимлар бор? (*Ҳамма ҳайрон.*)

Т о ж и. Ҳеч ким йўқ. Аравакашлар билан Эсонқул, акаси ўтиришувди. Шўрванинг исини олиб старший билан элликбоши, қоровул кириб келди. Шулар.

М а с т у р а. Улим берсин!.. Мачитнинг имомиданам шумшук... қайда бўлсанг асҳоби каҳфнинг итидек ҳозир. (*Кулиш. Хотиржамлик.*)

Т о ж и (*дастурхонни солиб туриб*). Энди бола чиқарувдимки, булар келишиб қолишди.

М а с т у р а. Эсликроқ бола қўй, Исахонларам бўлганича бўлмасин.

О й по ш ш а. Бепаранжи олдин-кейин келишаверса нима қилади?.. (*Кулиш. Тожихон шўрва тортар.*)

М а с т у р а (*икки бутилкани олиб қўйиб*). Жаззойи киши кеч қолсин! (*Очиб.*) Бирингиз соқигул, бирингиз кўтарадиган мунча кеч қолдиларинг?

О б и д а. Бугунги пиво кеч қолганларники.

С о и б. Узрнияам қабул қиласизларми?

О б и д а. Кўнглимиз ишонса минг марта.

С о и б (*Тиллахонга*). Сиз айтинг!

Т и л л а х о н, Матқосимбойини эсон-омон кўмиб кел-ялмиз.

Ҳ а м м а. Ҳа, нимага?

Т и л л а х о н. Энди, битган ажал-да. (*Бошини қимирлатиб қўяр.*)

Зеби (*Зубайдага пичирлаб, ярим товушда*). Рокняхон дори берган.

Ойпошша. Жудаям улуғ иш бўлибди-да. Эртадан Рокняхоннинг бахтига офтоб чиқди десангиз-чи.

Обида. Бўлмасам-чи! Улим бергур, бетовфиқни!.. Тўртга хотин гулдек юзини заъфарон қилиб, бир-бирига бақрайиб ўлтиргани йўқ...

Ойниса. Эгри калтакка эгри тўқмоқ-да, айланай. Бизиям худованди карим энанинг қорнидан тўппа-тўғри гурга киришга яратганми?!

Мастура. Рост-да...

Ойниса. Эркаклар ўз-ўзидан кўрсин. Уламо, шайхидан тортиб жуда яхши умр қилса бир йил, ундан кейин қўшининг қизига ҳайитлик беришга бошлайди...

Маҳмуда (*ўйноқлаб*). Қўйинглар энди, ҳамма ёғни ҳасрат босиб кетди. Худо кўтарсин, ўшаларнинг ўзиниям, гапиниям. Соибжон акамга қаттиқ тегиб кетмасин, тагин.

Соиб. Гул тикансиз бўлмайди, ўргулсин! Сизлардек пари чеҳралар шундай ёмон тиканларнинг панжасига тушмаса, бизга бундай базмларни гўрда насиб қилардими?

Мастура. Соибжон сизга шундай қочирим қилгани билан, бунинг юраги ҳам сиз билан бизникидек кунган юраклардан.

Обида. Бўлмасам-чи! Куйган юрак бўлмаса гулханда нима қилади?

Ҳамма Рост, рост!..

Ҳаммалари бир-бирларини шўрвага таклиф қилурлар.  
Ичишурлар. Тожи гўшти олиб кирар.

Мастура. Аравани қўшаверсин, шўрвани ичиб жўнаймиз.

Тожи. Қўшиб қўйгани аллақачон эди, сизларга қараб туришибди.

Чиқар Шўрва баъзи ўзларига махсус таклиф ва оддий сўзлар билан ўртача шошилишда тамом бўлар. Тиллахон, Соибжонлар ҳам ичиб бўлурлар.

Мастура. Қани, омин денглар, соатам бир нарса бўлди, жўнайлик!

Ҳамма. Қани, дуо қилинг (*Қўл очиш*.)

М а с т у р а. Бер кетмас давлат, кулиб гул тугайлик, беш кунлик вафосиз дунёдан ўйнаб-кулиб ўтайлик, облоҳу акбар.

Фотиҳа. Ҳамма туриб, бирин-бирин маҳрами билан чиқарлар. Бир оздан сўнг шошилишч Гу л ж о н билан М а с т у р а кирарлар.

Г у л ж о н. Нима қиламан? Шу бугундан бошқа илож йўқ, деди.

М а с т у р а. Поччангизга бордингизми? Хабар қилдингизми?

Г у л ж о н. Аввал уйга бордим, борсам, Норбойвачча билан икковлари ўлтирган экан. Афтидан, пул олиб келганга ўхшайди. Сен тезроқ бориб ойингга хабар қилгин, мен ҳозир бораман, дедилар. Тўпри бунда келдим. Ҳайрият, боққа кетиб қолмаган экансизлар. Бўлмаса ўлардим ҳаллослаб. (*Юзидан терларини артар.*) Вой, жоним қолмади. (*Ўтирар.*)

М а с т у р а. Нима бало бўлиб бугун чиқадиган бўлиб қолипти?

Г у л ж о н. Суқмозорга боришмайдиган бўлишганга ўхшайди. Уй кўрарга боришаркан. У ердан кеч қайтмайдими! Вақтни ғанимат топади-да!

М а с т у р а. Ҳай, тўйням якин шекиллик.

Г у л ж о н. Қиздан қўрқишиб ҳар нима тез бўлганига тушишди-да, улар. Қизам ҳар нима вақтни ғанимат кўриб қолди.

М а с т у р а. Бизгаям ғанимат-да!

Г у л ж о н. Бўлмасам-чи!

М а с т у р а. Жувонсўхта, кўчаларни таниб қолмаса денг.

Г у л ж о н. Жин топмас кўчаларам борки, дев кирса адашар. Паранжини олмайсизми? Поччам, мен боргунча тўхтаб турсин, деди.

М а с т у р а (*паранжини олиб*). Ҳушим ҳам қолмапти, тавба. (*Ўтириб.*) Лекин, жон хола, эҳтиёт бўласизлар-да.

Г у л ж о н. Тожихонга сиз ҳам яхшигина тайинлаб қўйинг-да!

М а с т у р а. Албатта. У турган гап. Айтмоқчи, биз поччангиз билан кўп маслаҳатни пухталаб қўйганмиз. Аммо, сизларам эл оёғи тингунча хўп пайров келиб, алдайсизлар. У тарафни ўзлари бажара беради. Гапдан хабарингиз борми?

Гулжон. Ёўқ.

Мастура. Мақдосимбойни саранжом қилишбди.

Гулжон. А... ким айтди?

Мастура. Тиллахон билан Соибжон кўмишиб келди.

Гулжон. Рокняхошнинг шарофатидан кундошлариям ойдинга чиқиб қолибди-да.

Мастура. Кундошларининг ҳам хабари бор. Ҳаммаси бамаслаҳат дори берган-да. Мана, кўрдингизми, бизнинг ўйин-кулгиларнинг гирдигашти кимларнинг бошига ўйин солмайди. Ундан сиз ҳеч ваҳм қилманг. Соғсаломат оёқни (*кўрсатиб*) шу остонадан ўтказлингиз, бўлди.

Мирзакарим кирар.

Мирзакарим. Менинг ҳушимнинг учганини қара. Сени бу ерда турсин деб, ўзим уйда сени пойлаб ўлтирмақчиман. Сора айтмаса, қараб ўтираман.

Мастура. Ҳа айланай, оҳори сипмаган қоғозлар ҳаммаиям ҳушини учиради. Қанча олиб келибди?

Мирзакарим. Ҳозир беҳабар 175 сўм олиб келган экан. Гапни эшитиш билан тили томоғига кўндаланг тушиб кетди. Сен ундан хотиржам бўлавер. Гап шу қизнинг бизнинг қўлимизга тушиб қолиши-да. Пул ҳали сомон пайса бўлиб қолади. Бу ҳали бисмиллоси-да. Нимага бундай шошилишч бўлиб қолди? Менинг хатим нима бўлди?

Гулжон. Мен, аввал Рустамбекка хатни элиб бериб, унинг ҳам хатини олиб, ундан кейин сизнинг хатингизни олиб, тайинлаган тутнинг каллагига қўяман деб бордим, бир оз кўнглим шувиллади-ю, аввал эшигидан ўтай-чи, деб бундай ўтсам, дарвозаси очиқ. Секин қўйнимдан нон халтани олдим-у, елкамга солиб, тиланиб кирдим. Қирсам, онаси янги нон ёпиб, уйга кириб кетиб турган экан. Қизга, нон бер, ошхонадаги қолган ошни ҳам чиқариб бер, — деди. У мени дарров таниди-ю, аввал нонни олиб келганда хатни бердим. Ошни ошхонадан олиб чиқиб халтамга солиб бера туриб. «Эртага бувимлар уй кўрарга кетади. Намозшомда боқчанинг орқасида ҳозир бўлинг» деди. Дарвоқе ҳаракатлари шунинг учун экан. Тўпаланг уйлари.

Мирзакарим. Нега кеча дарров келиб хабар қилмайсан?

М а с т у р а. Дарвоқе, мен бугун борибсиз деб ўтирибман.

Г у л ж о н. Ўзим намозшомда уйга қайтдим. Катта ҳазратнинг кичик хотинлари, ҳа... отлариям...

М а с т у р а. Хонпошшо ойимми?

Г у л ж о н. Ҳа, Хонпошшо ойимникидан киши келиб, тез юрасиз, деб ҳоли-жонимга қўймай олиб кетди. Қайтишда хабар бераман, десам оталариникига бориб, ундан, Ғалчасойда бир жойда эканлар, тез Исахонни топиб келасан, деб солдилар тўпалангни. Азонгача қидириб, зўрға топиб берибман. Энди кетай десам, сира қўймадилар. Исахон билан тонг отгунча ўтириш қилдилар. Намоз вақт, у кетди. Кун чиққанда зўрға менга жавоб бердилар. То уйимга келиб ҳаш-паш деганча шу вақт бўлди-да...

М и р з а к а р и м. Хонпошшангнинг тангаси кунгиралик шекиллик.

М а с т у р а. Пўқ, ундаймас-у, ҳар бир хушторнинг ўз-ўзига алоҳида элчиси бор-да.

Г у л ж о н. Нима қилай энди. Улар авлод бўлса, бугун бўлмаса, рўзи қиёмат умидида шундоғ улуғ даргоҳлардаям хизмат қилиб қўйиш керак-да!

М и р з а к а р и м. Ҳа, хизматни қилавер, сақардек шафоатларни оласан.

М а с т у р а. Қўйинглар, ҳозир ҳазилни! Нима қиламиз?

Г у л ж о н. Энди, аввал менга бир маслаҳат беринглар. Орада юрганимни билиб юрибдилар. Қиз йўқолса мен бало-малога қолиб юрсам-а? Қариган чоғимда беимон кетсамам, иягимни ўзим бемалолгина қоқиб кетайда! *(Кулиш.)*

М и р з а к а р и м. Эй, сен хотиржам бўл. Сен ўладиган вақтда бир ола қоп билан лиқ-лиқ имон олиб бераман! *(Кулиш.)* Шундан қўрқиб ўлтирибсанми? Мен ҳозир домланинг олдига бориб, қиз тилидан отасига бир хат ёздираман, яъни «Мени ўз хоҳлаганимга бермаганларинг учун мен ҳам аччиққа-аччиқ қилиб Мовур фоҳишахонасига бир йигит билан қочдим. Мендан сиз ҳам, суюшган Рустамбек ҳам умидини узсин. Биз бу дунёдамас, балки охиратда кўришармиз. Таънага тақдир, деб ўлтиринглар. Удурки, овора бўлиб ахтарманг. Овора бўлурсизлар». Ана холос, мана бу хатни кечқурун олиб келаётгандаёқ ташлаб келавера-



сан. Ҳеч қўрқма. Майда гапни қўявер. (*Мастурага.*)  
Сен Тожни билан боққа боравер. Гулжон, сен шу ерда озгина тур! Мен хатни ёздириб келиб бериб, ундан кейин, Норбойваччага ваъда бердим, шунга борай.

М а с т у р а (*чиқиш олдида*). Жон хола, эҳтиёт бўлинг! Мумкин қадар маст қилинглар.

М и р з а к а р и м (*Гулжонга*). Вино олиб келса, Эсонқул ўрик қайнатиб энди...

Г у л ж о н. Энди, унисиши ўргатмай қўя қолинг!

М и р з а к а р и м (*уч сўм бериб*). Мана буни олиб тур... (*Чиқадилар.*)

Г у л ж о н (*уч сўмга қараб*). Бу ноинсофларни қара, тамом югурдаклик, ойлаб, йиллаб озғуриш, тамомиси менинг ишиму, пулга келганда тўпалагамга етмайдигани қилиб бердилар. Доимо ҳузур-ҳаловати шуларга-ю, икки қўл бир тепада мен қоламан. Вақт ҳам кетмасин. Хатни кутиб турай. (*Чиқар*).

Т о ж и (*шошилинч кириб*). Қуриб кеткурни қаерга қўювдим-а! (*Уйлаб, ахтариб топиб.*) Ҳа, шошилсанг лаббай топилмас, дегандек. (*Очиб, мағиздек олиб.*) Қашқар иашаси деб эди, шунисиям бўлар. Бу жонивор ёққа тушгандан кейин «бор-барака топ» дейдиган қилиб қўяди. Бас шу. Ҳай, ўрикниям сувини ташлаб, нуқул винонинг ўзини қилиб қўйдим. Иккови бир бўлгандан кейин ҳаширини пашир қилар... Ҳозир келишиб қолар. Тезроқ ошни қилай. (*Чиқар.*)

Г у л ж о н (*эшикдан кира туриб*). Келавуринг, Тўлаxon қизим, бу ерда ҳеч ким йўқ!

Т ў л а х о н (*кириш олдида қараб*). Қани Рустамбек?

Г у л ж о н. Кираверинг, Рустамбек ўзи тайин қилган жой шу-да! Нимага гумонсирайсиз-а, ишонмайсизми? Ё пирим!

Т ў л а х о н (*кириб, паранжи билан чиммат очиқ. Эшик тубига омонат ўтириб, бир қўли билан пешонасини, бир қўлида кўксини ушлаб, ҳар ёнга ётсираб қараб*). Хола, биз қаерга келиб қолдик? Ҳеч ким орқамиздан пойламадими? Вой худой-ей, юрагим ҳали босилмайди!

Г у л ж о н. Фариштаям сезгани йўқ, болам. Биз шаҳарнинг бир четига келиб ўтирибмиз. (*Олиб.*) Паранжини олинг, жудаям иссиқладингиз.

Т ў л а х о н (*бериб*). Яқинроқ жой йўқ эканми?

Г у л ж о н (*олиб қўйиб*). Ўзингизнинг гапингиз билан Рустамбекнинг топган жойи-да.

Тўлаxon. Эшиқдаги ойим кимлар?

Гулжон. Рустамбекнинг бир қалин ўртоғининг хотини-да. Ушанинг учун шу ерга, узоқ бўлса ҳам, жой ҳозирлаган. Бу томонга баҳузур ўтириб дам олинг.

Тўлаxon. Йўқ, хола, тегманг! Жиндек дамимни ростлаб олай, уҳ... ҳалиям оёғимнинг қалтироғи босилгани йўқ. Рустамбек шу чоққача нимага келмаган?

Гулжон. Мен чиқиб сўрай. Мен боя пешинда кетганимча-да, ўргулсин.

Тўлаxon. Бир коса совуқ сув олиб келинг.

Гулжон чиқар.

*(Тўлаxon туриб, гандираклаб, тўрага ўтиб ўтириб, ўзининг кўйлак олдини тутиб шамоллатиб.)* Паранжи қурсин-да, шунинг ўрнига бошқа бир нарса бўлмас эканми?! Бутун бошдан-оёғи кулфат. Қайси ёғдан қайга келганимни бир-да билмадим. Оёғим юрди, кўзим ҳеч нарсани кўрмади. Йўлда учраганини кўриш у ёғда турсин, кипригимнинг ҳар бири жаллод акам бўлиб кўринди. Рустамбекнинг ҳавасида ботирларча қадам олганимни ирашира сездим. Кошки шу меҳнатларимга яраша эшиқдан кирган замоним қучоғига отилсам эдим. Ҳориганларим, йиғлаганларим ҳаммаси эсимдан чиқарди. *(Ўйлаб, хаёл билан чўчиб.)* Вой худо-эй, мен нима қилдим? Нимага Рустамбек йўқ? *(Ўтиришини ўзгартиб.)* Бу кун бир бало бўлиб келмай қолса, нима қиламан? Уша жаллод ака, раҳмсиз ота-оналарнинг ёнига бораманми? Ўлганим яхши!

Тожи кирар.

Тожи Сув сўраган экансиз, аянг айлансин. Бизнинг сувларимиз жаям бузуқ бир турли. Чой ҳам йўқ экан. Холамини қўшниларга юбордим. Озгина ўрик қайнатувдим, муздек турибди. Шунинг сувидан озгина ичасизми? Чой келгунча чанқовингизни дарров босади.

Тўлаxon *(уялиброқ)*. Майли...

Тожи *(токчадан олиб бериб)*. Мен ҳам сизга ўхшаган кунларни ўтказганман. Бў ҳаммада бор савдо. Очилиб, гулдек ёзилиб ўлтиринг, бўйидан аяси! Ҳозир Рустамбек келади. Эл оёғини тийиб келмаса, бўлмайди-да. У ҳам бор-йўғи сизни аяйди, бўлмаса юраги ёниб тургандир.

Тўлаxon (олиб бир-икки шимириб). Худога шукур, келиб қолса гўрга-я.

Тожи (косани олиб). Худо урдими, хотиржам бўлинг. Ҳозир келиб қолади. (Чиқар. Эшикдан қиё боқиб турар.)

Тўлаxon. Қандай яхши хотинлар-а! (Бошини ушлаб, бир оздан кейин.) Вой, куйган юракка совуқ сув ичма, деганлариям тўғри экан. Бошим бадтар айланди. (Деворга суялур.)

Тожи тезда кетар. Гулжон обдаста, чилапчин олиб кирар.

Гулжон. Келинг қизим, қўлингизни ювинг. Жиндек наҳори қилайлик, шояд ҳордиқларингиз чиқса.

Тўлаxon. Хола, бошим аллақандай бўлиб кетяпти. Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди, қўйинг.

Гулжон. Холанг ўргулсин, бир луқма томоқ емагандан кейин бундан ҳам ёмонроқ бўласиз. Рустамбекдан балога қолмай, тағин. Келинг!..

Тўлаxon (қўлини чайқаб). Рустамбек келганда есак бўлмайдими?

Гулжон. Еб турганимизнинг устига келса тағин хурсанд бўлади. (Чилапчинни қўйиб, дастурхонни солур.)

Тожи ошни олиб кирар. Бир қўлида чой.

(Гулжон пиёлани олиб гўштни тўғраб туриб.) Шу вақтгача сабр қилиб юрганини айтинг-а!

Тожи. Энди у ҳам нима қилсин? Юраги куйиб ўлиб тургандир. Бир ёқдан эл оёғини пойласа, иккинчи ёқдан қуриб кетгур бизнинг кўчаларнинг хунуклиги, бу маҳаллаларда одам йўқлиги, бирор ўткинчини пойлаб тургандир-да. (Тўлахонда ўзгариш.)

Тўлаxon. Вой худо-ей, жуда ҳам чет жойга келиб қолибмиз-да! Атрофларингда одам йўқми?

Тожи. Биз, мана бу ёғимизда бир кар, худо урган қўшнимиз бор, холос.

Гулжон. Қани олинглар!..

Тожи. Олинг, иссиқ бир-икки луқма енг. Шояд ҳордиқингиз кўтарилса.

Тўлаxon бир-икки луқма олгандан сўнг боши қаттиқ айланур.

Тўлаxon (қўлини артиб). Вой, айтмадимми, еялмайман деб. Яна бадтар бўлдим.

Эшикдан Мирзакарим, Эсонқул Норбойвачча қўлли-  
рида тўппонча яланғочланган, ияклари боғланган, шошилинич  
кирадилар, ўтирганлар ғоят қўрқурлар.

Нор. Товуш қилма, ҳамманг отиласан! Боғланг, бу  
икковини! (*Боғламоққа тутинурлар.*)

Тожи. Вой худоей, уларга тегманглар, меҳмонлар  
эди. Мана менинг нима бўлса, олинглар. Ўлдириглар,  
розиман!

Тўлаxon (*ғоят ҳушсизлик билан*). Дадажон! (*Гул-  
жонга ёпишиб.*) Бахтим қурсин, хола!

Гулжон. Қўрқма, қизим! Нима қиласизлар, бу  
ҳаммамизгаям меҳмон. Нима бўлсак, биз бўлайлик.

Нор (*қизни туртиб юбориб*). Тек тур дейман, ўласан!  
(*Бошқаларга.*) Биз мол ўғрисимас, биз мана шу меҳмон  
ўғрисимиз.

Гулжон ва Тожи. Вой шўримиз қурсин!

Тўлаxon (*яна отилиб*). Жон хола, мени қутқазиб  
олинглар!

Нор (*Тўлахонни қўлидан тутиб*). Сенга паноҳ бўла-  
диган мендан бошқа бир одам йўқ. Қичқирма жонинг  
керак бўлса! (*Гулжон ва Тожига.*) Ҳа... Бизни кеча-кун-  
дуз жигаргоҳимиз эзилиб, ҳамма хонумондан барбод  
бўлиб юрамиз-у, бир кўришга етиша олмаган орзу-ар-  
монимизни бешта сўм олиб, сен жодугар Рустамбекдек  
бир ифлосга тўғри қиласан! Пулни мендан сўрамайсан-  
ми! Кавушингнинг нағалини олмосдан қилиб бермай-  
манми? Олиб чиқинг, бу икковини! Қонидан чалпак қи-  
либ ейин! Ҳордиғим чиқсин.

Ялинишларига қарамасдан олиб чиқарлар.

Тўлаxon (*интилиб*). Холажон, мени ташлаб кета-  
сизми?

Нор (*Тўлахонни маҳкам тутиб*). Қичқирманг, дей-  
ман. Ўлтиринг бу ерда, тасаддиқ!.. Қулнинг ўргулсин.  
(*Тўппончани ёнига қўйиб, дастурхонни оши билан ўраб  
четга отиб, ўзи иягидан рўмолини ечиб, устки ёмон  
тўнани ҳам ташлаб, мўйлабларини силаб-сийпаб.*)  
Аканг қоматингдан айлансин. Мени сиз мол ўғриси  
деб ўйламанг! (*Тўлахонда ярим хавф, ярим ҳушёрлик.*)  
Мен жамол ўғриси. Сизни бир қўлга тушириш учун йил-  
лаб, ойлаб ер қучиб, қон йиғлаган қулман.

Тўлаxon (уялиш. Ярим қўрқишдан бутунга айланиш). Нимага бўлмаса ўлдираман дейсиз? (Йиғлар.)

Нор. Жоним тасаддуқ, товуш қилманг дейман, фойдаси йўқ...

Тўлаxon (қаттиқ қўрқишда). Оҳ, мен нима қилдим!..

Нор (Тўлахоннинг тортинишига қўймай). Сиз энди у оҳ урган кишингизни кўролмайсиз. (Тўлахон чўчир.) Фақат мен билан бўласиз.

Тўлаxon. Тузук, бўлмасам, ахир, сиз отамга киши юборинг бўлмасам!

Нор. Лаббай! Кўп йиллар алдандим, энди алданмасман. Сиз бугун уйингизга қайтиб кирмайдиган бўлиб чиқмадингизми?

Тўлаxon. Қайдан биласиз?

Нор. Сиз мендан беҳабарсиз. Мен сизнинг юрагингизда бўлган ҳар нарсадан хабарим бор.

Тўлаxon. Мен Рустамбекни деб чиқдим.

Нор. Мен сизни деб кўйдим, кул бўлдим. «Югурганникимас, буюрганники» дейдилар. Менинг ишқим Рустамбекнинг ишқидан илгари экан.

Тўлаxon (Норбойваччага қараб). Бўлмаса, бугун бизга жавоб беринг. Эрта бир гап бўлар.

Нор. Бир нафасга тоқатим йўқ. (Тўлахонни ўпар. Тўлахон тортинур.)

Тўлаxon. Вой-ей, бу қандай гап! (Йиғлаб.) Мен қандай балога қолдим!

Т ў с и қ

### **ТҶҮРТИНЧИ ТҶСИҚДА ҚАТНАШУВЧИЛАР**

- ;**Холисхон** — иккинчи тўсиқда кўринган Тўлахондир.
- Ойхола** — 65 ёшда, ғоят хунук, озғин бир кампир бўлиб, Едгорнинг ҳужра оқсочидир.
- Тожибой** — 28 ёшда, гавдали, ўрта бўй, қизил юз, хушсоқоллик бир йигит бўлиб, Рустамбек томонидан келган хабарчи.
- Едгор** — 35 ёшда, узун бўй, қотма, чуқур кўз, олчоқ сўз, қира бурунли, қаттиққўл, қорача бет, чўққи соқол бир йигит бўлиб, фоҳишафурушлик билан кун кўрувчи, Тўлахонни Мирзакарим қорадан сотиб олган кишидир.
- Турсун** — 21 ёшда, ўрта бўй, чапанбашара бир йигит бўлиб, Едгорнинг самоварчи ҳам ошпаз исмида юрган бесоқолидир.
- Мамат** — 53 ёшда, паст бўй, қора юз, оқ соқол.

## ТУРТИНЧИ ТУСИҚ

Саҳна кўриниши: исловотхона ҳужраси бўлиб, тоза анжом ва асбоблар билан безалган бўлади. Унг томондан қазноққа эшик, қаршидан боғчага дераза кўринур. Қазноқнинг ўнг томони саҳн эшиги, қаршидан боғча томонга дарча кўринур. Холисхон (Тўлаxon) ёлғизгина ойна олиб ўзига пардоз қилиб ўтирган чоқда парда очилур.

Х о л и с х о н (*хўрсинишлик. оҳ билан*). Оҳ, бувижон, сизлар билан ўйнаб-кулиб ўтирган чоғларимни шундай соғиндимки, ўйлайманки, куя-куя жигарларим куюнди бўлгандир. (*Йиғлаб.*) Кошки гуноҳларимни кечиришларингизни ишонган бир кишим айтса эди. Супуриндиларинг бўлиб туришга ҳам рози бўлур эдим. (*Йиғлаб.*) Бу ифлос ғурбатхонага рози бўлмай нима қилайки, худойимнинг раҳмати ота-она, қовму қариндош, элу юрт, севгим тушган, бўйим тушмаган Рустамбегимдан, ҳамманинг даргоҳидан ранда бўлдим. Балки ўла-ўлгунчаликка ҳам, сизлар тугул юртимнинг қора бир қисм тупроғини ҳам насиб қилмас. Қилдим, қилдим, ҳаммасини нодонлигимдан ўзим қилдим. Лекин сизлар ҳам сабаб бўлмай қолмадиларинг. (*Йиғлар.*) Оҳ, дарвозам остонасини бир кўрсам армоним йўқ эди. (*Бир оз йиғидан кейин ўзини юпатиб.*) Хайр, нима бўлдим, кўрдим... Рустамбекдан бир хабар келсин-чи, унга қараб бир чора кўрарман, ахир.

О й х о л а кирар.

О й х о л а. Бир тошкентлик ошнангиз келди.  
Х о л и с х о н. Қим экан?

Ойхоло а. Билмадим. Қийимлари тузуккина, қишлоқ бойваччасига ўхшайди. «Уйқудан турганмикинлар, бир қаранг-чи тошкентлик ошнангиз экан, десангиз биледи». деди.

Холисахон. Мен ўзим бир қарай-чи. (*Чиқиб келиб.*) Йўқ, бу одамни мен ҳеч кўрганим йўқ. Қайди ошнаман деди? (*Ойхола қазноқда.*) Майли кираверсин, бунда бир гап бор. Эҳтимол, Қўқондан, жоним Рустам-Бакнинг олдидан келгандир. Менинг хатим теккандир-да.

Тожибой кирар.

Тожибой. Ассалому алайкўм.

Холисахон. Ваалайкўм ассалом. (*Кўришгандан сўнг жой кўрсатар, Ойхола қазноқда мўралар.*) Қани ўтирсинлар, яхши йигит!

Тожибой. Саломат бормисиз?

Холисахон. Худога шукур, ўзингиздан сўрасақ?

Тожибой. Биз ҳам энди бундан баққа саломат бўладиганга ўхшаймиз.

Холисахон. Мен чой чақирай. Ундан кейин хотир-жам гаплашайлик. (*Турар, қазноқ эшигидан Ойхола секин чиқар.*) Турсун, ҳо Турсун! Худди ўзим айтган Қўқондан келган. Қаердаям кўрганим бор. Мени бундаги аҳволимни эшитиб Тошкент кийимлари кийиб келган-да. Рустамбекнинг олдидан бирор хушхабар олиб келганга ўхшайди.

Тожибой. Эсизгина қиз-а! Шундай нобоп жойларга насиба тушган. Тағинам, дейман, Рустамбек ўлмай юраркан-да! Худо дегинки, эсон-омон бу малъунларнинг бирор фалокатига учрамай муддаони гаплашиб, муддаога чуқур қазиб қолайлик.

Турсун (*кўринар*). Чойми?

Холисахон. Аччиқ чой, янги чилим, дарров бир сиқим ош қиласан, тузукми? Ойхолани чақириб қўй!

Турсун. Хўп. (*Кетар.*)

Холисахон (*кириб, ўтириб, патнус кўйиб*). Ўзим ҳам янги уйқудан туриб, чой ичганим йўқ эди. Яхши келдингиз. Ёлғиз чой ичишдек хунук нарса йўқ. (*Ўтириб нон синдирар.*)

Тожибой. Сизнинг кўнглингиздек одамнинг топилиши қийин-да. Бўлмаса-ку, бирга чой ичиш учун ўлиб юрганлар озми?

Холисахон (*кулиб, таклиф қилиб*). Қани олинг,



ҳа, айтганингиз ҳам тўғри. Лекин агарчи мен банди, сотилган чўри қатори одам бўлсам ҳам хоҳлаган, хоҳламагани барибир ёнимга келтирмасликка кучим етади. Отим ҳалигидақа... бўлса ҳам ўзим бир рўпочдан ортиқман.

Ой х о л а кирар, Т у р с у н чилим олиб кирар, чектирар.

Энди чой олиб келсанг бўлади. Холам ўзимизнинг чилимни тозалаб қўйсин.

Т о ж и б о й. Менинг учун бўлса, менинг чилим чекишим биринчи.

Х о л и с х о н. Бўлмаса қўя қол, папирос чекарман.

Т у р с у н чиқади.

Т о ж и б о й. Тўхтанг, ука. *(Пул бермоқчи бўлар.)*

Х о л и с х о н. Қўйинг, хафа бўламан. Бу ўзимнинг укам, айб бўлади. *(Турсунга.)* Тез бўл! *(Чойни қуйиб.)* Хола, бохабар бўлинг. Энди жиндак кўнгил очилиб, чой ичай. Пайтава саллалардан ўлиб бўлдим. *(Кулиш.)* Ухлаб ётибди денг! Меҳмон билан бир оз гаплашай.

Ой х о л а. Хўп, болам. *(Шубҳали қараб).* Бўлмаса, эшикни ёпиб қўяйми?

Х о л и с х о н. Яхши бўлади. Чойниям ўзингиз олиб келинг. Ҳай, тезроқ бўлсин!

Ой х о л а. Хўп. *(Чиқар.)*

Шу минутда Холисхон туриб ўрта эшикни ҳам беркитар, лекин дераза мутлақо эсидаъ чиқиб қолар. Ойхоланинг ярим юзи деразадан кўриниб турар.

Х о л и с х о н. Қани энди. Букундек хилват ҳам бўлган эмас. Ҳар доим қўриқчи билан атрофим тўла эди. Қани, сўрашганининг айби йўқ, кўзимга ўтдек кўринасиз, қайси гулшаннинг гулисиз?

Т о ж и б о й. Айтганингиз ҳам тўғри. Аммо, ўзим ҳам бугунги фурсатни ўн беш кундан бери пойлаб-пойлаб энди тўғри келтирдим.

Х о л и с х о н. Ростми?

Т о ж и б о й. Худо ҳақи.

Х о л и с х о н. Айб бизда эмас. Фалакнинг тардиши экан. Кечирасиз-да. Қайдан келдингиз?

Т о ж и б о й. Албатта, Қўқсидан келдим.

Х о л и с х о н *(кўз ёшлаб).* Айтмадимми! Бир кўрган кишим эсимда туради.

Т о ж и б о й. Мен ўзингизни таниб турсам ҳам, исмингиздан шубҳада қолдим, чунки ёш чоғимда биъ кўр-

ган қизимни сизга ўхшатаман, лекин ҳали таниб битганим йўқ. Сиз ким бўласиз?

Х о л и с х о н. Бу ерда юрганларнинг ҳеч бирига ишониб бўлмайди. Гумондор бўлишмасин. Мен кимлигимни (*дугорни олиб*) шу ғурбат дардкашим бўлган бир сиқим ёғочнинг тили билан сўзлагайман. Шояд менинг эввал кўриб юрган дарди-ҳасратларим билан ҳам танишарсиз, ҳам улар гумондан чиқсин. Бўлмаса бир ҳодисалар рўй бериб қолади. (*Дугорни созлар.*)

Т о ж и б о й. Кошки. Албатта, бу ердаги азиятларни тагин сиз кўпроқ биласиз.

Х о л и с х о н (*ўрта товуш билан ашула айтар*).

Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғларман. -  
Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман.

Ҳақиқат: ишқ ўти ортиқ экан дўзах ўтиданким,  
Куйиб бағрим, кулим кўкларга соврилганга йиғлайман.

Вафосиз ёр деб тушдим бу дарди бедаволарга,  
Ўлимнинг ваҳминин ҳардам юрак тўлганга йиғлайман.

Кима изҳор этай дарду ғамим, бир ғамгузорим йўқ.  
Умр суйганима етмай ҳазон бўлганга йиғлайман.

(*Сачраб дугорни қўйиб.*) Вой ўлай.

Т о ж и б о й. Ҳа, нима бўлди?

Х о л и с х о н. Мен янги ўзим Ойхолага келган кишига ухляпти дегин, дедим-ку, тагин ашула қилиб ўтирганним қизиқ. Сизни кўриб хурсандлигимдан нима қилганимни билмайман. Мана шу кулфатлар бизнинг сотқин, отимизни Холисахон қилиб қўйган.

Т о ж и б о й (*кулимсираб*). Мен ҳам сизни шу қадар очилиб, гулдай сочилиб ўлтирганингизга қизиқиб айтадиган гапимни эсимдан чиқарибман.

Х о л и с х о н. Бундан анча йил илгари бувим гапирса юзига қараб туролмас эди. Муҳаббат билан ғурбат бир тутса ўлимдан бошқа ҳар куйга киши тушмай иложи йўқ экан. Ўзингизники ўлдиришни ҳам иложи бўлмагандан кейин, нима билан юпатиш одамга одат бўлиб, худ-бехуд нима қилганингни билмай қолар экансан. Менинг ҳозирги аҳволимни кўрган киши ҳар нарса деса рост. Лекин у тарафини бир яратган билан ўзим биламан.

Т о ж и б о й. Тағинам бундай кўргуликларни хотинлар кўтаради. Эркак киши бундай ғамларнинг бир кунлигига ҳам бардош қилолмайди.

**Холисхон.** Келинг, энди ўзимга келдим. Хўш, Қўқондан қачон келдингиз? Менинг оҳу ноламдан нималар топдингиз? Мени қайда кўрган эдингиз? Мана шуларга жавоб беринг. Ўз ғурбатимиздан сўзлашайлик. Токим ҳарна дам ғанимат. *(Чой берар.)*

**Тожибой.** Хўш, энди бўлмасам, узун сўзларнинг қисқасини гаплашайлик. Мен бугун ўн икки кундан баққа шу Самарқандда ғурбат чекаман, вақт пойлайман. Икки марта келиб анави қўшнингизникида чой ичиб, сиздан сўрашдим, кўзим тушиб, мана шу *(кўрсатиб)* лабингиздаги холингиздан танидим. Сиз ўша Юсуфжоннинг синглиси, Рустамбекни мажнун қилган Тўлахснсиз.

**Холисхон** *(Рустамбекни эшитиш билан бошини хонтахтага қўяр)*. Оҳ, Рустамбек! *(Йиғлар.)*

**Тожибой** *(бошини кўтариб)*. Ҳозир йиғининг вақтимас. Кулки вақти, чунки бу кун-эрта насиб бўлса, икковингиз ҳам кўришарсиз. Бошингизни кўтаринг. Тезроқ чорамизни ҳозирлайлик.

**Холисхон** *(кўз ёшларини артиб)*. Менинг хатим тегибтими?

**Тожибой.** Хатингиз тегмаса биз сизни қандай билардик?

**Холисхон.** Ҳай, ҳали ҳеч ким билмайдими?

**Тожибой.** Ҳеч ким билмайди. «Тўлаҳон йўқ бўлиб қопти, йўқ бўлиб қопти»дан бошқа доврўқ йўқ. Акангиз бир-икки марта бир ой, ярим ой йўқ бўлиб, мазмунан, ахтарди шекилли, тополмай келди. Дарё-парёга ташла-гандир, фалондир билан гапам тамом бўлди.

**Холисхон.** Уй ичларимиз қалай, бариси тирикми?

**Тожибой.** Ҳаммаси тирик, лекин отангизнинг, сизга куёв бўлмишнинг отаси синиб, унинг касофатига сизларнинг уйларингиз печать бўлиб, кўп қийинликлар тортишди. *(Тўлада кўз ёши.)* Ҳозир бир оз тузук.

**Холисхон.** Рустамбек нима бўлди экан? Унга акам кулфат бермадими?

**Тожибой.** Ўлдиришига озгина қолувди. Уша сиз йўқ бўлган кундаёқ бориб ўлдирмоқчи бўлган экан. Бироқ Рустамбекниям ўша куни сиз юборган хатингиз қўлида экан. Кўрсатиши билан жим қолган.

**Холисхон.** Нима хат экан?

**Тожибой.** Хатни-ку менга ўқиб бергани йўқ, шундай мазмунини айтди: Сиз, «Мен ҳам Сизни ва ҳам ота-

онамнинг бевафолигидан ўтган жабр-ситама­ларга чи­дол­май тошкентлик бир йигит билан Мовур деган ша­ҳар­нинг фоҳишахона­си­га кетдим. Мени энди бу дунёда на ота-онам ва на Сиз кўролмай­сиз. Охи­рат­да кўришар­миз. Мен Сизга жоним билан қочиб ҳам борар эдим. Акам икковингни ҳам ўлдираман деб қасам ичгани учун бошқа билан қочишни ихтиёр қилдим. Мендан умид узиб, насибангиз қўшган билан умр қилиб, мени ахтариш билан овора бўлманг!»— деб ёзган экансиз.

Х о л и с х о н (ёқа тугиб). Вой, вой... Ё пирим! Оббо, дажжоллар-эй. Шундай йўллар билан булар фоҳиша кўпайтирар экан-да!.. Ундан кейин?

Т о ж и б о й. Ундан кейин, хатни кўриб ҳайрон бўлган Рустамбек айтган: «Мен ҳозир сени ота-онанг билан қўшиб ўлдиришим керак эди, чунки мен ҳозир ўлик ҳисобида қолдим. Мен синглингни олиб қочсам, ўзим бунда нима қиламан. Дуруст, сен бир кун-ярим кун қара, агар бир хабари чиқса чиқар. Улиш-ўлдириш, жавобгар бўлиш турибди-ку!» дегандан кейин акангиз қайтиб кетган. Рустамбек сизнинг тўғрингизда ҳар сўз бўлса менга сўзларди, лекин бу кунгача жим юриб, охири сиздан борган хатни кўрсатиб, ундан сўнг шу гапларни сўзлади. Ҳа, ундан кейин акангиз уйга борса, богдан сизни ахтаришиб юриб, бир хат топишиб олган экан. У хат ҳам худди, шу хатга ўхшаш экан. Шунчалик унда ёзилганки, Рустамбекка ҳеч даъволари бўлмасин, мен у билан ҳеч кўришмасдан, бошқа киши билан кетдим, дейилган.

Х о л и с х о н. Ё обло! Тавба!! Буни­си ҳаммадан қизиқ. Оббо, жодугар кампир-эй. Ишқилиб, соғ-саломат борай-да.

Т о ж и б о й. Мана бу хатни олишгандан кейин ноилж, номус куч, фоҳиша бўлганин­гизни билдиришдан ўлимни ор­тиқроқ кўриб, секин кечаси отангиз билан акангиз Рустамбек­ни­ка­га келишиб, оёғига йиқилиб зор тавбалар қилишганки, бу гапни шуҳрат топдирмайлик. Ҳарне бўлди — худонинг иродаси. Ул­дига ёки йўқ бўл­дига чиқариб қўя қолайлик, дейишган. Шунинг билан аҳд қилишиб қўя қолишган. Рустамбек билан мен то Бокугача ахтариб келдик. Бу тарафи Тошкентдан тсртиб ҳеч жой қолмади. Энди хотиржам умид узиб, Рустамбек бўлса жинни бўлишга ёки ўзини ўлдиришга ҳафта — ярим қолди деганда лоп этиб хатингиз борди-қолди. Мана, биздан сўрасангиз, галнинг жуда ҳам калтаси шу.

Х о л и с х о н. Акам, отамларга Рустамбек хатни кўрсатдимми?

Т о ж и б о й. Йўқ ўзингиз ҳам ёзган экансиз. У ҳам кўрсатишни маъқул кўргани йўқ. Қачон сиз саломат борасиз, ундан кейин бир гап бўлар.

Х о л и с х о н. Аҳа, шунча шайтонликлар орада бўлган эканки, мен бундай сарсон бўлган эканман! Ҳай бўлди, бўлди. Эндигисини нима қиламиз?

Т о ж и б о й. Нима қилардик. Бир кунни ваъда қиласиз, ана шу кун бир эпчиллик билан ўзингизни менга етказсангиз бўлди. Аммо, бу хавф, бундай ёмон одамлар орасидан олиб чиқиш жудаям қийин. Яна бири шуки, ҳукуматга арз-дод қилсак сизнинг қайда эканлигингиз бутун оламга машҳур бўлади. Мана шунчалиги бор.

Х о л и с х о н. Гўрдами, мен ҳам ўша ерини ўйлаб тақдирга тан бериб келмоқдаман! Тўғри гапингиз. Бўлмаса мен (*ўйлаб*) шанба кун булар ҳаммаси Шоҳизиндага чиқмоқчи. Мен ўзимни касалга солиб қоламан. Албатта, ўшандай бўлса ҳам одам пойлатмай кетмайди. Кечқурун бирда-яomini унга-бунга юбориб, намозшомда (*кўрсатиб*) мана шу ҳаётчанинг орқасида тор кўча бор, бундан қаёққа боришни ўзим билмайман. Ҳали ош егани чиққанда кўз солиб қўясиз. Мана шу пахсанинг орқасига келиб турсангиз, шу ерда топишармиз. Шу ердан бирга қочамиз. Лекин мен шу ердан қўрқаманки, орқамиздан из олмаса ёки йўлда икковимизни биров тутмаса...

Т о ж и б о й. Бу ерда гап бор-да: бунинг орқаси, олди ҳаммасини мен ўн беш кундан баққа кўриб билиб чиқдим. Извош, от келтириб бўлмайдиган дала, сўқмоқ кўчалар бу. Бунга менинг ҳисобим шуки, шанба кун бирорта паранжи топиб ёпиниб келаман.

Х о л и с х о н. Илойим паранжи қурсин, мени шундай қора кунларга солди!

Т о ж и б о й. Майли энди. Ишқилиб ҳозир бизга иш берсин.

Х о л и с х о н. Албаттаку-я.

Т о ж и б о й. Чунки иккита хотинни кўрган киши ҳеч вақт гап ташласа ҳам тутиб бир нарса қилолмайди. Шунинг учун то йўлга чиқиб олгунча, ундан кейин бошқа ҳисобини топамиз. Ундан сўнг биз тўғри Самарқанд станциясига ҳам чиқолмаймиз, чунки у ерни пойлайдилар, қўлга тушамиз. Мана шу кўча билан ярим соатда даштга чиқамиз. Ундан кейин шунча машаққатларнинг

устига бир кечалик бир машаққатни ҳам устингизга ола-  
сиз. Нимага десангиз, шу юрганализча олти соат илк  
саҳаргача юрсак икки тошни оламыз. Бундан икки тош-  
га яқин пастда бир станция бор. Мана шу ерда бир қў-  
қонлик новвойимиз бор, шунинг уйига етиб олсак, марра  
бизники. Мен келаётганда тушиб ҳамма гапни гапириб,  
унга тушунтириб келдим. Ушал ердан эртага кечасида-  
ги поездда бошқа паранжи билан сизни бирор одам қў-  
шиб, бошқа вагонда ўлтириб бормасак, булар бизни  
ҳар қандай қилиб қўлга туширади. Нима дедингиз?

Х о л и с х о н. Бу машаққатми! Шу ердан саломат  
қутулсам, Қўқоннинг ўзигача пиёда борарман.

Т о ж и б о й. Бўлди, гап шу бўлмаса. (*Қўйнидан шойи  
рўмолчани олиб.*) Рустамбек хатингизга жавоб ёзиб бер-  
ди. Ишониш учун мана шу, ҳайитда ўзингиз юборган рў-  
молча экан, шуни берди. Аммо бу жой хавфлик учун  
хатни тушган жойимга қолдириб келдимки, мабодо қўл-  
га тушмасин деб. (*Рўмолчани берар.*)

Х о л и с х о н. Ҳа, Рустамбек ҳар ишда эҳтиёткор-у  
(*рўмолчани олиб, ҳар ёнини қараб, таниб*), бир кампир  
дажжолга қолганда алданиб, мени шунча мусибатларга  
қўйди. Мендан сизга ёдгор, буни сиз учидан тутиб ту-  
ринг, қолганига биз қарздор.

Т о ж и б о й (*рўмолчани олиб, қўйнига солиб, қул-  
луқ қилиб*). Сизни шу ердан соғ-саломат олиб борсам,  
катта давлат менга.

Х о л и с х о н. Гап шу, бўлмаса.

Т о ж и б о й. Гап шу. Мен бугундан бошлаб ҳозир-  
ман. Букун мен станцияга чиқиб, тайин қилганига қа-  
раб, биз шанба кун чиқдик, Тўлахонни соғ-саломат олиб  
қочдим, деб хат юбораман, чунки ўзи кўп зорланган  
эди. Лекин ҳеч нарса олмайсиз.

Х о л и с х о н. Хўп, бўлмаса. Бошимга ураманми бу  
нахс-касофатларни?! Ўзимнинг исирға, болдоқ, беш-ўн  
танга пулим бор, шуни оламан, холос. (*Эшик тиқиллар.  
Шошилинич билан.*) Гап шу, шанба кун. Агар, бир фало-  
кат мавруд бўлса, нима қиламиз?

Т о ж и б о й. Ўзим яна хабарлашаман.

Х о л и с х о н. Бўпти. Ким у?

К а м п и р кетар.

Т у р с у н. Мен.

Х о л и с х о н. Қиравер.

Т у р с у н кирар.

**Ҳа, ош бўлдим?**

Турсун. Совиб қолай деди.

Холисхон. Сузавер. Хола қани?

Турсун. Қароматой билан янги кўрдим, мана шу ерда.

Холисхон. Айтгин, бу ерни йиғиштирсин.

Турсун. Хўп. *(Чиқар.)*

Холисхон. Қани бўлмаса чиқайлик. Менинг касофатимга бу фалокатхонанинг ошини ҳам татийсиз-да.

Тожибой. Икковингиз учун жон беришгача ҳозирман.

Холисхон *(чиқа туриб)*. Қуллуқ! *(Чиқарлар.)*

Ойхола *(кириб, шошилинч суратда у-буни саранжомлаб туриб)*. Пок бўлмаса-чи, Ёдгоржоннинг шўри қурувди. Хайрият, унинг бахтига деразанинг очиқлиги эсидан чиқиб қолгани. Ўзинг ҳам қип-қизил жинни, овсар экансан! Бўлмаса бундай хоқоний давлатни қўйиб, қайга борасан! У йигит сенга вафо қиладими, йўқми! Бу ерда ёш умрингнинг даврини сур. Кошки мен дунё бир айланса-ю, сен бўлиб қолсам. *(Чўчиб.)* Эй, мен нима қилиб ивирсираб ўтирибман. Тезроқ олдини олиш керак. Ёдгоржонни топиб, хабар қилай. Тагин бу даргоҳдан ҳам қариганимда ранда бўлиб, кўчаларда итдек ўлигим қолмасин. *(Чиқай деганда Холисхон кирар.)*

Холисхон. Хола, дуторни олиб беринг! Ундан кейин чиқиб Тўхта колани чақириб, Турсун билан ошни енглар. Эшикни беқлаб қўйинг. Мен Роҳатойнинг олдида ўтираман. Юрагим жудаям сиқилиб кетяпти.

Ойхола. Ҳай, меҳмон қани?

Холисхон. Меҳмон озгина олди-да, ишим бор, деб кетди.

Ойхола *(дуторни олиб бериб)*. Тузук.

Холисхон чиқар.

**Ҳа, жувон ўлгур! Қўқон сени бесаранжом қилгандир. Ёдгорнинг эҳтиёт қилганича бор экан. *(Чиқар.)***

Бир оздан сўнг Ёдгор, Мамат кирарлар.

Ошиқинч ярим товуш билан.

Ёдгор. Ана холос, нима қиламиз? Мамат, сенинг айтганинг тўғри келди-ку! Энди ҳар нима десанг киприк қайтарган хотин! Яхши бир маслаҳат бер!

М а м а т. Сен кўп гапириб, оз иш қиласан. Шунинг учун ҳар кимдан маслаҳат сўрайсан-у, ўз аҳмоқлигингча юрасан. Мен сенга бошда айтдим, шу зўр билан бўлган ғалванинг савдосига қизиқма, кафангадо бўласан!.. Ба-рибир, бу қиз алдов, зўрлик билан бу ҳолга тушган. Бу-ни ёшлик чоғидан бузуқ тарбия қилиб келинса эди, унда ўз ихтиёри билан чиқар эди, сенга нон берар эди. Бу бори ўлимдан қўрқиб ҳамма вақт пайт пойлаб туради. Агар бир қўлингдан чиқдими, охират сангаям, сотган-гаям, йўлдан ургангаям бир қадам бўлиб қолади...

Е д г о р. Тўғри ҳамма гапинг. Биз ҳали бўз боламиз. Ҳаммасини у ёққа қўйиб тур, бир томонда ҳали бир ярим йилдан баққа ёғидан бир кап жizzesини ололган-ним йўқ-ку, эрта-индин Мирзакарим қоранинг вексели-нинг сроги битиб (*қўйнидан қоғоз олиб кўрсатиб*), илгари кун мана бу савил хатни юборибдики, биринчи май-дан қолдирсангиз векселингиз протест бўлади. Худо уриб, агар қиливорса қарзимнинг ўндан биригаям ярим улоқ бўлмайди... Қўй бошқа гапни. Энди мана шанба кунни аниқ қочади... Бунинг чорасини гапир.

М а м а т. Сен яхши кўрасан, ҳеч нарса қилолмайсан.

Е д г о р. Мол аччиғи, жон аччиғи олдида ишқ деганинг нима деганинг! Менинг кўзим юмиладиган бўлса ёки давлатим бўлмаса бир кунга турармиди! Шунча пайравлик, қўрқитиш билан бўлмаган, энди бўлармиди! Мен сенга бир имоний сиримни айтайми?

М а м а т. Қани?

Е д г о р (*ярим товуш билан*). Шунинг бошини ейишга-ча бораман. Нима қиласан энди. Айтавур бўладиганини!

М а м а т. Ана холос! Энди келдинг яхши маслаҳат-га. Ақлинг бугундан кирибди. Аниқми шу?

Е д г о р. Биллоҳу азим, бўлмаса ўзимни ўлдираман. Номусни бой беришга тоби-тоқатим йўқ.

М а м а т. Мен тўғриси айтсам, энди буни ўлдириш-дан бошқа чора йўқ. Масалан, ҳамма гапни ўзинг айт-динг. Дарвоқе бу қочса, бир томондан векселинг протест; бир томондан Мирзакаримдан тортиб ҳамманг тур-мага жўнайсан. Бу қиз, албатта, шуни қилмай қўймас.

Е д г о р. Турган гап.

М а м а т. Ҳа, балли! Шу пайт жуда яхши бўлибди. Чунки бунда уни ўлдириш сенга жуда оғир тушар эди. Ҳозир улар қочишнинг йўлига тушган бўлса, майли жим тур. Улар бир кун қочсинлар, йўлда икковларининг ҳам



ишларини бажара олсак, ҳамма қарз-қурздан ҳам енгил-лайсан, ҳам турма-сурмасидан биратўла қутуласан, ҳам ўзингнинг жонинг тинчийди. Шундай қулай фурсат ҳеч бўлмайди. Нима дейсан?

Е д г о р. Тўппа-тўғри!

М а м а т. Булар қандай қочмоқчи, билдингми? Кейин шунга қараб иш кўрайлик.

Е д г о р. Ойхоланинг пухта гапи шуки, бу ўша келган қўқонлиги билан шанба кунига ваъдалашган, чунки биз шанба кун Шоҳизиндага чиқмоқчи эдик. Мана шу кун шомда пайт қилиб, (*кўрсатиб*) мана шу ҳаётчанинг орқасига паранжи ёпиниб, у йигит келмоқчи бўлган.

М а м а т (*кулиб*). Паранжи ёпиниб! Нимага?

Е д г о р. Икки паранжилик бўлса биров билмайди, деганда...

М а м а т (*кулиб*). Яхши маслаҳат топганлар. Ундан сўнг?

Е д г о р. Ундан сўнг, шом-хуфтон аралаш, бу ердан чиқиб кетмоқчи. Ундан сўнг пиёда йўлдаги... станциясигача бориб, бир новвой ошнасиникида ётиб, эрта оқшомги поездда жўнамоқчи. Мана шу.

М а м а т (*кулимсираб*). Жуда яхши! Кишини ажал тортса, ўлишига ўзи маслаҳат беради! Бу бизнинг учун жудаям яхши иш бўлган. Нимага десанг, бир томондан, кечаси бўлиши билан, бир томон дашт йўли бўлиши билан, бир томон қочиб кетиши билан ўзларининг қўл-оёқларини боғлаб берадилар, ҳам биз ва сени гумон ва шак-шубҳадан чиқарадилар. Буларга, қўй, тегма! Бундан эсон-омон чиқсинлар. У томони менинг ишим.

Е д г о р. Шошма, ҳали у йигит Қўқонга «олиб чиқдим», деб хат юбормоқчи бўлиб кетган-ку.

М а м а т. Қимга, ота-онасигами?

Е д г о р. Бир вақт сенга айтувдим-ку, ўша хушторни юборган бу йигитни.

М а м а т. Эй, тагин яхши. Сен ҳам бир хат ёзсанки, «Йўлда бизнинг маслаҳатимиз бошқа бўлиб, бошқа юртга бирга умр қилиш учун аҳди-вафо боғлаб кетдик». Яна хотиржамроқ бўлиб, шубҳа қилувчининг устига тушади қўяди. Ана, холос.

Е д г о р. Мана шуни ўйловдим. Бир хат ёзиб бирор одам билан юборамиз-қўямиз-да, нима дединг. Яхши бўлди қайта.

М а м а т. Балли, энди сен бир иш қил, кампир билмасин. Ҳар нарса бўлса ҳам бугун бу ерда, эрта бошқа ерда у. Шоҳизиндага ҳам бор. Холис бормаса майли, Бир-икки кишини пойлатиб қўй. У ўзи бир йўл топиб қолади. Сенга хабар берганда оқшом бир илож қилиб станция ёнидаги қир тагига бориб, у... жийдазор бор-ку...

Ё д г о р. Ҳа, анови бузилган ҳовли ёнидагими?

М а м а т. Ҳа, балли. Ана шу ерга етасан, чунки буларнинг гўрини мана шунда қазиб тураман. Булар ҳар ҳолда мана шу қисқа жойдан ўтмай иложи йўқ. Мана шу ерда ишини бажарармиз.

Ё д г о р. Борди-ю бошқа йўлга солса, унда нима қиламиз?

М а м а т. Мўлжал қилганми ўша станцияни, бўлди. У тарафи билан ҳаргиз ишинг бўлмасин. Қоронғида адашмайдиган ким бор, йўл сўраш керакми? Ақчасини еган хизматини ҳам бажара билади.

Ё д г о р. Хайр, у тарафини ўзинг биласан.

М а м а т. Сен иш қилки, буларнинг қочиши қулай бўлсин — бир, шу соат сенга хабар берсинлар — икки, шу соат старший, палиска, қоровулга киши юбориб, ўзингни тезда шу ерга етир, вассалом! У томони менинг ишим.

Ё д г о р. Энди гап шу-да!

М а м а т. Шу. Сен ўзингнинг гапинг бошқа бўлиб қолмаса, Холисхоннинг қора холи гирибонингдан тутмаса. *(Кулар.)*

Ё д г о р. Эй, арвойига лаънат холиниям-полиниям! Жигаргоҳим эзилиб кетди-ку. Мени шундан беғалва халос қил, сотиб е! *(Ёнидан йигирма беш сўм ташлаб.)* Ол, мана бунни чой пули қилиб тур.

М а м а т *(олиб)*. Менга қара, бу кун чоршанба. Эрта кечдан мен ҳозирлик кўраман ҳам кўзга кўринмай тураман. Сен озгина пул топиб, эртага кеч ўша ерга бориб топширасан. Йўлни, аҳволни билиб қайтасан. Мен бўлсам буларни бажаргандан кейин, бир шаҳар кетиб, бирор ойда қайтаман, чунки мендан биров гумон олмасин. Ўзинг биласанки, менинг яхши кўришимни ҳамма билади. Дурустми? Ё бошқа яна хаёлинг борми?

Ё д г о р. Қўй бошқа гапни энди. Эртага, дуруст, ҳамма пулингниёқ етказиб берсам бўлдим! Пулдан қўрқма.

М а м а т. Мен худодан қўрқмадим, пулдан қўрқайинми! Бермасанг ҳам бир нарса демайман.

Ё д г о р. Мени шундан соғ-саломат беғалва қутқазсанг, топганим сеники.

М а м а т (туриб). Бўлди бўлмаса, облоҳу акбар. (Чиқар.)

Ё д г о р (ёлғиз, ҳайрат, ўйдан кейин). Оҳ Холисон! Сенинг ўлишингга сабаб менинг моли-жонимнинг кетиши эмас, шунча мулозиматлар билан ҳам кўнглингни арпача ўзимга қаратолмаганим... Менинг ҳам мол-жондан, ҳам сендан айрилиб ўтиришга тоқатим йўқ. Нима қилай, ундан кўра сени дунёдан йўқ қиламан. На унга, на менга! Икки томон ҳам хотиржам бўлсин! Тирик айрилиш, ўлиб айрилишдан минг-минг марта ёмонроқ. Эсизгина, малика, ўз бошингнинг охири ўзинг кесилишига сабаб булдинг! Менга бўлса, икки дунё бир пул. (Чиқар.)

Т У С И Қ

## БЕШИНЧИ ТҮСИҚ

(Бу тўсиқда қатнашувчилар ўтган пардалардагилардир.)

...станциясининг яқини бўлиб, ўн томонда баланд-пастлик (қирлик) дашт, сўл томонда бўйлаган дарахтзор, орқа томон дала, қаршида узоқдан станциянинг, семафорнинг қизил чироқлари кўринар. Кечаси соат уч-тўртлар чамаси. Ҳаво туманлик: момагулдиракли, даҳшат бир кечадир. Мамат чуқурни қазиб бўлган, унинг ҳар томонини кўриб турганда парда очилур. Ҳар замон момагулдирак ва чақмоқ бўлиб туради.

М а м а т (*ўлчаб*). Икки кишигамас, уч-тўртга ҳам бўлади. (*Этакларини қоқиб.*) Энди бўлди. (*Қулоқ солиб.*) Яқинлашиб ҳам қолгандир. Кишини ажал тортса кўзи кўр, қулоғи қар бўлади, деган гап тўғри. Бўлмаса, ўн йил Қўқонда ҳам бўлдим. Шу Тожибой мени ҳаммадан кўп кўрган. Бу кун ҳеч танимади. Булмаса, мендан гап сўраганда ҳам бу йўлга ҳеч бирда юрмас эди. Бу ҳам ажалнинг тортишидир. (*Белга суялиб, хаёл суриб.*) Бу хотинни ўлдириш менга ҳам фарз, ҳам вожиб. Аммо, шу йигитга юрагим бир оз қизғанади. Нимагаки, бу бегуноҳ. Шунчалик икки ошиқ-маъшуқни бир-бирига қўшадиган холис киши ҳам бир хотинни ёмон кўчадан қутқазиб, дунё ва охиратини обод қилиш учун бел боғлаган бир қаҳрамон йигит. Хотин бўлса, бир султоннинг саройига ярашадиган покиза бир хотин. Озғунчилар касофати билан вақтинча шу кўргуликларга тушиб турган эди. Мана бугун қочди. Барибир Қўқон борибми, истагани билан топишадими, на мен ва на Ёдгор изини ҳам кўролмасмиз. Ёдгор-ку, Ёдгор, аммо мен бу ғурбатда, бу қадар ишқнинг алами билан ҳаргиз чидолмасман. Агар менинг ўзи билан бўлишига шу кунгача сўз-

ларим таъсир қилиб, бирга қочса, бирга туришга ваъда берса эди, бу куннинг ҳам иложини ўзим қилар эдим. Лекин унинг сўзлари, ёнига ёндаштирмасликлари ахир ўзимнинг қўлимда ўлишига сабаб қилди. (*Ёнидан яримтани олиб туриб.*) Ёки бир ҳисоб қилиб кўраймикин. (*Шижанинг бошини учуриб ичиб.*) Ҳарна бўлса йигитни қутқазиб керак эди. (*Шижани чуқурга ташлаб, ғоят мастлик билан.*) Эй Мамат, сенга нима бўлди?! Ақлингни тўпла, ўз юртингда элу уруғ, ёру жўраларинг нима қилди?.. Шунча давлат, маишат билан Ёдгорни пашшача кўзига илмаган бир хотин, сендек... соқолига (*ушлаб*) қор ёққан бир нотавоннинг этагини тутсин-да, сенга вафолик хотин бўлсин эмиш. Бундай қуруқ хаёллардан сенга шу Ёдгор берган ҳарна беш-ўн тангаси яхши: бундай мушкул ишқдан кўнгилларнинг совугани ҳарна ғанимат. Гуноҳнинг бири, ўн бири— барибир гуноҳ. Иш қил, бундан сўнг ғурбат турмаларида ўлиб кетма! Юртингда аҳли давлат ва мансабдорларнинг қилган кирдикорига сен ҳар қадамга бир одам қонини ичсанг оздир... Энди бу дунёда ҳам қолган беш-ўн кунлигини азаю-захматга солма. Эй, кимлар? (*Белни яшириб.*) Четроқ турай, келдилар шекиллик. (*Четга ўтар. Чақмоқ, момагулдирак.*)

Ё д г о р (*оқирин келиб ҳар ённи қараб*). Мамат!

М а м а т (*келиб*). Ҳа, Ёдгор! Нима гап?

Ё д г о р (*кўрсатиб*). Улар ҳув... йўлдаги бузуқ уй олдида дам олиб' қолди. Мен сени билайин деб келдим. Ҳартовур адашмайгина келишмоқда. Мен жудаям қўрқдимки, мабодо адашиб кетса қандай қиларкинмиз. Яхши тайинлаган экансан.

М а м а т. Улар ҳеч адашмайдилар. Йўлда бегона кишилар учраб бир иш бўлмаса, худди бунда келадилар. Лекин бахтимизга момагулдирак бўлганини айт. Биздан бошқа кўчада киши бўлмайди.

Ё д г о р. Момагулдирагинг майли, чақмоғинг ёмон бўлди.

М а м а т. Нимага?

Ё д г о р. Айтгандек, мумкин қадар вақтни кечиктириш учун орқаларидан шарпа берай десам чақмоқда кўриниб қоламанми, деб дарахт қучоқлайвериб ўлдим. (*Ярим кулиш.*) Қани қазиб қўйдингми? (*Кўриб.*) Ҳа!..

М а м а т. Бўлмасам-чи! Тез бўл! Бўлмаса вақт ҳам тонгга яқин.

Ё д г о р. Янги кўмилган жойга эртага ўткинчиларнинг кўзи тушиб сезмайдими?

М а м а т. Ажаб бир махлуқсан! Йўл топган, ҳисоби-ни топмайдими?! (*Кўрсатиб.*) Бу нима? Кўмгандан кейин мана шу тош майдалар билан шу янтоқларни сочиб ташладинг, бўлди! Худо тонгача бир ёмғирни берса бўлди. Шу ердан ўтадиганлар аммаси билан холасини зўрға танийди-ю, ер билан гўрни фарқ қиладими! Ҳолбуки, бизнинг ишимиздан худодан бошқа хабардор киши йўқ.

Ё д г о р. Худо шарманда қиламан деса жуда осон-да!

М а м а т. Қуёнга ҳақорат келтирма-эй, аблаҳ! Худо кимни шарманда қилибди?! Агар худонинг шарманда қилиши аниқ бўлса, гуноҳнинг арпадагини ким қиларди? Агар айниб қолган бўлсанг, баҳона ахтарма-ю, мен кета қолай. (*Жўнар.*)

Ё д г о р (*тутиб*). Ҳар ишда эҳтиёт керакми?

М а м а т. Керак... Ҳозир эҳтиёт вақти эмас. Менга топширдинг, бўлди! Мен эҳтиётсиз нима иш қилдим. Эҳтиётим бўлмаса, Мамат дунёдан йўқолган бўларди.

Ё д г о р (*яримта олиб бериб*). Мана, оға! Гўшт молингни олиб келдим.

М а м а т. Янги бирини урдим. Хайр, буни ҳам бажарганимга урай. (*Олиб, оғзини учуриб, иккиси ичарлар.*)

Ё д г о р. Энди ҳозир мен нима қилай?

М а м а т. Сенми? Сен (*кўрсатиб*) у... ундоғроқ бориб тур. Мен бунда турайин, албатта, иккови бунда келгандан сўнг тўхтарлар, чунки из йўқотадиган жой бу. Агар иккиси ҳам тўхтаб, ёки тўхтамай жўнар бўлсалар, ўзим бажарурман. Йўқ, менинг гумоним шуки, бу семафорни кўргандан сўнг, албатта, у йигит уни бунда қўйиб ўзи станцияга хабар олгани борур. У вақтда у бориб қайтгунча бунисини, келган сўнг унисини бажараман. Аммо, у йигит станция томон кетса, сен бирга бор, чунки станцияда яна бирорта кутганлари бўлмасин, агар бўлса одам билан қайтсалар тезлик билан менга хабар қил. Буни бажариб қочармиз, ёки бошқа бирор чора кўрармиз.

Ё д г о р. Хўп. Гапинг тўғри. (*Кетар.*)

М а м а т (*ўзига*). Ҳай Мамат, ҳозир ҳамма иш сенинг қўлингдир. Сен бир иш қил, шу қизни йўлга солиб кўр. Агар сенга ён берса, қутқозиш йўлини қил. Ўлдиришнинг ҳар вақт уддасидан чиқарсан. Бўлмаса, ана ундан сўнг ўлдир. Пушаймон бўлма. (*Ўйлаб.*) Ҳа, балли! Одам билан ер тўймас. Улимдан тириклик ҳар кимга ширин. Шояд инсофга келса. (*Ўйлаб.*) Ёдгорнинг ҳисоби осон. Уни бирор жойга яширасан, бир чуқурга ярим тупроқ солиб, кўмдим, дейсан. Ярмага йигитни кўмасан. (*Ўзоқ фикр.*) Агар ажали етмаган бўлса... (*Қараб.*) Келди булар.

Холисхон ва Тожибой кўришур.

Холисхон. Худо ҳақки, жудаям оёғим бўлмай қолди. (*Ўлтирар.*) Етай делдикми?

Тожибой. Етдик, мана станциянинг чироғи.

Холисхон. Қани. (*Қараб, кўриб.*) Вой, худога шукур-эй, уҳ...

Тожибой. Энди ҳар нарсанинг шундай захмати бўлмай, роҳатиям бўлмайди-да, дўстим!

Холисхон. Саломат қутулганимизга минг тош юрсак ҳам арзийди-я. Энди юриб ўрганмаганими ёки кўрққангами, аллақандай булиб кетдим. Мана буни кўриб ҳаммаси эсимдан чиқиб, минг қават тағин гайратландим. Энди нима қиламиз?

Тожибой. Энди сиз жиндак дам олиб турасиз. Мен бориб секин поездни хабар оламан ҳам станциядаги қўқонлик новвойимизникига бориб келаман. Сизни бугун ҳам шунда қолдираман. Эртага поездда у сизни бир одам билан юборади. Мен бошқа бормасам, йўлда мени ушласалар ҳам сиз қўлга тушмайсиз. Бу иш нозик. (*Момагулдирак.*)

Холисхон. Вой худой-эй, бугунги шод кун бошқа кун бўлса бўлмасмиди!

Тожибой. Бу бизнинг бахтимиз бўлди. (*Ўтирар.*)

Холисхон. Нимага?

Тожибой. Кўчада биздан бошқа одам йўқ. Чақмоқ билан йўл кўриб келяпмиз.

Холисхон (*ярим кулги*). Айтганингиздек, дарров келасиз-да! Мен мундақа жойда жудаям кўрқаман.

Тожибой. Бўлмаса, мен дарров бориб келай. Бу йўл узаси-да! Ҳозир вақт ҳам бир нарса бўлиб қолди.

Мабодо ўтса бундан бирорта ўткинчи ўтади, чунки бу сўқмоқ йўл. Одам шарпаси келса, секин мана шу дарахтларнинг орқасига паналаб турсангиз, ўтиб кетади. Мен хотиржамман, чунки мен кундузи келиб кўриб кетдим. Ҳеч ким бу ердан юрмайди ҳисоб. Тузукми?

Х о л и с х о н. Ишқилиб тезроқ келинг-да.

Т о ж и б о й. Хўп. (Кетар. Булбул товуши.)

Х о л и с х о н (эриб). Вой-ей, бас қил-ей, юрагимни эздинг! Ўзимнинг эзилганим етмасмиди! (Булбул товуши тўхтар. Чақмоқ, момагулдирак. Холисхон чўчир.) Вой-ей, худо-ей, қандай кунларга қолдим. (Булбул сайрар.) Майли, сайраб тур! Юрагимга қувват бераркансан. (Жимжитлик.) Қутулишга қутулдим, охири бахайр бўлсин! (Момагулдирак, зўр чақмоқ бўлиб, кўзи қазилган жойга тушар. Ғоят чўчиб, сакраб.) Вой худо, бу нимаси, бу гўристонми? Ё менга ҳозирланган гўрми? Ёўқ, мени ажал тортгандир. Битта рўмолча билан алданиб ўзимни ўлимга боғлаб бердим, шекиллик. (Тугунчаларини олиб.) Қочаймикин, ёки дод деймикин! Бу касофат киши ҳам ё Рустамбек, ё акам, ё Ёдгор томонидан мени ўлдиргани ҳозирланган кишига ўхшайди.

М а м а т (четдан бошини кўтариб). Баракалла, алдаш йўли ҳам очилди. (Булбул сайрар.)

Х о л и с х о н. Қичқирма-эй, юрагимга қил сиғмай қолди. (Уйланиб.) Наҳот! Ўз қўлим билан тиккан рўмол-ку, агар мени ўлдиришга касди бўлса, рўмолни сақлаб юрармиди? Тўғридан-тўғри беш-ўн йил турмани ўзига олиб бўлса ҳам ўзи ўлдирарди қўярди-да. Қуй! (Ултириб.) Шайтонга ҳай берай, тагин йўқ балога ҳовлиқиб ўзимни бир балога солиб қўймай. Ховлиқиб-ҳовлиқиб-ку шунча расволикларга қолдим. (Четроқ тортиниб.) Юрагим шувиллаб кетди-я! Ким қазиб қўйган экан бу зормандани! (Булбул сайрар.) Оҳ, жоним бўйингга садақа бўлсин, Рустамбек! Сени деб ўзимни шунчалик захматларга солиб бўлса ҳам юрганим бекорга кетмади. Ахийри бир-биримизда бўлган тўғри, ҳақ муҳаббат бугун етишмоққа nasib қилди. Лекин (маъюс) афсуски, сенга юзим оқ эмас. Бир кунлар бўлур, қариган чоғларимда бу тўғрида чопқир-чопқир таъналарингни эшитарман. (Уйлаб.) Лекин мен сабабмас, чунки ўзинг ҳамма ишдан хабардорсан. (Уйлаб.) Майли, ҳарна десанг дегин, кўзим олдидан қуруқ бўйинг ўтса бўлди. Сени дебки ота-она, ҳеш-ақраболарни ерга қаратдим, яна шу



расволигим билан шуларни кўргани чидаган бу юзимга сен ҳар кун минг марта тупурсанг оз.

М а м а т. Вақт. (*Холисхонни босар, томоғидан бўғар, ханжарни кўрсатиб.*) Товуш қилма, ўласан! Мана шу чуқур ҳақиқатда сенинг учун қазилди.

Х о л и с х о н (*хирқилдоқ товуш билан*). Вой-вой... (*Талнасланар.*)

М а м а т. Сени ҳозир бўш қўяман, лекин товуш қилмайсан. Уч-тўрт оғиз гап сўрайман. Хўп дединг хўп, бўлмаса, икки бошданки ўларкансан, ўзим ўз қўлим билан ўлдириб кўнглимни сендан, дунёдан совутиб кетай. Нима дединг?

Х о л и с х о н (*хириллаб*). Вой! (*Тузук, шиорасини берур.*)

М а м а т (*ханжарни Холисхоннинг кўз олдига тираб*). Қани нима дейсан? Сенга ўлим керакми, тириклик?

Х о л и с х о н. Кимсан? Маматми?

М а м а т. Балли, Маматман!

Х о л и с х о н. Сен нима қилиб ҳозир бўлиб қолдинг? (*Бир чуқурга, бир ёнига қарар.*)

М а м а т. Мен... Гапни кўп чўзма дейман! Агар гапимни оларкансан, ўлимдан қутқазишга келдим. Бўлмас экан, бўд тез! Ҳозир икки қошиқ қонингни ичаман! Товуш қилма, гўрга кетасан!

Х о л и с х о н. Сен ўлдирмаганда биров ўлдирармиди? Гапимга кирсанг, ўлимдан қутқазамаман, дейсанми?

М а м а т. Балли, мен сени ўлдирмоққа келмадим, қутқазмоққа келдим. Агар ҳозир менинг билан онт қилиб, мен борган жойга бориб, бошингдаги ҳамма савдодан кечиб, умр қилишга ваъда берасан! Бўлмаса, агарчи мен ўлдирмай кетсам ҳам ҳозир, Ёдгор ўлдиради. Барибир, икки ўртада йўқ бўласан!..

Х о л и с х о н. Ёдгорам борми?

М а м а т. Сени Ёдгор ўлдиргани чиққан. Ҳозир сени аввал ўлдирсам, шериги кетиб қолармикан деб, аввал уни ўлдиргани кетди. Балки ҳозир ўлдиради. Келади-ю, сени ўлдиради. Ундан кўра, менга энди энг охирги чоғда ваъда бер, мен сени ҳозир қутқара оламан.

Х о л и с х о н (*ўйлаб*). Ёдгор бизнинг қочганимизни қайдан билди?

М а м а т. Сен менинг гапимга ишонмай турибсанми? Ойхола бу йигит билан сўзлашганингни, ҳаётча томондан деразанг очиқ экан, шундан эшитиб, Ёдгорга

айтган. Ёдгор сени ўлдиришга мени хўп димлади. Мен қабул қилмадим, чунки ўзинг биласан, мен сени дунёда ҳар нарсадан ортиқ севар эдим. Шунинг учун мен бу ишнинг изига тушдим. Мақсадга етдим. Лекин, сен шуни билки, агар менинг сўзимни олсанг, ўлимдан қутқазиб, бир шаҳарга олиб кетиб, сенинг билан умргузорлик қиламан. Аммо, мен билан кетган чоқда ҳам, бугунгидай, мендан қочиш деган ўйни бошингдан кўтарасан. Мен жойингда учратган соатдаёқ бажараман. Бу ханжарни махсус сенинг учун ҳозирлаганман. Йўқ, агар улай-булайинг бўлса, айт ҳозир! Ҳам сенинг, ҳам Ёдгорнинг, ҳам у кишининг ишини барабар қиламан. Менинг оҳу зорларим, бундай қулай фурсатларни келтирди. Нима дейсан?

Холисхон. Ахир... (Дод демоқчи бўлар.)

Мамат. Бисм... (Холисхонни бўғиб, ханжарни кўтариб) милло облоҳу!..

Холисхон (жон ваҳмидан). Мамат! (Хўп ишорасини берур.) Хайр, у киши бечораниям қутқазасанми?

Мамат. Қутқазаман, лекин кўрсатмайман. (Холисўйда.) Бўл дедим!

Холисхон (йиғи билан). Нима қилай, менга ёруғлик кун йўқ экан-да!

Мамат. Қасам ич! Мен билан кетиб, қочмай, жанжалсиз турасанми, йўқ?!

Холисхон. Умримда бир марта бўлса ҳам юртимга олиб борасанми?

Мамат. Бола-чақа кўргандан кейин бир умр бориб туришга ҳам ваъда бераман.

Холисхон. Аввал сен қасам ич, бўлмаса!

Мамат. Агар бир бола кўрсак, юртингга бориб унда қолган умрни ўтказмасак, ўттиз пора қуръон урсин!

Холисхон. Мен ҳам шу қилган яхшилигингга сендан рухсатсиз бош бурсам, ўттиз пора каломулло урсин! Лекин, жон Мамат, ўша бегуноҳни бир иш қилиб, менга кўрсатмасанг ҳам ўлимдан қутқаз!

Мамат. Хўп, тур бўлмаса!

Холисхон. Нима қиламиз? -

Мамат. Мен сени нарироқ олиб бориб қўл-оёғингни боғлаб қўяман. Ундан сўнг тезлик билан орқаларидан бориб пойлайман. Қайси ерда Ёдгор у йигитга ҳужум қилса, ўзини ўлдириб чуқурга кўмаман. Йигитга,

бор энди кет, «туя кўрдингми йўқ», Холис ўлмай қолди, саломат, лекин уч йилсиз кўра олмайсиз, деб жўнатаман...

**Х о л и с х о н (туриб).** Мени боғлаб нима қиласан, қочармидим? Гап бир, худо бир. Майли суйганимни кўрмасам ҳам ота-онамни кўрсам бўлди. Пешонамга ёзгани сен экансан, менда нима чора!

**М а м а т.** Биламан, қочмайсан. Қасам билан ваъда бердинг бир, иккинчи, айтдим-ку, сендан айрилишнинг ўзи менга ўлим. Шундай бўлгандан кейин, қайси бир жойда, қайси вақтда бўлмасин, хоҳ ёлғиз, хоҳ кўп ичида, ишқилиб, бир жонингни олмай жон бермайман. Лекин бунда Ёдгорни ўлдиришда ёки бир ҳодиса бўларки, сен эшитиб чидамай, келиб қоларсан, ишқилиб, бир ҳодиса бўлар. Юр энди!

**Х о л и с х о н (кета туриб).** Жон, Мамат, ишқилиб, иложи бўлса, икковиям ўлмасин. Ёдгор ўлса ҳам, у бегуноҳ бечорага раҳм қил! Тузукми?

**М а м а т.** Хўп, хўп, юр... (*Кетурлар.*)

Бир оздан кейин Мамат келар.

Хўп яхши иш бажардим. (*Қўйнидан кўйлак, бир ўримлик сочни одиб.*) Энди Ёдгорни ишонтирмақ учун буларни кўмиш керак. Илойим, келиб қолмасин. (*Ошиқчи тупроқ тушириб, сочни кўйлакнинг ёқасига боғлаб кўмар. Оёқ билан тепкилаб туриб.*) Энди-ку мен икки кишини бажармоқчи эдим. Холиснинг ўрнига Ёдгор бажарилиши керак, чунки бу аблаҳнинг ҳақоратларидан ўч олмоқ вақти келди. Фурсатни бой бериш керак эмас. Барибир бу тирик қолдими, бир ёқда пул, бир ёқда ишқ алами, бир кун оёғимдан тортмай қолмас. Ҳеч бўлмаса, шу хотин менинг қўлимда борлигини эшитсам, бўлгани... Ишқилиб ҳар томондан ўйлаганда ҳам Ёдгорни биринчи навбатда ўлдиришим керак. Энди дунёда бўлганимки бўлган, марг бунинг эндиги берадиган пулига! Ёнимда минг сўмдан ортиқ ақчам бор. Белатим бирмас учта. Менинг кишиларга кўринмаганим, кўринганим — барибяр. Хотин қочган, Ёдгор қувиб йўқ бўлган. Агар қўлимдаги бу хотин сир очмаса, худодан бошқа бу сирни ҳеч ким билмайди. Бугун оз-моз эплаб-сеплаб қўйсам ҳам, эртага уни бир ерга жойлаб, буруси куни оқшом келиб, текислаб кетарман. Аммо бу хотинни бўлса, гинг деган ерида бажарарман. Бу бўлса,

ҳали бери ғинг тугул, минг деялмайдиган имони учди. Буларни саранжом қилиб, ўзини олиб келиб ҳам кўрсатаман. Айтаманки, ғинг десанг, ўзинг менга буюртириб ўлдиртирдинг, дейман.

Ё д г о р (*энгашиб, ярим товушда*). Мамат!..

М а м а т. Ҳа...

Ё д г о р. Ҳушёр бўл, ўзи ёлғиз қайтди. Бажардингми?

М а м а т. Бажардим. Мана бир ўрим сочи билан кўйлак этагини кўммай қўйдим, сени ишонмас деб.

Ё д г о р. Мен нимага ишонмайин? Қўявер-эй, бунисини бажар, сўнгра кўрармиз!

М а м а т. Бўлмаса-чи, мен арқон солгандан кейин сен дарров чуқурга тушиб чуқур ичига торт, чунки менинг кайфим жудаям ўтди. Шошилиб қолмайин. (*Кўрсатиб.*) Мана бу томонда пусиб тур. (*Пусарлар*).

Булбул сайрар, момагулдирак. Тожибой кўринар.

Т о ж и б о й (*оқирин-оқирин келиб қараб*). Тўлахон, Тўлахон! (*Товуш чиқмас.*)

М а м а т. Ёдгор, торт! (*Ярим товушда.*) Чуқурга туш!

Ё д г о р. Ҳозир. (*Тожибойни тортар.*)

М а м а т. Чуқурга туш дейман! Тушиб торт! Қучоқлаб бос! Тамом бўлгандан кейин чиқ!

Ё д г о р. Ҳўп. (*Қапчиб тушар, қучоқ ёзиб тортар.*)

М а м а т (*итариб туриб*). Кўкрагига торт! Жони бор!


Ёдгор Тожибойни тортиб туширар. Ўзи остида қолар. Шу чоқда Мамат арқоннинг иккинчи бошидаги сиртмоғини Ёдгорнинг бўйнига тўғрилаб солар, уни ҳам тортиб уст-устига ханжар тортар. Хириллаган товушлар. Чақмоқ чақилар. Момагулдирак. Бир қанчадан сунг иккисини ҳам бажарар. Кўкка қараб.

Тонг ҳам бўлди. Ҳозир бунини омонат қўйиб кетай, эрта оқшомгача биров сезмаса, дурустларман. (*Тупроғини ошиқич тортиб, янтоқ, хазонларни сочиб туриб.*) Худога шўкур, бажара олдим, лекин шу йигит гуноҳсиз кетди. Охири шунинг уволи мени тутса керак. (*Кетар.*)

Т У С И Қ.



# БУРУНГИ САЙЛОВЛАР



*ИККИ ПАРДАЛИ*

Пьеса

1926 йил.

*БИРИНЧИ ПАРДАДА ҚАТНАШАДИЛАР*

Қодирқул — эски мингбоши бўлиб, янги сайлов муносабати билан, вақтлича ўриндан тушиб турган, кўркам бир киши, 41 ёшда.

Ҳасанакка — Мош-гуруч соқол, семиз, хунук бир киши, 57 ёшда.

Нурматакка — яхши кийимли, оқ соқол, ориқ бир киши, 60 ёшда.

Имом — маҳалла имоми, маълум қиёфатда, 70 ёшда.

Мирза — очиқ башара, ўртача кийимли, зиёли бир киши, 30 ёшда.

Холмат — Чапан, кучер, 32 ёшда.

Рустам — старший, 40 ёшда.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Саҳна икки турли бўлади: 1) Саҳна бўлмаган жойда ўйналса — халқ ўртасида бир дона кенгроқ кийиз, кўрпача солинган, бир томонда ёзув столи, қалам, давот, яна бир томонда бир-икки дона курси қўйилган бўлади. 2) Саҳна бор жойда эса, бир мингбошининг безакли уйи кўрсатилади.

### БИРИНЧИ МАЖЛИС

Қодирқул ёлғиз, бир оздан кейин Ҳасан, Нурмат киради

**Қ**одирқул (*ўзича*). Ҳа, кўрасан-да! Бу мингбошилик менга осонлик билан тушган эмас. Мен ким? Мени Қодирқул дейдилар. Менинг ҳар ишга кучим етади, иш деганни қотираман. Оёғимдан ер юзи, қамчимдан ҳамма жониворларнинг тизи титрайди. Бу мингбошилиқнинг ҳар бир соққаси бир камбағалнинг бир ойлик овқат пулига тушган-а! Икки йилдан буёқ энди ҳоким, пристав, қўрбоши, старшийларга берган пораларнинг ўрнини тўлдира олдим. Бу йил домла ҳазратлари, элликбоши, аҳли расталар, бойлар, оқсоқолларга берган тўн, зиёфатларнинг чиқимларини тўлаб, келаси йил яна сайланиб қолганимда, бирор нарса ишлаб оларман. Ҳали мунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўй ҳам бор. Айниқса бу хатна тўйни улоқсиз ўтказиб бўлмайди. Иннайкин, ўзимга бир моҳпайкар қизни олиш, буларнинг устига янги иморат солиш, муросаи мадора учун маҳалланинг масжидини янгилаб бериш каби анча можаролар бор. Бир кун айбдор бўлиб қолиш бўлса, кўз олдинда эчкининг соқоли сингари ликиллаб тургандек гап. Негаким, бу рус тўраларига ишониб ҳам бўлмайди. Бу кун биттаси кетса, эртага яна биттаси келадир.

Тез-тез танглайини мойлаб турмасанг гужурлагани-гужурлаган. Шунинг учун қирқ-эллик таноп яхши ер, бир таноп, ярим таноп боғча-моғча қилиб қўйсак бир кунимизга яраб қолар. Амалдан тушиб қолган чоқда, мардикорликка ҳам белимиз ярамайди. Ит ҳам, бит ҳам кун кўрадир. Гап, хон бўлмасанг ҳам хон тақлид умр ўтказишда қолган. Охират бўлса, ўз йўлида. Бешвақт намозни жойи келганда ўқиб, рўзани тутиб, унча-мунча закотни бериб турсанг бўлди-да. Жуда бўлмаса, бирор марта Байтиллога бориш, муллажиринг бўлгандан кейин уламо-эшонлар қанот-қуйруқ бўлиб, аршга учиш мана бу ерда турган гап. (*Тўхтаб.*)

Бу элликбошининг нимага дараги йўқ-а? Ҳа, бу махов ўшаларга сотилса ҳам сотилар. Негаким, қиёмат қўшнидан, деган бемаъни гапга учиб, шу падар лаънатни кўчириб, жойини олиб бермадим, хато ўзимда, менга мингта бундай камбағал қўшнидан шундай кунларимда керак бўладиган Ҳасан аканинг бир оёғи яхшироқ эканлиги энди эсимдан чиқмасин. Қулга оламанку-я, болани юборай-чи. (*Чиқади.*)

Ҳасан билан Нурмат кирадилар.

Ҳ а с а н (*ярим товушда*). Акам жуда ҳам оёғи куйган товукдек питиллаб қолибди-ку, аҳволинг шу экан-у!

Н у р м а т. Айтганингдек, тухуми қисилиб қолган товукдек кўзлари чиқай-чиқай дейди. Қаллақанд ушатадиган жойда кучаниб қолганга ўхшайди. Сен билан бизга Қодирқули бўлсин, Подирқули бўлсин (*бармоқ учлари билан пул санагандек*) мана бу надирматнинг қулоғи ёғлик бўлсин. Нима дединг?

Ҳ а с а н. Бўлмасамчи, кун сайин ҳамма нарса шунга қараб йўрғалайди. Бироқ, у томон ҳам Ҳанифа холанинг тугунчагидек тўппайиб тушди-да. Сатта бешталикдан кўк қарғанинг боласидек учирма қияпти-да.

Н у р м а т. Оббо, азаматлар-э! Юрагим озиб кетди-я!..

Ҳ а с а н. У ҳам ёмон одам эмас-ку.

Н у р м а т. Янгининг нодонлиги бўлса, эскининг қадрдонлиги бор.

Ҳ а с а н. Мана, мана шу, бўлмаса, бу хумпардан ўзининг хўп яхши хабаринг бор. Ҳовлимга ит кирса, тумшуғи бетимга тегай дейди. Неча марталаб илтимос қилдимки, ака, бундақа мингта сарпоёқдан биздек битта



ҳўл таёқ яхши. Шунинг жойидан озроқ беринг, биз ҳар бир кунингизга керакмиз, дедим. Қайда, аҳа! Мендан бошқа одам бўлса, ҳозир чиккасини пукка қилади. Бироқ зор қолгур, битта ишимни битирай-битирай деб қўйган-да.

Н у р м а т. Қайси ишни?

Ҳ а с а н. Ана шу мен сламан деб турган ерни Дўс-матбойнинг чоракори олиб қўймадими? Била туриб сўрайсиз-а!

Н у р м а т. Биламан, биламан. Тунов кун қози домла иложини қиламиз, деган эди-ку.

Ҳ а с а н. Бир-икки кун бўлди, сизга айтганим йўқ.-- Дўсматбой «Мен сотганим йўқ, ўн икки йилдан буёқ хизмат сингдиргани учун бердим», деб байт-ғазал топишиб турибдир.

Н у р м а т. Айтганингдек, мингбошининг ўзининг ҳам димоғи шишиб қолибдир. Йўқса қози домлага минг қилса кўёвлик ҳурмати бор. Бир оғиз айтса, ер юзида ривоят қуриб кетганми? Ҳар йўл билан олса бўладир. Ўзларига йўсун эди. Ҳе...

Ҳ а с а н. Эрта билан сўз берди. Ўшанинг учун жоним ликиллаб, ҳар бало бўлса ҳам бўла қолсин деб ўлмоқдаман. Йўқса, Ортиқ бойваччани сайлаб юборсак-ку, бўлганимиз бўлди демак.

Н у р м а т. Кел, қўй энди, баъзи нарсаларни пул билан қўлга киритиб бўлмайди. Мана, қарамайсизми? Агар шу мингбошилиқдан тушса, бутун ишларим ўлади-да! Ишларимиз биткунча бу йил бўла турсин, яна сайлов бор-ку.

Д о м у л л а киради.

#### И К К И Н Ч И М А Ж Л И С

Бурунгилар, домулла, бир оздан кейин Қ о д и р қ у л.

Д о м у л л а (*салом, фотиҳа*). Ҳазор, ҳазор олам мингбошингизнинг обрўйига обрў қўшсин (*фотиҳа, хўшбошдан кейин*) қани элликбоши, нима хуш хабарлар бор?

Ҳ а с а н. Энди, тақсир, ўзлари бўладилар деган умидларимиз бор.

Д о м у л л а. Илоҳим, шундай бўлсин. Оқшом кирган эдим, додхоҳ: «Ҳасан акам фрискуфнинг олдиларига кетган эдилар, дараклари йўқ» дедилар. Уч хуфтонгача

интизорлик тортдик-да. Хуллас, бизни ҳам бир оз хотир-  
жам қилинг. Аниқ хабарми шу? Руку, сужудда ҳам  
хаёлимиз паришон бўлди-да.

Ҳ а с а н. Ҳа, тақсир! Ўзим ҳам худди соат учгача ту-  
надим-да. Пўқ, келиб кўп гапирмадилар-у, шунчалик  
марҳамат қилдиларким: «Хотиржам бўлсин, ўзи ўрнида  
қолар» дедилар.

Д о м у л л а. Хайрият-хайрият, субҳи содиқ вақти  
экан, шояд фариштаҳойи гузарон «омин» деган бўлса-  
лар. Нима дедингиз?

И к к о в и. Илоҳим, тақсир, нафаслари муборак бўл-  
син.

Н у р м а т. Гап шундай, улуғларимизнинг кўнгли хур-  
санд булибдир. Фрискўф тўранинг ўзи яхши одам, яхши-  
да, заршунос.

И к к о в и. Ҳа, тақсир.

Қ о д и р қ у л киради.

Қ о д и р қ у л. Ассалому алайкўм! Бормисиз, Ҳасан  
ака? *(Туриб ўтиришдан кейин.)* Келинг, Нурмат ака,  
уш келибсиз!

Н у р м а т. Қелдик, додхоҳ, хушвақт бўлинг!

Қ о д и р қ у л. Домулла билан тонг отгунча кутсак-а!

Д о м у л л а. Янги, фақир ҳам шу музокаранинг ус-  
тида эдим.

Ҳ а с а н. Қуруқ келишга уялдик-да.

Қ о д и р қ у л. Қани, бўримисиз, тулки?

Д о м у л л а. Хизру Илёс дея беринг. *(Кулиш.)*

Н у р м а т. Ҳа, ҳа, тўғри!

Ҳ а с а н. Бизнинг ота-бобомиз тулки эмасми? *(Ку-  
лиш.)* Қани ёрлиғини олайлик.

Қ о д и р қ у л *(тугунчадан Ҳасанга кимҳобдан, Нур-  
матга атласдан тўн кийгиза туриб.)* Хўп, акалар, бизни  
ёрлиғдан қочирган жойларингиз борми? Бу ҳозир учи-  
дан-да, қутлуғ бўлсин!

Домулла жим.

И к к о в и. Қуллуғ, додхоҳ, саломат бўлинг!

Қ о д и р қ у л *(ҳазил билан)*. Домулла қутлуқ бўл-  
син демайдиларми?

Д о м у л л а *(устига қараб қўйиб)*. Биз энди нимага  
ҳам қутлуқ-қуллуқ деймиз? Дунёи боумид, таъзияни  
ташлаб келган эдик.

بۇرۇنقى سايلاولار

(شورا سايلاوى مۇناسىۋىتى ئىچىدە)

بۇرۇنقى سايلاولار

# بۇرۇنقى سايلاولار

ئىككى پەردەلىك پىئەسسە.

بۇرۇنقى سايلاولار

==

تەرجىمە قىلغۇچى: مۇھەممەد مۇھەممەد

1926 يىلى .. .. .

«*Бурунги сайловлар*» пьесасининг титули.



Иккови. Эй тақсир, сизга бўлмай иложи борми? Додхоҳ ҳазил қиладилар-да. Қани, додхоҳ!

Қодирқул (*кийгиза туриб*). Иш қилиб домуллардан бир нарсани қочириш қийин-да.

Домулла (*кийиб*). Ахир, биз пайғамбарларга ме-росхўр-да. Бизнинг ҳар бир дуомизга минг тўн берса-лар арзийди.

Иккови. Тўғри, тўғри.

(Ўтириш, фотиҳа.)

Домулла. Қани, илоҳим додхоҳнинг бу дунёда мансаб ва равнақлари сарбаланд бўлиб, охиратда фирдавсга сазовор бўлсинлар (*фотиҳа*).

Ҳаммаси. Муборак, муборак!

Домулла (*таъзим билан*). Қуллик, қуллик.

Қодирқул. Қани, Ҳасан ака, нима хуш хабар?

Ҳасан. Фристоф тўра, ҳоким тўрамизнинг олдиларидан келдилар; «бориб айт, мингбоши хотиржам бўла-версин, ўрнида қолса керак» деб айтдилар. Хурсандлигимдан бошқа гапни сўрамай югуравердим.

Домулла. Ҳай, ҳай, бошқаси нимага керак? Шунинг ўзи ҳам айни марҳамат-да.

Ҳасан. Энди, додхоҳ, биз у томондан бир ҳисобда хотиржам бўлсак ҳам, нариги томондан хабарсиз туришимиз яхши эмас. Қандидатингиз<sup>1</sup> билан Ортиқ бойвачча томонида ҳам тўплар кучли, улар ҳам ўз олдига бўзчининг моксидек ғизиллаб юришибдилар. Ортиқ бойвачча томонида бўлса, айниқса, бир-иккита усули жа-дид домулласи билан (*домуллада ўзгарши*), бир-иккита калтадум мусулмондан чиққан ўрислар тўпланишиб хей-ли закун тўқишмоқдалар.

Қодирқул. Бу тўғрида айб ўзимизда. Бултурдан буёқ ҳоким тўра: «Қарамоғингдаги мактабни йўқот, бўлмаса бошингга бало бўлади» деб юз марта айтган-дир. Мен аҳмоқ, бунинг ҳеч бир фаҳмига етмай, хат-саводни тез чиқаришига қизиқиб, ҳеч бўлмаса ўғлим-нинг саводи чиқиб қолсин деб ҳалигача судраб келдим. Энди менинг оёғимга осилибди-я! Малъунлар!

Домулла. Энди қофияси кетмасин. Бу ҳаромилар-нинг имони борми? Кофир нима, булар нима? Буларнинг мактаблари у ёқда турсин, шарияти фаррога амал қила-

<sup>1</sup> Бу ерда мухолиф, бошқа номзод маъносида ишлатилган.

ман десангиз, янги домуллаларни бутун сангисор қилиш лозим бўлади. Неча мартаким зикр қилдим, чандон парво қила кўрмадилар. Бовужуд, ҳоким тўранинг ўзлари ғайри дин бўла туриб, шу зиндиқларнинг чулчитлигини билиб айтган эканлар.

Қодирқул. Э, унинг иши жуда осон. Ҳозир битта қоғоз ёзиб берсак, сискной отдел бир кунда йўқ қилдир.

Иккови. Албатта.

Домулла. У малъунларни бир онда йўқ қилсин.

Ҳаммаси. Ҳа, ҳа, тақсир, иншолло, бўлади.

Қодирқул. Энди сиз нима демоқчисиз, Ҳасан ака?

Ҳасан. Энди тўғри, икки-учта калтадум билан ўн саккизта яланг оёқ камбағалнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди-ю, мана у кандидатингиз пулни катта сарф қилиб, беш-ўнта кузурларимизни қўлга олай-олай деб қолди. Мана шу иш бизнинг соққамизга анча халал берадиганга ўхшайди. Фристоф тўранинг гаплари жуда бошқачаю, минг қилса ўрус тўраси-да, ишониб бўладими? Нима дейсизлар?

Иккови. Ҳа, ҳа, тўғри, тақсир.

Қодирқул. Уларни қўлга олиб бўлмайдими?

Ҳасан. Нимага бўлмасин? Сизга бир оз оғир келишигина бор.

Қодирқул. Нимага оғир келсин? Бир гап борким, маърака мардники, етса пул, етмаса жон дегандек, номус қолса бўлди.

Ҳаммаси. Ҳа, ҳа, албатта, шундай.

Қодирқул. Нима қилиш керак, айтингиз-чи?

Ҳасан. Энди меним ақлим шуким, ўшал кандидатингиз томонига ўтганларни қўлга олиш учун бу кун кечаси ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, мана бу Нурмат акамнинг ҳовлисига чакириб, бир оз зиёфатча билан кўнгилларини топиб, биттадан тўн билан беш-ўн сўмдан пул берсак шояд қўлга олиб қолармиз дейман. Нима дедингиз, Нурмат ака?

Нурмат. Жуда тўғри гап, агар бу кун биз шу ишни бажаролмасак, ютқизиб қўямиз. Негаким, ҳозир тўп учта, учта қути қўйилгандан кейин соққада барака қоладими, нима дейсиз, домулла?

Домулла. Албатта, албатта, лекин мавқеи келганда, биз ҳам сўзлаб ўтайлик. Масалан, бу ойнадан

ҳам равшандирким, одам қайси томонда кўп бўлса, соққа ҳам ўшал томонда кўпроқ бўлади. Шунинг учун бу кунги зиёфатларингизга бир-икки маҳалланинг имомларини, бир-икки нафар мударрислардан, иложи бўлса Миён Фано ҳазрат билан Собир эшонимизни чақириб биттадан тозароқ жомалардан кийгизилса, тагин яхшироқ бўлур эди.

Иккови. Албатта.

Қодирқул. Уларни буйруқдан кейинги зиёфатга чақирсак ҳам бўлади.

Домулла. Бунда бошқа фазилатли ҳикмат бор-да.

Қодирқул. Қани?

Домулла. Авомунноснинг кўзига саллаи бомужаррад кўруниши билан инон ва ихтиёри қўлдан кетадир. Маълумким, бизнинг саллаларимизда бўлган сиёсат ҳаллоқунинг қиличидан ҳам ўткирдир. Мана шунинг учун ҳалиги зотларимиз хурсанд бўлиб, бир қанча шогирд ва муллаваччалари билан бирга шу томонга қўшилсалар қавми авом било ихтиёр оқиб кетадилар, деб зан этамиз-да. Бу холис бизнинг хайрихоҳлигимиз. Нима дедингизлар?

Ҳаммадари. Тўғри, раҳмат, тақсир.

Домулла. Ҳа, ахир. *(Дуо қилиб, нос чекадир.)*

Қодирқул. Хўш энди, бўлмаса домулланинг гаплари ҳам тўғри. Зиёфатнинг анжомида гап йўқ. Негаким нонни ҳар қанча бўлса ҳам уйда ёпиб берадилар. Ҳозир уч тандирда пайваст нон ёпишмоқдадир. Тўрт-беш чакса гуруч билан битта бўрдоқи элтиб берамиз. Ширатор ҳам бор, энди шу, тахминан нечта тўн билан қанча пул керак? Шунини айтинг.

Ҳасан. Нурмат ака, сиз тахминга устасиз.

Нурмат. Энди вақтнинг ўзи шундай нозик келди. Оз бўлса эплаб, кўп бўлса сеплаб кўрнинг замони эмас, қопчиқни ўйнатадиган майдон бу. Менимча, ўрта қилиб айтганда, беш юз сўм пул билан йигирма бешта аъло, авсат тўн етар дейман.

Домулла. Етмаса ораси яқин эмасми?

Ҳасан. Ҳа, нима? Бир қадам.

Қодирқул. Ишқилиб сизлар қўлтиғимда бўлгандан кейин менга нима ғам?

Ҳаммаси. Қуллуқ, додхоҳ! Сиз саломат бўлинг!

Қодирқул. Айтгандек, Муҳаммад Олим акам нима дейди?

Ҳасан. Бу кун пешинга уч юз сўмни етказаман деган эди.

Қодирқул. Ундай бўлса, тўн тайёр. Менимча, кечаси олиб борган яхшироқ. Нима дедингиз?

Ҳаммаси. Албатта.

Қодирқул. Қўй билан гуручни Холмат элтиб беради. Олим акам пулни олиб келса, тўғри ўзини юбораман. Домулла, Зокирга бир хат ёзиб берсинлар. Бориб икки юз сўм ола кетинг (*туриб қоғоз олиб*), қани, домулла, Зокир акага бир эллик хат ёзинг.

Домулла. Бизнинг хатимиз андак бадхатроқмикин. Эшони мирза қайдалар?

Қодирқул. Э, майли, ёза беринг, ишқилиб, бир қора чизиқ бўлса бўлди-да.

Домулла (*уятли*). Йўғ-э, жуда ҳам бўлмағур-да, бўлмаса бажонидил эди-ку!

Қодирқул. (*Истеҳзо билан.*) Икки юз сўмнинг ўзини ҳам ёзолмайсизми, қанақа ган бу?

Домулла (*бўйнига олиб*). Тўғрисини айтсак, хатимиз йўқ ҳисобида.

Қодирқул (*қоғозни олиб қўйиб*). Домуллаликнинг бариси хатми қуръон билан таъзияга экан-да. Ҳасан ака, сиз бораверинг, мен ҳозир мирза келса, ёздириб юбораман.

Турадилар, тўнларни тахлайдилар.

Ҳасан. Бу тўнлар ҳам шу ерда турсин, кечқурун олиб кетармиз.

Қодирқул. Хўп-хўп.

Тўнларни қўйиб, Нурмат билан домулла чиқиб кетадилар.

#### У Ч И Н Ч И М А Ж Л И С

Қодирқул, Ҳасан бир оздан кейин мирза, Холмат.

Ҳасан. Мирза қанилар?

Қодирқул. Ҳоқим тўранинг букунги зиёфат анжомларига кетган эди. Келса, дарров юбораман.

Ҳасан. Жон ака, бизнинг ўшал ишни ҳам...

Қодирқул. Ер сизники бўлиб қолди. Илгаридан мен бошлаб қўйганман. Бу ҳовлини бўлса, бир тухматни бошлаб келасиз, ҳукм биздан, хотиржам.

Ҳасан. Индиндан кейин шу муаллим домуллани



ҳам йўқотиш керак. Негаким, бора-бора болаларнинг оталари олдида ҳурмат орттириб қолса, ёмон бўладир. Мана бу сайлов ўтсин, мен сизга бир-иккита йўл ўргатаман. Шунини ёзиб берасиз. У ёғини ўзим тўғрилайман. Бу кун кечаси ҳоким тўрага ҳам учини чиқариб қўямиз.

Қодирқул. Жуда яхши бўладир.

Ҳасан. Бироқ меним ўзимга бир бало бўлмасми экан?

Қодирқул. Э, қўрқманг. Бу тўғрида Тошкент инспекторлари томонидан бизга яшириқча таълимотлар бор. Бу тўғридаги хизматларингизга зўр медаллар оласиз.

Ҳасан. Эй, оғзингиздан ўргилай сизнинг.

Қодирқул. Сиз пулдан ташвиш тортманг. Мен бу кун кечаси банканинг упрайлашийси билан гаплашдим. Задгавайни топширгунча кўпчиқларни ҳам бир-иккита одамларнинг векселига қўл қўйдириб топшириб беш-олти юз сўм оламан. Сиз ишлай беринг.

Ҳасан. Ҳа, биз хотиржаммизку-я, хайр!

Қодирқул. Хўш.

Ҳасан кетади.

Қодирқул (*ўз-ўзига*). Хўш, энди нима қилдик?

Мирза киради.

Мирза. Ассалом алайкўм!

Қодирқул. Ҳа, нима қилдингиз?

Мирза. Икки яшик вино, коньяк, олти яшик пиво олиб келдим, ҳоким тўранинг ўз повурлари келадирган бўлди.

Қодирқул. Тўнлар нима бўлди?

Мирза. Ун дона кимхоб, йигирма тўрт дона ҳар хил банорас, беқасам, атлас тўн олдик. Хотинлар учун уч тўп тоза бархит ҳам олиб қўйдик.

Қодирқул. Буларни жойлаб, дарров Зокир акага битта расписка ёзиб, икки юз сўм олиб, Ҳасан акага топшириб келинг. Унгача мен банкага бориб келай. Ундан кейин бу ердаги баъзи кам-кўстларни қиласиз.

Мирза чиқиб кетадир. Холмат кирадир.

Холмат. Ака! Холам ўсалроққа ўхшайдилар, оймилар сизни чақиритиб қолдилар.

~ Қодирқул. Йўқол! Ҳлса, ўлиб қўя қолсин. Кўзимга шу тобда она тугул, пайғамбар ҳам кўринмайди. Кириб айта қол, қўлим тегса, кирарман. Бўлмаса, мабодо фалокат, ўлиб-нетиб қолса, секингина товуш қилмасдан ошхонанинг ёнидаги қазноққа жимжит қилиб қулфлаб қўя қолсинлар. Эртага сайловдан кейин дафн қилармиз. (Холмат чиқмоқчи бўлади). Тўхта, извошни қўшдингми?

Холмат Тайёр.

Қодирқул. Ундай бўлса, мени дарров банкага ташлаб келасан-да, кейин қўйхонадаги ола бўрдоқини, омбордан ярим чорак гуруч олиб секингина боғ томондан Нурмат акангникига ўтказиб қўясан. Бор, дарров.

Холмат чиқади.

(Ўз-ўзига) ҳо, ҳо, ҳо, ҳо, ҳо, ҳо, ҳали додхоҳ, додхоҳ, деб кўзимнинг ёғини еб, энди бу кунги кунда тўртта ифлос камбағални ёнингга олиб иш кўрмакчимисан? Кандидатимни-ку бўламан деб ҳар қанча тортишса, ҳаққи бор. Сенга ким қўйди сипоҳигарчиликни? Бир минутда мактабингнинг эшигига тамбани қўйиб, ўзингни дарбадар қила олишимни билмасми эдинг? Меничи, Қодирқул дейдилар. Мен ҳаммангни кафангадо қиламан деб бу амални сотиб олдим. Мен халқнинг ҳовлисини ўғридан кўриқлайман деб буни олдимми? Йўқ! Мен-чи (*киссасини кўрсатиб*), мана буни тўлғазаман деб амалдорликни олдим. Ҳаммангнинг қонингни ичаман. Қани, сайлама-чи? Сайласанг бир бало, сайламасанг минг бало, мени биласанми?

Рустам киради.

ТўРТИНЧИ МАЖЛИС

Қодирқул, Рустам.

Рустам (*таъзим билан*). Ассалом алайкўм!

Қодирқул (*кўришиб*). Нима гап?

Рустам. Сизни ҳоким тўра чақирадилар.

Қодирқул. Бир хуш хабар борми?

Рустам. Берадирганни бера берасиз. Эшик ёнбошидан қулоқ солиб турсам, ҳоким тўра, «Менимча, Қо-

дирқулнинг ўзи бўлиши керак, халқ билан бизнинг нима ишимиз бор, Қодирқул бизга синамол киши, ўзимизга керакли одам», йўсинида сўзлаганларини эшитдим.

Қодирқул. Сени бирор қишлоққа амин қилишга қарздор бўлдик-да.

Рустам. Меним бу югуришлардан бўлган мақсадимни ўзингиз биласиз-ку.

Қодирқул. Ҳа ҳа, дардинг ҳали ҳам ўшал Отанонвойнинг хотинини чиқариб олишдами?

Рустам. Ўлаёздим, ака, бундай гапиришиб-нетиб юрса ҳам майли эди.

Қодирқул. Ундай ишлар бизга ўйин. Назарингни жуда ҳам паст қилма, махов! Юр, кетамиз. (*Чиқиб кетадирлар.*)

Мирза кирадир.

#### БЕШИНЧИ МАЖЛИС

Мирза ёлғиз.

Мирза (*тездан бир хат ёзади, чиқмоқчи бўлиб турганда халққа қараб*). Оҳ, шўринг қурсин фуқаролар! Биласизми, бир мингбошини сайлаш учун қандай ишлар бўлиб туради? Тўрт куннинг ичида мана шу икки юз сум билан бир меним ўз қўлимдангина чиққан ақча икки минг уч юз ётмиш бир сўм бўлди. Ҳали ҳоким билан приставларга берадирган ақча, мингбошилиқ буйруғини олганда қиладиган чиқимлар бу ҳисобдан ташқаридир. Яна ўз қўли билан берганлари ҳам бирталай бўлгандир. Уларнинг чамасидан меним хабарим йўқ. Ойликни сўрасанг, ҳар ойига олтмиш беш сўм, агар шу меним қўлим орқали чиққан ақчанинг ўзини тўлайман деса, олган ойликларини емай-ичмай уч йилда зўрға тўлаб қутулади. Бунча чиқимга кераксинган пулни қардан тўплашини биласизми? Албатта, сиз билан менга ўхшаган, қўл кучи билан қора куң кўргувчи бечора ҳам беваларнинг уйини ёндириш, уларни хонавайрон қилиш, пора, қурма, жузё, муҳрона деган турли-туман жабрли солиқлардан тўплайдилар. Бойлар тўрт пул, мулла-эшонлар бир пул беради дейсизми? Қайси гўрда! Қайта ундай текинхурлар ҳам қўшилиб, бева-бечораларни кемирадилар. Бу зулмларнинг бутун оғирлиқлари шўри қуриган косибларга, саратон иссиғида куйиб-ёниб кет-

мон чопадиган камбағал деҳқонлар устига тушади. Ҳали инсонлик, ҳуқуқ талаблари нари турсин, тўғри сўзга оғиз очган бева-бечора фуқаронинг оғиз-бурни қонга бўялади. Буларнинг ҳаммасига энг биринчи ва катта сабаб, халқнинг ноадолигидир. Олиқ-солиқ билан қаноатлансалар ҳам гўрга эди. Бунинг устига, кимнинг қизи, кимнинг хотини чиройли бўлса, унинг номусига тегадилар.

Вақти-фурсати келиб мазлум касиб ва деҳқонларимиз бундай йиртқич қон ичувчи ёвузларнинг темир тирноқларидан озод бўларлар ҳам.

*П А Р Д А*

## ИККИНЧИ ПАРДАДА ҚАТНАШАДИЛАР

(биринчи пардадагилардан бошқа)

- М а ъ м у р б о й — авваллари Ҳасан элликбошининг балохўрларидан бўлиб, кейинги чоқларда қонхўрлик орқасида бой бўлган яқин одамларидан. Сал қора тусда, мош-гуруч ҳам тўгарак соқол. Аста сўзлайдиган бир киши, 45 ёшда.
- Қ о с и м ж о н — мингбошининг катта хотинидан бўлган ўгил, 12 ёшда.
- Қ о з и — мингбошининг кичик хотинининг отаси бўлиб, мингбошидан ҳам муфлис, ҳаромхўр, бадкор, узун бўйли, соқоли кўпроқ оқарган, озғин этли, афти хунук, тез сўзлайдиган бир киши, 58 ёшда.
- М у а л л и м — шу маҳаллада янги усул мактабни ўз ташаббуси билан очган, чўққи соқол, ўрта бўйли, кўкимтир юзли, юмшоқ сўзли, замонга мувофиқ кийинган бир киши, 35 ёшда.
- А ҳ м а д а к а — Ҳасан элликбошининг қўшниса, бу кўпроқ жуда аста сўзлагувчи бир косиб, 70 ёшда.
- П и р м а т — Турсун Али бойваччанинги чоракори, Ҳасан элликбоши олмоқчи бўлган ерни олиб қўювчи бир киши, гавдали, кўса, кўкимтир, чапанича ва қишлоқча сўзлайдиган бир киши, 43 ёшда.
- Д у р и н и с о — Ота нонвойнинг Рустам яхши кўриб қолган хотини. Оқ, ўрта бўйли, қора соч, қора кўз, жуда чиройли ҳам ботир ва тўғри бир хотин, 25 ёшда.
- С о б и р б о й — оддий ерли кийимда бир киши бўлиб, Қодирқул мингбошининг дарвозабон палискаларидандир, 30 ёшда.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Саҳна икки турли бўлади: 1) Саҳна бўлмаган жойда, масалан, қишлоқда ўйналса, халқ ўртасида икки-уч дона кингиз ёки гилам билан ҳар томонга кўрпача ёзилиб, ёстиқлар қўйилади, бир томонга ёзув столи, давот, қалам ва қоғозлар қўйилади. 2) Саҳна бэр жоиларда жуда кўркам ва бироқ шарқ тарзи меъморисида бир уйда шкаф, камут, мебеллар, темир каравот ҳам тоза кўрпача ва ёстиқлар бўлади. Ерга гиламлар солинган, деворда қилич ва тўппончалар орасида Николайнинг ва бир ёқдан хотиннинг суратлари осилган, деворларда тоза қозиқ рўмоллари, бир дона катта девор ойнаси, бир дона девор соати ва бошқалар... Қ о д и р қ у л билан М а ъ м у р б о й сўзлашиб турган ҳолларида парда очилади.

### Б И Р И Н Ч И М А Ж Л И С

Қодирқул, Маъмурбой.

Қ о д и р қ у л. Қани нима дейсиз? Биздек сиёсат эгаларига гап деган бир мартаба гапирилади.

М а ъ м у р б о й. Додхоҳ, биз ҳам биламизким, худовонди карим сизга берган мартабани ҳар кимга ҳам насиб қилмайди. Сиз каби сиёсат эгаси бўлиш ҳар кимнинг иши бўлмагани сингари, сизнинг тўшагингизга оёқ босиш ҳам ҳар қандай қаланғи-қасанғи қизларни бахтига учрамайди ҳам учрамасин деб умид қиламиз.

Қ о д и р қ у л (*силтаб*). Гапни калта қилинг!

М а ъ м у р б о й. Хўп! Сиз ҳам, биз ҳам биламизким, фуқаро деган қаршилик қилиб ҳеч бир жойга бора олмайди. У камбағал ҳам шундай-да. Қаршилик қилиб йўқ дегани ҳам йўқ. Ёки бешик кетди бўлганда ҳам, тоғасининг ўғлига хотин ҳам топилмай қолмайди. Ёри-

Ўўғи бизнинг ақлимизга келгани шудирким, ўрта орада битта-иккита сабаб бўладиган ҳодисалар бор. Йўқса мингта ундай камбағалнинг яқсон бўлгани билан сиз каби улуғларимиз марҳаматининг бошимизга бир марта соя солгани.

Қ о д и р қ у л (*камситиб кулганча*). Нима ҳодисалар бўлар эди? Чап кўзинг учиб турсин денг! Арпамиз хом қолиб, аравамизни от торта олмай қолса-я, менга тик қарайдиган кўз-пўз ҳам борми ёки эрта-индин тагин янгидан сайлов бўлади деб ўйлайсизми?

М а ъ м у р б о й. Додхоҳ, тиканнинг ҳадди бормиким, сизнинг пошнангизга қадалсин. Лекин офтобнинг иссиғи, қорнинг совуғи бўлгани каби, ҳар нарсанинг ўзига яраша бир хосияти бор. Баъзи кишиларнинг қўлидан иш келмаганда ҳам, обрўйингизга бир хил маломат кетирадиган жойларни андиша қиламиз.

Қ о д и р қ у л. Нима экан, билиб бўладими ўша андишаларни?!

М а ъ м у р б о й. Бир камчилиги шудирким, ҳали қиз ўн иккидан ўн учга энди оёқ босган ёш бола, иккинчиси шудирким, юзида оз-моз чиройи бўлган билан ўзининг таги паст. Сизнинг остонангизга сира арзимади. Учинчиси шудирким, бешик кетди бўлгандан буёқ ҳар йил расм-русумларни қилишиб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйди. Тўйни бузганда, халқ ичида анча шовшувга сабаб бўлади. Тўртинчиси шудирким, куёв бўлган киши қиморбоз, жоҳил, ифлос, шанғи бир бола. Албатта, у бир жанжал ёки бошқа бир гап билан сизнинг шуҳратингизга лат еткиришга икки дунёда ҳам қурби етмайди, лекин жаҳл устида ўзини унутиб юбориб, бир номардликка киришса, мардумнинг ичида сизнинг маломатга гирифтор бўлишингизга сабаб бўлади. Қисқаси шудирким, паст билан бўлган ишнинг охири ҳам пастлик билан битади. Йўқса, ҳали сиз хотинликка сўрагансиз, эшик супуришга десангиз жон-жон деб келади. Биз жанобингизнинг хайрихоҳингиз бўлганимиз учун тўғриси айтиб ўтишимиз керак. Сизга қиз топилмайдими, мингтасини топиб беришга меним ўзим тайёр. Айлана қолай, додхоҳ.

Қ о д и р қ у л. Меним ҳаммадан ҳам қизиққанам унинг ёшлиғи, кўркамлиги, қола берса ўртадаги нафсоният. Оламан дедимми, оламан, ҳам олишим керак. Ит булса, бит бўлса ҳам айтганим бўлсин. Биз

мапа шунинг учун бу амал деган мушкулни сотиб олиб турибмиз. Йўқса, мингбошилиқ қилмаганда оч қоларми эдик.

Маъмурбой. Йўғ-э, албатта.

Қодирқул. Олиб бир кўрайлиқ, юракдаги ўтлар босилсин. Пастлик қилса, ана уларнинг биттаси бўлиб, уйнинг бир бурчагида ўтирар, ёки бир тепармиз, ўзини уйининг таводонида кўрар, нима? Халқнинг маломати билан меним нима ишим бор? Қораланиш бўлса, ўртада турган гап. Шу халқми, ахир? Ундан кўра, кўрган, ўйнаганим ғанимат. Биз ҳам ўшаларчалиқ тарнов-парновингизни ҳўллаб қолармиз.

Маъмурбой. Албатта, бўлсин деганингиз бўлади-ю, додхоҳ, гап тарновда эмас. Ундай бойвачча ҳам камбағалларнинг юз хил дастурхонидан, сизнинг итингиз олдидан қолган бармоқдек суяк минг марта яхши.

Қодирқул. Биладан, янги йилга кандидатимиз мингбоши бўлиб қолсалар. «Меним қариндошимни Қодирқулга олиб бергансан» деб қамаб қўйса ҳам ажаб эмас. Амалдорларнинг ошнаси бўладими?

Маъмурбой. Додхоҳ, ҳар кимдан ҳар қанча шубҳа қилсангиз ҳам менадан сира кўнглингизга шубҳа келтирманг. Нимага, десангиз, холис хайрихоҳман.

Қодирқул. Келинг қўйинг, ака! Холис хайрихоҳ илгари туғилган бўлса, тупроқ остида қолиб кетди, энди туғиладиган булса, яна бирор минг йиллар бордир.

Маъмурбой. Додхоҳ...

Қодирқул (*сўзин кесиб*). Азим кўнчини ёки кўчадаги биронта девонани нимага сайламадилар? Меним кандидатим<sup>1</sup> нинг соққаларини сайлов қутимга юмалатган Ҳасан ака билан Маъмурбой акамнинг панжалари эмас, балки чўнтагимдан ўрмалаб чиқиб турган ўн оёқли ўргимчаклар эди. Мени кўп содда деб ўйламанг. Келинг, майда-чуйда гапни қўйинг. Туринг, боринг! Шу бу кун қатъий жавобини олинг! Шу ҳафта қизни беришни билсин, ёки турмага кириб ўтиришнинг ҳаракатини қилсин. У тарафини кўриш — меним ўз ишим.

Маъмурбой (*туриб*). Хўп, хўп, додхоҳ! Сизнинг розилингиз шундай бўлса, истар хурсанд, истар хафа бўлиб бўлса ҳам қўлимиздан келгунча кўндирамиз. У тарафида ахир, ўзингиз бор-ку!

<sup>1</sup> Бу ерда номзодим маъносида.



Қодирқул. Қани, қурбини кўрай, питирлаб кўр-  
син! Кимнинг жони бўлса, майдонга чиқсин. Боринг!  
Маъмурбой. Хўп! (*Чиқиб кетади.*)

#### И К К И Н Ч И М А Ж Л И С

Қодирқул, Қосимжон

Қодирқул. Падарингга лаънат! Сенинг қўлинг-  
дан келди-ю, меним ўрнимга мингбоши бўлиб, мендан  
ҳам хунуқроқ ишлар қилмай қўйдингми? Халқ ихлос  
боғлаган битта соҳиб кароматинг Насруллохон эшо-  
нингми, ёки Фозил уламонг, қайнатанг қози-домулланг-  
ми? Тўнғузнинг гўштини қўйсанг макруҳ бўлади, деб  
ўзи пуфламай ейди. Уларга қараганда, мен чилтанман-а,  
чилтан. (*Уйлаб.*) Энди ҳар нарсадан илгари шу муал-  
лимни йўқотиш керак. Менга қаршилиқ қилмаганда-ку...  
(*бошини қимирлатиб*) йўқ. Янаги йилга бундан ҳам кўра  
серғамзароқ ҳунари чиқади. Уни йўқотиш керак. Ўғлим-  
ни жуда бўлмаса, «туземний школ»га бераман, қўяман-  
да, (*узун ўйлаб*) энди бу ёгини-ку, сискной отделга  
ёзибми бир бало қиламан, халққа ҳам бирор хунуқроқ  
нарсани шуваб кўрсатиш керак, негаким ҳа!..

Қосимжон киради.

Қосимжон. Дада! Уйда сизни битта кампир ча-  
қиради.

Қодирқул. Ҳа, Ҳури холами?

Қосимжон. Билмасам, бетига қараганим йўқ.

Қодирқул. Ҳа, айтгандек, сен кеча домулла нима  
қилди деб мактабдан йиғлаб келдинг?

Қосимжон. Домуллам койиди деб келган эдим.

Қодирқул. Урди деб келмадингми?

Қосимжон. Қачон? Ундай деганим йўқ. Койиди  
дедим-ку!

Қодирқул. Эй, мен ҳали ҳаммага шундай деб  
қўйдим-ку! Домуллангни бу ердан кетсин деб буйруқ  
ҳам бердим. Мени ёлғончи қилиб қўйдинг-ку, ўғлим,  
энди нима қиламиз?

Қосимжон. Мен ёлғончи қилдимми? Ўзингиз ме-  
ним гапимни эшитмаган экансиз.

— Қодирқул. Энди бўлмайди, ўғлим! Менга жуда ёмон айб бўлиб, мингбошиликдан ҳам чиқиб қоламан. Ёлғон гапирдинг деб мени қамаб қўйсалар нима қиласан?

Қосимжон. Нима қиламиз бўлмаса, дада! (Қодирқулнинг пинжига суқилади.)

Қодирқул. Энди майли, кета берсин домулланг, мен бошқа домулла олдириб келаман. Мен ҳали домуллангни чақириб уришиб нимага сиз меним ўғлимни урдингиз дейман. Сендан сўраганимда, урдилар дегил, тузукми? Бўлмаса, ёмон бўлади.

Қосимжон. Мен қандай айтаман, дада?

Қодирқул. Айта берасан, лаънати! Бўлмаса ҳаммани шарманда қилиб қўясан. Ундан кейин сенга дада ҳам йўқ. Бўлмаса худди Собирга урдириб ҳамма ёғингни ёрдираман. Ўрта ерда тойчадан ҳам қоласан. Тузукми?

Қосимжон (йиғламсираб). Ахир...

Қодирқул (қаттиқ). Қани, айтма-чи.

Қосимжон (қўрқиб). Айтаман.

Қодирқул (туриб). Юр бўлмаса, сенга жуда бошқача домулла келтириб бераман. Ҳам эртага Холмат билан бирга бориб тойчани олиб кел.

Чиқадилар, Холмат киради.

### У Ч И Н Ч И М А Ж Л И С

Холмат, бир оздан кейин Қосимжон.

Холмат (шипириб туриб). Бу хўжайинда бўлса, кеча-кундуз келаси йилдаги сайловнинг ғами. Менда-чи, ичкаридаги иккита эски мижоздан айрилиб, яқинда келадиган пошшоҳонни ўзимга қандай қилиб элактиришнинг ғами. Нимага десангиз, хўжайиннинг ёшлари бир жойга бориб, қарамай қўйганига, бир ёқдан ўзимизнинг ҳам биронта дилкушони олишга кучимиз етмаганими, билмайман, бир оз гирд-гашт қилиб келар эдик. Мана энди, шуҳратингдан ўргилай, муъжазгина, у тиззадан бу тиззага учиб-қўнадиган янги пошшоҳоннинг келишларини эшитиб қолгандан буёқ мингбоши поччадан ҳам илгарини бизнинг юрагимиз диринг-диринг ўйнайди. Билмайманки, у жонимни олгур, бизнинг бу кир чопон билан ёғлиқ дўппини назарга иларми экан? Мана бизда

бу янги ишқ мижозининг ғами, бир ёқда ичкаридаги иккита рўдапо қоровулдан ўлмасдан қутулишнинг ғами. Бунинг устига қоматингининг қурбони бўлиб кетай, ўртанча аянинг ҳажр ва фироқи, буниси кундан-кун юрагимда чигирткадек тухумлайди. Бундай ўйлаб қарасам, бошимдан-оёғимга, кипригимдан тирноғимгача ишқ-муҳаббат деган жонивор, ўликнинг кафанидай ўраб олган. Қаёққа қарасам ҳур билан ғулмон қучаман-а! Тасаддуғининг кетай. Энди ичкаридаги ойимлардан сўрасангиз, бир ёқдан кундошликнинг ғами бўлса, бир ёқдан меним ҳам ўшал томонга оз-моз ёки бутунлай қийшайиб кетишимнинг ғами. Ишқилиб, ичимизда беғам киши йўқ-да. Охири бахайр бўлсин.

Қ о с и м ж о н киради.

Қ о с и м ж о н. Холмат ака!

Х о л м а т. Лаббай!

Қ о с и м ж о н. Кичик бобом, тезроқ аравани қўшсин, мен Шайидхонга бораман дейди.

Х о л м а т. Хўп (*халққа*), иккала бобонгизни ҳам борса келмасга бадарға қилиб олиб борсак тузук эди. (Қосимжонга), апангиз ҳам борадиларми?

Қани, давлатинг бўлса-ю, опасининг тўйинга тўй тўкиб, хипча белларини уч кунлик ойдек камалак-камалак қилиб эгиб юрсанг. Войей, қовурғаларим қайишади.

Қ о д и р қ у л киради.

Т У Р Т И Н Ч И М А Ж Л И С

Холмат, Қодирқул

Қ о д и р қ у л. Холмат!

Х о л м а т. Лаббай хўжайин!

Қ о д и р қ у л. Қани, қанақа эди, ҳа қани бир мақтаб қўй-чи! (*Утириб.*) Ҳа, оби равон, ҳа қани!

Х о л м а т (*уялиб*). Қўйинг, хўжайин!

☞ Қ о д и р қ у л. Бўл, санқиллама! Ҳа қани.

Х о л м а т. Оби равон, боғи чунон, шоҳ супага зеби жаҳон, мўрча мпён, писта даҳон, нозик адо, пари жайҳон, яъни исми шарифлари Маликахон. Ким эканлар десам, Шокир аллопнинг хотинлари-ю, Муса қаллобнинг қизлари экан. Дўндуқча-ю, мўндуқча, хизмат қилай ўлгунча десам, қўл узатманг, тиллага тўлдирмасдан сан-

диқча дейдилар-а! Ака, Шокир аллопнинг ҳам бахти заб баланд келганми, олмага тушган ҳашаротдек хотинга хўп ярашсалар керак. Зулфидин маҳдум!

!

Мингбоши кулар.

Жуда мақтай бериб ўлдик-ку, Ҳури хола бирор хуш хабар келтиргандир.

Қодирқул (*кулиб*). Ҳа, тайёрлаб келдим деди. Бугун-эрта эри бир жойга кетса, базмини кўрар экан-миз. Тур бир чилим сол!

Холмат. Илоҳим, саломат бўлсинлар-да. (*Чиқади.*)

Қодиқул. Муаллимнинг бўлса, ҳисобини топдик. Энди шу Шокир аллопнинг хотинининг ҳам бир базмини кўргандан кейин, Тўйчи бойваччанинг ҳам хотинини ҳам бир кўриш керак.

Холмат чилим келтиради.

(*Чилим чекиб*), дарров эллиқбоши билан муаллимни айтиб кел, дарров келсинлар.

Холмат. Хўп. (*Чиқади.*)

Қози домулла билан имом домулла кирадилар, салом, кўришиш ва фотиҳа.

#### БЕШИНЧИ МАЖЛИС

Қодирқул, қози, имом.

Имом. Мирзаларини қамалган деб эшитдик. Бирор беодобликлари содир бўлгандир. Ўзлари жуда яхши йиғит эдилар.

Қодирқул. Ҳа! Унинг ўзининг газет ўқиши бошига етди... Ўзингиз биласиз-ку, ҳоким тўра ҳамма вақт: «Газет ўқийдиганлар, ҳукуматга қарши кишилар» деяб эдилар. Тўғри чиқди. Ҳали унга аралашади, ҳали бунга. Ҳатто менга ҳам насихатгўй бўлиб қолаёзди. Суриштириб қарасам, кечаги сайловда пилтинг-пилтинг қилиб юрганларнинг энг бошлиғи шу билан муаллим экан.

Имом. Ҳа, балли! Мен айта олмай истиҳола қилиб юрар эдим. Иккала падар лаънатиларда ҳам бир вақт намоз йўқ; тонг отгунча ивир-шивир қилиб чиқар эди. Ҳай, ҳай, заб яхши қилибсиз, аз бало ҳазар-дия.

Қодирқул. Муаллимни ҳам ҳозир бартараф қила-миз деб турибмиз.

И м о м. Эй, йўқолсин бу куфурлар-э, хайриятким балонинг олдини олган экансиз!

Қ о д и р қ у л (*қозига*). Турсунали бойваччанинг чоракори Пирмат билан Ҳасан аканинг иши нима бўлди?

Қ о з и. Унинг битишига сал қолди. Бекорга бердим деганини иқрор қилдириб ўн саккиз кунга ҳукм қилган эдим, ерни бутун беришга рози бўлишди. Кеча ернинг васиқасини олиб келганлар. Биз тўйга кетган эдик. Эҳтимол, бу кун келиб қолар. Ҳасан ака пулни бераверса, аълам чиқиб ўлчаб васиқасини қилиб бераверади. Пирматнинг оғзидан бир-икки ёмон гап чиққан эди. Бир ойга ҳукм қилиб қўйдим. Эҳтимол, элликбошининг иқболига арзонроққа бериб қолса.

И м о м. Ҳа, е! Ҳар нима бўлса ҳам шуларга ёрдам қилиш керак. Негаким шулар одамга ҳамма вақт керак бўлади. У молфаҳм қишлоқи нимага ярар эди.

Қ о з и. Мана мен домуллани қўшиб сизга олиб келдим. Собир калланинг иши нима бўлди? Йиғлайвериб жуда бизни безор қилди-ку!

И м о м. Шундай бир ёрдам қилинг, додхоҳ! (*Қўл қовуштириб*). Ёрдамингизни аямасангиз экан, энди икковимиз ҳам ўртага тушиб қолдик.

Қ о д и р қ у л. Одам ўлдирганлигини иқрор қилиб қўйган. Иқрор қилмасин деган эдим. Судга учраган эдим: «Тўрт-бешта етим боласи, тул хотини қолибдир. Ками ўн йилга кесилади, бироқ, шу ўликнинг томонидаги закунчига, қўрбоши, пристав, ҳокимларга тузукроқ пул берилса, шуни бир ойга қолмай чиқарсалар бўлади» деди.

Қ о з и. Пича пул олиб келиб, ташлаб кетди. Энди тахминан қанча кетар экан?

Қ о д и р қ у л. Бу ишни бир ярим минг сўмсиз битириб бўлмайди деб айтди.

Қ о з и. Эй ҳали у беш минг сўмгача бераман деб айтади. Ҳозирча минг сўм ташлаб кетди.

Қ о д и р қ у л. Ундай бўлса, ўша пулни бериб юбофинг, мен бир учрашай.

М у а л л и м, Ҳ а с а н ака кирадилар.

Қ о д и р қ у л (*турадир*). Мен айтай, бир луқма ош қилсин.

Қ о з и. Йўқ, биз ҳозир бориб турайлик, сиз ҳам борарсиз.

Қодирқул. Мен бориб келдим.  
Қози. Хайр бўлмасам.

Қози билан имом хайрлашиб кетадилар.

#### ОЛТИНЧИ МАЖЛИС

Қодирқул, муаллим, Ҳасан, бир оздан кейин Холмат, Қосимжон.

Қодирқул (*ўтириб*). Мен сени туппа-тузук одам деб юрсам, шундай расвомисан? Халқ болаларининг саводини чиқаради десак, сен уриб саводини чиқарар экансан-ку.

Муаллим (*ҳайрат билан*). Қандай, додхоҳ!

Қодирқул. Тағин қандай бўлар эди! Ўзингнинг қилган ишингни ўзинг биларсан. Лаънати!

Муаллим. Тақсир, мен нима қилдим?

Қодирқул. Уриш, калтаклаш учун бошқа бола қуриб қолдимикин, меним боламга ёпишдинг?

Муаллим (*ёқасини ушлаб*). Ажабо!

Ҳасан. А? Ростми, додхоҳ! А, минг лаънат сизга, ломулла-е! Уялмадингизми?

Қодирқул. Холмат, Холмат!

Холмат. Лаббай. (*Киради.*) Лаббай, хўжайин!

Қодирқул. Қосимни чақир.

Холмат чиқади. Қосимжон киради.

Эй одам бўлмай ўл! Қосим! Сени шу домулланг урдими? Сенга айтаман.

Жимжит.

Сенга айтаман.

Қосимжон. Ҳа! (*Чиқиб кетади.*)

Қодирқул. Тур, йўқол, ҳозир кўчиб кет! Мен устозлигингни ҳурмат қилдим. Бўлмаса...

Муаллим. Мендан гап-мап...

Қодирқул. Кет дейман, падар лаънат! Ҳозир турмага юбораман.

Муаллим чиқади.

Қодирқул (*Ҳасанга*). Боринг! Буни ҳозир йўқотиб келинг! Аҳмад ака нима қилди?

Ҳасан. Ҳеч... боёғи шанқилиғида турибдир.

Қодирқул. Қани ўзи, ҳозир итлигим тутиб турибди.

Ҳ а с а н. Келган, мана шу ерда.  
Қ о д и р қ у л. Чақиринг, кирсин.

Ҳ а с а н чиқади.

Мана шу гапиртирмаганнинг ўзида катта сиёсат бор.

А ҳ м а д ака киради.

#### Е Т Т И Ч И М А Ж Л И С

Қодирқул, Аҳмад ака, бир оздан кейин Холмат, Собир, Пирмат, Рустам, Дурнисо.

А ҳ м а д. Ассалом алайкўм, додхоҳ (*йиғлаб*), қиёматда қўшнидан деганлар. Биз бечораларга раҳм-шафқат қилинг. Ўзингиз биласизким, менга етти-саккиз жон қарайди. Ҳеч биттаси дардимга дармон бўлолмайди. Белим букрайиб, кўзларим хираланган. Ҳар ҳафтада зўрға икки жуфт кавушни тикиб рўзгоримга нафақа қиламан. Шу мўсафидлигим, қўшнилигимни ҳурмат қилсангиз нима бўлади? Ахир, ўзи катакдек бўлган ҳовлининг ярмини бергандан кейин, етти-саккиз жон бир уйда қандай қилиб сиғишамиз, жон болам?

Қ о д и р қ у л. Гапни чўзма, мунофиқ! Берасанми йўқми? Шуни айт! Мени биласанми?

А ҳ м а д (*ҳамон йиғлаб*). Жон болам, сизни билгандан йиғлайман. Кичикликда ўз қўлимда катта бўлдингиз.

Қ о д и р қ у л. Гапни калта қил, дедим. Берасанми, турмага кетасанми?

А ҳ м а д (*қаттиқ йиғлаб*). Хайр, болам, қариган чоғимда кўргиликни солган бўлса худойимга ёшлигимда қилган бир ёмон шумлигим бордир-да. Нима қилай? Ҳар нарса бўлсам бўламан. Бироқ тўрт-бешта жўжаларимнинг ҳақиға жабр қилиб, уларни кўчаларда сарсон қилмайман (*йиғлайди*.)

Қ о д и р қ у л. Холмат, ҳо Холмат!

Х о л м а т. Лаббай. (*Киради*.)

Қ о д и р қ у л. Собир борми? Чақир, мана бу бевтофиқни миршабхонага бериб келсин. Ҳали бери бунинг кўзи очилмайди.

Х о л м а т чиқади. С о б и р киради.

Падарингга лаънат! Олиб бор буни, миршабхонага топшириб кел! Ҳукуматни биласан!

Аҳмад. Болам, ҳо болам! Гўдакларимни қақшатма.

Қодирқул. Олиб бор дедим. Гўдагингнинг ҳам падарига лаънат.

Собир. Юринг, ота!

Туртиб олиб чиқади, Холмат киради.

Холмат. Пирмат келди, кирайми дейди.

Қодирқул. Ҳаммаси ҳам вақтида келмакда. Чақир, кирсин!

Холмат кетади. Пирмат киради.

Буни ҳам юбориш керак.

Пирмат. Ассалом алайкўм, ота! (*Кўришмоқчи бўлади.*)

Қодирқул. Утир ўша ерда!

Пирмат утиради.

Ҳа, нима деб келдинг?

Пирмат (*қоғоз бериб*). Арзимиз бор эди.

Қодирқул. Обор, менга арза керак эмас, ерни берсанг қутуласан, бўлмаса қози бир ой ҳукм қилган бўлса, мен ўн ой ҳукм қиламан.

Пирмат. Тақсир!

Қодирқул. Тур, кет дедим. Ҳозир бўлганингча бўласан.

Пирмат. Хайр, ака!

Қодирқул. Чиқ дедим, падар лаънати ит! Эртдан қолдирмай васиқасини қилиб бер, бўлмаса, умрингни турмада ўтказаман.

Пирмат чиқиб кетади, Холмат билан Рустам кириб келадилар.

Рустам. Ака! Хотинни олиб келдик. Қирсинми?

Қодирқул. Ёмон бошлабсан-да! Ҳайрон қолдим-а!

Рустам. Эй ака! Унинг уйига учта ўқни кўмдиргунча жигарларим эзилиб кетди. Сиз ол дегандан кейин осмондан бургутни ҳам оламиз. Ишқилиб, шунча меҳнатимга яраша, узоқроққа кетарми экан?



Қодирқул. У топилган ўқ, уни яна қайтиб шаҳарни кўра олмайдиган жойга юборади. Сен бор, ана у чолни қамаб, ўша ерда бўйнига қўй. Буни мен ўзим тўғрилайман. Кира берсин.

Рустам чикади. Дуринисо кириб салом беради.

Дастлаб бир ўзимиз кўрайлик. Жуда куйдим, ёндим. Утир! Ҳа, нима гап?

Дуринисо. Айланай тақсир! Отам ўрнига отам бўлинг, меним кишимнинг сира бундай ёмонликлари йўқ эди. Уни ана у битта палискангиз шундай қилди, нима бўлади, бир раҳм-шафқат қилиб буни қутқазиб юборсангиз.

Қодирқул. Сиз у гапларни гапирмангиз! Биласизми, сизни ҳам пристўфлар протокол қилиб кетган. Эрта-индин эрингиз Сибирга кетади. Сизни ҳам олиб, қамаб юборадилар. Лекин менинг сизнигина қутқазиб олиб қолишга кучим етади. Бироқ, унинг ҳам шартни бор.

Дуринисо. Вой, қандай қиламан, худо-ей. *(Ииғлайди.)*

Қодирқул. Хўп десангиз, мана мен бел боғлайман.

Дуринисо. Умид билан бир ёстиққа бош қўйган эдим. Энди мен уни шундай қора кунларда юбортириб ўзим ҳаргиз бунда қолмасман.

Қодирқул. Сиз девона бўлманг. Эрингиз билан бирга қўймайдилар. Уни бошқа, сизни бошқа томонга юборадилар. Сиз бутун эркаклар, ёмон солдатлар ичида кўп оёқ ости бўласиз, ўзингиз ўйланг.

Дуринисо. Вой, ундай бўлса, мен нима қилай?

Қодирқул. Мен сизга бир гап ўргатаман. Сиз мана шу гапни айтасиз, қутуласиз-қоласиз. Лекин ҳалиги мен айтган шартни қабул қилганингизда.

Дуринисо. Вой, айланай, тақсир! Ё бирга кетаман, ёким ўзимни ўлдираман. Худои расулнинг ҳурмати, гапим шу.

Қодирқул *(тескари қараб)*. Бунга ҳозир гап маъқул қилиб бўлмайди. Яхшиси, эри кўзидан йўқолса, ундан кейин кўндириш осон бўлади. Ҳури холанинг ўзи боплайди. Лекин қуруқ бўлмасин, бир кўриб қолиш керак. *(Ўрнидан туриб Дуринисога яқинлашади.)* Бўлмаса, мен бир гап ўргатай, бир айтиб кўрасиз.

Эрингизни шу гап билан олиб қола билсангиз, хўп, бўлмаса, ўзингизни қутулишингиз ҳам ганимат. Сал қулоғингизни берироқ олиб келинг, биров эшитса яна биз айбдор бўлиб қолмайлик.

Д у р и н и с о. Вой, айланай, болангизни тўйини кўринг. (*Яқинроқ келади.*)

Қ о д и р қ у л. Айтасизким, (*бирдан чимматни очиб*) оҳ! (*Упмоқчи бўлади.*)

Д у р и н и с о (*тезликда*). Вой ўлим бергурлар (*шاپалоқ билан солади, Қодирқулнинг оғзи қонайди*), ҳамманг бир экансан (*аччиғидан чимматни унутади*) золим, шафқатсизлар! Ҳали, бева-бечора фуқарога бошмиз деб қилган ишларингиз шуми?


Қ о д и р қ у л (*бир қўлида рўмол билан оғзини артиб, иккинчи томондан ялиниб*). Секин-секин, мен ҳам сен тўғри хотинми, эгрими деб синаганим эди.

Д у р и н и с о. Номтаъқул қиласан. Минг лаънат сендак золимга! (*Халққа.*) Шўрларимиз қурсин биз хотинларнинг, қачонгача шундай эркаклар қўлида тўпдай бўлиб юрамиз. Эй худо, кўтарсангчи шу золимларни бизнинг бошимиздан. (*Кўзи тиниб йиқилади.*)

Парда тушади.



# МУХТОРИЯТ ЁКИ АВТОНОМИЯ



*ИККИ ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ*

Туркистонда ҳуррият бўлуvi муносабати ила ёшлар ва ула-  
молар орасида ихтилоф ўлароқ уламоларнинг айрилиб кетувлари  
ва шўроий ислом мажлисининг тасвиридир.

*1917 йил*

- Т. домла — раис афанди, новча, йўғон, қора соқол, кўзида кўз-ойнаги бор. Бухоро олача тўнлик.
- Ж. домла — раиснинг муовини, ориқ, кўса, зўр саллалик, кор чакманлик (раиснинг ўнг тарафиндан).
- С. домла — оқсоқол, кўҳна чопон, кир салла.
- Ф. домла — бутун кўса, юзи тиришган, қадди бир оз энгашган-гина, баджаҳлроқ.
- К. домла — ўрта ёш, расмий кийинган.
- Г. домла — қарироқ, зўр саллароқ. (Бу қаторда яна беш домла бўлса-да, сўзга қотишмайдиган жонли ҳайкалдангина иборатдир.)
- Н. домла — (раиснинг сўл тарафиндан). Котиб, пакана, серсоқол, қоп-қора, камзул кийган, сербелбоғ.
- Х. домла — котиб муовини, беҳад йўғон, сариқ соқол, белбоғ, зўр салла, узун тасбеҳлик.
- Ш. домла — бой (шул меҳмонхона эгасининг масжид имоми). Серсоқол, соқоли мош-гуруч, оқ тўнлик, кулоҳ саллалик.
- З. домла — кичик салла, хипча либос, хуш мўйловгина.
- С — бу зот уламолар ила ёшлар орасида сўз юртувчи.
- Л — уй эгаси, бой афанди, савдогарча кийинган, 45 ёшларинда (биринчи парда очилувида у бўлмади).

## БИРИНЧИ ПАРДА

Замонча зийнатланган бир меҳмонхона бўлиб, ўртада бир дона стол устида беш-турт ривоят китоблари. Бошқаларинини амалга муносиблари курсида, қолганлари ерга тизланиб ўтирган. Раис афанди ўрнидан турган ҳамда қўли боғлиқ ҳолда парда очилур.

**Т** домла (раис афанди) (қўл қовуштириб томоқ хириллатиб). Уҳу, ўҳу. Муҳтарам жаноб фузало ҳазратлари! Мажлисни индаз ифтитоҳ бўлсинми?! Ёки жаноб эшон андак ихтиёри таваққуф қилурларми?!

Соат 9 га жом чалар.

Х. домла (қўли билан китобни кўрсатиб). Мана бу жаноб серкетар афанди биладирлар, икки ибтидоъ мажлис чигуна бўлсин?!

С. домла. Серкетар афандимдан сўралса, сўралмаса аъзоҳои ҳамма мажмаъ анда, лекин ҳамин қадарки баҳонаи сабаб ал-асбоб нафас ғанимат. Бир оз чақ-чақ қилишайлик-да, акун!

Бошқалар. Ҳа, ҳа, ҳа! (Кулишиб.) Эҳе, эҳе, эҳе!

Ж. домла (раисга қараб.) Бир оз моҳазарни иложи йўқмикин?!

С. домла. Ин айти каромат шуд, филҳақиқат сари сухан ҳамин.

Ф. домла (котибга қараб бош ликиллатиб). Жаноб серкетар афанди! Хонайи бой ба ҳеч нима йўқми?

Х. домла. Камина кирган вақт бой афандининг ҳовлиларидан жиз-биз деган сабзи, пиёзнинг бўйи машо-мимга андак бўйи роҳат берган эди.

Т. домла (*раис кулиб*). Ҳо! Жанобларини қувваи шамомаларига бизлар мусаллибмиз-да. (*Бошқалар кулишарлар.*) Аҳ, аҳ, аҳ...

Х. домла. («*Б*» *талабага қараб*). Ҳой, мулла! Чиқиб кўчадан бойнинг мўрисига бўйнингни чўзиброқ қарачи, тутун бой мўрисиданми? Ёки ягон дигар қўшниникиданми?

Т. домла (*ишорат қилиб*). Эй, ўлтиринг! Нигоҳ кардан чи ҳожат? Бой марди сахий-ку! Буюрган бўлсалар буюргандирлар (*бошқаларга.*) Ҳа! Ҳа! Ҳо! Албатта, бой бисёр доно, марди сахий!

З. домла. Дарвоқе, қозон қайнаб турмаса, мажлисининг қизимаслигини бой афанди ўзларида яхши билурлар.

С. домла. Акун палов, чой деган — гапни кавшаридан!

Ф. домла. Бой ўзлари чиқмаяптилар.

Х. домла. Шумо, қизиқми?! Бу можароларни бари бой афанди йўқликларидан, бой афанди бўлсалар дастурхон, ҳамма муҳайё эди.

Г. домла. Қайга кетган эканлар?!

Н. домла. Исматилло (исполнительный) комитетга кетганлар.

Т. домла. Нима ишда кетган эканлар?

Н. домла (*бир оз ўйланиб*). Номи сабилашро фаромуш кардам, алланима балосига учрайман деган эдилар. Забони ўрусий бисёр бад-де-я!

Т. домла. Дуруст-дуруст (*ўзи айтолмай*), ўша сиз айтиб турган... кабинетга боруб фросотилига учрайман, маслаҳати хос бор деган эдилар.

Н. домла. Ҳо! Ҳо! Акун! Шу хотирга келди-я! Оо! Сабил мондагия, фросотил, фросотил, фросотил.

Х. домла. Айтмадимми?! Бир соатдан буёқ дастурхон даркаш нест, бойнинг йўқликларидан.

Т. домла. Бой афанди хотинларга дастурхон ҳам тайин қилгандурлар-ку! Олиб чиқадиган болалар йўқдир.

Бошқалар. Ҳа! Ҳа!

С. домла. Эй ҳазрати домло! Хўб содда-да, шумо! Хотин баччағарларни мундоғ азиз меҳмонлар ва бузрук лавозимотларга ақли етади дейсизми?! Дастурхон бўлсин-да, бунда олиб чиқарга одам топилмасин эмиш,

### Ҳар бири шивирлашурлар.

**Ж. домла.** Хотин гуфтаги ноқисулақл ва як жумлаи ҳайвони нотиқ-де. Хотинликдан бошқага ярамайди. Бо тагин у тарақчими-пароқчими деган даҳрий жувонмарглар хотинларни ҳам ҳуқуқи, фалони бор, дейдилар, ин ажиийб.

**Н. домла.** Шумо чи мегуйед?! Шаҳарга дума қиламиз дейдилар.

Ҳаммаси ёқасини ушлаб «тавба», «астағфирулло!»

**С. домла (аччиқ билан).** Эй бўлмайди! Бўлмайди номаъқул айтиб-ди эй!!

**Ф. домла.** О бадбахтлар-эй! О бадбахтлар-э! Ҳали шу ақл билан ин қадар хатога кетганларми?! Тараққийларидан мурод шулми?! Наузан биллоҳ миназзолимин. Сангисор лозим буларга!

**Т. домла.** Ахир, бизлар акун ўшаларни шаръ шароридан мусулмон ва муслималарни ҳифзини сақлайлик деб шўройи ислом қилдик-да.

**Бошқалар.** Алҳамдулилло шўройи ислом ҳайҳай! Хўб яхши бўлган экан, савоби азимга мушарраф бўлурмиз.

**Т. домла.** Акун илтимос ба уламои кироми ҳозирин ва ғойибинлардан шулки бизлар фи альондан азтаҳтидил дини мубини ислом учун ҳаракат қилмасак жуҳало фи замонина аксар, аллалхусус музроғ гумроғ, шайтон, тирронча тараққий деганлардан кўп фисқи-фасод содир бўладир.

**Бошқалар.** Ҳо! Ҳо! Албатта лошак, лорибаҳ!

**Н. домла.** Акун ҳамма ишлар бизнинг қўлимизла кўп маалтаассуф ҳамин қадар айб қосирамиз борки забони ўрусия замониядан андак беҳабармиз ва илло биз шумкирдор, бадрафтор тараққийларни мамлакатдан бир кунда билкуллия бадарға қила олурмиз.

**Т. домла.** Филҳақиқат, гапашон тўғри, бир оз «нет-пет»га ўхшаган асҳалроқ калимотларин алаэзарураман баъзи мажолиси мутафарриқа ва арзгоҳларин асмоини бўлиб олсак эди, бехатарроқ эди.

**Н. домла.** Эҳ, у «нет-пет»лари осонку-я, бизни фиристуф тўра била инспектурларимиз «йўқ-нўқ»ларга тушуна олади, аммо петрилиси, метролисми шунга мушобиҳ тагин алланима радди балолари бор, айтиш кўп қийин.

Х. д о м л а. Сиз жаноб серкетар афанди, нолиш қилманг, уч-тўрт бор ҳисмотелний кабинетга бориб қанча русия забонини билуб қолдингиз.

Н. д о м л а. Дуруст ўзим ёлғиз бўлганда дадил айтавераман-ку! Лекин ўша исмотилний комнит фросотилига учраган вақтда акун бутун гум қиламан-да! Баччағарни сири босиб қолади дейман.

Т. д о м л а. Дарвоқе, мунозара фи айнил мавқид бўлди. Мен бу кеча шуни ўйлаб қўйган эдимки, эртага уламойи киром ҳазратларига тақдим қилурмиз. Агар мақбул ишонлари бўлса фратакулга киргизарсиз.

Б о ш қ а л а р. Ҳо! Ҳо! Қани!

Т. д о м л а. Биз тараққийларга кулги бўлиб қолмайлик. Бой афанди келсалар жаноб серкетар афанди ўшандоғ муҳим луғати муҳиммаларни таркиб маа таржумот ҳаммамизга ёзиб берсунлар, биз бир-икки кун такрорлаб олайлик, ҳеч боки йўқ.

С. д о м л а. Ахи, мавлоно мусаннифи «Чаҳор китоб»: «Гар зарурат бувад раво бошад» деб каромат қилуб қўйиптилар.

Т. д о м л а. Шундай охир замонларга-да!

Б о ш қ а л а р (*энгашиб таъзим ила*). Ҳо! Ҳо! Албатта, азизларни руҳларидан айналай: шундай мусибатли кунларни ба илми валоят билуб, доирайи шариятни ва-сеъроқ қилганлар-да!

Ч. Х. д о м л а. Хўп топдингиз-да, раис афандим! Биз ҳам сизни заковат ва хушмандлигингизни билиб, ижмоъи уммати изом қилганбиз-да. Раҳмаг-эй!

Н. д о м л а. Энди бугун мажлисда нима ишларга қарор қиламиз?

Т. д о м л а. Энди ҳали ишни ҳам чандон маълуми возиҳ эмас-ку! Шумо зикр қилган луғатларни ёд қилишга қарор қиламиз-да!

Б о ш қ а л а р. Ҳа, ҳа! Муҳим кор ҳамин вожиб турур. (*Бой кирур.*)

Л (*кириб келиб*). Ассалом, азизҳо!

Ҳаммалари туриб сўрашиб, ўлтириб фотиҳа қиларлар. Раис бойни ўринга таклиф қилар.

Хўш, хўш! (*Раисни ўз ўрнига қўйиб ёнига ўлтирар, уламолар диққат билан қараб турарлар.*) Ман ҳозир исполнон кабинетдан келаёпман, засидотелнинг айтишига қараганда, фридоволисной кобинит, катталар, ҳаммалари



бир бўлиб аллақандай реслупка қилишга қарор берганлар.

Бошқалар. Ҳе! Ҳе! Қандай яхши ислоҳ булупти-ку!

Л. Йўқ, тақсирлар! (*Пешона терларини суртиб.*) Бунда бизга кўп қийин бўлади.

Ф. домла. Гапни замоири мувофиқонасиндан хабарсиз яхши дейилаверилмасин. Мана, мана шунисида ёмон деб эшитганмиз.

Ҳаммалари бир-бирлари муноқаша қилурлар.

Бир и. Аввало адойи мафҳуми каломга гўш қилиб туриш керак...

Т. домла. Жаноб зоти киромдан рижо қилур эдим. Як нафас таваққуф этилса, токи бой ҳазратлари бу ишларни ҳаммасидан воқиғдирлар, воқиоти фажиани муфассалан ва ижмолан баёнот қилсалар, баъдаҳу ўзлари қайси бирини садоқат десалар, биз ҳам қабул қиламиз.

Бошқалар. Ҳо! Ҳо!

Л. Тақсирлар, жанобларингиз русчадан бутун беҳабарсизлар.

Мен ўрус келгандан буён ўрус ичинда аралашиб ҳамма сирридан бохабарман. Мен биргина айтиб ўтай.

Ҳаммалари макоми суҳанда «ҳо, ҳо» деб турарлар.

Т. домла (*секретарга*). Сиз ўшал луғатларни бойнинг оғизларидан чиққан замон ёзиб туринг!

Н. домла. Луғати русияни бо хати мусулмония ёзмоқ бисёр мушкул, бой афандини ўзлари марҳамат қилиб ёзиб берурлар.

Л. Рислупкани бизга кўп зарари бор эмиш. Зероки биздан подшо бўлмас эмиш, тагин аввалгидек қози, мударрис...ларни ҳакамлар, инспекторлар, губернаторлар сайлоб қилур эмишки, хотинларни кўчада паранжисиз

Ҳамма ёқасини ушлаб: «астағфирулло... наузан баллоҳ!»

чиқиб юриш фармонлари бўлур эмиш, ҳамда бойларни ер-сувлари, дўкон ва каттароқ ҳовлилари, пуллари, мадрасаларни вақфлари ҳаммаси — олиниб бечора кишига бўлиб берилар эмиш.

Ҳаммаси қўрқиб: «Е олло, бу қандай бало».

Энди бўлди буниси. Хўш? Ифтор, тўй, закот, хайри-  
эҳсон деган гаплар соп бўлади!

Ҳаммаси шивирлашарлар.

Ф. домла (*қўлини силкиб*). Эй! Бўлмайди! Бўлмайди!  
Биз шундай рисмупка-песмупкага кўнмаймиз.

Бошқалар. Ҳо! Ҳо! Кўнмаймиз! Ҳо! Кўнмаймиз!  
Бўлмайди, шариятда йўқ гап бу!

Т. домла. Мана ахир бойларимизни қўлларидан ер-  
сувлар кетар эмиш. Андин кейин иш нима бўлади!

Ҳамма. Йўқ! Асло мумкин эмас.

Т. домла. Уламоий изом дарҳол мажлис бўлсун-  
ми? Шунини бўлмаслигига қарор қилайликми?

Ҳамма. Ҳо! Ҳо! Тезроқ.

Ф. домла. Ҳаммадан илгари шу қарор керак. Иш  
вақтидан ўтмасин.

Л. Мен кириб қараб чиқай ош тайёр бўлгандир. (*Чи-  
қиб кетар.*)

Т. домла. Мана! Айтмадимми? Бой афанди русни  
ҳамма зақун ва қонунига моҳир алассавия.

Н. домла. Бой бўлмаса ишимиз хароб эдику-я!

Ф. домла. Бой афанди рескупкамас, ҳафтаномия  
бўлсин дейди.

Т. домла. Жамки мусулмон, ғайри дин боёнлар  
ҳафтаномия бўлсин, шунини ихтиёр қиламиз дермишлар.

Л. (*кириб*). Қани ош тайёр экан, бу меҳмонхонага  
кирайлик. (*Ҳаммаси турар.*)

Х. домла (*аёғ устида туриб*). У ҳафтаномияси ҳам  
бутун фалокат, ахир янги келган вақтда отлар ҳуркиб  
узиб, арабалар олиб қочиб, неча одамларни босиб ўл-  
дирмадимми?

Ҳаммаси ҳайрон турар.

Т. домла (*кулиброқ*). Йўқ, у араба-ку, тақсир! Уни  
ҳафтамабел дейди; ҳафтаномия бошқа.

Ч и қ и ш и б кетар.

Парда тушар.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Аввалги жой бўлиб, парда очилур.

Ф. домла (*қўлида бир пиёла чой, ошиқиб кириб стол узасина чойни қўйиб, қўйинини кавлаб*). Айтдим, шу сабилнинг тушлигини-да, дастурхонда еб келай деб! Мабодоки таъхир қилсак, бутун мени девона қиладир (*қутини олиб очувга тутиниб*), астағфирулло, акун, йўғ-э! Менга нима бало бўлди? Мен бир гиёҳванд домла, қашшоқ бўлсам, тинчгина оши худойини еб кекириб, шукур қилиб ётганим яхшимасмиди, мундай фалокат ишларга аралашгандан? Мана бугун Абдурасулбойнинг тўйидан ҳам' қолдим. Бирор тўн берар эди, сотиб тўрт пайса дору олар эдик, икки кун кайфу сафосини қилар эдик. (*Қутини ҳамон очолмай, тирнаб аччиғи ила.*) Эй! Падар наълат!.. Мен риспупка-мискупкани тушунмасам, ҳафтанўминг ҳам бошингни есин! Қандай охир замон бу? Аллақандай балолар рўй беради, бар падари ҳаммасига ҳам лаънат! Жувонмарглар! (*Эшикка қараб қутини силкиб.*) Сенга нима бало бўлди акун фиалъон?! Ҳали замон бири дохил бўлади-ю, шарманда бўламан-ов! Уҳ астағфирулло. (*Силкиб, тортиб юборгач, қути очилиб қўлидан тушиб дору тўкилиб кетар.*) Оҳ, фалокат, падар лаънат!.. Шарманда қилдинг-ку, охир! (*Эшикка қараб-қараб.*) Ё Баҳоваддин, бирор киши кириб келмасин! (*Бир озини оғзина ташлаб.*) Ҳар бало бўлса-да, заҳари маргимга еб қолай, акун вақт ғанимат! (*Чойни олиб ичаман деб, қўли туртиб чой-да тўкилиб кетар, аччиғ ила.*) Астағфирулло! Бу ишда фалокат падар

наълат! (*Ўқиб.*) О баччағар-э! Баччағарни аччиғлиғи ей! Заҳар-да, заҳар! (*Оғзини енгига артиб, қора дорини териб турганидан Н. домла кирар, Ф. домла шошиб қолар.*)

Н. домла (*муралаб*). Хўш, ҳазрати домла! Нима териб турибдилар?! (*Келиб бирини олиб қараб.*) Ин ҳаб — қувватул-боъҳозимул-меъдами?

Ф. домла (*яширолмай*). Нимаи! Ин акун сизга, сиз возиҳдир балки. Фақир шу сабилга гирифторбиз, баважҳ дафъи савдо, табиб буюрган.

Н. домла. Оҳо, айнал-мақсуд-ку!

Теришиб.

Хаб! Бу хабга мушобаҳати бор учун ман қора дорулиғини бутун шубҳа қилмадим. Биз-да камтар нўш қиламиз гоҳо!

Ф. домла. Баъзи жуҳало шубҳанок бўлмасун деб бечора табиб шундақа хаб мушобиҳ қилиб берган эди.

Теришиб бўлиб курсига ўлтирурлар.

Н. домла. Акун мен нав андак нўш қилган эдим, боз табаррукона як журъа нўш қиламиз-да!

Ф. домла (*рўмолчаси билан тўкилган чойни артиб*). Ҳо! Ҳо! Марҳамат кунед, марҳамат кунед! (*Қутини суриб қўяр*).

Н. домла. Бир нарса тўкилдими? (*Дорудан олиб оғзина солар.*)

Ф. домла. Фалокат чой тўкилиб кетган эди.

Ж. домла кириб келур, булар қутини яширолмай қоларлар.

Ж. домла. Салому алайкум.

Н. домла (*қутини олиб қараб искаб*). Эҳе! Худо дод-ку! (*Ўлтиришурлар, икки сатр тожикча шеър ўқир.*)

Ҳаммалари кулишурлар, оҳ оҳ, оҳ!

Н. домла. Шеър ҳам ўз мақомига зебиш келди-да!

Ф. домла. Албатта, акун жаноб домла ушшоқи боданишин-да, бинобарин аҳбобни рафторига юрарлар.

Ж. домла (*кулунчи юзла*). Агар ижозат бўлса биз-да камтар жураъи нўшанўш қилайлик!

Ф. домла. Қани, марҳамат кунанд!

Ж. домла озроқ ер, чойни учовлари ичарлар.

Ж. домла. Алҳамдулиллоҳ, (*соқолларини силаб*),

акун диллар сафо топди-да! Мажлисларимиз Жамшедвор бўлур.

Ф. домла (*қутини қўйнига солиб*). Ҳо! Ҳо! Албатта!

Н. домла. Энди бизга хилваткада бир маҳфил шўрбайи қобилий, алалхусус, бир маҳрами чойрез лозим бўлиб қолди!

Ж. домла. Шу мақомга бир рубоиёт ҳолимга хутор қилди.

Ф. домла. Марҳамат кунед.

Ж. домла тўрт сатр тожикча шеър ўқир.

Н. Ф. домла. Эй раҳмат! Эй кошки! Ува, Ува! Ува! Би! Би! Би!

Ф. домла. Рубоийи марғуби асаб, ҳай, ҳай! Ҳай!

Бир оз хаёл сурурлар.

Ф. домла. Акун менинг хаёлимга бир гапи машварат келадир.

Ж. домла. Хўш, нима машварат?! Бефармоянд!

Ф. домла. Ҳамин устолларни олиб ерда ўлтирсак бўлмайдими?! Зероким айни сафойи кайфда йиқилуб кетиб авҳоми кишини андак носаранжом қиладир. Нашъани мазаси кетадир.

Ж. домла. Оре, оре! Ин машварат бисёр хўб. Ҳали аъзолар кирсалар, биринчи масалага шунини арз қиламиз. Балки (*Н. домлага қараб*) прокатул (протокол)га ҳам киргизамиз, нима дейсиз?!

Н. домла (*пинакка кетган эди*). Маъқул.

Ф. домла. Бисёр нўш карданд-да!

Бошқалар кулишиб кириб келурлар. Жой-жойларига ўтирарлар, тишларин қовлаб чой ичарга тутунурлар, котиб дафтарни тўғриловга тутинар, бой ҳам кириб ўтирар.

Т. домла (*ўрнидан туриб*). Уламоийи киром! Акун мажлиси ибтидо бўлсинми?

Ҳамма. Ҳо! Ҳо! Ҳо! Албатта, бўлсин!

Ф. домла (*ўрнидан туриб*). Бажаноб уламоийи изамайин арз!

Т. домла. Марҳамат қилсунлар! (*Котиб пинакда.*)

Ф. домла. Агар мумкин бўлса ҳамин устолларни олдириб ерда чаҳор зону қилуб баҳазур ўлтирсак бўлмайдими?!

Ж. домла (*тақвия этарак*). Албатта мумкин, бизларга бу ўзи ҳам кўп кароҳат кўринадур. Бу ўша ўрус

табиат тарақ-марақчиларга тузук, биз аларнинг қилганини қилмайлик.

Т. домла. Уламоий киром қабул кўрсалар, ҳозир кўтарурмиз!

С. домла. Дарҳақиқат бисёр хўб, ўзимизни қондан куллиямиз.

Ш. домла. Мен ҳам шуни неча карра арз қилай дедим, андак одоб ва истиҳолога бориб сукут қилган эдим. Бизга дарҳақиқат бунда ўтиришни зебиши йўқ (*бойни кўрсатиб*), яна бой афанди билалар.

Ҳамма. Ҳо, Ҳо! Ҳо! Қани, бой афандим.

Л. Менинг ақлимча, зарари ҳам йўқ эди. (*Туриб*.)  
Хайр, бўлмаса оламиз.

Ҳаммалари турурлар, бой хизматчисини чақириб стуллари ташитар. Уламолар эшикка чиқиб турурлар, жой ростланур, бой бир хонтахта келтуриб бурчакроққа раис ва котибга жой қилиб таклиф қилур, ҳаммалари кириб, кўп-кўп такалуф баъдида жойларига ўлтиришиб қайтадан фотиҳа тортиб.

Ҳамма. Мана бу қандай роҳат, алҳамдулиллоҳ.

Ф. домла. Раис ва серкетар афанди улуғ кишиларда, акун буларга тагин бой афанди алоҳида жой, устол қилганлар.

Ҳамма. Ҳо! Ҳо! Ҳо! Булар бизларни йўлбошчимизда акун. (*Кулишарлар*.)

Ж. Домла (*котибга*). Энди бунини парокотўлага ёзиш ҳожат эмас-да, а?

Ҳамма. Йўқ, йўқ! (*Кулишурлар*.)

Т. домла. Хўш, энди мажлис ибтидоъ ба бисмиллоҳирраҳмонирраҳим, аввал аз кадом масала муназара қиламиз. (*Котиб пинакда*.)

Ж. домла. Эндилиги бой афанди айтган респубка ми нима бало эди, шуни ҳал қилайлик!

Ҳамма. Ҳо! Ҳо! Ҳо! Шулар зарур, хатарноки шулар.

Л. Энди, тақсирлар, менинг ақлимча, декмиротческий респубка бизга жуда, жуда зарарлик.

Ҳамма. Йўқ, йўқ! Уни биз қабул қилмаймиз, бекор у, рад қилиш керак.

Л. Кошки энди ўшал ҳафтаномиа бўлса, мен ҳайронман.

Масала раис тарафидан мунозарага қўйилур.

Х. домла. Жаноб бой афанди марҳамат қилганларини дар воқиян кўп музир, алалхусус, аҳком ва аркони динга бутун куллан ва жузъан муҳолиф, чунки, ҳаж,

закот, фитр, ушр, қурбон, садақа, тўй, ҳатми қуръон, хатми хўжа, чиҳлёсин каби муҳим ҳайрот маъруф ва вожибларини ҳаммасига монидир. Бунга биз ислом уламулари албатта муҳолиф турушимиз керак. Чунки, биз варасатуланбиёбиз. Жаноб зулжалол тарафиндан халқни ҳидоятга маъмурбиз. Ҳушёр бўлишимиз керак. Мен шуни арз қиламан.

Ҳ а м м а. Раҳмат, раҳмат.

З. д о м л а. Энди адабга хилоф бўлса-да, фақир бир арз қилиб ўтай! Жаноб Х. домланинг сўзлари тўғри, лекин масала, қарши турув ва турмовда эмас, бари буни қандай қилиб адо қилиб жойловдир. Бизнинг мунда ўлтириб қарши турувимизнинг ҳеч фойдаси йўқ!

Ф. д о м л а (*шошилиб*). Эй, бас қилинг-эй! Бўлмайдие, бизни уламо дейдилар, биласизми?! Биз қабул қилмагандан кейин кимдир уки, бизга лом, мим демоқ тавона бўлсин! Биз ўзимизча қилармидик, шарҳи фатвойи, шарҳи маашарҳи ислом... ларга қараб қиламиз.

Ҳ а м м а. Дарвоқиян аҳкоми шариаат манъ қилдир-да.

Т. д о м л а (*Ф. домлага*). Илтимос қилур эдим бу зот сўзларини тамом қилса.

Ф. д о м л а. Рафтораш маълум-да!

И. д о м л а. Демакратический республика ярамас экан,... Мана шуни билиб Қопказ, Эдил бўйи татарларни... ҳар қайсилари алоҳида афтономия эълон қилмоқчилар.

Ф. д о м л а (*аччиғлаб*). Нагуфтамми? Қора поёнаш маълум ҳам!

З. д о м л а. Ина бизлар ҳам шулардан бирнга яъни Қопқазга ёки татарларга ёки мумкин топилса мана энди, Тошкент ёки Қўқонда Туркистон кироийи бирлашиб хусусий афтономия эълон қилсак.

Ф. д о м л а. Айтмадимми бу киши ҳам газнет ўқийдирлар, яки аз тароқчи. Биз яна энди шул дин бузуқи гумроҳларга қўшилар эканмиз-да, ҳайҳот! Балол!

Н. д о м л а. Йўқ, тақсир, биз аларни ҳафтаномиясига қўшилмаймиз!

Ш. д о м л а (*бойга қараб*). Бой афандим шул шўрвомизга ўхшаш алоҳида ҳафтаномия эълон қилсак бўлмасмикин?

Л. (*З. домлага қараб*). Сўйланг!

З. д о м л а. Афтономия бир шаҳарда беш-ўн жойда

бўлмайдир, балки бўлса шул Туркистон кироида бир бўлур.

Л. Дарвоқибъ, мен ҳам шундай деб эшитган. Энди эсимга тушди Ҳо! Ҳо! (*Мўйловларин бурар.*)

Ф. д о м л а (*ҳамон аччиғланиб*). Биз унга-да, мунга-да қўшилмаймиз.

Т. д о м л а. Жон тақсир, шунча мусулмон ва муслималарни беш-ўнта хатозадаларни қўлига топшириб қўямизми? (*Котиб пинакда.*) Жаноб серкетар афандидан ҳам бир сўраб кўрайлик.

Раис туртиб қўяр, котиб бошин кўтарар.

Л. Жанобингиз нима дейсиз?

Н. д о м л а. Мо дарча хаёлифалак дарча хаёл ҳарчи бодо бод! Сиз жанобларга нима маъқул бўлса бизга-да шул ахир. (*Яна пинак.*)

З. д о м л а. Энди яна бир маслаҳат борки, биз ҳозир афтономия деган сўзни қўюб, фостоновленини қилайлик. Демакратический республикага қаршибиз деб яна қараб турайликчи баъзи жамиятлар ва атрофлар нима қилишурлар

Т. Л. Дарвоқе, маъқул гап (*котибга, туртиб*), сиз буни ёзинг.

Н. д о м л а. Нима деб ёзамиз. (*Қалам ахтармоқда, туртиниб яна пинакка кетар.*)

Бу ҳолда эшикдан юрт дастурхончиси салом қилиб кириб.

Д а с т у р х о н ч и. Абдурасулбойникида ҳозир соат учга уламо оши эди. Мен мадрасаларга бориб тополмадим. Шўрои исломда деб ароба олиб келдим.

Шу ҳолда котиб муовини димоғига нос солиб бурнига тортар. Котиб қаттиқ пинакда.

Ҳозир марҳамат қилурлар.

Ҳ а м м а (*бир-бирига қараб, соатга қараб*). Вақт ҳам қарийб.

Т. д о м л а. Бўлмаса ҳозир борайлик-да, кейинги мажлисда ёзармиз.

Б о ш қ а л а р. Ҳо, ҳо, ҳо! Кўп яхши бўлади! (*Шул ҳолда Х. домла бор овози билан акса уради.*)

К о т и б (*бирдан чўчиб қичқириб.*) Ё оллоҳ! (*Чойнак, давот, қоғоз, дафтарларни тўзитиб юборар.*)

Ҳамма бир чўчиб бир қаҳқаҳа уриб ўринларидан туриб чиқа бошлайдилар.

Парда тушар.



## ИЗОҲЛАР

«Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» пьесаси Ҳамза Ҳакимзода томонидан 1915 йилда ёзилиб, 1916 йили Тошкентда литографияда босилиб чиққан.

Бу пьеса 1918—20 йилларда Ҳамза бошчилигидаги «Ўлка сайёр драмтруппаси» ва Маннон Уйғур бошчилигидаги Карл Маркс номи театр труппаси томонидан кўп марта саҳнага қўйилган.

Бу тўпламда пьесанинг 1916 йилда нашр этилган нусхасига мувофиқ (Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти фонди, инв. № 8180), бир оз қисқартишлар билан босилди.

«Бой ила хизматчи» пьесаси Ҳамза томонидан 1918 йилда ёзилган ва ўша йили Ҳамза раҳбарлигидаги «Ўлка сайёр драмтруппа» коллективи томонидан биринчи марта саҳнага қўйилган. Шунингдек, ўша вақтларда бошқа театр труппалари, жумладан М. Уйғур раҳбарлигидаги Карл Маркс номи театр труппаси репертуарида ҳам доимий ўрин олиб келган.

Асар нашр этилмаган булиб, қўл ёзма нусхалар театрдан-театрга ўтиб юрган. Ҳозирги кунгача унинг нусхаларидан бири етиб келган, асли тексти эса, ҳали топилгани йўқ.

Бу тўпламда берилган «Бой ила хизматчи» 1939 йилда драматург Комил Яшин томонидан тикланган нусхадир.

Драматург К. Яшин асарни тиклашда қўйидаги материалларга асосланган:

- 1) «Бой ила хизматчи»нинг мавжуд нусхаси.
- 2) 1919—20 йилда Ҳамза бошчилигида «Ўлка сайёр драмтруппаси» томонидан саҳнага қўйилган вақтда чиқарилган театр афиша-

ларидаги батафсил маълумотлар (у афишаларда ҳар қайси пардадаги воқиаларнинг қисқача мазмуни айтилган).

3) «Бой ила хизматчи»ни ўша вақтларда саҳнага қўйишда бевосита қатнашган ва унда турли ролларни бажарган артистларнинг хотиралари.

Шунинг билан бирга, драматург К. Яшин асардаги баъзи воқиаларни кенгайтирган. Бунда ҳам яна Ҳамзанинг ўзига мурожаат қилган. Масалан, Қодирқул мингбоши. Ҳасан, Холмат образлари Ҳамзанинг «Бурунги сайловлар» (1926) драмасидан олингандир.

Лекин «Бой ила хизматчи»нинг охири парда — Ғофирнинг сургунда рус коммунистлари билан танишиб, дўстлашиб, улардан таълим олгани ва революция натижасида уларнинг ҳаммасининг озод бўлганликларининг тасвири ҳали саҳнада тикланмаган.

«*Лошмон фожиаси*»дан 3-бўлим ёхуд «*Истибод қурбонлари*»— 5 пардали фожа бўлиб, 1918—19 йилларда ёзилган ва «Ўлка сайёр драмтруппаси» томонидан Фарғона, Тошкент саҳналарида, ҳамда Закаспий ва Фарғона фронтларида Қизил Армия қисмлари ва аҳоли ўртасида кўп марта кўрсатилгандир. Асар нашр этилмаган ва асл қўлёзмаси бизгача етиб келмаган. Ҳозирча унинг 1920 йил сентябрда кўчирилган бир копиясига эгамиз. Бу нусха Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Адабиёт музейида сақланмоқда. Ана шу нусха асосида нашрга тайёрланди.

«*Тухматчилар жазоси*», «*Ким тўғри?*»— Ҳамзанинг дастлабки ҳажвий асарларидандир. Бу асарлар 1918 йилда ёзилган бўлиб, 1919—1920 йилларда Ҳамза бошчилигидаги «Ўлка сайёр драмгруппаси» ижодий коллективи томонидан кўп марта саҳнага қўйилган.

Бу пьесаларнинг текстлари эса, ўз вақтида нашр этилмаган. Ҳозирда уларнинг иккинчи даражадаги нусхаларигагина эгамиз.

Бу пьеса унинг мавжуд нусхаси текстига мувофиқ биринчи марта 1939 йилда нашр этилган эди. Бу тўпламда ўша нашр этилган текстга мувофиқ босилди.

«*Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши*». 1926 йил август ойида Фарғона район Оввал қишлоғида ёзилган ва нашр этилмай, қўлёзмалигича қолиб кетган.

Унинг асли қўлёзмаси 1939 йилда топилди. У, қалам билан дафтарга ёзилган бўлиб, анча уринган, кўп сўзлар ўчиб қолган. Шунингдек, бир неча саҳифаси йўқолган.

Бу қўлёзма Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда. (Инв. № 7628.)

«Майсаранинг иши» асари бу тўпلامда унинг ана шу асли қўлёзмаси текстига мувофиқ босилди. Учиб кетган сўзлар ўрни бўш қолдирилди.

«Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллагичлар иши» пьесаси Ҳамза томонидан 1927 йил март-май ойларида Фарғона район Оввал қишлоғида ёзилган бўлиб, нашр этилмай, қўлёзмалигича қолиб кетган.

Бу асарнинг асли қўлёзмаси 1939 йилда топилиб, ҳозирда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Асар шу қўлёзма текстига мувофиқ (баъзи қисқартишлар билан) босилди.

«Бурунги сайловлар» пьесаси 1926 йил ноябрь ойида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов муносабати билан ёзилган бўлиб, ўша йили «Зарафшон» газетасига қўшимча қилиб, алоҳида брошюра тарзида нашр этилган эди. Ана шу брошюра тексти асосида берилди.

«Мухторият ёки автономия» пьесасини Ҳамза 1917 йил февраль буржуа-демократик революциясидан сўнг ёзган. Бу асарда меҳнаткашларнинг тобора юксалиб бораётган революцион ҳаракати олдида уламоларнинг паришон ҳолга тушиб қолганлари, халқ ғамидан тамоман бегоналиклари ва фақат ўз мавқелари ва имтиёзларини сақлаб қолиш йўлида уринишлари, бойларга қарам бўлиб, улар нимани маъқулласалар ўшанга қўшила беришлари, жумладан буржуа автономияси тузмоқчи бўлганларини эшитиб, ўшани ёқлаганликлари тасвирланади.

Езувчи уламоларнинг нодон, ўлгидек суқ, ғоявий жиҳатдан тубан махлуқлар эканини ҳажвий лавҳаларда кўрсатиб берган.

Асар тугалланмай қолган. Ана шу мавжуд текст асосида нашрга тайёрланди.

Ю. СУЛТОНОВ

## МУНДАРИЖА

Заҳарли ҳаёт ёҳуд ишқ қурбонлари . . . . .	5
Бой ила хизматчи . . . . .	27
Истибод қурбонлари („Лошмон фожиасидан учинчи бўлим“) . . . . .	101
Тухматчилар жазоси . . . . .	143
Қим тўғри . . . . .	157
Бурунги қозилар ёҳуд Майсаранинг иши . . . . .	171
Паранжи сирларидан бир лавҳа . . . . .	223
Бурунги сайловлар . . . . .	285
Мухторият ёки автономия . . . . .	315
Изоҳлар. Ю. Султонов . . . . .	329

*На узбекском языке*

Хамза Хакимзаде Ниязи

СОБРАНИЯ СОЧИНЕНИЯ В ДВУХ ТОМАХ

*Том II*

*Гослитиздат УзССР — 1960 — Ташкент*

*Расмол И. Икромов*

*Расмлар редактор Г. Бедарев*

*Техредактори М. Парпихужаев*

*Корректор А. Аҳророва*

• • •

Босмаҳонага берилди 18/VIII 1960 йил, Босишга руҳсат этилди 17/X-1960 й. Формати 84×1081/32. Босма л. 10,375. Нашр. л.18, 52 Шартли босм л.17,0. Индекс 6/а. Тиражи 25 000. УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 161—60.

• • •

УзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатнинг 1-босмаҳонаси Тошкент, Ҳамза кўчаси 21, 1960 й. Заказ № 439. Баҳоси 13 с. 10 т.

1961 йил 1 январдан баҳоси 1 с. 31 т.